


Бобурбек Эгамбергaнов

ҚАДИМГИ МИСР
ВА
МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ

(Қиёсий диншунослик фанларига асосланган)

*Диний ва илмий манбалар асосидаги
оммабон рисола*



Тошкент
«Zilol buloq» нашриёти
2022

УЎК 26-9(32)
КБК 86.33г(6Миср)
Э 18

Эгамберганов, Бобурбек

Қадимги Миср ва Мусо алайҳиссалом / Тошкент,
«Zilol buloq» нашриёти. 2022. 360 б.

Мазкур рисолада Қуръони каримда номи зикр қилинган пайғамбарлардан Мусо алайҳиссаломнинг ҳаётлари батафсил келтирилади. Рисола қиёсий диншунослик фанларига асосланган бўлганлиги сабабли, бошқа дин (яхудий)ларда Мусо алайҳиссалом ҳаётлари қандай талқин этилгани ҳам кўриб чиқилади. Мусо алайҳиссалом ҳаётларидан бошқа бандалар учун ўрнак ва ибрат борлигига янада ишонч ҳосил қилса бўлади. Рисоланинг оҳирги бобида, муборак Қуръони карим ва ҳозирги классик Таврот китобларида у зотнинг ҳаёт йўллари, даъватлари, фиръавн билан бўлиб ўтган тортишувлар, унга ёғилган балолар, сувнинг қонга айланиши ва шунга ўхшаш Қадимги Мисрдаги бўлиб ўтган барча воқеа-ҳодисалар илмий назариялар орқали асослаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 25.04.2022 санадаги 03-07/3157-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

ISBN 978-9943-5820-2-6

© Бобурбек Эгамберганов, 2022

© «Zilol buloq» нашриёти, 2022

МУҚАДДИМА

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Сизу-бизни яратган, жамики мавжудиятни бор қилган, аввалу-охир бўлган, калом, илм, қудрат ва ирода сифатларининг эгаси бўлмиш Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога ҳамду-санолар бўлсин, Унинг яратмиш борлигию неъматлари ва бандаларига инъом этувчи санад етмас ризқлари учун чексиз шукроналар бўлсин!

Бандаларнинг азизи, пайгамбарларнинг улуғи, самовиятнинг буюк мақомлари эгаси, йўлбошимиз, шафоатчимиз ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ҳабиби, икки олам сарвари ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) га саловат ва саломлар бўлсин!

Ислом динимизнинг муборак илмлари ва дунё илмлари ила уйгун ҳолда, дини Ислом йўлида ёзган ушбу илк рисолам барча мўмин-мусулмонларга, китобхон, диндошларимизга хайрли ва баракотли бўлишини тилайман.

Азиз китобхон!

Ушбу илмий рисолаи Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг фазли карами ила, Унинг Қуръони карими, ҳадис ва ақийда каби гўзал илмларга асаосланиб ёзишга ҳаракат қилдим.

Ислом ва дунё фан тараққиётида кўплаб ўзгаришлар ва кашфиётлар қилинмоқда. Бунинг наъдани¹ шуки, ин-

¹ Наъдан – сабаб.

сониятга илмни тўғри ва тўқис етказиш, ҳақиқий илмни юзага чиқариш ва нотўғри бўлган маълумотлар(илмлар) га раддия беришдан иборатдир. Бу илм-фаннинг барча соҳаларига оиддир, хоҳ биология, тиббиёт, тарих, кимё, математика ёки физика бўлсин, ҳар бир фан ёхуд илм вақт ўтгани сайин ўзининг янги қирраларини очиб бормоқда. Биз оддий бандалар буни билиб, англаб боряпмиз, лекин борлиқ ва у ҳақдаги илмлар аслида олдиндан Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло томонидан яратилгандир, биз уни кейинчалик тадқиқ қилиб биламиз холос. Яъни, илм – аслида чегарасиздир, унинг чегараси ва поёни йўқдир. Муборак ҳадисларда, у(илм)ни изловчи, ўрганувчи ёки билмаганини билгандан сўровчи ҳар бир банда катта савобларга эга бўлиши айтилади. Хусусан, **«Кимки дунёни хоҳласа, илм олсин, кимки охиратни хоҳласа ҳам илм олсин»**, – деб айтилган.

Аслида, ҳадислар ўз моҳиятига кўра Қуръони каримдан кейин иккинчи манба, энг мўътабар ҳикматлар мажмуасидир. Ҳадисларда илм поклик, ҳалоллик, кишиларни яхшилик сари бошловчи сабабчи тариқасида талқин қилинади.

Ана шу чек-чегараси бўлмаган илм соҳиби бўлмиш Алламул-Ғуюб¹ ва Алийм² бўлган зот, ўз бандаларига шу илмни ирода этса юзага чиқади, бўлмаса ўзининг сирлар оламида қолади.

Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Язид Тайфур ал-Бистомий, Имом Ғаззолий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Бехбудий, Мунаввар

¹ Алламул-Ғуюб – ғайб илми олими, – Аллоҳ таолога нисбат берилади, фақат унга хос бўлган исм ва сифат

² Алийм – олим, Аллоҳ таолонинг буюк сифатларидан

қори каби улуғ зотлар ҳаёт тарзи, илм учун фидойилиги, эътиқодининг поклиги билан барчага ибрат бўлганлигини билиб олиш мумкин. Демак, диний ва дунёвий маърифатни жам қилган, ана шу ҳар икки илмни эгаллаган кишининг икки дунёси ободдир. Мустақиллик туфайли фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда, Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбанд таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари, Имом Ғаззолийнинг дин ва дунё ҳақидаги қарашлари, Юсуф Ҳамадонийнинг тасаввуфи, Имом Мотуридийнинг ҳидоят каломи, Ғиждувонийнинг таълим-тарбияга оид ўғитлари асосида тарбия қилиш имконига эга бўлдик.

Эндиликда эса, сизларга тақдим этилаётган рисола ҳақида бироз сўз юритсак.

Мазкур рисола Мусо алайҳиссалом ҳаёти ва фаолиятига доир барча диний-эътиқодий маълумотларни илм-фан назарияси билан асослаш, далиллар келтириш, Мусо алайҳиссалом яшаб ўтган давр, жамият, ижтимоёт, воқеалар хронологиясини ўрнатиш мақсадида қилинган илмий-тадқиқотнинг натижасидир. Ўтказилган тадқиқот давомида Мусо алайҳиссалом ҳақида барча диний маълумотлар, хусусан у зотнинг ислом динидаги талқини ва яҳудий динидаги талқинлари ўрганилган, Қуръони Карим ва ҳозирги классик Таврот китобларидаги қиссалари таҳлил қилиниб, илмий далиллари излаган. Китоб илмий рисола эканини инобатга олсак, унда фақат илмий маълумотлар бўлиши кўзда тутилган эди. Аммо, уни барча тушуниб, яхши кўриб ўқиши учун эътиқодий ва ақидавий маълумотлар ҳам қўшилди. Хусусан, ислом динидаги ақидавий-тарихий мавзулар баъзи олимларимиздан олинди, чунки, уларни келтириш учун ёзувчининг ўзи тафсир қилиши ва ҳадис илмларини, калом илмларини мукаммал билмоғи лозим. Мусо алайҳиссалом-

нинг ҳаётий қиссаси тўлиқ устоз Зиёвуддин Раҳим томонидан таржима қилинган юксак ва чуқур илм эгаси бўлмиш Муҳаммад Сайид Тантовийнинг талқинидан ва китобидан олинди. Аллоҳ таоло уларга ҳам шу илмларни ўрганаётганларни савобини етказиб турсин ва улардан рози бўлсин!

Илмий рисола ва мазкур тадқиқотлар диншунослик фанларига асосланган бўлиб, ўзида қиёсий диншунослик ва тарих йўналишини ҳам қамраб олган.

Тадқиқот давомида Мусо алайҳиссаломнинг яшаб ўтган худуди бўлмиш Қадимги Миср цивилизацияси тарихи чуқур ўрганилган. Хусусан, у зот яшаб ўтган даврни аниқлаш мақсадида, Қуръони каримда келтирилган Мусо алайҳиссалом қиссаси тафсилотлари тарихий воқеа ва ҳодисалар билан қиёсий таҳлил қилинган, 400 га яқин фиръавннинг ҳаёти ва ўлим тарихлари ўрганилган, Қадимги Миср жамиятининг дини, халқнинг эътиқоди, иш жараёнлари, яшаш тарзи, экологик ҳолатлари тўлиқ кўриб чиқилган. Ислом дини ва яҳудийлик динларида Мусо пайғамбар қиссаси қандай талқин қилиниши келтириб ўтилган. Бундан ташқари, биламизки, Мусо алайҳиссалом, динимиздаги энг машҳур пайғамбарлардан бири ҳисобланиб, у зотга Таврот нозил бўлган ва унинг замонида яна бир қанча пайғамбарлар ҳаёт бўлган. Хусусан Шуайб ва Ҳорун алайҳиссаломлар Тавротни қайтадан тиклаган Узайр, Юъша ибн Нун ва Ҳизр каби Қуръонда зикр қилинган муборак шахслар шулар жумласидандир. Яъни, Мусо алайҳиссаломнинг ҳаёти илмий жиҳатдан тўлиқ ўрганилиб асослаб берилиши, унинг атрофидаги ана шундай муборак шахслар фаолиятини аниқлаштириш ва илмий асослашга ёрдам бўлади.

Аллоҳ таоло насиб қилса, уларнинг ҳам қиссалари илмий тадқиқот қилиниб, фан ва тараққиётда эътиқодданда илмийликка асосланган ҳақиқий тарихга айлана-

ди. Илмий рисола хотимасида Мусо алайҳиссалом номи зикр қилинган Қуръони каримдаги барча оятлар ва унинг номи зикр қилинган Тавротдаги барча оятлар илова қилинган. Китоб диний даъват ва у ёки бу динга чақириш ғояларидан йироқ бўлиб, ўз йўлида Ислом фанлари ва Қуръони каримдаги оятларни исботлаш мақсадларидан бошқа мақсадларни кўзда тутмайди.

Аллоҳим ушбу китобни ўқиган илм талабидаги бандаларингни илм ва иймон нури ила қалбларини мунаввар айла, ақл ва закосини ирфон ила зийнатла, биз бандаларингни марҳаматинг ва раҳматингдан йироқ қилма, барча мўмин-мусулмон бандаларингдан рози бўл, ўзинг бизни нафсимизга ташлаб қўйма, нафсимизни жину-шайтоннинг шарридан асрагин. Ҳабибинг ва расулинг ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) га чексиз саловат ва саломларимизни етказ, пайғамбаримизга денгиз тўлқинларининг миқдорича раҳматларингни ёғдир!

Китоб мутолааси хотимасида Аллоҳ таолонинг ночор қули ва илм талабидаги бандаси Бобурбек Эгамбергановни дуо қилиб қўйинг, азиз Китобхон!

Муаллиф

ИЛМ – ИСЛОМНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИДИР

*«Ё олим бўл, ё илм ўрганувчи, ё тингловчи,
ё илм сеувчи! Бешинчиси бўлма – маҳв бўлурсан!»*

Ҳадис

Илм ўрганувчилар ва уни ўргатувчилар қандайин яхши, қандайин бахтли инсонлар. Муборак динимизда уларнинг мақомлари бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам улуғла-ниши келтирилади. Илм – пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг биз умматларига мероси ва васия-тидир, бизни бошқалардан, бошқа дин вакиллари-дан, бошқа жонзотлардан ажратиб тургувчи хислатлардан биридир.

Батаҳқиқ, яратган Аллоҳ ўз бандаларига илм олиш ва илмла иш кўриш учун ақлни инъом этган зотдир. У бизларга илм ўрганиш ва уни ёд олишни ўргатган меҳрибон зотдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Муҳаммад сураси 19-оятда шундай деб марҳамат қилади:

فَاعْلَمُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاسْتَغْفَرَ لِدُنْيَاكَ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ

Бас билгин: Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ, ўзингнинг, мўминларнинг ва мўминаларнинг гуноҳларини мағфират қилинишини сўра.

Имом Ал-Бухорий ўзининг «Саҳиҳ» асарининг бир бобини «Илм – сўз ва амалдан олдиндир» деб номлаб, изидан юқоридаги оятни келтиради. Кейинги ўринда эса: «ва Аллоҳ барчасини илм билан бошлаган» деб таъкид-

лайди.¹ Ибн Ал-Мунир «У бу билан сўз ва амалнинг шарти – илмдир демоқчи бўлган» деб изоҳлаган.² Ҳақиқатан, ҳар бир нарсанинг – гапиришнинг ва амал қилишнинг асосида илм ётади. Имом ал-Бухорий бу сўзлари билан китоб ўқувчиларига пухта илм ўрганиб, яхши тушуниб олиб, кейин амал қилишни кўрсатган. Агар билса, тушунса, англаса – гапиради ва барчасига амал қилади. Али ибн Абу Толиб: «Илмсиз ибодат қилинганда яхшилик йўқ ва тўғри тушунилмаган илмдан ҳам наф йўқ» деганлар.³ Яъни, илмсиз бўлса, ибодат ёки қайсидир амал қандай қилинишини билмаса, тушунмаса, ундан яхшилик ва наф йўқдир. Шунинг учун, энг аввало ҳар бир нарсани пухта ўрганиб, билиб олгандан сўнг амал қилишга ва тарғиб қилишга, ўргатишга ўтилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам илмни иймоннинг мевасига қиёслаб шундай марҳамат қилганлар: **«Иймон яланғоч бир нарса бўлса, унинг либоси тақво, зийнати ҳаё, меваси эса илмдир»**. Дунёдаги ҳар бир соҳанинг, ҳар бир ишнинг ўз илми мавжуд. Киши ўз ишининг билимдони бўлиши учун ўша соҳанинг илмини эгаллаши шарт. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидир. Унда илм бўлиши билан, тақво ва ҳаё ҳам ўз-ўзидан мавжуд бўлади.

Шунингдек, Али ибн Абу Толиб, Ибн Масъуд, Ибн Умар, Абу Саид Ал-Худри, Ибн Аббос ва Ҳусайн ибн Алининг ривоят қилишларича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам **«Илм олиш ҳар бир мусулмон бўйнидаги бурчдир»** деганлар.⁴ Чунки, Аллоҳ таоло

¹ Саҳиҳ ал-Бухорий 1/211.

² Фатҳул-Барий 1/211.

³ Абу Хайсаманинг «Китабул илм» 122, Ал Ажурийнинг «Ахлоқул Уламо» китоби 45.

⁴ Ибн Можа, Ат-Табароний, Ал-Байхақий.

туширган муборак диннинг тарафдорлари ва умматлари, илмда ҳам, маърифату-ирфонда ҳам ва касбу-ҳунарда ҳам олинда бўлиши керакдир. Аслида эса, Аллоҳ таолонинг бандаси бор эканки, ўзининг мўмин-мусулмон деган гўзал номини сақлаб, уни янада орттириш учун шахсий-инсоний сифатларини зийнатлаб бориши лозим. Хусусан, ахлоқининг гўзал бўлмоғи, ибодатда бардавом бўлмоғи, чиройли аммо исрофсиз кийинмоғи, хушбўйланиб, илмда ҳам олим бўлиб юришлиги маҳбуб кўрилади. Расулдулоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ана шундай гўзал ва муборак меросларини биз умматларига мерос қилиб кетганлар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда марҳамат қилади:

هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ

Билган зотлар билан билмайдиган кимсалар тенг бўлурми?¹

Аллоҳ таоло ўзининг каломида шундай деб илмли кишиларнинг илмсизлардан устунлигини таъкидлаб ўтган. Чунки, шу илм фазилати ила банда Яратувчисини танийди, унинг каломини тафаккур қилади, ҳаёт сўмоқларидан тўғри йўл билан чиқиб кетади, адашиш ва нафсига қул бўлишдан омонда бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннат йўлини енгиллаштиради»** деб илм аҳдини мақтаганлар.

Абу Лайс Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: «Ким олимнинг олдига келиб, у билан бирга ўтирса, унинг илмини эгаллашга қодир бўлмаса ҳам, унга етита яхшилик берилади: таълим олувчиларнинг фазилатига

¹ Зумар сураси, 9-оят.

эришади, олим билан бирга ўтиришда давом этса, гуноҳ ва хатолардан ҳоли бўлади, уйдан чиқса унга Аллоҳ таолонинг раҳмати тушади, олимнинг олдида ўтирганларга раҳмат тушади, модомики эшитиб тураркан – унга ҳам яхшилик ёзилади, фаришталар олимлардан рози бўлиб, уларни қанотлари билан ўраб турадилар, табиийки, ушбу мажлисда ўтирган илмсиз киши ҳам бундан насиба олади, ҳар бир қўйган ва қўтарган қадами гуноҳлари учун каффорат бўлади, даражасини юксалтиради ва яхшиликларини зиёда қилади. Сўнгра уни Аллоҳ таоло бошқа олти нарса билан ҳам икром қилади. Олимлар мажлисида қатнашишни яхши кўриш неъматини билан мукаррам қилади, олимга эргашган ҳар бир кишининг савобидан камайтирилмасдан унга ҳам берилади, агар улардан биронтасининг гуноҳи кечирилса, у бошқаларга ҳам шафотчи бўлади, қалби фосиқлар мажлисидан совийди ва солиҳлар, таълим олувчилар йўлига киради.

Ислом дини ва унинг кўрсатмаларининг инсон ҳаётининг ҳар жабҳасида фойдали ва зарурлиги барчага маълумдир. Айниқса, кейинги пайтларда Қуръони карим оятларининг илмий нуқтаи назардан исботланиши ва асосланиши барча олимларни лол қолдириб, динимизга нафақат эътиқод сифатида, балки яхлит фан сифатида қарала бошланди. Шунинг учун ҳозирда дунёга Ислом фанлари атамаси кириб келди, унга фан сифатида қаралиши, унинг нақадар асосли ва мукамал қилиб юборилганидан далолатдир. Асосийси шундаки, ушбу исботли далиллар ва асослар динимизни янада мустаҳкамлаб, динимизга бўлган ишонч ва эътиборни оширяпти, дунё бўйлаб ислом бағрикенглиги кенг тан олинмоқда.

Юртимиз тарихдан ўзининг олиму-фузалолари муборак кишилари билан мақталиб келган, улар сабаб


илм-фаннинг қўп ютуқлари забт этилган. Айниқса, улар болалик пайтиданоқ илмга бўлган муҳаббати сабабли Аллоҳ таоло уларнинг мартабаларини улуг қилган. Улар илмларда юксак билим ва даражаларга эга бўлишган. Хусусан, Алишер Навоий олти ёшида шеър ёза бошлаган, Имом Ал-Бухорий тўққиз ёшида Қуръони каримни тўла ёд олган, Ибн Сино ўн уч ёшида мантиқ, фикҳ ва калом илмини ўрганган, ўн олти ёшида машҳур табиб бўлиб танилган, Абу Райҳон Беруний ўн беш ёшида самони кузатиб, тадқиқ этган.

Биз ҳам фарзандларимизни илмга муҳаббатли, замонасининг тенгсиз, беназир инсонлари этиб тарбиялашимиз керак. Маърифатда, одобда, ирфонда кучли ва зеҳнли бўлишни ўргатмоғимиз лозим ва албатта ўзимиз ҳам уларга ўрнатилган бўлиб, илмларимизни орттиришимиз керак.



БИРИНЧИ БОБ

ИСЛОМ ДИНИДА – МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ



МУҲАММАД САЙИД ТАНТОВИЙ ТАЛҚИНИДА МУСО ВА ҲОРУН АЛАЙҲИМУССАЛОМ ҚИССАСИ

Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом) ва қавм ўртасидаги воқеалар, Бани Исроил билан бўлган ҳодисалар Қуръони каримдаги йигирмадан ортиқ сурада баён қилиб ўтилган. Баъзи сураларда қисқа, мухтасар тарзда, баъзиларида эса батафсил сўз юритилган. Бақара, Аъроф, Тоҳа, Шуаро ва Қасас сураларида мазкур қиссалар бутун тафсилоти билан ҳикоя қилинади.

Мусо (алайҳиссалом)нинг насаби Иброҳим (алайҳиссалом)га бориб тақалади. Насабининг шажараси куйидагича: Мусо ибн Имрон ибн Йасҳар ибн Моҳайс Бани Лова ибн Яъкуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим.

Ҳазрати Мусо (алайҳиссалом) тахминан милоддан аввалги XIII ёки XIV асрларда туғилганлар. У даврда Миср мамлакати бўйлаб фиръавнлар ҳукмронлик қилар, ҳар бир ўғил чақалоқ туғилганда уни қатл қилишга буюрар, қиз болаларни эса тирик қолдирар эдилар. Чунки ривоят қилинишича, бир киши Фиръавнга Бани Исроил қавмидан бир киши чиқиб, уни ўз қўли билан ўлдирар эмиш, деган гапни айтади.

Тарихчилар хабар беришича, Мусо (алайҳиссалом) Миср фиръавнларидан бўлмиш Менфтоҳ ибн Рамзес II нинг даврида яшаб ўтган. У подшоҳ Бани Исроилга кўплаб зулм-ситамлар ўтказган. Рамзес II¹ Мисрга Кичик Осиёдан бостириб кирган гиксосларни² қўллаб-қувватлаб,

¹ (Сети вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Рамзес II (мил.авв.1301–1235) ўтирган. У Мисрда 66 йил подшоҳлик қилган. – Таржимон.)

² (Синай, Арабистон яримороти ва Фаластин жанубида яшаган жанговар гиксос қабилалари милоддан аввалги XVIII асрнинг иккинчи ярмида шимолий Мисрга бостириб кириб, уни эгаллаганлар. Улар дельтада Аварис деган янги шаҳар барпо этиб, уни ўзларининг пойтахтларига айлантирганлар. – Таржимон.)

уларга ёрдам беради. Ушбу сулола беш юз йилга яқин ҳукмронлик қилади. Уларнинг даврида Миср аҳолиси оғир қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Қачонки Аҳмас¹ Миср подшоҳи бўлгач, у гиксосларга қарши кураш бошлаб, уларни мамлакатдан қувиб чиқаради. Унинг ҳукмронлиги ва ундан кейинги даврда Юсуф (алайҳиссалом) замонидан бери Мисрда яшаб келаётган Бани Исроилни ҳўрлаш, оёқ ости қилиш бошланади. Зеро, улар Мисрда бостириб кирган келгинди қабилаларга қилинган ҳар бир курашда фаол иштирок этар эдилар.

Мусо (алайҳиссалом)нинг номи Қуръони каримда юз мартадан кўп тақрорланиб келган. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қавм томонидан жабр-зулм кучайганда, У Зот: “Аллоҳ биродарим Мусога раҳм қилсин. У мендан кўра шиддатлироқ озорларга учраса-да, лекин бунга сабр қилди”, деганлар.

Мусо (алайҳиссалом) вафоти Бани Исроилнинг Синода залолатга кетган бир пайтига тўғри келади. Ўшанда у Аллоҳ таолога дуо қилиб, ўзини муқаддас ер – Байтул-Мақдисга боришга муваффақ этишини сўраган эди. Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)нинг дуосини қабул қилди.

“Саҳиҳайн”да Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилади: **“Мусо вафоти яқинлашганини сезгач, Аллоҳ таолога дуо қилиб, ўзини муқаддас Ерга яқинлаштиришини сўрайди. Аллоҳ таоло унинг дуосини ижобат қилди. Агар мен ҳам у ерда бўлганимда, унинг қабрини қизил қумтепалик остидаги мана бу йўл томонга деб кўрсатган бўлар эдим”**.

Ҳорун (алайҳиссалом) эса Мусо (алайҳиссалом)нинг акаси бўлган. У Мусо учун энг яхши ёрдамчи эди. Унинг

¹ (Бошқа манбаларда унинг номи Яҳмос I деб келтирилади. – Таржимон.)

вафоти Мусо (алайҳиссалом)никидан бир оз олдинроқ бўлган.

Қасас сурасида Мусо (алайҳиссалом) дунёга келган пайтда Миср юртидаги шарт-шароит, у туғилгач онасининг нима ишлар қилгани, балоғатга етгач, Мусо (алайҳиссалом) ҳаёти, Мадян юртига ҳижрат қилиши, пайғамбарликка мушарраф этилиши, Фиръавн ва қавмини ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилишга чақириши баён қилинган. Қисса Аллоҳнинг қуйидаги оятлари билан бошланади:

“Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), имон келтирадиган қавм учун Сизга Мусо ва Фиръавн хабаридан ҳақроств тиловат қилиб берурмиз. Дарҳақиқат, Фиръавн (Миср) ерида туғёнга тушиб, унинг аҳлисини бўлак-бўлак қилди. У улардан бир тоифани хорлаб, ўғилларини сўяр, аёлларини тирик қолдирар эди. Албатта, у бузғунчи кимсалардан бўлди. Биз эса у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни пешво зотларга айлантиришни ва уларни ворислари қилишни истаймиз. Яна Биз уларни ўша ерда барқарор қилиб, Фиръавн ва Ҳомонга ҳамда икковининг лашкарларига (Бани Исроил) томонидан ўзлари қўрқувчи бўлган нарсани кўрсатиб қўйишни (истаймиз)” (Қасас, 3–6).

“Фиръавн” қадимда Миср подшоҳларига қўйиладиган исм ҳисобланади. Шунингдек, Рум подшоҳлари “Қайсар”, Яман подшоҳлари “Туббаъ”, Форс подшоҳлари эса “Кисро” деб аталар эди. Фиръавннинг исми Қуръони каримда етмиш тўрт марта такрорланган.

Юқоридаги илк оятларнинг маъноси қуйидагича: “Эй муҳтарам пайғамбар, Биз сизга Мусо ва Фиръавн қиссалари билан боғлиқ бўлган ажойиб ва муҳим хабарни сидқ ила тиловат қилиб, сўйлаб берурмиз”.

“Имон келтирадиган қавм учун...”. Яъни, сизга ушбу

оятларни унга имон келтириб, ундаги ҳидоят, ибрат ва панд-насихатлардан ўзларига фойда оладиган кишилар учун тиловат қилиб берамиз.

“Дарҳақиқат, Фиръавн (Миср) ерида туғёнга тушиб, унинг аҳолисини бўлак-бўлак қилди”. Фиръавн ҳукмронлиги даврида Миср ва унга чегарадош бўлган юртларда кибр ва исёнга йўл қўйди, ўзини барчадан устун, деб билди. Зулм ва залоллатда ҳаддидан ошди ҳамда қўл остидаги аҳolini ўзига тўлиқ бўйсундирди, уларни бир неча тоифаларга ажратди. Ўша тоифаларнинг ҳаммаси давлат ишлари билан боғлиқ юмушларни бажарар эдилар. Баъзилар қурилишга, баъзилар сеҳр-жоду билан шуғулланишга, яна баъзи тоифалар эса Фиръавннинг аёнлари сифатида кечаю-кундуз унга ҳамроҳ бўлар ёки хизматларини қилиб юришарди.

“У улардан бир тоифани хорлаб, ўғилларини сўяр, аёлларини тирик қолдирар эди”. Бу ердаги бир тоифадан мурод – Бани Исроил эди. Яъни, Фиръавн мамлакат аҳолисини турли табақаларга ажратгач, уларнинг бир тоифасига хорлик, жабр-зулм ва қаҳр кўрсата бошлади. У Бани Исроил қавмидан бир ўғил чақалоқ дунёга келиши заҳотиёқ уларни сўйдирар, қиз чақалоқларни эса тирик қолдирар эди.

Имом Розий айтади: “Ўғил болаларни сўйдириб, қизларни тирик қолдиришда Бани Исроилга бир неча томондан зарар етказиш кўзланган эди:

– ўғил болаларни ўлдириш наслнинг узилишига сабаб бўлади. (*Яъни, Фиръавн Бани Исроил наслини таг-туғи билан йўқ қилиш пайида бўлган. – Таржимон.*);

– эркакларнинг ҳалок бўлиши ҳаётининг шароитининг бузилиши ёки оғирлашишига олиб келади;

– эркакларни қаттиқ қийноқ азоби остида ўлдириш энг оғир зулмлардан биридир;

– аёлларнинг ўз яқинларисиз, ҳимоячисиз қолишлари

уларнинг душман кўлида ўйинчоқ бўлишларига олиб келарди. Бундан ҳам ортиқ хорлик бўлиши мумкинми?!¹

Айтилишича, коҳинлар Бани Исроил қавмидан бир бола туғилиб, подшоҳ Фиръавнни ўз кўли билан ўлдиради, деб хабар беришади. Шу сабаб ҳам у ўғил болаларни ўлдириб, қизларни тирик қолдиришга амр қилади.

“Албатта, у бузғунчи кимсалардан бўлди”. Бу Фиръавннинг нима сабабдан кибр ва тугёнга тушганининг баёнидир. Яъни, Фиръавн фасод ишларни содир этишда учига чиққан эди. Шу сабаб кўнгли тусаган одамига ҳеч тортинмай зулм қилаверарди. Фиръавннинг такаббурлиги уни: **“Мен сизларнинг энг юксак парвардигорингиздирман”²** дейишига сабаб бўлди.

Сўнгра Аллоҳ таолонинг ҳикмати ва иродаси тақозо этган нарса баёнига ўтилади. У ҳам бўлса, золим подшоҳнинг қонли қиличи остида эзилган мазлум халқни озодликка чиқариш, уларнинг кўксига шамол тегиши эди. **“Биз эса у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни пешво зотларга айлантиришни ва уларни ворислари қилишни истаймиз. Яна Биз уларни ўша ерда барқарор қилиб, Фиръавн ва Ҳомонга ҳамда икковининг лашкарларига (Бани Исроил) томонидан ўзлари қўрқувчи бўлган нарсани кўрсатиб қўйишни (истаймиз)”.** Яъни, Биз Ўз хоҳишимиз ва қудратимиз билан Бани Исроилни зулмдан озод этиб, уларни иззат-икромга сазовор қилишни, агар улар имон келтириб, ўзларини ислоҳ қиладиган бўлсалар, Биз уларни муқаддас Ерга ворис қилишни истаймиз.

Шу маънода бошқа оятда шундай дейилади: **“(Миср ва Шомдаги) Ўзимиз баракотли қилган ернинг машриқ ва мағрибларига бу бечора қавмни (яъни, Бани Исроилни) ворис қилиб қўйдик. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сабр-тоқат қилганлари сабаб Бани**

¹ “Тафсиру Фаҳр Розий”, 1-жилд, 358-бет.

² Нозиот сураси, 24-оят.

Исроилга Парвардигорингизнинг (“Бу ердаги бечора бўлган зотларга инъом қилишни ва уларни одамларга етакчи қилиб қўйишни истаймиз”, деган) **гўзал сўзлари тўла-тўқис бўлди. Фиръавн ва қавми ясаб-қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик”**(*Аъроф*, 137).

“Биз эса у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилишни...”. Яъни, золим қавмлардан сўнг Биз уларнинг қадамларини собит, ўзларини бақувват, кучли қилишни ирода этдик.

“Яна Биз уларни ўша ерда барқарор қилиб, Фиръавн ва Ҳомонга ҳамда икковининг лашкарларига (Бани Исроил) томонидан ўзлари кўрқувчи бўлган нарсани кўрсатиб қўйишни (истаймиз)”.

Ҳомон Фиръавннинг вазири бўлган. Яъни, Биз Фиръавн ва Ҳомонга Миср ерида мазлум бўлган Бани Исроил қавми томонидан ўзлари ҳадиксираб турган нарса – мансаб ва шухратнинг қўлдан кетиши ва унинг Бани Исроил тасарруфига ўтишини уларга кўрсатишни хоҳлаймиз.

Ибн Касир айтади: “Фиръавн ўз ҳаракати билан Мусодан қутулишни хоҳлади. Ваҳоланки, Аллоҳ таолонинг ҳукми унинг хоҳишидан мутлақ устун келди. Фиръавннинг ўлими Мусонинг қўлида бўлди. Эй Фиръавн, омон қолиш ниятида неча минглаб бегуноҳ чақалоқлар умрига зомин бўлдинг, аммо сенинг ўлимингга сабаб бўлувчи киши эса айнан сенинг уйингда, сенинг хонадонингда ўсиб-унди ва оқибатда сен ва бутун бошли лашкарларинг ўлимига сабабчи бўлди. Бу барча нарса, агар Буюк Аллоҳ нимани хоҳласа, у албатта бўлишини, нимани хоҳламаса, ўша нарса абадул-абад юз бермаслигини билишинг учун эди”.¹

Шундай қилиб, Фиръавн ва унинг қўшини ўзларини қанчалик авайлаб-асрамасинлар, Аллоҳ таоло ирода қилган нарса уларнинг кўз ўнгларида барибир бўлиши аниқ эди. Зеро, У Зот айтадики: **“Аллоҳ Ўз ишида ғолиб**

¹ “Тафсиру Ибн Касир”, 6-жилд, 231-бет.

(яъни, Унинг Ўзи хоҳлаган ишни қилишдан ҳеч ким ман қила олмайди). **Лекин одамларнинг кўплари (буни билмайдилар”**(Юсуф, 21).

Энди қиссанинг давомига қулоқ тутайлик. У бизга ўзининг таъсирли ва ажойиб услуби ила воқеаларни бутун тафсилоти билан ҳикоя қилади: **Биз Мусонинг онасига ваҳий қилдикки: “Уни эмизавергин. Бас, қачон кўрқсанг, уни дарёга ташлагин ва кўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам. Зеро, Биз уни сенга қайтаргувчидирмиз ва уни пайғамбарлардан қилгувчидирмиз”**. Бас, уни Фиръавн хонадони ўзларига душман ва ғам-ташвиш бўлиши учун тутиб олдилар. Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва унинг лашкарлари хато қилгувчи бўлдилар. Фиръавннинг хотини: **“Мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, унинг бизларга нафи тегса ёки уни бола қилиб олсак”**, деди. Улар сезмаган ҳолларида (уни бола қилиб олдилар). Мусо онасининг қалби бўм-бўш бўлиб қолди. Агар Биз имон келтиргувчилардан бўлиши учун унинг кўнглини хотиржам қилмаганимизда, албатта, уни ошкор қилиб қўйган бўлур эди. Ва унинг опасига: **“Унинг ортидан тушгин”**, деди. Бас, у сезмаган ҳолларида (Мусони) узоқдан кузатиб турди. Биз аввал эмизувчи аёлларни ҳаром қилдик. Шунда (унинг опаси келиб): **“Мен сизларга унга кафил бўладиган ва унга холис бир оилани кўрсатайми?”**, деди. Шундай қилиб Биз кўзлари шодланиши ва ғам чекмаслиги учун ҳамда Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билиши учун уни онасига қайтардик. **Лекин кўп (одамлар) билмайдилар”**(Қасас, 7–13).

Имом Розий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: Аллоҳ таоло **“Биз эса у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилишни истаймиз”**, дея Бани Исроилга берилган неъматларини зикр қилишни бошлаган эди. Бу ерда эса

“Биз Мусонинг онасига: “Уни эмизавергин”, деб ваҳий қилдик”, демоқда.¹

Мусо (алайҳиссалом)нинг онасига қилинган ваҳий илҳом қилиш йўли билан амалга оширилган бўлиши мумкин. Бу ҳақида Наҳл сурасининг 68-оятда шундай дейилади: **“(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Парвардигорингиз асаларига ваҳий қилди”.** Ёки бу нарса ваҳий орқали ё бўлмаса бир фариштани юбориб, у воситасида хабар бериш билан амалга оширилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Алусий айтади: “Унга фаришта орқали ваҳий қилинган. Бу унинг пайғамбар бўлганидан далолат бермайди. Маълумки, пайғамбар бўлмаган кишиларга ҳам фаришталар юборилиши мумкин. Бу ваҳий Мусо (алайҳиссалом) туғилгандан кейин қилинган. Баъзи ривоятларда: **“Туғилишидан илгари”, деб келтирилган**”.²

Хуллас, Мусо (алайҳиссалом) онасининг кўзи ёриган бир паллада золим Фиръавн ўғил болаларни қатл қилиб, қизларни тирик қолдирар эди. Шу сабаб ҳам у ҳомиладорлик пайтида буни ҳеч кимга сездирмай, яшириб юрди ва Мусо (алайҳиссалом) дунёга келгач, меҳрибон она ўғлининг келажак тақдирини ўйлаб, қалбига ғулғула тушди. Шу нарса ҳақида фикр юритган сари ғам-ташвиши кун сайин ортаверди. Шунда Аллоҳ таоло қудрати ва иродаси билан унинг қалбига Мусони яширинча эмизаверишни ваҳий қилди. Агар Фиръавн ва унинг ҳамтовоқлари ўғлигга худди Бани Исроил қавмининг болалари бошига солаётган оғир мусибатларни солишларидан қўрқсанг, уни дарёга ташлагин, деб амр қилинди.

Бу ердаги дарёдан мурод Нил дарёсидир. У энига кенг бўлгани учун ҳам аслиятда “денгиз” деб аталмоқда. *(Аслиятда дарё маъноси – йаммун сўзи билан ифодаланган. – Таржимон.)*

¹ “Тафсиру Фахр Розий”, 6-жилд, 426-бет.

² “Тафсирул Алусий”, 20-жилд, 45-бет.

“Қўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам”. Яъни, эй Мусонинг онаси, ўғлингга бирон кор-қол бўлишидан қўрқма! Ундан айрилаётганинг учун хафа ҳам бўлма! Чунки у Бизнинг ҳимоямиз остидадир. Кимни Аллоҳ таоло Ўз ҳимоясига олар экан, унинг учун ҳеч қандай хавф-хатар даҳл қила олмас!

“Зеро, Биз уни сенга қайтаргувчидирмиз ва уни пайғамбарлардан қилгувчидирмиз”. Бу ерда Мусо (алайҳиссалом) онасини “хафа бўлмагин” деб амр қилиниш сабаби баён қилиниб, ўғли унинг бағрига бир қуни соғ-омон қайтиши ва келажақда Аллоҳнинг Расули бўлиши ҳақида хушхабар берилмоқда.

“Бас, уни Фиръавн хонадони ўзларига душман ва ғам-ташвиш бўлиши учун тутиб олдилар”. Фиръавннинг хизматкорлари дарёда оқиб келаётган бир сандиққа кўзлари тушди. Уни олиб, дарров Фиръавннинг ҳузурига келтирдилар. Аслида Фиръавн хонадони бу билан ўзларига ғам-ташвиш орттираётган эдилар. Аммо улар буни сезмадилар.

“Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва унинг лашкарлари хато қилгувчи бўлдилар”. Ушбу оят ўзидан олдинги ояти кариманинг натижасини баён қилмоқда. Яъни, Биз Мусони Фиръавн ва унинг оиласига душман ва ташвиш қилиб қўйдик. Чунки Фиръавн ва унинг маккор вазири Ҳомон ҳар бир хатти-ҳаракатларидан оғир жиноятларни содир этар эдилар. Буларнинг энг каттаси ўғил болаларни ўлдириб, қизларни тирик қолдириш бўлган.

Фиръавннинг хотини: “Мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, унинг бизларга нафи тегса ёки уни бола қилиб олсак”, деди. Аллоҳнинг қудрати ва ҳикмати билан Фиръавннинг аёли Мусо (алайҳиссалом)ни ҳимоя қила бошлади. “Ҳошийатул жумал” да шундай дейилади: “Фиръавннинг аёли Осиё бинти Маҳозим (ёки Мазоҳим) бўлиб, у аёлларнинг энг афзали эди. Осиё бева-бечораларга худди ўз

онасидек меҳрибонлик қилар, уларнинг бошини силар, раҳм-шафқат кўрсатар ва уларга кўплаб инфоқ-эҳсон қилар эди”.¹

Аллоҳ таоло у аёлни шундай мадҳ қилган: **“Аллоҳ имон келтирган зотлар** (ва улар ўзлари мўмин бўлсалар, яқин одамларининг кофир бўлиши уларга зиён қилмаслиги) **ҳақида Фиръавннинг аёлини мисол келтирди. Ўшанда** (яъни, Фиръавн у аёлнинг Мусо пайғамбарга имон келтирганини билиб қолгач, азоблаган чоғида) **у: “Парвардигорим, Ўзинг мен учун ҳузурингда – жаннатда бир уй бино қилгин, менга Фиръавн ва унинг қилмишидан нажот бергин ва менга бу золим қавмдан нажот бергин”, деди”** (Таҳрим, 11).

Юқоридаги оятнинг маъноси қуйидагича: Мусо сандиқдан олингач, Фиръавннинг хотини унга қарата:

– Бу бола мен учун ҳам, сен учун ҳам кўзимизнинг қувончига айланади, у бизга шодлик бахш этади, – деди.

Сўнгра Фиръавн ва унинг лашкарларига ҳам хитоб қила туриб:

– **Уни ўлдирманглар!** – деб қўшимча қилди. Унинг кетидан ўлдирмасликнинг сабабини ҳам айтиб ўтди: – **Шоядки, унинг бизларга нафи тегса ёки уни бола қилиб олсак.** Яъни, бу болани ўлдирманглар! Чунки у келажакда бизларга бирон фойда келтириши аниқ, унинг орқасидан кўпгина яхшиликларга эришсак ажаб эмас! Ёки уни ўзимизга фарзанд қилиб оламиз. Шакли-шамойили ва суратидан бу бола насли насаби тоза ҳамда келажаги порлоқ кўринади.

Шундай қилиб, Фиръавннинг хотини Аллоҳнинг иродаси билан Мусо (алайҳиссалом)нинг ўлимдан қутулиб, Фиръавннинг уйида яшашига сабабчи бўлди. **“Улар сезмаган ҳолларида** (уни бола қилиб олдилар)”. Улар Мусо (алайҳиссалом)ни бола қилиб олдилар. Аммо улар келажакда Фиръавннинг ўлими ва лашкарларининг

¹ “Ҳошийятул жумал ғалал жалалайн”, 3-жилд, 337-бет.

ҳалокатига айнан шу гўдак бола сабабчи бўлишини билмасдилар (яъни, қаёқдан ҳам билсинлар?!).

Энди Мусо (алайҳиссалом) онасининг маҳзун ҳолати тасвирланади: **“Мусо онасининг қалби бўм-бўш бўлиб қолди. Агар Биз имон келтиргувчилардан бўлиши учун унинг кўнглини хотиржам қилмаганимизда, албатта, уни ошкор қилиб қўйган бўлур эди”**.

Яъни, онаси Мусони дарёга ташлагач, Фиръавн хонадони уни тутиб олганини билди. Ўғлидан айрилганидан сўнг, энди у ушбу ҳаётдаги бирон нарса ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди, кўнгли фикр-хаёлот олаmidан буткул айро бўлди. Унинг ўйлагани фақатгина бир нарса – ўғли Мусонинг тақдири эди.

Онаси Фиръавн ва лашкарларидан кўрқиб, улар дарёдан тутиб олган бола унинг ўғли эканини айтиб қўйишига бир баҳя қолди. Агар Аллоҳ қудрати ила унинг қалбини мустаҳкам ва қувватли қилмаганида эди, у одамларга ўзи пинҳон сақлаб юрган нарсани айтиб қўйган бўларди.

“Имон келтиргувчилардан бўлиши учун...”. Яъни, ўғли Мусо бир куни келиб онасининг бағрига қайтиши ва уни кўриб кўзи қувониши, ғам-аламдан фориг бўлиши ҳақидаги Аллоҳнинг ваъдасига тўлиқ ишониши учун Биз унинг қалбини мустаҳкам қилдик. Ўғли ҳақидаги ўй-фикр ва хавотирлар онани ҳаракат қилишга чорларди. **Ва унинг опасига: “Унинг ортидан тушгин”**, деди. Мусо (алайҳиссалом)нинг онаси ўғли Фиръавн хонадони томонидан бола қилиб олинганини билгач, қизига қарата:

– Унинг кетидан туш, у ҳақида менга бирон хабар олиб кел! – деди.

“Бас, у сезмаган ҳолларида (Мусони) узоқдан кузатиб турди”. Яъни, Мусонинг опаси унинг кетидан тушиб, охири қидириб топди ва бирон киши сезиб

қолмаслиги учун укасини узоқдан кузатиб турди ёки укасини ахтариб юрганини билиб қолмасликлари учун ўзини Фиръавн хонадони аъзоларидан яшириб турди.

Қуйида Мусо (алайҳиссалом)нинг онаси билан дийдор кўришиши учун Аллоҳ таоло томонидан қилинган ҳикматли тадбир ҳақида сўз боради: **“Биз аввал эмизувчи аёлларни ҳаром қилдик”**. Бу ердаги “ҳаром қилиш”дан мурод “ман этиш” дир. Яъни, Биз Мусонинг онаси ва онаси унинг хабарини эшитмасларидан олдин ҳикматимиз ва қудратимиз билан унга онасидан ўзга аёлларни эмишни ман қилдик. Бас, у биронта ҳам аёлнинг кўкрагини тутгани йўқ. Буни билган Мусо (алайҳиссалом)нинг онаси Фиръавн ва аёнларига қарата:

– **Мен сизларга унга кафил бўладиган ва унга холис бир оилани кўрсатайми? – деди.** Яъни, мен бу болани эмизиб, унга яхши таълим-тарбия берадиган бир оилани кўрсатайми? Улар кам-кўстсиз уни боқиб-тарбиялайдилар, унга фақат яхшилик ва офиятни раво кўрадилар.

“Шундай қилиб Биз кўзлари шодланиши ва ғам чекмаслиги учун ҳамда Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билиши учун уни онасига қайтардик”. Яъни, улар ўша қизнинг гапларини эшитдилар ва у ўз онасини Фиръавннинг хизматкорларига кўрсатди. Биз буни Мусо онасининг қалби хотиржам бўлиши, ўғли яна бағрига эсон-омон қайтганидан кўзи қувончга тўлиши, айрилиқдан ташвиш чекмаслиги учун ҳамда Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ, унинг содир бўлишига бирон шубҳа йўқлигини билиши учун қилдик. **“Лекин кўп (одамлар) билмайдилар”**. Яъни, аксарият одамлар Аллоҳнинг бандаларига берган ҳақ ваъдасига ишонмайдилар ёки билмайдилар. Шу сабаб ҳам ҳаётда кўп ҳолларда шошма-шошарликка йўл қўядилар. Аллоҳнинг қилган ҳикматли тадбири ортида нима тургани ҳақида фикр юритмайдилар.

Юқорида биз Мусо (алайҳиссалом)нинг гўдаклик пайтидаги ҳаёти ва Аллоҳ таолонинг унга кўрсатган марҳаматларидан воқиф бўлдик. Қиссанинг давоми Мусо (алайҳиссалом)нинг балоғатга етганидан сўнг содир бўлган воқеа ва ҳодисалар билан боғланиб кетади. Аллоҳ таоло айтади: **Қачонки у вояга етиб, (ақли) тўлгач, Биз унга ҳикмат ва билим ато этдик. Биз чиройли амал қилгувчи кишиларни мана шундай мукофотлаймиз.** (Кунларнинг бирида Мусо) шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатда бўлган пайтда кирган эди, унда икки киши уришаётганини кўрди. (Улардан) бири ўзининг жамоатидан ва бири душманидан эди. Жамоатидан бўлган киши душман томондан бўлган кимсага қарши ундан ёрдам сўради. Шунда Мусо бир мушт уриб, уни ўлдириб қўйди. (Сўнг) деди: “Бу шайтоннинг ишидандир. Албатта, у йўлдан оздиргувчи очиқ душмандир. (Кейин) деди: “Парвардигорим, дарҳақиқат, мен ўз жонимга жабр қилиб қўйдим. Энди Ўзинг мени мағфират қилгин”. Бас, Аллоҳ уни мағфират қилди. Албатта, Унинг Ўзигина мағфират қилувчи, меҳрибондир. У (яна) деди: “Парвардигорим, Сен менга қилган инъоминг ҳаққи-ҳурмати энди ҳаргиз жиноятчи кимсаларга ёрдам қилгувчи бўлмасман”. Бас, у эрта тонгда шаҳарда кўрқувга тушиб, кўз тутган ҳолда кетаётган эди. Баногоҳ кеча ундан ёрдам сўраган кимса яна уни ёрдамга чақираётганини (кўрди). Мусо унга деди: “Дарҳақиқат, сен аниқ гумроҳдирсан”. Энди у ўзларига душман бўлган кимсани ушламоқчи бўлган эди: “Эй Мусо, кеча бир жонни ўлдирганинг каби (бугун) мени ҳам ўлдирмоқчимисан?! Сен фақат Ер юзиде жабр-зулм қилувчи бўлмоқчисан. Сен ислоҳ қилгувчилардан бўлишни истамайсан”, деди. Шаҳарнинг нариги тарафидан бир киши шошганча келиб: “Эй Мусо, (Фиръавн) одамлари сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар. Бас, сен чиқиб

кетгин. Албатта, мен сенга холис бўлган кишилардан-дирман”, деди. Бас, қўрқувга тушиб, кўз тутган ҳолда у ердан чиқиб деди: “Парвардигорим, Ўзинг менга бу зolim қавмдан нажот бергин” (Қасас, 14–21).

Мусо (алайҳиссалом)нинг билаги кучга тўлиб, ақли камол топгач (баъзи ривоятларда унинг ўша пайтдаги ёши 30–40 лар орасида бўлган, деб келтирилади), Аллоҳ унга фазли марҳамати билан ҳикмат ¹ ва илм ² берди.

“Биз чиройли амал қилгувчи кишиларни мана шундай мукофотлаймиз”. Бу Аллоҳ таолонинг ўзгармас қонунидир. Яъни, Биз Мусо ва онасига иззат-икром кўрсатганимиз, буюк ажр-мукофотлар билан сийлаганимиз каби Аллоҳнинг буйруқларини сидқидилдан тўлиқ бажарувчи, сўз ва амалда содиқ бўлган мўмин кишиларни ҳам юксак даражот ва савоблар билан тақдирлаймиз.

Энди ўша даврда Мусо (алайҳиссалом) бошидан кечирган баъзи воқеалар батафсил тарзда ёритиб ўтилади: “(Кунларнинг бирида Мусо) **шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатда бўлган пайтда кирган эди**”. Бу ердаги шаҳардан мурод Миср ёки унинг яқинидаги Айнуш-шамс, Манаф (қадимги Мемфис) шаҳарларидан биридир. Мусо (алайҳиссалом) шаҳарга яширинча тарзда киришга мажбур бўлди. Айтилишича, бунга сабаб Фиръавн ва қавми Мусони ёмон кўришлари ва душманлик қилиш хавфи борлиги эди. Шу туфайли Мусо (алайҳиссалом) ўзини эҳтиётлаб, у ерга бирон кишига сездирмай киради.³

Ривоят қилинишича, Мусо (алайҳиссалом) шаҳарга одамлар айнаи хордиқ чиқараётган қоқ пешин пайтида ёки шунга ўхшаш вақтлардан бирида кирган. У шаҳарга кирар экан **“унда икки киши уришаётганини кўрди.**

¹ Ҳикмат – сўз ва амалда мўлжални аниқ олиш маъносини ифодалайди. Баъзилар: “Бу ердаги ҳикматдан мурод пайғамбарликдир”, деб айтишган.

² Яъни, динда фақиҳ бўлиш, ишларнинг асл ҳақиқатини идрок этиш, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни тўғри баҳолай олиш қобилияти.

³ “Тафсирул Алусий”, 20-жилд, 52-бет.

(Улардан) бири ўзининг жамоатидан ва бири душманидан эди. Яъни, Мусо (алайҳиссалом) шаҳарга кирса, икки киши бир масалани келиша олмай жанжаллашиб, ўзаро жикқа-мушт бўлиб туришган экан. Улардан бири Мусо (алайҳиссалом)нинг қабиласи Бани Исроил қавмидан, иккинчиси эса Бани Исроилга оғир азоб ва қийноқлар бераётган қибтий қавмидан эди. Шу маҳал **“жамоатидан бўлган киши душман томондан бўлган кимсага қарши ундан ёрдам сўради. Шунда Мусо бир мушт уриб, уни ўлдириб қўйди”**.

Бани Исроил қавмидан бўлган киши қибтийга қарши Мусо (алайҳиссалом)дан ёрдам сўраган эди, у ҳам қараб турмай ўша жамоадошига ижобий жавоб берди ва душманининг кўкрагига бир зарба бериб уни шу заҳоти жон таслим қилдирди. Аслида Мусо уни ўлдирмоқчимасди. Фақат бани исроиллик кишига ёрдам бериб, ундан зулмни даф қилмоқчи эди, холос.

“Шунда Мусо бир мушт уриб, уни ўлдириб қўйди” жумласи Мусо (алайҳиссалом)нинг кучли, бақувват ва олийҳиммат бўлганидан дарак беради. Зеро, у киши шубҳа ва иккиланишсиз дарров мазлум кишига ёрдам беришга чоғланди. Лекин нияти яхшилик қилиш бўлган Мусо қаршисида қибтийнинг ўлик жасадини кўргач, афсус-надомат билан: **“Бу шайтоннинг ишидандир. Албатта, у йўлдан оздиргувчи очик душмандир”**, деди. Яъни, қибтийни ўлдиришга мени шайтон ундади. У васваса қилиб уни менга зийнатлаб кўрсатди. Зеро, шайтон инсон учун тўғри йўлдан оздирувчи очик душмандир. Унинг адоватида ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Шундан сўнг Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳдан истиффор сўрай бошлади: **“Парвардигорим, дарҳақиқат, мен ўз жонимга жабр қилиб қўйдим. Энди Ўзинг мени мағфират қилгин”**. Бас, Аллоҳ уни мағфират қилди. Албатта, Унинг Ўзигина мағфират қилувчи, меҳрибондир”.

Кейин Мусо (алайҳиссалом) яна бир бор Раббига тавба қилиб, берган неъматларига шукр сифатида деди: **“Парвардигорим, Сен менга қилган инъоминг ҳаққи-ҳурмати энди ҳаргиз жинойтчи кимсаларга ёрдам қилгувчи бўлмасман”**. Яъни, менга берган беҳисоб неъматларингга шукр сифатида ваъда бераманки, энди зинҳор-базинҳор гуноҳкор, осий ва жинойтчи кимсаларга ёрдам қўлини чўзмайман, уларни ҳимоя қилмайман ҳам!

Энди Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)нинг ҳолидан хабар қилади: **“Бас, у эрта тонгда шаҳарда қўрқувга тушиб, кўз тутган ҳолда кетаётган эди...”**. Кечаги кун бир қибтийни ногаҳон ўлдириб қўйгач, Мусо ҳали ҳануз қўрқув ва ҳадик ичида эди. У ўзига тухмат ва маломат тошлари отилишини, бошига турли-туман кўргилик ва кулфатлар тушишига кўз тикиб турган ҳолида тонг оттирди. Афтидан ўша пайтда Мусо (алайҳиссалом)нинг Фиръавн ва аъёнлари билан алоқаси йўқ бўлган кўринади. Акс ҳолда, улар Мусони ҳимоя қилган ёки ишини бир оз бўлсада енгиллаштирган бўлардилар.

Мусо (алайҳиссалом) юқорида тасвирланган ҳолатда кетаётганида **“баногоҳ кеча ундан ёрдам сўраган кимса яна уни ёрдамга чақираётганини (кўрди)”**. Яъни, Мусо қалби қўрқув ва ғамга тўла ҳолда кетаётса, кеча ундан ёрдам сўраган бани исроиллик киши бошқа бир қибтий билан жанжаллашиб турган экан. У Мусони кўрдию, яна ундан кўмак сўрай бошлади. Мўмин чуқурга бир марта йиқилади, деганларидек, Мусо (алайҳиссалом) бу сафар унга бошқачароқ жавоб қилди: **“Дарҳақиқат, сен аниқ гумроҳдирсан”**.

Яъни, унинг бу илтимосидан Мусо (алайҳиссалом)нинг ғазаби қайнаб, диққати ошди ва:

– Сен залолат ботқоғига ботган, жаҳолат остида қолган бир кимса экансан. Чунки сен кеча бир одамни ўлдириб қўйишимга сабабчи бўлгандинг. Бугун меңдан яна ўша манфур ишни такрор қилишимни сўраяпсанми?! Шу-

нингдек, сенинг жоҳил, нодонлигинг шундаки, сен кучинг етмайдиган одамга бас келмоқчи бўляпсан! – деди.

“Энди у ўзларига душман бўлган кимсани ушламоқчи бўлган эди...” Яъни, Мусо (алайҳиссалом) ўзи ва Бани Исроил қавмидан бўлганлар учун ашаддий душман саналмиш қибтийни урмоқчи эди, у: **“Эй Мусо, кеча бир жонни ўлдирганинг каби (бугун) мени ҳам ўлдирмоқчимисан?!** Сен фақат Ер юзида жабр-зулм қилувчи бўлмоқчисан. Сен ислоҳ қилгувчилардан бўлишни истамайсан”, деди. Баъзи муфассирларнинг айтишича, Мусо (алайҳиссалом)га ушбу сўзларни айтган киши кеча ундан қибтийга қарши ёрдам сўраган бани исроиллик кимса эди. Чунки у Мусо қибтийни эмас, мени уради, деб ўйлаган. Бундан олдинроқ Мусо(алайҳиссалом) Бани Исроил қавмидан бўлган кимсага: **“Дарҳақиқат, сен гумроҳдирсан”**, деб айтгани ёдингизда бўлса керак. Ояти кариманинг маъноси куйидагича: Бани Исроиллик киши Мусога қўрқув ва ҳадиксираш билан:

– Эй Мусо, кеча бир қибтийни ўлдиришинг етмаганидек, бугун менинг ҳам умримга зомин бўлмоқчимисан?! Бу қилмишинг билан сен фақат Ер юзида одамларни ўлдириб, жабр-зулм қилмоқчисан, уларни яхшиликча яраштириб, ораларини ислоҳ қилишни хоҳламайсан?! – деди. Яна баъзилар: “Мусо (алайҳиссалом)га ушбу сўзларни айтган қибтий бўлган. Чунки у Мусонинг исроилликка айтган **“Дарҳақиқат, сен гумроҳдирсан”**, деган сўзларидан кеча қибтийни айнан Мусо ўлдирганини сезиб қолади, деб айтишган”.

Имом Розий ушбу икки фикрни маъқуллаб, шундай деган: “Оятнинг зоҳирий маъноси ҳам мазкур фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Аллоҳ таоло айтадики: **“Энди у ўзларига душман бўлган кимсани (яъни, қибтийни) ушламоқчи бўлган эди: “Эй Мусо...”**, деди”. Бу сўзлар, албатта, бошқаси тарафидан эмас, айнан қибтий тарафидан айтилган. Шунингдек, у: **“Сен фақат Ер юзида жабру**

зулм қилувчи бўлмоқчисан”, деди. Бу сингари сўзларни айтиш фақат кофирларга хосдир, у ҳам бўлса қибтийдир. Гарчи аксарият муфассирлар биринчи фикрни маъқуллаган бўлсаларда, биз имом Розий айтган сўзларни рост деб биламиз. Сабаби сураи каримада ҳам айтиб ўтилдики, Фиръавн ва унинг аъёнлари Бани Исроил қавмига ашаддий зулм ва ситамлар етказардилар ва шунинг баробарида зулм кўраётган бечораларга ёрдам беришни ўзларига нисбатан қилинган зулм, деб ҳисоблардилар. Шу сабаб ҳам Мусо (алайҳиссалом)га мазкур сўзларни айтган қибтий бўлган десак, хато қилмаган бўламиз. Аллоҳ таоло бундан кўзланган асл мақсадни аниқ билувчидир!

Мусо (алайҳиссалом), исроиллик ва қибтий шу алфозда турганларида **“шаҳарнинг нариги тарафидан бир киши шошганча келиб: “Эй Мусо, (Фиръавн) одамлари сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар. Бас, сен чиқиб кетгин. Албатта, мен сенга холис бўлган кишилардандирман”, деди.**

Яъни, Мусо кеча бир қибтийни ўлдириб қўйгани ҳақидаги хабар тез орада бутун мамлакат бўйлаб тарқалди. Фиръавн ва қавми Мусодан интиқом олиш учун уни қидира бошладилар. Шунда бир киши (айтилишича, у Фиръавн оиласидан бўлган бир мўмин эди) шаҳарнинг бир чеккасидан Мусо (алайҳиссалом)нинг олдига югурганича келиб:

– Эй Мусо, Фиръавннинг аъёнлари сени ўлдириш ҳақида бир-бирлари билан келишиб олмоқдалар. Шу сабаб сен тезда шаҳарни тарк эт, ўз жонингни хатарга қўйма! Мен сенинг фойдангни кўзловчи, холис насиҳат қилувчиман! Бўлақол тезроқ, токи улар сени ўлдиришга муваффақ бўлолмасинлар! – деди куюнчаклик билан.

Мусо (алайҳиссалом) ушбу солиҳ кишининг маслаҳатларига қулоқ солиб, қўрқувга тушиб, кўз тутган ҳолда у ердан чиқиб деди: **“Парвардигорим, Ўзинг менга бу**

золим қавмдан нажот бергин”. Яъни, Мусо золимлар жабридан қўрқиб, улар томонидан бирон ёмонлик етиб қолмасмикан, деган ҳадиқда, ўзини уларнинг назари тушиб қолишидан эҳтиёт қилган ҳолида шаҳардан чиқиб кетди ва Раббига дуо-илтижо қилиб деди:

– Эй Раббим, Ўз қудратинг ва фазлу марҳаматинг ила мени золим кимсалар макридан омон сақлагин, уларнинг зулм ва кирдикорларини мендан даф эт!

Қиссининг шу еригача Мусо (алайҳиссалом) ҳаётининг бир қисми – балоғатга етгач бошидан кечирган ҳодисалар, унинг ғайрати, ҳиммати, шунингдек, золимлар зулмидан омон қолиш мақсадида шаҳарни ташлаб чиқиб кетгани ҳақида сўз юритилди. Сураи кариманинг давомида эса Мусо (алайҳиссалом)нинг Мадян шаҳри томон йўл олгани ва у ерда бошидан кечирган воқеалар ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади: **“Ва қачонки Мадян томон юзлангач, деди: “Шояд Парвардигорим мени тўғри йўлга ҳидоят қилса”. Қачонки у Мадяннинг суви – қудуғига етиб келгач, у жойда бир тўда одамлар (чорваларини) суғораётганларини кўрди ва улардан қуйироқда икки аёл (ўз қўйларини сувдан) тўсиб турганларини кўриб: “Сизларга не бўлди?”, деди. Улар: “Биз то подачилар (молларини) қайтармагунларича суғора олмаймиз, отамиз эса қари чол”, дедилар. Шунда (Мусо) уларга (қўйларини) суғориб берди. Сўнгра (дарахт) соясига бориб, деди: “Парвардигорим, мен Ўзинг мен учун нима яхшилик туширсанг, ўшангга муҳтожман”. Бас, улардан бири ҳаё билан юриб келиб: “Отам сени бизларга (қўйларимизни) суғориб берганинг ҳақини бериш учун чақирмоқда”, деди. Бас, қачонки (Мусо) келиб, унга ўз қиссасини сўйлаб бергач, у: “Қўрқмагин! Сен у золим қавмдан нажот топдинг”, деди. (Қизлардан) бири: “Эй ота, уни ёллагин. Зеро, сен ёллаган энг яхши киши кучли,**

ишончли кишидир”, деди. Айтди: “(Эй Мусо), менга саккиз йил ишлаб беришинг бадалига мен сенга мана шу икки қизимдан бирини никоҳлаб бермоқчиман. Энди агар ўн йилни тўлатсанг, сен томонингдан (бизга марҳамат бўлур). Мен сени қийнашни истамайман. Иншааллоҳ, сен менинг солиҳ кишилардан эканимни кўрурсан”. (Мусо) деди: “Мана шу сен билан менинг ўртамиздаги (битимдир). Икки муддатдан қай бирини адо қилсам, бас, менга зўрлик қилинмас. Аллоҳ айтаётган сўзимизга вакил – гувоҳдир” (Қасас, 22–28).

“Мадян” Шуайб (алайҳиссалом) қабиласи ёки у яшаган қишлоқнинг номидир. Мазкур ном Мадян ибн Иброҳим (алайҳиссалом)га нисбат берилади. Мадян шаҳри Фиръавннинг ҳукми остида эмасди. Шу туфайли Мусо (алайҳиссалом) мазкур томонга қараб йўл олишга аҳд қилган. Яъни, Мусо Мисрдан қўрққан, бирон ёмонлик етишига кўз тиккан ҳолида чиқиб, Мадян қишлоғи тарафга йўналди. Мадян шимол томондан Шом (Сурия) ва жануб томондан Ҳижоз билан чегарадош бўлган. Мусо ўша томонга қараб кетар экан, ўз ишини Раббига топшириб, таваккул қилган ҳолида, илтижо қилиб, деди: **“Шояд Парвардигорим мени тўғри йўлга ҳидоят қилса!”**. Яъни, Мусо Аллоҳ таолонинг фазли марҳаматидан умид қилиб:

– Мени қудрати билан яратиб, Ўз паноҳида ҳимоя қилувчи Зот бўлган Раббим, шояд, золим қавмдан қутулишимга сабаб бўладиган энг тўғри йўлга бошласа! – деди.

Аллоҳтаоло Мусо (алайҳиссалом) дуосини қабул қилди ва узоқ, машаққатли ва ҳолдан тойдирувчи сафардан сўнг ниҳоят Мадян юртига етиб келишга муваффақ бўлди.

Қуръони карим бизларга Мусо (алайҳиссалом) у ерга етиб боргач, қандай ишлар содир бўлганини қуйидагича тасвирлайди: **“Қачонки у Мадяннинг суви – қудуғига**

етиб келгач, у жойда бир тўда одамлар (чорваларини) суғораётганларини кўрди ва улардан қуйироқда икки аёл (ўз қўйларини сувдан) тўсиб турганларини кўриб...".

Мусо (алайҳиссалом) Мадян аҳолиси фойдаланадиган қудуқ оддига келиб, у ерда кўпгина одамлар туя, қўй ва шу каби чорва ҳайвонларини суғориб турганликларини кўрди. Уларнинг ёнида ёки улардан бошқа тарафда икки аёл қўйларини сув ичишдан тўсиб турардилар. Ўша икки аёл бегона эркаклар орасига киришдан ҳаё қилиб, улар суғориб бўлишгач, кейин қўйларини суғоришмоқчи эди. Бир четдан кузатиб турган улуғ ҳиммат, юксак мурувват ва тоза қалб соҳиби бўлган Мусо (алайҳиссалом) уларга ёрдам бериш учун:

– **Сизларга не бўлди?** – деди. Яъни, сизларга нима бўлди? Нима сабаб бошқалар каби қўйларингизни суғормаясизлар? Бунинг учун сизларга нима монелик қилмоқда?

У икки аёл бунинг сабабини тушунтира туриб, дедилар: **Биз то подачилар (молларини) қайтармагунларича суғора олмаймиз, отамиз эса қари чол.** Яъни, одатга кўра, аввал чўпонлар ўз чорваларини суғориб бўлмагунларича биз қўйларимизни суғора олмаймиз. Улар кетишгандан сўнггина қиламиз бу ишни. Чунки биз бир гуруҳ эркаклар ичига кириб кета олмаймиз. Оиламизда бу ишни бажарувчи бирон эркак ҳам йўқ. Отамизнинг эса ёши анча кексайиб қолган. Унинг ҳам бу ишга қудрати етмайди.

Бу жавобни эшитгач, Мусо (алайҳиссалом) тезда уларга ёрдам қўлини чўзди. Қуръони карим бу жараённи қуйидагича ифодалайди: **Шунда (Мусо) уларга (қўйларини) суғориб берди. Сўнгра (дарахт) соясига бориб, деди: “Парвардигорим, мен Ўзинг мен учун нима яхшилик туширсанг, ўшанга муҳтожман”.** Яъни, Мусо (алайҳиссалом) икки аёлни қийинчиликка қўймай, дарров ҳожат-

ларини раво қилгач, бир четдаги дарахт соясига (бошқа ривоятларда “девор сояси” деб келтирилган) бориб ўтирди ва Раббига тазарруъ қилиб шундай деди:

– Эй Раббим, мен Сен Ўз даргоҳингдан туширадиган яхшилик, ризқ-рўзга муҳтожман!

Мусо (алайҳиссалом)нинг ихлос билан дуога қўтарилган қўли бу сафар ҳам бўш қайтмади. Аллоҳ таоло унинг бошига тушган оғирликни тез фурсатда бартараф этди. Аллоҳ таолонинг Мусо (алайҳиссалом) дуосига ижобати қандай бўлганини қуйидаги оятда кўриб ўтамыз: **Бас, улардан бири ҳаё билан юриб келиб: “Отам сени бизларга (қўйларимизни) суғориб берганинг ҳақини бериш учун чақирмоқда”,** деди.

Ибн Касир айтади: “Икки аёл қўйларини суғориб, оталарининг олдига қайтишгач, у бундан ажабланади ва сабабини сўраганда, улар Мусо (алайҳиссалом) уларга ёрдам берганини айтишади. Шунда отаси икки қизидан бирига Мусони унинг ҳузурига чақириб келиш учун юборади”. Яна Ибн Касир шундай дейди: “Муфассирлар ушбу икки қизнинг отаси ким экани борасида ихтилоф қилишган. Баъзилар: “У Шуайб (алайҳиссалом) эди”, дейишган. Бу қавл кўпчилик орасида машҳур. Мазкур фикрни Ҳасан Басрий ва бошқалар айтишган. Уни Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган. Имом Табароний ривоят қилади: “Маслама ибн Саъд Анзий Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига юборилганида, У Зот унга қарата: “Хуш келибсан, эй Шуайб қавми”, – деб айтганлар”. Бошқа муфассирлар: “У Шуайбнинг жияни бўлган”, – дейишган. Айтилишича, у Шуайб хонадонидан бир мўмин киши эди.

Шундан сўнг Ибн Касир хулоса ўрнида дейди: “У Шуайб эмас. Агар ҳақиқатан у Шуайб бўлганида исми Қуръонда келтирилган бўлар эди. Баъзи ҳадисларда Мусо ва

Шуайб (алайҳиссалом)лар қиссаси ривоят қилинган. Лекин уларнинг санади саҳиҳ эмас”.¹

Уқоридаги оятнинг мазмуни қуйидагича: Мусо (алайҳиссалом)нинг Аллоҳ таолодан сўраган яхшиликларга эришиши узоққа чўзилмади. Қўйларини суғориб берган икки аёлдан бири фазилат соҳиби бўлган аёлларга хос иффат ва уятчанлик билан келиб, қисқа ва лўнда, балоғатли услубда:

– Отам сени бизларга қўйларимизни суғориб берганинг учун тақдирламоқ ниятида ҳузурига чақирмоқда, – деди.

“Бас, қачонки (Мусо) келиб, унга ўз қиссасини сўйлаб бергач...” Мусо (алайҳиссалом) қизнинг чақириғига жавобан кекса оталари билан учрашиш учун уларнинг уйи томон йўл олди. Етиб келгач, бошидан ўтказган ҳодисотларни бир бошидан, ипидан игнасиғача сўзлаб берди. Бунга эшитган кекса: **“Қўрқмагин! Сен у золим қавмдан нажот топдинг”**, деди. Яъни, эй Мусо, ташвишланма! Хотиржам бўл! Сен Фиръавн ва унинг қавмидан қутулдинг. Аллоҳ таоло сенга золимлар зулмидан нажот берди.

Қария кишининг бу сўзлари Мусо (алайҳиссалом)га ўз пайти ва мавридида айтилганди. Зеро, ўша шароитда Мисрдан хавф-хатар ичида, золимлар зулмидан қўрқиб чиқиб кетган Мусонинг кўнглини кўтариш, қалбига бир оз бўлсада, таскин бериш учун бу каби юпанч сўзлар керак ҳам эди. Энди икки қиздан бири отасига нима дегани айтилади: **“Эй ота, уни ёллагин. Зеро, сен ёллаган энг яхши киши кучли, ишончли кишидир”**.

Бу сўзлар Мусо (алайҳиссалом) олдига ҳаё билан келиб: **“Отам сени бизларга (қўйларимизни) суғориб берганинг ҳақини бериш учун чақирмоқда”**, деган қиз томонидан айтилган бўлса керак. Яъни, у отасига дадиллик билан:

– Эй ота, уни биз учун қийин бўлган чорваларни боқишдек бир ишга ҳамда уй ташқарисидаги оғир

¹ Тафсиру Ибн Касир» 6-жилд, 238-бет

юмушларни бажаришга тайинла! Чунки у бу ишга муносиб, кучли, ҳам ишончлидир. У ўзида куч-қувват ва ишончни жамлаган ҳамда ҳар қандай ишни эплаб кета олади, одамларнинг молларини ва обрўларини сақлашда жонбозлик кўрсатади, – деди.

Кекса ота қизидаги пок ният, соғлом ақл ва кучли ишончни кўриб, у билдирган таклифни инкор эта олмади ва Мусога қарата:

– (Эй Мусо), **мен сенга мана шу икки қизимдан бирини никоҳлаб бермоқчиман**, – деб айтди.

Кекса ота бу сўзи билан икки қизидан орасидан “**Эй ота, уни ёллагин**”, – деб айтганини ирода қилган бўлса ажаб эмас. Меҳрибон, қизининг бахт-саодатини кўзловчи ота қизидаги юксак фазилат ва Мусо (алайҳиссалом)даги куч-қудрат ва ишончни кўрибгина шундай қарорга келди.

Ушбу оятларда солиҳа аёлни солиҳ кишига никоҳлашга тарғиб қилинмоқда. Бу ақлли ва доно оталар тутадиган йўлдир. Шавкониий айтади: “Ушбу оятда қизнинг валийси уни бирон эркакка бағишлаши шариатга мос экани ифодаланмоқда. Масалан, Умар (розияллоҳу анҳу) қизи Ҳафсани Абу Бакр ва Усмон (розияллоҳу анҳу)ларга таклиф қилган. Шунингдек, баъзи аёллар ўзларини Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бағишлаганлари ҳам маълум”.¹

Кекса ота қизини Мусо (алайҳиссалом)га никоҳлаб бериш таклифини ўртага ташлади. Лекин унинг бир шарти бор: “**Менга саккиз йил ишлаб беришинг бадалига...**”. У киши Мусо (алайҳиссалом)га қўйларини саккиз йил боқиб бериш шартини қўйди.

“**Энди агар ўн йилни тўлатсанг, сен томонингдан (бизга марҳамат бўлур)**”. Яъни, агар ўн йил қўйларимни боқиб, ижарада ишлаб берсанг, бу сен томондан бизларга кўрсатилган ғамхўрлик ва саховатдир. Мен сенга саккиз йилдан зиёд ишлаш шартини қўймайман. Шунингдек,

¹ Шавкониий. “Тафсиру Фатҳил-Қодир”, 4-жилд, 169-бет.

“мен сени қийнашни истамайман. Иншааллоҳ, сен менинг солиҳ кишилардан эканимни кўрурсан”. Яъни, мен сени ушбу йиллар давомида қийноққа солишни, оғир юмушлар билан толиқтириб қўйишни хоҳламайман. Балки, Аллоҳ таоло ирода этса, мени солиҳлардан эканимни сенга яхши муомала қилиш, мулойимлик йўлини тутиш ва аҳдга вафо қилишим мисолида кўрасан. Қариянинг **“иншааллоҳ”** деб айтиши унинг мўмин бўлганидан дарак беради. Зеро, фақат мўминларгина барча ишларини Аллоҳ таолога ҳавола қилиб, У Зотнинг тавфиқ ва мададини сўрайдилар, ҳамма нарсани Унинг иродасига боғлиқ эканини яхши билдилар.

Бу шартга жавобан Мусо (алайҳиссалом) деди:

– Мана шу сен билан менинг ўртамиздаги (битимдир). Икки муддатдан қай бирини адо қилсам, бас, менга зўрлик қилинмас. Аллоҳ айтаётган сўзимизга вакил – гувоҳдир. Яъни, сен менга айтган ва шарт қўйган нарсалар иккимиз орамиздаги аҳдномадир. Унга сен ҳам, мен ҳам вафо қилишга келишдик! Мен саккиз ёки ўн йилни ўтайманми, фарқи йўқ, менга зиғирча зулм қилинмайди. Аллоҳ таоло ўртамизда тузилаётган мана шу шартномага Гувоҳдир. Унинг гувоҳлиги энг яхши гувоҳликдир.

Ибн Касирнинг келтиришича, Мусо (алайҳиссалом) икки муддатдан энг узоғини (яъни, ўн йилни) адо этган. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилади: **“Мен Жаброил (алайҳиссалом)дан: “Мусо икки муддатдан қай бирини бажарган?”, деб сўрадим. У: “Энг мукаммали ва тўлиғини (бошқа ривоятда келишича “энг яхшиси ва комилини”), деб жавоб берган”.**¹

Ушбу ояти карималар ҳақида фикр юритиб кўрган киши Мусо (алайҳиссалом)нинг ҳаёт поғоналаридаги турли оғир кунларда қандай чиройли сабр қилгани, унинг олий ҳиммати, муруввати, нафсидаги ижобий хислат-

¹ «Тафсиру Ибн Касир», 6-жилд, 240-бет

лари, ҳар қандай шароитда Аллоҳни эслаб, Унга дуо билан тазарру, илтижо қилишларини яққол кўриши мумкин. Шунингдек, бу ерда соғлом фитратга хос сифатлар, тўғрисўзлик, ҳаё, иффат, очиққўнгиллик каби мақталган сифатларни ҳам кўрамиз. Бундан ташқари, кекса қариянинг етук ақли, ҳикматли ва ширин сўзларидан, қўрқув ва ҳадик ичида турган одамга хотиржамлик бахш этадиган сўзларидан унинг қизларига меҳрибон ва яхшилиқни соғинувчи ота ҳамда Аллоҳнинг амрига биноан иш тутадиган бир солиҳ мўмин эканини билиб оламиз. Мана, вақт ўтиб Мусо (алайҳиссалом) кекса чол билан Мадянда аҳдлашган йиллар ҳам ўз ниҳоясига етди. У иккови нимага ваъдалашган бўлсалар, ўшанга вафо қилдилар. Мусо (алайҳиссалом) қариянинг икки қизидан бирига уйланди. Энди Мусо аҳли билан Мисрга қайтиш вақти ҳам етиб келганди. Қиссанинг давомида Мисрга қайтиш чоғида қандай ҳодисалар юз бергани ҳақида ҳикоя қилинади: **Энди қачонки Мусо муддатни ўтаб, аҳли-оиласи билан (Миср томон) йўлга тушгач, Тур тарафдан бир оловни кўриб қолди. У аҳли-оиласига: “Сизлар кутиб туринглар. Аниқки, мен бир оловни кўрдим. Шояд сизларга ундан бир хабар ёки исиниб олишларингиз учун у оловдан чўғ олиб келсам”, деди. Энди қачонки унинг олдига етиб келгач, у муборак жойдаги водийнинг ўнг тарафидан – дарахтдан унга нидо қилинди: “Эй Мусо, албатта, Мен барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳдирман. Асойингни (ерга) ташлагин!”.** Бас, қачонки унинг илондек қимирлаётганини кўргач, ортига қарамай қочди. **“Эй Мусо, кел, қўрқмагин. Зеро, сен омонда бўлгувчи кишилардандирсан. Қўлингни чўнтагингга солгин, бирон зиёнсиз оппоқ бўлиб чиқур ва қанотингни қўрқувдан қисиб олгин. Бас, шу иккиси Парвардигоринг томонидан Фиръавн ва унинг одамларига икки ҳужжатдир. Дарҳақиқат,**

улар фосиқ қавм бўдилар”. (Мусо) деди: “Парвардигорим, мен улардан бир жонни ўлдириб қўйганман. Бас, улар мени ўлдиришларидан қўрқурман. Оғам Ҳорун мендан кўра тили бурророқдир. Бас, уни ҳам мен билан бирга мени тасдиқлайдиган ёрдамчи қилиб юборгин. Чунки улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқурман”. (Аллоҳ) айтди: “Биз сени оғанг билан қувватлантирурмиз ва иккинги учун салтанат қилурмиз. Бас, улар сизларга (бирон зиён) етказа олмаслар. Бизнинг оят-мўъжизаларимиз билан сизлар ҳам, сизларга эргашган кишилар ҳам ғолиб бўлгувчидирлар” (*Қасас*, 29–35).

“Энди қачонки Мусо муддатни ўтаб...” оятидаги “муддат”дан мурод Мусо (алайҳиссалом)нинг Мадянда кекса чол хузурида ўтаган муддатидир. Яъни, Мусо Мадянда ўн йил турди. У белгиланган фурсатни тўлиқ адо этгач, ваъдаги мувофиқ кекса чолнинг икки қизидан бирига уйланди ва ундан рухсат олиб, аёли билан қариндошлари, яқинларини кўриш учун Миср томон (бошқа ривоятда айтилишича, Байтул Мақдис)га йўл оладилар.

“Тур тарафдан бир оловни кўриб қолди”. Яъни, у Миср томонга кетар экан, Тур тоғи тарафда катта бир олов ёнаётганини аниқ ва равшан кўрди. Шундан сўнг у аҳли оиласига: “Сизлар кутиб туринглар. Аниқки, мен бир оловни кўрдим. Шояд сизларга ундан бир хабар ёки исиниб олишларингиз учун у оловдан чўғ олиб келсам”, деди. Яъни, токи мен қайтиб келгунимча сизлар жойингиздан қимирламанглар. Мен бир оловни кўрдим. Ҳозир у ерга бормоқчиман. Шояд мен у ердан сафаримизда бизга фойда келтирадиган бирон хабар ёки совуқдан исиниб олишларингиз учун бир парча чўғ олиб келсам.

Ибн Касир айтади: “Бу ҳодиса Мусо ўзи ва қайнота-си ўртасида тузилган қўйларни боқиб бериш ҳақидаги шартномани адо қилганидан кейин юз берган. Мисрни ўн йилдан зиёдроқ вақт ичида кўрмаган Мусо аёли билан

Мисрға қараб кетаётган эди. Улар тўсатдан йўлдан адашиб қолишди. Ўша маҳал қиш тунларидан бири, совуқ, шамол, қоп-қора булутлар ва туман атрофни зимистонга айлантирган эди. Улар шунда бир дарада кўним топдилар. Мусо одатга кўра чақмоқтош билан уриб, ўт ёқишга ҳаракат қилди. Лекин ҳарчанд уринмасин, бунинг уддасидан чиқа олмади. Ҳаттоки биргина учқун ҳам чиқара олмади. У шундай ҳолда турганида Тур тоғи тарафда бир оловни кўриб қолди”.¹

Энди қачонки унинг олдига етиб келгач, у муборак жойдаги водийнинг ўнг тарафидан – дарахтдан унга нидо қилинди: “Эй Мусо, албатта, Мен барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳдирман”. Мусо (алайҳиссалом) узоқдан кўринган олов олдига келганида ўзининг ўнг тарафидан бир нидо эшитилди. Ушбу овоз ўша пок жойдан, дарахт жойлашган муборак бир макондан келаётганди. Чамаси ўша ерда биттагина дарахт бўлган кўринадди. Мусо (алайҳиссалом)га эшитилган нидо куйидагича эди: “Эй Мусо, албатта, Мен барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳдирман”. Яъни, эй Мусо, огоҳ бўлки, Мен бутун оламлар Рабби Аллоҳдирман.

Ибн Касир ушбу оятни куйидагича тафсир қилган: “Эй Мусо, сенга хитоб қилаётган ва сен билан гаплашаётган Зот оламлар Раббидир. У хоҳлаган ишини қилади. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У буюк, зоти ва сўзида махлуқотларига ўхшашдан покдир”.² **“Асойингни (ерга) ташлагин!”** Бу аввалги нидонинг давомидир. Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳнинг амрига итоат қилиб, асосини ерга ташлади.

“Бас, қачонки унинг илондек қимирлаётганини кўргач, ортига қарамай қочди. Яъни, Мусо асосини ерга ташлагач, унинг қимирлаганини кўрди. У тез қимирлаши ва ҳаракатга келишидан худди илонни эслатарди. Бу воқеаларни ўз кўзи билан кўриб турган Мусо ундан

¹ “Тафсиру Ибн Касир”, 5-жилд, 270-бет.

² “Тафсиру Ибн Касир” 6-жилд, 244-бет

қўрқиб, бошқа бу ерга қайтиб келишни ўйламай, орқасига қарамасдан қоча бошлади. Шунда Аллоҳ таоло тарафдан бошқа бир нидо келди: **“Эй Мусо, кел, қўрқмагин. Зеро, сен омонда бўлгувчи кишилардандирсан”**. Яъни, эй Мусо, сен аввал турган жойингга қараб кел, қўрган нарсангдан қўрқма! Зеро, сен Бизнинг даргоҳимизда хавфхатардан омонда бўлган ва Рисолатимизни одамларга етказиш учун танлаб олинган бандаларимиздандирсан! Сўнгра Аллоҳ унга шундай амр қилди: **“Қўлингни чўнтагингга солгин, бирон зиёнсиз оппоқ бўлиб чиқур”**. Яъни, эй Мусо, қўлингни чўнтагингга сол, у бирон касаллик ва айб-нуқсондан холи бўлган тарзда оппоқ бўлиб чиқар **“ва қанотингни қўрқувдан қисиб олгин”**. Бу ердаги “қанот”дан мурод кўлдир. Ушбу оятда Мусо (алайҳиссалом) қалбига хотиржамлик киритиб, ундан қўрқувни бартараф этиш йўллари кўрсатилмоқда. Оятнинг маъноси қуйидагича: эй Мусо, Биз сенга амр қилган ишларни бажар. Агар қўлингнинг оппоқлиги ва чароғонлиги сени ташвишга солса, уни чўнтагингга тиксанг, яна аввалги ҳолига қайтади. Илонни кўрганингда сени қўрқув босса, қўлингни кўкрагингга сурт, шунда қўрқувдан фориғ бўласан.

“Бас, шу иккиси Парвардигоринг томонидан Фиръавн ва унинг одамларига икки ҳужжатдир”. Бу ердаги “икки ҳужжат”дан мурод асо ва қўл мўъжизаларидир.

(*Таржимада – ҳужжат деб ифодаланган сўз оятда – бурҳан тарзида келтирилган. – Таржимон.*) “Бурҳон” сўзи очиқойдин, душман тарафни ожиз қолдириб, унга қаршилик кўрсатишга қодир бўла олмайдиган даражада ишончли ва кучли ҳужжат маъносини ифодалайди. Яъни, эй Мусо, Биз сенга ато этган ушбу икки мўъжиза – асо ва қўл Раббинг тарафидан қилинганига шубҳа йўқ. Энди сени

ушбу икки мўъжиза билан Фиръавн ва аёнлари олди-га бориб, уларга Бизнинг рисолатимизни етказ, уларни фақат ва фақат Менгагина ихлос билан ибодат қилишга чақир!

“Дарҳақиқат, улар фосиқ қавм бўлдилар”. Яъни, Фиръавн ва унинг қўл остидагилар тоатдан маъсият-га, Ҳақдан ботилга қараб кетдилар. Қиссанинг шу ерида Мусо (алайҳиссалом) ўзи ва Фиръавн ҳамда унинг қавми ўртасидаги адоватга сабаб бўлиб келаётган нарса ҳақида хитоб қилади:

“Парвардигорим, мен улардан бир жонни ўлдириб қўйганман. Бас, улар мени ўлдиришларидан қўрқурман”. Яъни, ушбу оятлар билан борсам, улар менга қасд қилиб ўлдириб қўйишларидан чўчияпман. Чунки мен илгари билмаган ҳолимда улардан бир кишини ўлдириб қўйган эдим!

Мусо (алайҳиссалом) бу билан Аллоҳ таолонинг рисолатини одамларга етказишдан асло ўзини олиб қочаётгани йўқ, балки ўша фосиқ, нодон қавм олдига борганида ўзига бирон кор-ҳол етиб қолишидан хавотирланиб, Раббининг паноҳ беришини, У Зотнинг ҳимоясини сўрамоқда, холос. Сўнгра Мусо (алайҳиссалом) қуйидагиларни қўшимча қилди: **“Оғам Ҳорун мендан кўра тили бурророқдир. Бас, уни ҳам мен билан бирга мени тасдиқлайдиган ёрдамчи қилиб юборгин. Чунки улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқурман”.** Яъни, эй Раббим, ушбу қавм олдига борганимда мен билан биродарим Ҳорунни ҳам юборгин. Чунки унинг тили бурро ва фасоҳатли. Ҳорун ҳақни ҳимоя қилиб, даъват қилишга мендан кўра қобилиятлироқ. Шунингдек, у менга рисолатингни етказишимда кўмакчи бўлади, мен тарғиб қилаётган нарсаларнинг ҳақ эканини тасдиқлаб туради, агар менга бирон нарса бўладиган ҳолда у менинг ўрнимни эгаллайди. Агар шундай қилмасанг, Фиръавн ва қавми

мени ёлғончига чиқариб қўйишларидан, менга зиён-заҳмат етказишларидан қўрқаман.

Мусо (алайҳиссалом) тилидан айтилаётган ушбу сўзлар унинг Рабби рисолатини бошқаларга ҳам етказишдаги жонбозлиги, унинг яхши натижа беришига ўта ҳарисмандлигидан дарак беради. Меҳрибон Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)нинг илтижоларини қабул қилиб, шундай деди: **“Биз сени оғанг билан қувватлантирурмиз ва иккинги сиз учун салтанат қилурмиз. Бас, улар сизларга (бирон зиён) етказа олмаслар”**. Яъни, эй Мусо, Биз сенга сўраган нарсаларни ато этамиз, сени биродаринг Ҳорун билан қувватлантирамиз ва ёрдам берамиз ҳамда қудратимиз, иродамиз билан сиз икковингизга кучли ҳужжат, куч-қувват ва ғалаба ато этамиз. У сизларни золимлар хуружидан омонда сақлайди. Сизлар ҳеч хавотир олманглар, Фиръавн ва қавми зиғирча ҳам зарар етказа олмаслар!

“Бизнинг оят-мўъжизаларимиз билан сизлар ҳам, сизларга эргашган кишилар ҳам ғолиб бўлгувчидирлар”. Ушбу сўзлар Мусо ва Ҳорун (алайҳиссаломлар) га янада далда ва ғайрат бағишлаш мақсадида айтилмоқда.

Мусо ва Ҳорун (алайҳиссаломлар) Улуғ Аллоҳнинг амрига бўйсуниб Фиръавннинг олдида уни Ҳаққа даъват қилиш, Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қилишга ундаш учун йўл олдилар.

Қиссанинг давомида Мусо (алайҳиссалом) ва исёнкор Фиръавн ўртасида бўлиб ўтган қизгин ва баҳс-мунозарарга бой суҳбат ҳақида ҳикоя қилинади: **“Энди қачонки Мусо уларга Бизнинг аниқ-равшан оят-мўъжизаларимизни келтиргач, улар: “Бу ҳеч нарса эмас, магар уйдирма-сеҳрдир. Бизлар бу нарсани ўтган ота-боболаримиз (замони)да ҳам эшитган эмасмиз”, дедилар. Мусо айтди: “Парвардигорим ким Ўзининг ҳузуридан ҳидоят келтирганини ҳам, (охират) диёридаги оқибат**

кимнинг фойдасига бўлишини ҳам жуда яхши билгувчидир. Албатта, золим кимсалар нажот топмас". Фиръавн: "Эй одамлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа бирон илоҳ борлигини билган эмасман. Бас, сен, эй Ҳомон, лойни пишириб, мен учун бир қаср бино қил, шоядки мен Мусонинг Худосини кўрсам. Албатта, мен уни ёлғончи кимсалардан деб ўйламоқдаман", деди. У (Фиръавн) ҳам, унинг лашкарлари ҳам Ер юзидан ноҳақ кибру ҳаво қилдилар ва ўзларини Бизларга қайтарилмайдилар, деб гумон қилдилар. Бас, Биз уни ва лашкарларини ушладик-да, денгизга ташладик – ғарқ қилиб юбордик. (Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энди Сиз у золим кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг. Ва уларни дўзахга чорлаб турадиган пешволар қилиб қўйдик. Қиёмат кунида ҳам уларга ёрдам берилмас. Биз бу дунёда ҳам уларга лаънатни эргаштирдик. Қиёмат кунида ҳам улар йироқ қилинувчи кимсалардандирлар. Аниқки, Биз аввалги аср-авлодларни ҳалок қилганимиздан кейин Мусога одамлар учун нур, ҳидоят ва раҳмат бўлган Китоб ато этдик. Шояд улар эслатма-ибрат олсалар" (*Қасас, 36–43*).

Мусо (алайҳиссалом) Фиръавн ва қавми оддига уларни залолатдан ҳидоятга чиқариш, ибодат қилишга ёлғиз муносиб бўлган Зот – Аллоҳ таолога бўйсунишга даъват қилганида, улар: "Бу ҳеч нарса эмас, магар уйдирма-сеҳрдир", дедилар. Яъни, эй Мусо, сен олиб келган бу нарса сеҳрдан бошқа нарса эмас. Буларни ўзинг тўқиб чиқаргансан!

Сўнгра улар ўзларининг ботил сўзларига ундан ҳам ўтиб тушадиган ўзга бир сўзни қўшимча қилдилар: "Бизлар бу нарсани ўтган ота-боболаримиз (замони) да ҳам эшитган эмасмиз". Яъни, эй Мусо, сен келтирган нарсани – Аллоҳнинг ёлғиз ўзига ибодат қилиш лозимлиги

ва сенинг пайғамбарлигини аввалги аждодларимиз даврида ҳам эшитмаганмиз. Қавм оғзидан чиқаётган ушбу куфр сўзлари уларнинг Ҳақдан юз ўгиришларига, ўзлари ўрганиб қолган нарсага ҳеч бир фикр юритмай муккадан кетганларига ишорат қилади.

Мусо (алайҳиссалом) уларга мантиқий ва ҳикматли услубда қуйидагича жавоб қилди: **“Парвардигорим ким Ўзининг ҳузуридан ҳидоят келтирганини ҳам, (охират) диёридаги оқибат кимнинг фойдасига бўлишини ҳам жуда яхши билгувчидир”**. Яъни, Мусо (алайҳиссалом) Фиръавн ва аёнларига жавобан деди:

– Мени ва сизларни яратган Раббим ким Ўз ҳузуридан ҳидоят ва Ҳақ ила келганини ҳаммадан кўра яхшироқ билади. Шунингдек, Аллоҳ Қиёматда кимга чиройли оқибат, гўзал ниҳоя насиб этишини ҳам яхши билувчидир.

“Албатта, зодим кимсалар нажот топмас”. Бу Аллоҳ таоло аввалдан белгилаб қўйган тақдири азалийсидир. Яъни, зодим кимсалар, имон-эътиқоддан йироқ бўлганлар зинҳор муваффақият қозонмайдилар. Балки Раббимиз Аллоҳ дея Унинг амрига биноан ҳаёт кечирадиган итоатгүй мўминларгагина хосдир нажот топиш!

Мусо (алайҳиссалом) томонидан мулойимлик билан айтилган ушбу сўзлар қалбини ғурур ва такаббурлик иллоти буткул эгаллаб олган Фиръавнга зиғирча ҳам таъсир қилгани йўқ. У нима қилиб бўлса ҳам – ёлғон даъволар қилиб, ўзини улуғлашни хоҳлар эди. Шу мақсадда қавмига деди:

– **Эй одамлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа бирон илоҳ борлигини билган эмасман.**

Фиръавннинг ушбу манфур гапи унинг учига чиққан тоғий ва исёнкор бўлганлигини кўрсатмоқда. Нодон қавм ҳам ушбу сафсата ва уйдирмаларни худди кўрқоқ кишилардек жимгина қабул қилиб қўя қолди. Аллоҳ таоло буни шундай ифодалайди: **“Бас, у ўз қавмини**

тезлатган эди, улар унга итоат этдилар. Дарҳақиқат, улар фосиқ қавм эдилар” (*Зухруф*, 54).

Сўнгра Фиръавн ўзининг даъвоси тўғрилигини исботламоқчи бўлиб, вазири Ҳомонга: **“Бас, сен, эй Ҳомон, лойни пишириб, мен учун бир қаср бино қил, шоядки мен Мусонинг Худосини кўрсам”**, деди. Яъни, эй вазирим Ҳомон, сен лойдан пишиқ ғишт тайёрлаб, сўнгра мен учун баланд, осмонўпар бир бино қургин. Шояд мен у ерга чиқиб, Мусонинг худосини кўрсам. Чунки **“Албатта, мен уни ёлғончи кимсалардан деб ўйламоқдаман”**. Бу ердаги **“уни ёлғончи деб ўйламоқдаман”** тарзида гумон маъносида айтилган сўз **“аниқ ишонч”** ни инглатади. Яъни, ишончим комилки, Мусонинг мен – Фиръавндан бошқа илоҳ бор, деб қилаётган даъвоси ғирт ёлғоннинг ўзгинаси! Шундай қилиб, Фиръавн қандай бўлмасин, нодон ва жоҳил қавмига ўзидан бошқа илоҳ йўқлигини уқтириб, Мусо айтаётган гаплар ёлғонлигига ишонтириши керак эди. Ушбу маъно бошқа оятларда ҳам таъкидланган: **“Фиръавн деди: “Эй Ҳомон, мен учун бир (баланд) қаср қургин, шоядки, мен (у қасрнинг устига чиқиб) йўлларга – осмонларнинг йўлларига етиб, Мусонинг илоҳини кўрсам. Дарҳақиқат, мен уни ёлғончи деб гумон қилмоқдаман”**. Фиръавнга ўзининг ёмон амали мана шундай чиройли кўринди ва у (тўғри) йўлдан тўсиди. Фиръавннинг барча макру ҳийласи, албатта, зиёндир-ҳалокатдир” (*Ғофир*, 36–37).

Фиръавнни куракда турмайдиган ушбу сўзларни айтишга нима ундади? Бунинг сабаби қуйидаги оятда келади: **“У (Фиръавн) ҳам, унинг лашкарлари ҳам Ер юзида ноҳақ кибру ҳаво қилдилар ва ўзларини Бизларга қайтарилмайдилар, деб гумон қилдилар”**. Яъни, Фиръавн ва унинг қўшини Биз улар учун яратиб, неъмат қилиб берган Ер юзида ноҳақ, жоҳилларча ғурур ва мутакаббирлик қилдилар ҳамда ўзларини қиёмат куни

ҳисоб-китоб қилиниб, жазо олишлари учун Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайдилар, деб эътиқод қилдилар. Бундай такаббурлик, ғурур ва қиёматда қайта тирилиб, ҳисоб беришни инкор қилишнинг оқибати нима бўлди?

“Бас, Биз уни ва лашкарларини ушладик-да, денгизга ташладик – ғарқ қилиб юбордик”. (Таржимада – ташладик деб келтирилган сўз аслиятда – набаза феъли орқали ифодаланган.) “Набаза” сўзи “бирон нарсани ҳақоратлаб, уни паст санаб ташлаб юбориш, улоқтириш” каби маъноларни билдиради. Яъни, Биз Фиръавн ва лашкарларини аламли азоб билан жазоладик, уларни худди бир кераксиз данак ёки хас-чўп каби денгизга улоқтирдик.

“Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), энди Сиз у золим кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг”. Яъни, уларнинг оқибати ҳақида фикр юритинглар, улар тутган йўлдан узоқроқ юринглар! (Ушбу оятда Аллоҳ таоло Ўз суюкли Пайгамбари (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва жамики мўминларни кофир қавм изидан бормасликка, уларнинг ҳоли не кечганидан хабардор бўлиб, доим огоҳ ва сергак ҳолда ҳаёт кечиретишга амр қилмоқда. – Таржимон.)

“Ва уларни дўзахга чорлаб турадиган пешволар қилиб қўйдик. Қиёмат кунида ҳам уларга ёрдам берилмас”. Яъни, Биз Фиръавн ва қўшинини куфр, фисқу фужур ва исён ишлари сабабли жаҳаннамга чорлаб турадиган, ушбу золим қавмнинг йўлини тутганларнинг ҳам у ерга тушишларига сабабчи бўладиганлардан қилиб қўйдик. Қиёмат кунида улар ўзларидан азобни қайтариб, ҳимоя қилувчи бирон киши ёки нарсани топа олмаслар.

“Биз бу дунёда ҳам уларга лаънатни эргаштирдик. Қиёмат кунида ҳам улар йироқ қилинувчи кимсалардандирлар”. Яъни, улар куфр ва залолатда ҳаёт кечирганлари боис Биз уларни ушбу дунёда раҳматимиздан маҳрум этдик. Қиёмат кунида ҳам улар раҳматимиздан узоқлаштириладилар. Аллоҳ таоло Қасас сурасида кел-

ган Мусо (алайҳиссалом) қиссасини шундай ниҳоялайди: **“Аниқки, Биз аввалги аср-авлодларни ҳалок қилганимиздан кейин Мусога одамлар учун нур, ҳидоят ва раҳмат бўлган Китоб ато этдик. Шояд улар эслатма-ибрат олсалар”**. Яъни, Биз аввалги асрлар мобайнида Нух, Худ, Солих қавми каби ношукр, кофир кимсаларни ҳалок қилганимиздан сўнг Мусога одамлар тўғри йўлни топишлари, қалб кўзлари очилиши ва азобдан қутқарувчи раҳмат сифатида Тавротни нозил қилдик. **“Шояд улар эслатма-ибрат олсалар”** оятида уларга Китоб ато этилиши сабаби келтирилиб, уларни бунинг учун шукр қилишга тарғиб қилинмоқда. Яъни, Биз сизларга Ҳақни ботилдан ажрата билишларингиз учун Китобни нозил қилдик. Бас, энди сизлар унда келган буйруқларга оғишмай амал қилинглр ҳамда Бизнинг неъматларимизни эслаб, доимо Бизга шукр қилинглр.

Қасас сурасида Мусо (алайҳиссалом) ҳаётининг энг узун даври – гўдаклигидан то пайғамбар бўлгунгача бўлган давр ҳақида ҳикоя қилинди. Намл сурасида эса ушбу қисса ўзгача услуб ва кўринишда ёритилади. Аллоҳ таоло айтади: **“Мусо аҳли оиласига: “Мен олов кўриб қолдим. Сизларга ундан бирон хабар келтирурман ёки сизларга исиниб олишингиз учун бир ўт-чўғ келтирурман”, деганини эсланг! Энди қачонки у (оловнинг олдига) келгач, унга нидо қилинди: “Олов олдидаги кишига ва унинг атрофидаги зотларга хайру баракот бўлсин. Барча оламларнинг Парвардигори – Аллоҳ (айбу нуқсондан) Покдир. Эй Мусо, шак-шубҳасиз, Мен ғолиб ва ҳикмат соҳиби – Аллоҳдирман. Асойингни ташлагин!”**. Бас, қачонки (Мусо) унинг илондек қимирлаётганини кўргач, ортига қарамай қочди. **“Эй Мусо, кўрқмагин! Зеро, Менинг ҳузуримда пайғамбарларим кўрқмаслар. Лекин ким зулм қилсаю, сўнгра ёмонликдан кейин уни чиройли(амал)га алмаштирса, бас, ал-**

батта, Мен мағфиратли, меҳрибондирман. Қўлингни чўнтагингга солгин, у ҳеч қандай дардсиз оппоқ бўлиб чиқур. (Бу мўъжиза сен) Фиръавн ва унинг қавмига (олиб борадиган) тўққиз оят-мўъжиза ичида (бордир). Дарҳақиқат, улар итоатсиз қавм бўлдилар. Бас, қачонки уларга Бизнинг оят-мўъжизаларимиз равшан ҳолда етиб келгач, улар: “Бу очик сеҳрдир”, дедилар. Ва ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, уни инкор этдилар. Энди у бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг” (Намл, 7–14).

Оятнинг аввалида Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га хитоб қилиб демоқда: эй муҳтарам Пайғамбар, Мусо Мадяндан Миср томон кетаётиб:

– Мен бир оловни кўриб қолдим, сизлар жойларингизда қимирламай турунглар! Мен у ердан хурсандчилик бирон хабар олиб келсам ёки совуқдан исиниб олишларингиз учун бирон чўғ олиб келсам, – деганини эсланг ва ибрат олишлари учун Сизга эргашган кишиларга ҳам зикр қилинг. Энди Аллоҳ таоло оловнинг олдига яқин келган Мусо қандай воқеалар гувоҳи бўлганидан хабар қилади: Энди қачонки у (оловнинг олдига) келгач, унга нидо қилинди: “Олов олдидаги кишига ва унинг атрофидаги зотларга хайру баракот бўлсин”. “Олов олдидаги киши” дан мурод Мусо (алайҳиссалом), “унинг атрофидаги зотлар” дан мурод эса ерда ҳозир бўлиб турган яқин атрофдаги фаришталардир. Яъни, Мусо (алайҳиссалом) олов турган жойга яқин келганида Аллоҳ азза ва жалла тарафидан ҳурмат-эҳтиром ва салом маъносида Мусога:

– Олов яқинидаги киши – Мусо ва унинг атрофидаги зотлар – фаришталарга яхшилик бўлсин, Мусонинг рисолатни етказиш учун пайғамбар қилиб танлаб олингани муборак бўлсин, – деб нидо қилинди.

“Барча оламларнинг Парвардигори – Аллоҳ (айбу

нуқсондан) **Покдир**". Бу Аллоҳ таолонинг Мусога Ўзи ҳақида бераётган хабаридир. Токи у Аллоҳнинг Каломини эшитиб, у одамнинг сўзига ўхшар экан, деган ҳаёлга бормаслиги учун У Зот махлуқотларига ўхшашдан пок, айбу нуқсон ва қусурлардан саломат эканини Ўз Пайғамбарига таълим бермоқда.

"Эй Мусо, шак-шубҳасиз, Мен ғолиб ва ҳикмат соҳиби – Аллоҳдирман". Бу ерда Аллоҳ аzza ва жалла бандаси Мусога у билан гаплашаётган Зот барча нарсдан ғолиб, бандалари устидан мутлақ ҳоким бўлган Аллоҳ таоло эканини баён қилмоқда. Яъни, эй Мусо, айти пайтда сен билан гаплашаётган Мен – Аллоҳман. Бас, нимага буюрсам сен ўшанга қулоқ тут ва айтганларимни, сенга топширган вазифаларимни бажо эт!

"Асойингни ташлагин!" Бу ўзидан аввалги нидонинг узвий давоми ҳисобланади. Яъни, олов олдидаги кишига ва унинг атрофидаги зотларга хайру барака бўлсин, қўлингдаги асойингни ерга ташлагин, деб нидо қилинди.

"Бас, қачонки (Мусо) унинг илондек қимирлаётганини кўргач, ортига қарамай қочди". Яъни, Мусо (алайҳиссалом) Раббининг амрига лаббай, деб жавоб қилиб, қўлидаги асони ерга ташлаган ҳам эдики, у тезда ҳаракатлана бошлади. Унинг шиддат билан ҳаракатланаётганини кўрган Мусо "илон" деб ўйлаб, қўрқувдан ортига қарамай у ердан қоча бошлади. Мусонинг бу тарзда қочишига сабаб шуки, у қимирлаётган нарса бир оз олдин қўлида турган асоси эканини умуман ҳаёлига келмагани эди. Инсон табиатига хос нарса шуки, у қўрқув ва саросимага тушса, ўзини йўқотиб қўяди ва фикрлашга қодир бўлмай қолади. Мусо (алайҳиссалом) шундай бир қўрқув ҳолатида турганида Аллоҳ таоло унинг қалбига хотиржамлик солиш мақсадида:

– **Эй Мусо, қўрқмагин!** – деди. Яъни, Мен сенинг олдинда эканман сен кўрган нарсангдан қўрқмагин ва

бошқа нарсаларнинг зарар беришидан зинҳор қўрқувга тушма!

“Зеро, Менинг ҳузуримда пайғамбарларим қўрқмаслар”. Бу қўрқувга тушишдан нима учун қайтарилаётганининг сабабидир. Яъни, Мен кимни рисолатимни ўз зиммасига олиб, амримни одамларга етказиш учун танлаб олган бўлсам, ўша бандалар Менинг даргоҳимда ҳаргиз қўрқмайдилар.

“Лекин ким зулм қилсаю, сўнгра ёмонликдан кейин уни чиройли(амал)га алмаштира, бас, албатта, Мен мағфиратли, меҳрибондирман”. Яъни, эй Мусо, Менинг ҳузуримда пайғамбарларим қўрқмайдилар. Лекин кимки нафсига зулм қилиб, бирон ёмон ишни содир этадиган бўлса, сўнгра зулмдан адолатга, ёмонликдан яхшиликка қайтиб, гуноҳ-маъсиятдан тоат йўлига юриб, чин қалбдан тавба қилса, Мен у бандадан ўтган барча гуноҳларини кечириб юбораман. Зеро, ёлғиз Менгина раҳмат ва мағфирати кенг бўлган Зотдирман. Шундан кейин Мусо (алайҳиссалом)нинг ростгўйлардан эканини исботловчи бошқа мўъжизалар ҳақида айтиб ўтилади:

“Қўлингни чўнтагинга солгин, у ҳеч қандай дардсиз оппоқ бўлиб чиқур”. Яъни, эй Мусо, ўнг қўлингни чўнтагинга тик, сўнгра уни чиқар. Қўлинг ҳеч бир касалсиз (яъни, мохов касалисиз) оппоқ ва нурли бўлиб чиқади. Унинг саломат ҳолида бундоқ чароғон бўлиши Аллоҳ таолонинг қудрати ва иродаси билангина юз берди.

“(Бу мўъжизалар сен) Фиръавн ва унинг қавмига (олиб борадиган) тўққиз оят мўъжиза ичида (бордир)”. Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)га ато этган ушбу тўққиз мўъжиза қуйидагилар эди: асо, қўл, қаҳатчилик йиллари, дарё, тўфон, чигиртка, бит, қурбақа ва қон. Буни Ибн Аббос, Мужоҳид, Қатода ва бошқалар ривоят қилишган. Мўъжизаларнинг тўққизта деб чекланиши Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)га бундан бошқа мўъжиза бермаган,

деган фикрни келтириб чиқармаслиги лозим. Усул илми уламолари таъкидлашларича, бирон нарсани аниқ бир миқдор билан чегаралаб ифодалаш унинг ўша сондан зиёда бўлиши эҳтимолини инкор қилмайди.

(Бу нарсани Қуръони каримнинг бошқа оятлари ва Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳадиси шарифларида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, етти тоифа кишиларни Аллоҳ таоло Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмайдиган (қиймат кунда) ўз соясига олади деган ҳадис мавжуд. Бу дегани Қиймат кунда мазкур тоифа вакилларидан бошқалар Аллоҳнинг раҳматидан бебаҳра қоладилар дегани эмас. Бу ердаги – етти тоифа деб чегаралаш фақатгина одамнинг диққатини ўзига қаратиш, эътиборни жамлаш ва уларни ўша хайрли ишларга осон йўл билан тарғиб этиш мақсадида айтилган. Шунингдек, ҳадисларнинг бирида – уч тоифа кимсалар жаннатга кирмайди. Булар: муттасил тарзда хамр ичувчи, ота-онасига оқ бўлган ва етимнинг молини ноҳақ егувчилар. Ушбу маънодаги бошқа ривоятда ўша уч тоифага даъюслар (аҳли аёли – онаси, сингил, опаси, жуфти ҳалолини ўзгалардан – номаҳрамлардан қизганмайдиган эркаклар), ўзини эркакларга ўхшатувчи аёллар, рибохўрлар ҳам киритилган. Шундан ҳам билиб оламизки, бирон нарсани маълум бир миқдор билан чегаралаш ўша нарсанинг мазкур чегараланган миқдордан ортиқ бўлишига ҳеч бир монелик қилмайди. – Таржимон.)

Ояти кариманинг давомида Фиръавн ва унинг атрофидаги кишилар ҳақида шундай дейилади: **“Дарҳақиқат, улар итоатсиз қавм бўлдилар”**. Бу Мусо (алайҳиссалом)нинг ушбу қавмга нима сабабдан юборилишининг асл сабабидир. Яъни, эй Мусо, Биз сени ўша тўққиз мўъжиза билан Фиръавн ва қавмига юбормоқдамиз. Сабаби улар Бизнинг тоатимиздан чиқиб, фосиқлик йўлига кирдилар ва Мендан ўзга махлуқотларга ибодат қилдилар. Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳнинг амрига “лаббай” деб жавоб бериб, қавмини ҳидоятга чиқариш мақсадида йўлга отланди.

“Бас, қачонки уларга Бизнинг оят-мўъжизаларимиз равшан ҳолда етиб келгач, улар: “Бу очик сеҳрдир”, дедилар. Ва ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, уни инкор этдилар. Энди у бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг”. Яъни, Мусо (алайҳиссалом) ўзининг чин пайғамбарлигини тасдиқловчи илоҳий мўъжизалар билан қуролланган ҳолда Фиръавн ва қавми олдига уларни Аллоҳ учун ихлос билан ибодат қилишга чақирганида, улар ношукрлик, кибр ва ғурур билан:

– Эй Мусо, биз сенда кўриб турган бу нарса очик-ойдин сеҳрнинг ўзгинаси-ку, – дедилар. Йўқ, аслида Фиръавн ва қавми ушбу мўъжизалар Мусо (алайҳиссалом)га Рабби томонидан нозил қилинганини яхши билардилар. Аммо билганларига хилоф иш тутдилар, унга имон келтиришга бўйинлари ёр бермади, балки кибрлари устунлик қилди.

Эй оқил инсон, уларнинг оқибати қандай яқун топганига бир назар сол! Улар кофир бўлганликлари, золим ва ношукрликлари ҳамда Ер юзида бузғунчилик қилиб юрганликлари боис Аллоҳ барчаларини сувга ғарқ қилди.

“Энди у бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг” оятида Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам)га кофир қавмдан етган жабр-зулмни енгиллатиш учун тасалли бериш маъноси бор. Қурайш кофирларининг Ҳақни била туриб, Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) олиб келган нарсаларни инкор қилишлари худди Фиръавн ва қавми тутган йўлга ўхшайди. Уларнинг қалбига имон киришига жуда кўп нарсалар моненьлик қиларди. Бунинг энг аввалида ношукрлик, ҳасад, ота-боболари қилиб келган нарсаларга кўр-кўрона қаттиқ ёпишиб олиш, вазиятни бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўзгартиришни нафслари хоҳламаслиги ва бу иш шаҳватлари томонидан уларга зийнатлаб кўрсатилгани турарди. Тоҳа сурасида ҳам Мусо (алайҳиссалом)га Аллоҳ томонидан юклатилган вазифалар, биродари Ҳо-

рун билан Фиръавн олдига боришлари ҳақида ҳикоя қилинади: “(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Сизга Мусо ҳақида хабар келдими? Эсланг, бир оловни кўриб аҳли оиласига: “(Сизлар шу ерда) турунглар, мен бир олов кўриб қолдим, шоядки сизларга ундан бир чўғ олиб келсам ёки шу ўт олдидан бирон йўл (кўрсатувчи) топсам”, деди. Бас, қачонки у (оловнинг яқинига) келгач: “Эй Мусо”, деган нидо эшитилди. “(Эй Мусо), Мен сенинг Парвардигорингман. Энди ка-вушларингни ечгин. Чунки сен муқаддас Туво водий-сидасан. Мен сени танладим. Бас, юборилган ваҳийга қулоқ тут! Дарҳақиқат, Мен Аллоҳдирман. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Мен бордирман. Бас, сен Менгагина ибодат қил ва Мени зикр қилиш учун намозни тўқис адо қил! Токи ҳар бир жон қиладиган саъй-ҳаракати сабабли жазоланиши учун (қиёмат) соати албатта, келгувчидир. (Лекин) Мен уни яширишни истайман. Бас, сени ишонмайдиган ва ҳавойи нафсига эргашган кимсалар ундан тўсмасинлар, у ҳолда ҳалок бўлурсан” (Тоҳа, 9–16).

Юқорида келтирилган илк оятларнинг маъноси қуйидагича: эй муҳтарам Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам)! Шубҳасиз Сизга биродарингиз Мусонинг Мадяндан Миср томон кетаётиб, бир оловни кўриб қолгач, ўз оиласига:

– Сизлар жойларингизда турунглар, ҳеч қаяққа қимирламанглар. Шояд мен у ердан бирон чўғ олиб келсам ёки сафаримизда ёрдам берадиган йўл кўрсатувчи топсам, – дегани ҳақида хабар келди.

Ўшанда Мусо (алайҳиссалом) олов ёнига яқинлашганида Аллоҳ тарафидан:

– Эй Мусо, Мен сенинг Раббингман. Бас, сен энди Бизнинг амримизга таъзим бажо қилиб, даргоҳимизда турганинг хурматидан оёқ кийимингни ечгин, – деган нидо келди.

“Чунки сен муқаддас Туво водийсидасан”. Бу амр нима сабабдан пойафзални ечиш лозимлигини баён қилмоқда. Яъни, сен ҳозир иккала оёғингдаги кавушингни ечгин. Чунки сен Туво деб аталган муқаддас, муборак бир водийда турибсан.

“Мен сени танладим. Бас, юборилган ваҳийга қулоқ тут!” Яъни, Мен сени қавминг орасидан рисолатимни зимманга олишинг ва даъватимни бошқа бандаларимга етказишинг учун пайғамбар сифатида танлаб олдим. Энди сен Мен тарафимдан ваҳий қилинаётган нарсаларга қулоқ сол ва сенга амр қилинаётган ишларни бекамму кўст адо эт!

“Дарҳақиқат, Мен Аллоҳдирман. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Мен бордирман. Бас, сен Менгагина ибодат қил”. Яъни, ибодат қилиш, итоат этиш ва қўрқиш учун Мендан кўра муносиброқ бирон илоҳ йўқ! Шу сабаб сен Менинг розилигим учун холис ибодат қил ва **“Мени зикр қилиш учун намозни тўкис адо қил!”** Яъни, намоз энг буюк ибодат ва энг афзал тоатдир. Бас, сен Мени доим эслаб туришинг ва Менга кучлироқ боғланишинг учун намозни хушу ва ихлос ила адо эт! Шунингдек, намоз ўзида кўплаб зикрларни жамлаган. Унда Менинг зотим ва сифатимни мадҳ этувчи ҳамду санолар бор. Ёки ушбу оятнинг мазмуни қуйидагича: хусусан Мени зикр қилиш, розилигимни олиш учун риё қилмаган ҳолда намозни адо эт!

“Токи ҳар бир жон қиладиган саъй-ҳаракати сабабли жазоланиши учун (қиёмат) соати албатта, келгувчидир. (Лекин) Мен уни яширишни истайман”. Яъни, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, савоб ёки жазо олиш куни бўлган қиёматнинг келишида ҳеч қандай шубҳа йўқ. Мен унинг қачон эканини яширишни ирода қилдим. Фақатгина, унинг келиш вақтини баъзи аломат ва белгилар орқали билдираман. Қиёмат соати шубҳасиз келади. У кунда ҳар бир жон дунёда қилган яхши ва ёмон ишларига яраша савоб ёки жазо олади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бошқа ояти карималарда шундай дейди:

“Ким охиратни истаса ва мўмин бўлган ҳолида (охиратга лойиқ) саъй-ҳаракат қилса, бас, ундай зотларнинг саъйлари (Аллоҳ наздида) мақбул бўлур” (Исро, 19).

“Бас, ким (ҳаёти дунёдалиқ пайтида) зарра мисқолчалиқ яхшилиқ қилса, (қиёмат кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқолчалиқ ёмонлиқ қилса, уни ҳам кўрур!” (Залзала, 7–8).

Сўнгра Аллоҳ таоло қиёмат кунига тайёргарлик кўрмаслик ва у ҳақида гумон шубҳага боришдан қайтариб дейди: **“Бас, сени ишонмайдиган ва ҳавойи нафсига эргашган кимсалар ундан тўсмасинлар, у ҳолда ҳалок бўлурсан”.** Яъни, қиёмат кунида савоб ва иқоб берилишини инкор қилувчи кофир-фосиқ кимсалар сени Қиёматга имон келтиришдан ҳамда ўша куни сенга манфаат келтирадиган солиҳ амалларни қилишдан зинҳор тўсиб қўямасинлар! Акс ҳолда, агар сен уларга бўйин эгсанг, аниқки, ҳалокат жарига қулайсан! Ушбу оятда, аввал қиёмат соати куни келиб, албатта, юз бериши айтилиб, сўнгра унинг қоим бўлишини инкор қиладиган, у кунга тайёргарлик кўришдан бош тортадиган кимсаларга итоат этмаслик қаттиқ таъкидланмоқда.

Аллоҳ таоло айтади: **“Бунга сабаб, Аллоҳ ҳақ экани ва Унинг Ўзи ўликларга ҳаёт бериши ҳамда У ҳамма нарсага қодир эканлигидир. Яна аниқки, (қиёмат) соати, шак-шубҳасиз, келгувчидир ва албатта, Аллоҳ қабрдаги бор жонзотни тирилтирур” (Ҳаж, 6–7).**

Қисса давомида Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Мусо (алайҳиссалом)га буюрган баъзи амрлари ва Мусонинг Раббидан сўраган нарсалари ҳақида хабар қилинади:

“Ана у – қўлингдаги нима, эй Мусо?!” (Мусо) деди: “У асойим, унга таянурман ва у билан қўйларимга (барг) қоқиб берурман. Яна унда бошқа ишларим ҳам бор”. (Аллоҳ) айтди: **“Уни ташлагин, эй Мусо!”** Бас, Мусо уни ташлаган эди, баногоҳ, у юрадиган – жон-

ли илон бўлиб қолди. (Аллоҳ) деди: “Уни ушла! Қўрқмагин, Биз уни аввалги ҳолига қайтарурмиз. Қўлингни қанотингга тикқин, у ҳеч қандай зиён-заҳматсиз оппоқ-нурли бўлиб чиқур. (Бу) иккинчи мўъжиза (бўлур). Биз сенга буюк мўъжизаларимизни кўрсатиш учун (шундай қилдик). Энди сен Фиръавннинг олдига боргин! Чунки у ҳаддан ошди”. (Мусо) деди: “Парвардигорим, Ўзинг қалбимни кенг қилгин, ишимни осон қилгин, тилимдаги тутунни – дудуқликни ечиб юборгин, сўзимни англасинлар. Менга ўз аҳлимдан бўлган Ҳорун оғамни вазир қилгин. У билан белимни бақувват қилгин. Ва уни ишимда шерик қилгин. Токи биз Сенга кўпроқ тасбеҳ айтиб, Сени кўпроқ зикр қилайлик. Албатта, Сен бизни кўрувчи бўлган Зотсан” (Тоҳа, 17–35).

“Ана у – қўлингдаги нима, эй Мусо?!” оятидаги савол эътироф учун берилмоқда. Зеро, Аллоҳ таоло Мусонинг қўлида нима борлигини жуда яхши билар эди. Бу ерда Мусо (алайҳиссалом)нинг ўз тилидан қўлидаги нарса “Асойим” деб айтилиши керак эди. Чунки бир оздан сўнг у асо Аллоҳ таолонинг қудрати билан илонга айланиши лозим эди. Аллоҳ таоло ушбу саволига Мусо кутилганидек: **“У асойим”**, деб жавоб берди. Мусо (алайҳиссалом) ўнг қўлидаги асо эканини айтиб, у ўзига тегишли эканини ҳам билдириб қўйди. Шундан сўнг асосининг вазифаларини санай бошлади: **“Унга таянурман ва у билан қўйларимга (барг) қоқиб берурман. Яна унда бошқа ишларим ҳам бор”**. Яъни, мен юрганимда ёрдам бўлиши учун асойимга суянаман ва қуриган дарахт баргларини қўйларимга қоқиб бераман. Шунингдек, бу асомда мен айтмаган бошқа ҳожатларим ҳам бор. Унинг менга кўп манфаати етади. Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таолонинг саволига **“У менинг асойим”**, деб қисқа жавоб берса ҳам бўларди. Лекин у қўшимча қилиб, унга суянишини ва асои ёрдамида қўйларига барг қоқиб беришини ҳам айтиб ўтди.

Зеро, бу ҳолат банданинг Ҳолиқи билан таклийми (суҳба-ти) бўлиб, бундай ҳолатда бандадан мукамал ва тўлиқ жавоб бериш талаб қилинади.

“Яна унда бошқа ишларим ҳам бор” деб Мусо (алайҳиссалом)дан мужмал тарзда – умумий қилиб жавоб қайтарилишига сабаб сўзни чўзиб юборишдан ҳаё қилгани ёки аксинча Аллоҳ билан бўлган суҳбатни узунроқ давом этишини хоҳлаганидир. Қуртубий айтади: “Ушбу оятда саволга ундан афзалроқ қилиб жавоб қайтариш жоизлигига далил бор. Чунки Аллоҳ таоло: **“Ана у қўлингдаги нимадир, эй Мусо?!”** деб сўраганида, у асосининг тўртта вазифасини санаб ўтди.

(Аллоҳ) **айтди: “Уни ташлагин, эй Мусо!”** Яъни, эй Мусо, ўнг қўлингдаги ушбу асони ерга ташла, кейин нима бўлишини кўрасан. **“Бас, Мусо уни ташлаган эди, баноғоҳ, у юрадиган – жонли илон бўлиб қолди”.** Яъни, Мусо Раббининг амрига бўйсуниб, асосини ерга ташлаган ҳам эдики, у Аллоҳ таолонинг қудрати билан тирик илонга айланиб, тез-тез ҳаракат қила бошлади. Буни кўрган Мусо кўрқиб, ортига қарамай қочди. Лекин Аллоҳ таоло унинг қалбини мустаҳкам қилиб, нафсига хотиржамлик солиш мақсадида:

– **Уни ушла! Кўрқмагин,** – деди. Яъни, бир оз аввал қўлингда турган асодан илонга айланган нарсани ушла, ундан кўрқма! Чунки **“Биз уни аввалги ҳолига қайтарурмиз”.** Яъни, Биз ушбу ўрмалаб юрган илонни қудратимиз ила яна аввалги асо ҳолига қайтарамиз. Айтилишича, Аллоҳ таолонинг ушбу ҳолатда Мусо (алайҳиссалом) асосини илонга айлантиришдан кўзланган ҳикмат – унинг қалбини мустаҳкамлаш, келгусида Фиръавн ва қавми олдида қўлидаги асонинг бундан ҳам каттароқ илонга айланган ҳолда кўрганида кўрқмаслиги учун замин тайёрлашдан иборат эди. Инсон руҳиятига хос бўлган жиҳатлардан бири шуки, киши бирон нарсани, гарчи у қанчалик ажойиб ва ҳаяжонга солувчи бўлмасин, иккинчи кўришда ун-

даги аввалги ҳаяжон ва кўрқинч ҳисси бир оз бўлса ҳам йўқолади.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)га бошқа нарсаларни амр қилади: **“Қўлингни қанотингга тикқин, у ҳеч қандай зиён-заҳматсиз оппоқ-нурли бўлиб чиқур. (Бу) иккинчи мўъжиза (бўлур)”**. Яъни, эй Мусо, ўнг қўлингни чап қўлтиғингга тикқин, сўнгра чиқар. У бирон касалсиз оппоқ, нурли ва чароғон бўлиб чиқар. Бу сенга Биз ато этган асодан бошқа иккинчи мўъжизадир.

“Биз сенга буюк мўъжизаларимизни кўрсатиш учун (шундай қилдик)”. Яъни, Биз сенга асо ва қўл мўъжизаларини беришимиздан мақсад – Бизнинг улуғ қудратимизга, Аллоҳнинг Якка Ўзи илоҳдикка муносиб эканига далолат қилувчи катта мўъжизаларнинг баъзиларини кўрсатиш эди. Мусо (алайҳиссалом)га мазкур икки мўъжизани беришдан кўзланган ҳикмат нима эди?

“Сен Фиръавннинг олдига боргин! Чунки у ҳаддан ошди”. Яъни, эй Мусо, ушбу икки мўъжиза билан қуролланган ҳолда Фиръавннинг олдига бор! Уни Менинг ёлғиз Ўзимга ибодат қилиш учун даъват эт! Унга шуни айтгинки, Бани Исроилга яхшилик қилсин, уларни ноҳақ азобламасин! Шунингдек, уни зулм ва кибрдан қайтар. Чунки у ҳақиқат ва адолат мезонидан чиқиб, ҳаддини билмай қолди. Ҳатто одамларга: **“Мен сизларнинг буюк раббингизман”**, деб даъво қилмоқда. Мусо (алайҳиссалом) Раббидан ушбу топшириқларни қабул қилиб олар экан, ўз навбатида, ишининг енгил кечиши учун дуо қилиб қуйидагиларни сўради:

“Парвардигорим, Ўзинг қалбимни кенг қилгин”. Яъни, эй Раббим, қалбимни имон нури ва пайғамбарлик неъмати ила кенг қилгин, токи Сен менга юклаётган вазифаларни хурсандлик ила қабул қилиб, мукамал тарзда адо этай.

“Ишмни осон қилгин”. Яъни, Ўзинг менга амр қилган ишларни бажаришимда мададкор бўлгин. Уларни мен учун енгил ва осон қилгин. Акс ҳолда, мен ушбу Рисолатнинг оғир юкини кўтаришга тоқат қила олмайман!

“Тилимдаги тугунни – дудуқликни ечиб юборгин, сўзимни англасинлар”. Яъни, тилимдаги камчилик бўлмиш дудуқланишни бартараф эт, токи одамлар айтаётган гапларимни яхши англаб, менга эргашишлар!

Ривоят қилинишича, Мусо (алайҳиссалом)нинг тилида дудуқлик бўлган эди. Шу нарса Мусо (алайҳиссалом) бошини ўзгалар олдида ҳам қиларди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бошқа бир оятда Мусо (алайҳиссалом) тилидан шундай хабар беради: **“Оғам Ҳорун мендан кўра тили бурророқдир. Бас, уни ҳам мен билан бирга мени тасдиқлайдиган ёрдамчи қилиб юборгин. Чунки улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқурман”**(Қасос, 34).

Мусо (алайҳиссалом) ихлос билан дуо қилишда давом эта туриб деди:

– Менга ўз аҳлимдан бўлган Ҳорун оғамни вазир қилгин. У билан белимни бақувват қилгин. Ва уни ишимда шерик қилгин.

Мусо (алайҳиссалом) аввал бошида қалби ва тилига боғлиқ нарсаларни сўраган бўлса, энди эса ўзига боғлиқ бўлмаган нарсаларни ўтинч билан Раббидан сўрамоқда. Яъни, эй Раббим, илтижо қилиб сўрайманки, Сенинг Рисолатингни етказишимда аҳлимдан бўлган Ҳорун биродаримни менга ёрдамчи қил, у билан белимни қувватлангир, Рисолатингни етказишда уни ҳам менга шерик қил, токи Сенинг амрингни комил даражада адо этайлик! Мусо (алайҳиссалом) ўз нафсида тез ғазабланиш, қизиққонликни кўриб, бирон хатоликка йўл қўймаслик мақсадида Раббидан шу нарсаларни сўрамоқда. Мақсад – аҳамияти катта бўлган ишларни у билан бирга маслаҳатлашиб амалга ошириш, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш эди.

“Токи биз Сенга кўпроқ тасбеҳ айтиб, Сени кўпроқ зикр қилайлик. Албатта, Сен бизни кўрувчи бўлган Зотсан”. Бу Мусо (алайҳиссалом)нинг Раббига қилган холис дуоларининг сабабидир. Яъни, биз Сенга кўпроқ тасбеҳ айтиб, кўпроқ зикр қилишимиз учун дуойимизни ижобат эт! Зеро, Сен доимо бизни кўриб, кузатиб турасан. Бизнинг ва бошқа махлуқотларинг ишидан бирон нарса Сен учун махфий эмас. Сен бизнинг ҳолимизни ва ожизлигимизни яхши биласан ҳамда Сенинг ёрдаминг ва паноҳингга муҳтож эканимиздан ҳам мутлақ хабардорсан!

Ушбу дуолар билан Мусо (алайҳиссалом) ўз Раббига узоқ илтижо қилди, ўзининг бор эҳтиёж ва талабларни баён этди. Хўш, натижа нима билан яқунланди? Аллоҳ унинг дуосини қабул қилиб, сўраган нарсаларини берди. Аллоҳ таоло айтади: **“Сўраган нарсаларинг сенга ато этилди, эй Мусо!”** Яъни, эй Мусо, Биз дуойингни ижобат этдик, Ўз фазлу карамимиз ила сенга барча сўраган нарсаларингни ато этдик.

МУСО (АЛАЙҲИССАЛОМ) БИЛАН ФИРЪАВН ЎРТАСИДАГИ МУНОЗАРА ВА ҚИЗҒИН ТОРТИШУВЛАР

Ҳақ ва ботил орасидаги ушбу мурасасиз тортишувлар Қуръони каримнинг бир неча сураларида баён қилинган. Унда Мусо (алайҳиссалом) томонидан кучли мантиққа асосланган фикрлар, очиқ-ойдин ҳужжат ва юксак шижоат хислатлари, Фиръавн томонидан эса, очиқ таҳдид, дўқ-пўписа, жаҳолат, куч-қувват билан мақтаниш каби мазаммат қилинган сифатлар кўзга ташланади.

Тоҳа сурасида келтирилган ушбу мунозараларни кўриб чиқайлик: Аллоҳ таоло айтади: (Эй Мусо), **сен ўзинг ва оғанг (Ҳорун) Менинг мўъжизаларимни олиб**

боринглар ва Мени зикр қилиб – ёдингизда тутишда сусткашлик қилманглар! Сизлар Фиръавннинг олдига боринглар, чунки у ҳаддидан ошди. Бас, унга юмшоқ сўз сўзланглар! Шояд панд-насиҳат олса ёки кўрқса. Улар дедилар: “Парвардигоро, дарҳақиқат, биз у шошқалоқлик қилишидан ёки бадтар туғёнга тушишидан хавфдамиз. (Аллоҳ) айтди: “Кўрқманглар! Шак-шубҳасиз, Мен сизлар билан биргаман – эшитиб, кўриб тураман. Бас, сизлар унинг олдига бориб айтинглар: “Биз Парвардигорингнинг элчиларимиз. Сен Бани Исроил (қавми)ни биз билан бирга қўйиб юборгин, уларни азобламагин. Биз сенга Парвардигоринг томонидан оят-мўъжиза келтирдик. Ҳидоятга эргашган кишиларга тинчлик-омонлик бўлур. Бизга ваҳий қилиндики, ёлғончи қилган ва юз ўтирган кимсаларга азоб бўлур” (Тоҳа, 42–48).

Юқоридаги илк оятларнинг маъноси қуйидагича: эй Мусо, сен биродаринг Ҳорун икковингиз Менинг мўъжизаларим билан қуролланган, ҳимояланган ҳолингизда Мен буюрган тарафга боринглар! Мени зикр қилиш ва тасбеҳ айтишда зинҳор ожизлик қила кўрманглар! Зеро, Мени зикр қилишингиз ҳар қандай шароитда сизларга қурол ва кучли асос бўлади. Ушбу ояти каримада Мусо ва Ҳорун алайҳимуссаломларга, шунингдек барча мўминларга ҳар қандай замон ва маконда Аллоҳ таолонинг зикрида бардавом ва собитқадам бўлишга, бу ишда сусткашликка йўл қўймасликка кучли даъват қилинмоқда.

Аллоҳ таоло ҳар қандай шароитда Ўзига тасбеҳ, таҳмид ва кўплаб зикрлар айтувчи бандаларини мақтаб, шундай дейди: “Албатта, осмонлар ва Ернинг яратилишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун оят-аломатлар бордир. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар” (Оли Имрон, 190–191).

Ибн Касир айтади: **“Мени зикр қилиб – ёдингизда тутишда сусткашлик қилманглар!”** оятидан мурод шуки, у иккиси Аллоҳни зикр қилишни ҳеч ёдларидан чиқармаганлар. Фақат бу ерда Фиръавн билан юзма-юз келганда, ўзларига қувват ва ёрдам бўлиши учун Аллоҳни зикр қилиш, бу ишда заифликка йўл қўймаслик яна бир бор таъкидланмоқда.¹

“Сизлар Фиръавннинг олдида боринглар, чунки у ҳаддидан ошди”. Яъни, сиз иккингиз даъватимни етказиш ва уни ибодатга чақириш учун Фиръавннинг олдида боринглар. Чунки у исён қилиб, ҳаддидан ошди, Ер юзида кўп бузғунчиликлар қилди, ҳатто қавмига:

– Мен сизларнинг буюк раббингизман ва мен сизлар учун ўзимдан бошқа илоҳ борлигини билмайман, – деб даъво қилди.

“Бас, унга юмшоқ сўз сўзланглар! Шояд панднасиҳат олса ёки кўрқса”. Ушбу оятда Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)ларга Фиръавн билан бўладиган мунозара чоғида қандай йўл тутиш лозимлиги таълим берилмоқда. Яъни, унинг олдида бориб, куфр ва туғёндан воз кечишга даъват этинглар! Аммо унга мулойимлик ва юмшоқлик билан муомалада бўлинглар. Зеро, бу нарса ғазабни кетказиб, қалбни зикрга, куфр ва нобакорликнинг ёмон оқибатларидан кўрқишга ундайди.

Ушбу мулойим сўзнинг қандайлиги бошқа оят орқали тафсир қилинган. Аллоҳ таоло айтади: **“(Эй Мусо), сен Фиръавннинг олдида боргин. Чунки у (куфру исён билан) ҳаддидан ошди. Бас (унга) айтгин: “Сенинг (куфр иллатидан) покланишга рағбат – хоҳишинг борми? Мен сени Парвардигоринг (йўли)га ҳидоят қилсам, бас, сен (У Зотдан) кўрқсанг”**(*Нозимот, 17–190*).

Ибн Касир айтади: **“Бас, унга юмшоқ сўз сўзланглар!”** оятида улуғ бир ибрат бор. Фиръавн ўта мутакаб-

¹ “Тафсиру Ибн Касир”, 3-жилд, 287-бет.

бир ва итоатсиз эди. Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳнинг пайғамбари бўла туриб, У Зот Мусога Фиръавн билан муомалада мулойим бўлишга амр қилмоқда. Чунки ширин сўз нафсга кучли таъсир қилиб, қалбни юмшатади. Аллоҳ таоло айтади: **“Парвардигорингиз йўлига – динига донолик ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал йўлда мужодала-мунозара қилинг”**(Наҳл, 125).¹

Аллоҳ Мусо ва Ҳорунга Фиръавннинг олдида бориб нима дейишларини таълим бергач, улар дедилар: **“Парвардигоро, дарҳақиқат, биз у шошқалоқлик қилишидан ёки баттар туғёнга тушишидан хавфдамиз”**. Яъни, эй Раббимиз, биз сўзимизни тутатгач, Фиръавн бизга азоб-укубат ва озор беришидан ҳамда унинг туғёни янада ошиб кетишидан, Сенинг шаънингга биз эшитишни хоҳламаган гапларни айтишидан қўрқмоқдамиз, дедилар.

Аллоҳ таоло уларга жавобан деди: **“Қўрқманглар! Шак-шубҳасиз, Мен сизлар билан биргаман – эшитиб, кўриб тураман”**. Яъни, сизлар Фиръавн зулмидан ҳеч ҳам чўчиманглар! Чунки Мен Ўз қувватим, қудратим ва паноҳим ила сизлар билан биргадирман. Мен сизларнинг сўзларингизни эшитиб, қилаётган ҳар бир ҳаракатингиздан хабардор бўлиб тураман. Сизларнинг ҳолатингиздан бирон нарса Мен учун махфий бўлиб қолмас. Хотиржам бўлинглар! Бу исёнкор банданинг ихтиёри Менинг қўлимда, у фақат Менинг измим билангина ҳаракат қила олади.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло уларга қай тарзда даъват қилиш усулини таълим беради: **Бас, сизлар унинг олдида бориб айтинглар: “Биз Парвардигорингнинг элчиларимиз”**. Яъни, Фиръавннинг олдида бориб, ҳеч бир тарадудсиз, қўрқмасдан:

¹ “Тафсиру Ибн Касир”, 3-жилд, 288-бет.

– Биз сени яратиб, инсон шаклига келтирган Раббинг элчиларимиз, – деб айтинглар. Фиръавнга айтиладиган илк сўзларнинг шу қабилда бошлашдан мақсад – Рисолатнинг асосини унга тушунтириш, у иккиси Оламлар Раббиси томонидан юборилганларини уқтириш эди.

“Сен Бани Исроил (қавми)ни биз билан бирга қўйиб юборгин, уларни азобламагин”. Яъни, Бани Исроилни ўз ҳолига қўй! Улар сенинг давлатингда эмин эркин, озод ҳолларида яшасинлар. Ўғил болаларни ўлдириб, қиз чақалоқларни тирик қолдириш билан уларга зулм ва қаҳрингни ўтказма!

“Биз сенга Парвардигоринг томонидан оят-мўъжиза келтирдик”. Бу ердаги мўъжизадан мурод: асо, қўл ва Аллоҳ таоло тарафидан Мусо (алайҳиссалом)га берилган бошқа мўъжизалардир. Яъни, биз сенга ростгўй эканимизни тасдиқловчи, даъватларимиз ҳақлигини қувватловчи ҳамда бизни Аллоҳ таоло сени ҳидоятга чақиришимиз учун юборганини исботловчи мўъжизаларни келтирдик.

“Ҳидоятга эргашган кишиларга тинчлик-омонлик бўлур”. Яъни, икки дунёда азоб-уқубатлардан омонда бўлиш, Аллоҳга, фаришталарга, Унинг Китобларига, пайғамбарлари ҳамда Охират кунига ишониб, ҳақиқий чин имон келтириб, ҳидоятга эргашган кишиларгагина хосдир. Ушбу жумлаларда одамларни Ҳақ Динга киришлари учун кучли тарғиб бор. Шу сабаб, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп мактубларида мазкур жумлаларни ишлатар эдилар. Жумладан, Рум подшоҳи Ҳирақлга ёзган мактубларида шундай дейилган: “Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман. Аллоҳ Элчиси Муҳаммадан Рум подшоҳи Ҳирақлга, ҳидоятга эргашганларга салом бўлсин!”

Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)лар Фиръавнга хитоб қилишда давом эта туриб, шундай дедилар: **“Бизга ваҳий қилиндики, ёлғончи қилган ва юз ўтирган кимсалар-**

га азоб бўлур”. Яъни, бизга Раббимиз ва Холиқимиз томонидан ваҳий қилиндики, Аллоҳ таолонинг мўъжиза ва ҳужжатларини кўриб-била туриб, уларни ёлғон деган, унга ижобат этишдан бош тортган кимсаларга дунёю охирадда қаттиқ азоб ва сўнгсиз хорлик бўлади. Юқорида келтирилган ояти карималар Ҳақ динга тарғиб этишнинг энг мукамал усули саналади. Улар, аввало самовий Ри-солатнинг асоси саналмиш ақида масаласидан сўз очиб, сўнгра ўзларининг ростгўй эканликларига исбот-далиллар келтирдилар. Кейин эса, Фиръавн ва қавмини ҳидоят йўли сари чорладилар. Ҳидоятдан юз ўгириш яхши эмаслигини тушунтириб, уларни кофирликнинг ёмон оқибатларидан огоҳлантирдилар.

Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)лар Фиръавнга юқоридаги сўзларни айтишгач, улар ўртасида баҳс-мунозара бошланиб кетди. Аллоҳ таоло буни қуйидагича ҳикоя қилади: “(Фиръавн) деди: “Сизларнинг Парвардигорингиз ким, эй Мусо?” (Мусо) айтди: “Парвардигоримиз барча нарсага ўз хилқатини ато этиб, сўнгра тўғри йўлга солиб қўйган Зотдир”. (Фиръавн) деди: “У ҳолда аввалги авлодларнинг ҳоли недир?” (Мусо) айтди: “Улар ҳақидаги билим Парвардигорим ҳузурдаги Китобдадир. Парвардигорим адашмас ва унутмас”. У Зот Ерни сизлар учун бешик – қароргоҳ қилиб қўйди ва унда йўллар пайдо қилди ҳамда осмондан сув ёғдирди. Бас, Биз у (сув) ёрдамида турли наботот навларини ундириб чиқардик. Сизлар (улардан) енглар, чорваларингни боқинглар. Албатта, бунда ақл эгалари учун оят-ибратлар бордир. Биз сизларни (Ердан) яратдик, яна унга қайтарурмиз ва сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз. Дарҳақиқат, Биз унга (яъни, Фиръавнга) бор оят – мўъжизаларимизни кўрсатдик. Бас, у ёлғон деб, юз ўгирди. У деди: “Сен ўз сеҳринг билан бизларни еримиздан чиқариш учун келдингми, эй Мусо! У

ҳолда бизлар ҳам сенга худди ўшандай сеҳр келтируремиз. Бас, сен ўзинг билан бизларнинг ўртамизда бир ваъдагоҳ қилгинки, у бизлар ҳам, сен ҳам қаршилиқ қилмайдиган ўрта жой бўлсин”. (Мусо) айтди: “Ваъда байрам кунидир. Одамлар чошгоҳда тўпланурлар”. Бас, Фиръавн бориб, ўзининг макр найрангини йиғди. Сўнгра келди” (Тоҳа, 49–60).

Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)лар Аллоҳнинг амрига кўра бориб, Фиръавнни ҳақ динга чақирганларида, Фиръавн уларга қарата:

– Парвардигорингиз ким, эй Мусо? – деди. Яъни, сиз иккингишни менинг олдимга юборган ўша Раббингиз ким ўзи, эй Мусо? – деб сўради. Гўёки Фиръавн туғён ва фужурга ғарқ бўлгани сабаб Мусо ва Ҳорунларнинг Рабби унинг ҳам Рабби эканини тан олишни истамаётгандек эди. Бу ерда Фиръавннинг “Эй Мусо” деб фақатгина у кишини хослаб нидо қилишига сабаб – аслида Рисолат Мусо (алайҳиссалом)га юборилган, Ҳорун эса унинг ёрдамчиси деб ўйлагани ёки Мусо (алайҳиссалом)нинг тилида дудуқлик борлигини билиб, уни ноқулай бир аҳволга солишни хоҳлагани эди.

Фиръавннинг саволига Мусо (алайҳиссалом) қатъият ва дадиллик билан:

– Парвардигоримиз барча нарсага ўз хилқатини ато этиб, сўнгра тўғри йўлга солиб қўйган Зотдир, – деб жавоб қайтарди. Яъни, эй Фиръавн, бизнинг ҳам, сенинг ҳам Раббинг Яккаю Ёлғиз, Ҳожатбарор бўлган Аллоҳдир. У Зот махлуқотларига, қолаверса барча нарсага чиройли шакл берувчидир. Сўнгра уларни нима учун яратган бўлса, ўша вазифаларини тўғри ва бекаму-кўст бажаришлари учун тўғри йўлга бошлайди.

Бу жавобни эшитгач, Фиръавн яна деди: “У ҳолда аввалги авлодларнинг ҳоли недир?” Яъни, эй Мусо, ундай бўлса пайғамбарларни ёлғонга чиқариб, Аллоҳдан ўзгага

ибодат қилган Нух, Од ва Самуд қабилаларининг ҳоли не кечади? Фиръавннинг ушбу саволи унинг ўта нопок ва маккор бўлганидан дарак беради. У аввалги саволига Мусо (алайҳиссалом)дан қоникарли ва эътироз қилиб бўлмайдиган даражада жавоб олгач, энди гапни бошқа томонга – Мусо (алайҳиссалом)нинг Рисолатига боғлиқ бўлмаган мавзуга бурмоқчи.

Мусо (алайҳиссалом) унга қуйидагича жавоб қилди: **“Улар ҳақидаги билим Парвардигорим ҳузуридаги Китобдадир. Парвардигорим адашмас ва унутмас”**. Яъни, мазкур қавмлар ҳақидаги илм Раббимнинг даргоҳидаги Китоб – Лавхул маҳфузда сақланади. Уларнинг аҳволидан бирон нарса Раббим учун махфий эмас. У Зот қиёмат кунида улар қилиб ўтган амалларига яраша мукофот ёки жазо беради.

“Парвардигорим адашмас ва унутмас” жумласи ўзидан аввалги оятни таъкидлаб келмоқда. Яъни, Раббим бирон ишида хатоликка йўл қўймайди, билган нарсаларини унутиб ҳам қўймайди. Чунки У Зот бундай камчилик ва нуқсонлардан покдир. Шундан сўнг Аллоҳ таолонинг чексиз илми ва қудратига далолат қилувчи баъзи нарсалар баён қилинади: **“У Зот Ерни сизлар учун бешик – қароргоҳ қилиб қўйди”**. Яъни, У Зот сизлар Ернинг неъматлари ва ундаги яхшиликлардан фойдаланишингиз мақсадида сизлар учун уни худди тўшак қилиб қўйди.

“Ва унда йўллар пайдо қилди”. Яъни, сизлар ишларингизни амалга ошириш, ҳожатларингизни раво қилишингиз учун бир жойдан бошқа бир жойга, бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга бориб келишингиз осон бўлсин деб турли йўлларни пайдо қилди.

“Ҳамда осмондан сув ёғдирди. Бас, Биз у (сув)ёрдамида турли наботот навларини ундириб чиқардик”. Яъни, У Зот субҳанаҳу ва таоло қудрати билан осмондан кўп миқдорда фойдали ва баракотли ёмғирлар ёғдирди

ва Биз бу сув ёрдамида ердан турли хил ўсимликлар, сизлар учун озиқ-овқат бўладиган дон-дунлар ва турфа ранг гулларни чиқардик. Ушбу оятда Аллоҳ таоло бандаларига инъом қилган тўрт неъмат: ернинг тўшак каби қулай қилиниши; у ерда йўлларнинг пайдо қилиниши; осмондан ёмғир туширилиши ва ердан турли навдаги ўсимликларнинг чиқарилиши баён қилинмоқда. Мазкур неъматлар бутун ер юзи бўйлаб зоҳир бўлсада, хусусан Фиръавн истиқомат қиладиган Миср замини, Нил дарёсининг икки қирғоғи ўзига хос кўринишга ва қулай шарт-шароитга эга эди. Фиръавн бу неъматларга шукроналик сифатида оламлар Рабби Аллоҳга ихлос билан ибодат қилиш ўрнига, аксинча теварак-атрофидаги ноз-неъматлар ҳақида ҳеч ақл юритмай, ўзига берилаётган бу инъомлар қаердан келаётгани хусусида ўйлаб ҳам кўрмасди.

Оятнинг давомида Аллоҳ дутфу карамининг нишонаси сифатида шундай дейди: **“Сизлар (улардан) энглар, чорваларингни боқинглар”**. Яъни, ушбу ер, ундаги кенг ва равон йўллар, турли-туман ўсимликлар фақат сизларнинг манфаатингиз учунгина чиқарилган. Бас, эй инсонлар, сизлар мазкур мевалардан энглар, туя, сигир ва қўйлардан иборат бўлган чорваларингизни боқинглар ҳамда бу неъматлар янада зиёда бўлиши учун Аллоҳ таолога шукр сифатида ихлос билан ибодат қилинглр!

“Албатта, бунда ақл эгалари учун оят-ибратлар бордир”. Бу ердаги кўрсатиш оллоҳи бўлган “бунда” сўзи юқорида зикр қилинган неъматларга тегишлидир.

(Таржимада – ақл эгалари деб келтирилган сўз арабча матнда – улун нуҳа тарзида ифодаланган. Яъни, – ақл маъносидаги сўз – нуҳа орқали берилган. Мазкур сўз – наҳаа-йанҳаа яъни, – манъ қилмоқ, тўсмоқ феълидан ясалган. – Таржимон.)
“Нуҳа” сўзи **“нуҳйатун”**нинг кўплик шакли бўлиб, **“ақл”** маъносини англатади. Чунки ақл ўз соҳибини нолойиқ ишларни содир этишдан қайтариб туради.

Оятнинг маъноси қуйидагича: албатта, ернинг сизлар учун қароргоҳ қилиниши, унда йўллар барпо этилиши, осмондан ёмғир туширилиб, у ёрдамида ўсимликлар чиқарилишида тўғри фикр ва соғлом ақл эгалари учун ибрат ва насиҳатлар бордир.

“Биз сизларни (ердан) яратдик, яна унга қайтарурмиз ва сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз”. Яъни, Биз оталарингиз Одамни ер жинсидан бўлган тупроқдан яратдик. Сизлар унинг авлодларидирсиз. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Албатта, Исонинг (отасиз туғилишининг) мисоли Аллоҳ наздида худди Одамнинг мисоли кабидирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра “Бўл”, деди. Бас, у (жонли одам) бўлди”** (Оли Имрон, 59).

“Яна унга қайтарурмиз”. Яъни, сизларнинг ажалингиз етиб, вафот этганингизда дафн жойингиз ва жасадларингиз қарор топадиган макон бўлиши учун Биз сизларни яна ерга қайтарамиз.

“Сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз”. Яъни, Қиёмат кунда ҳисоб қилиниб, мукофот ёки жазо олишингиз учун Биз сизларни ердан тирик ҳолда чиқарамиз.

“Дарҳақиқат, Биз унга (яъни, Фиръавнга) бор оят-мўъжизаларимизни кўрсатдик. Бас, у ёлғон деб, юз ўгирди”. Бу Фиръавннинг Мусо (алайҳиссалом) келтирган мўъжизаларга қандоқ муносабатда бўлганининг баёнидир. Яъни, Биз Фиръавнга ваҳдониятимга, қудратимга ҳамда Мусонинг ростгўйлигига далолат қилувчи жамики мўъжизаларни кўрсатдик, аммо Фиръавн уларнинг барчасини ёлғонга чиқарди, Ҳақни қабул қилишдан бош тортди.

У деди: “Сен ўз сеҳринг билан бизларни еримиздан чиқариш учун келдингми, эй Мусо!” Яъни, Фиръавн Мусога қарата таҳдид ва дўқ-пўписа билан:

– Эй Мусо, сен аввал қочиб кетган ерингдан келиб, биз кўрган сеҳр ва усталик билан қилинган мўъжизаларни на-

мойиш этиш орқали бизларни айна пайтда истиқомат қилиб турган юртимиз Мисрдан ҳайдаб чиқармоқчимисан?! Бу ерда Фиръавн Мусо (алайҳиссалом) келтирган мўъжизаларни сеҳр деб атамоқда. Мақсад – бундоқ ажойиб мўъжизаларни кўриб, унинг таъсирига тушиб қолган қавмидан унинг таъсир кучини кетказиш эди. Фиръавннинг **“Еримиздан чиқариш учун...”** деб айтишидан кўзланган мақсад эса, ўз аъёнларини Мусога қарши гижгижлаш, унга қарши оёққа турғазлаш, Мусо ерларимизни эгаллаб, бойликларимизни тортиб олиб, ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи деган ваҳимали хаёлларни уларнинг онгига сингдириш эди.

Фиръавн таҳдид қилишда давом эта туриб, шундай деди: **“У ҳолда бизлар ҳам сенга худди ўшандай сеҳр келтирурмиз. Бас, сен ўзинг билан бизларнинг ўртасида бир ваъдагоҳ қилгинки, у бизлар ҳам, сен ҳам қаршилиқ қилмайдиган ўрта жой бўлсин”**. Яъни, эй Мусо, сен ўз сеҳринг билан бизни еримиздан чиқариб юбормоқчимисан?! У ҳолда бизлар ҳам худди сен каби бир сеҳр қиламиз. Бас, мусобақа ва беллашув учун бир жой танла. Бу вақтга сен ҳам, мен ҳам хилоф қилмайлик. Мусобақа ўтказиладиган ер бутун аҳоли келиб, қатнашиши учун шаҳарнинг ўртасида бўлсин!

Фиръавннинг Мусога айтаётган ушбу сўзларидан ҳам билиш мумкинки, у ўзини аниқ ғалабага эришаман, деб ўйлаган ва зафар қуши нақд менинг қўлимда, деб хомхаёл қилган. Бунини Фиръавннинг қасам ичиб, **“сеҳр келтирурмиз”** деб айтишидан, мусобақа кунини белгилашни Мусонинг ихтиёрига қолдиришидан, ваъдага хилоф қилинмаслигини шарт қилиб қўйишидан ҳамда одамлар кўришлари учун мусобақани шаҳар ўртасида ташкил этишни талаб қилишидан ҳам билиб олиш қийин эмас.

Мусо (алайҳиссалом) Фиръавннинг бу чақириғини қабул қилди ва унга қарата: **“Ваъда байрам кунидир.**

Одамлар чошгоҳда тўпланурлар”, деб жавоб қилди. Яъни, мен сенинг барча шартларингга розиман. Энди менинг ҳам бир шартим бор. Мен ва сизларнинг ўртангизда бўлиб ўтадиган мусобақа байрам кунингиз бўлсин. Ўша куни чошгоҳ пайтида барча одамлар белгиланган жойга тўлансинлар. Улар, эй Фиръавн, мен ва сеҳргарларнинг ўртасида кечадиган беллашувга ўз кўзлари билан гувоҳ бўлиб турадилар!

Шуаро сурасида ҳам Мусо (алайҳиссалом) ва Фиръавн ўртасида содир бўлган баҳс-мунозаранинг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

(Эй Муҳаммад), эсланг, Парвардигорингиз Мусога нидо қилиб: **“У золим қавмга – Фиръавн қавмига боргин, улар қўрқмайдиларми?!”** (деган эди), Мусо айтди: **“Парвардигорим, улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқурман. Ва дилим сиқилур, тилим бурро эмасдир, бас, Ҳорунга (ҳам) пайғамбарлик юборсанг. Яна уларнинг наздида мен гуноҳкорман. Бас, мени ўлдириб қўйишларидан қўрқурман”.** (Аллоҳ) деди: **“Йўқ. Бас, Бизнинг оят-мўъжизаларимиз билан боринглар! Албатта, Биз сизлар билан бирга эшитиб тургувчидирмиз. Энди Фиръавнга бориб айтинглар: “Ҳақиқатан, биз барча оламлар Парвардигорининг эчиларидирмиз. Бани Исроил (қавми)ни бизга қўшиб жўнатгин!”** (Шуаро, 10 –17).

Юқоридаги ояти карималарда келтирилишича, Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)га шундай амр қилган: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилиш билан ўз нафсларига жафо қилган золим Фиръавн қавмига бориб, уларга Менинг рисолатимни етказинглар. Менга ихлос билан ибодат қилишга буюринглар!

“Улар қўрқмайдиларми?!” Бу Фиръавн ва қавмининг аҳволидан ажабланиш маъносини англатади. Яъни, эй Мусо, уларнинг олдига бориб, шундай дегин:

– Сизлар Аллоҳдан, Унинг жазоси ва ғазабидан қўрқиб қуфр ва зулм йўлини тарк этмайсизларми?!

Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳнинг ушбу амрига жавобан шундай деди: **“Парвардигорим, улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқурман”**. Яъни, эй Раббим, бу қавмининг қандайлигини яхши биламан. Улар зулм ва туғёнга ғарқ бўлишган. Шу сабаб мен Сенинг ваҳийингни етказгани борганимда, улар мени ёлғончига чиқаришларидан қўрқиб турибман **“ва дилим сиқилур”**. Яъни, улар мени ёлғончига чиқарганлари боис қалбим ғам-ташвишга тўлади. **“Тилим бурро эмасдир”**. Яъни, менинг тилим фасоҳатли, бурро эмас, уларнинг ботил эътиқод ва ёмон амалларини ўзларига исботлаб бера олмайман. Айниқса, ғазабланганимда жуда қийин аҳволга тушиб қоламан. **“Бас, Ҳорунга (ҳам) пайғамбарлик юборсанг”**. Яъни, шу сабаб, биродарим Ҳорунга ҳам ваҳий нозил қил. У менга Рисолатингни етказишимда кўмакчи бўлсин!

“Яна уларнинг наздида мен гуноҳкорман. Бас, мени ўлдириб қўйишларидан қўрқурман”. Яъни, илгари мен уларнинг жамоасидан бўлган бир қибтийни бе-хос ўлдириб қўйгандим. Шунинг учун, уларнинг олдига борганимда мендан интиқом олиб, ўлдиришларидан қўрқяпман.

Кўриниб турибдики, Мусо (алайҳиссалом) бу ерда улар ёлғончи қилишларидан қўрқиши, исёнларидан қалби сиқилиши, тилида камчилик борлиги, олдиларига борганида, ўлдиришларидан қўрқишини айтиб, Раббига шикоят қилмоқда. Бу нарса Рисолатни адо этишдан бош тортиш ёки Аллоҳнинг амрини уларга етказишдан юз ўгириш эмас, балки Мусо (алайҳиссалом) ушбу сўзлари билан Аллоҳ азза ва жалланинг ёрдами ва кўмагига муҳтож эканини изҳор қилмоқда.

Аллоҳ таоло пайғамбари Мусо (алайҳиссалом) қалбидаги қўрқув ва ташвишни кетказиш учун шундай деди:

“Йўқ. Бас, Бизнинг оят-мўъжизаларимиз билан боринглар! Албатта, Биз сизлар билан бирга эшитиб тургувчидирмиз”. Аллоҳ таоло Мусога йўл кўрсатиш ва таълим бериш учун:

– Йўқ, сен улар ёлғончи қилишларидан, қалбинг сиқилишидан, тилинг бурро эмаслиги ҳамда сени ўлдиришларидан қўрқма! Улар сенга зинҳор озор бера олмайдилар. Мен Ўз паноҳим ва кўмагим ила сиз иккинги олдигизда бўламан. Шундай экан, икковингиз Бизнинг мўъжизаларимиз билан Фиръавн ва қавмининг олдига боринглар. Зеро, Биз сиз уларга, улар сизларга айтаётган ҳар бир сўзни эшитиб турурмиз, – деди.

Энди Фиръавнга бориб айтинглар: “Ҳақиқатан, биз барча оламлар Парвардигорининг элчиларидирмиз. Бани Исроил (қавми)ни бизга қўшиб жўнатгин!” Яъни, Фиръавннинг олдига қўрқмасдан бориб:

– Биз барча оламлар Рабби томонидан юборилган элчилармиз. Аллоҳ бизни Бани Исроилни зулмдан озод қилиб, Аллоҳнинг кенг ерига қўйиб юборишинг учун жўнатди, токи улар Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзига бемалол ибодат қилсинлар! – деб айтинглар.

Энди, Мусо ва исёнкор Фиръавн ўртасида бўлиб ўтган мунозара ҳақида ҳикоя қилинади: **“(Фиръавн) деди: “Биз сени болалик чоғингда ўз ичимизда тарбияламаганмидик, умрингнинг бир неча йилида орамизда турган эдинг-ку! Кейин нонкўрлардан бўлиб, қилган қилмишингни – қилган эдинг-ку!”** (Мусо) айтди: **“Ўшанда мен у ишни билмаган ҳолда қилган эдим. Сўнг сизлардан қўрқиб қочиб кетдим. Кейин Парвардигорим менга ҳикмат – илм ҳадя этди ва мени пайғамбарлардан қилди. Ўша сен менга миннат қилаётган неъмат (аслида) сен Бани Исроилни қул қилиб олишингдир”.** (Фиръавн) деди: **“Барча оламларнинг Парвардигори (деганинг) нимаси яна?”** (Мусо) айтди: **“Агар ишонадиган бўлсанглар, (Аллоҳ) осмонлар ва Ернинг ҳамда улар-**

нинг орасидаги барча нарсаларнинг Парвардигоридир”. (Фиръавн) атрофидаги (аён)ларига: “Қулоқ солмайсизларми”, деб (масхара қилди. Мусо) айтди: (Аллох) сизларнинг ҳам, ўтган ота-бобларингизнинг ҳам Парвардигоридир”. (Фиръавн) деди: “Сизларга элчи қилиб юборилган бу пайғамбарингиз, шак-шубҳасиз, жиннидир”. (Мусо) айтди: “Агар ақл юргизувчи бўлсангизлар, (Аллох) Машриқ ва Мағриб ҳамда уларнинг ўртасидаги барча нарсаларнинг Парвардигоридир”. (Фиръавн) деди: “Қасамки, сен мендан ўзгани илоҳ қилиб оладиган бўлсанг, албатта, мен сени зиндонбанд кимсалардан қилиб қўюрман!” (Мусо) айтди: “Агар мен сенга очиқ нарса келтирсам ҳам-а?” (Фиръавн) деди: “Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг ўшани келтирчи?!” Шунда Мусо асосини ташлаган эди, баногоҳ у ростакам аждарга айланди. Кейин қўлини чиқарган эди, баногоҳ у қараб турганларга оқ бўлиб кўринди”(-*Шуаро*, 18–33).

Фиръавн Мусони танигач ҳамда у Бани Исроилни озод этишни талаб қилгач, деди:

– Ахир, сен бизнинг уйда, саройимизда яшаган эдинг-ку! Ўзимиз сени ёшлигингдан боқиб катта қилганмиз. Хотиним сенга раҳм қилиб: “Уни ўлдирманглар! Шоядки, унинг бизларга нафи тегса ёки уни ўзимизга бола қилиб олсак”, деганди ўшанда. Мен ҳам бунга рози бўлган эдим ва сен хонадонимизда умрингнинг бир қисмини ўтказдинг.

“Кейин нонкўрлардан бўлиб, қилган қилмишингни – қилган эдинг-ку!” Яъни, сен қабиламиздан бир кишини ўлдирдинг. Бу билан сенга кўрсатган ғамхўрлигим, чақалоқлик, болалик ва йигитлигинг чоғида қилган яхшиликларимга нонкўрлик-ношукрлик қилдинг. Тузимни ичиб, тузлуғимга тупурдинг! Яна устига-устак биродаринг иккинги динимизга хилоф бўлган янги бир динни

тарғиб қиляпсиз, Бани Исроилни озод этишимни сўра-
япсизлар-а!

Фиръавнинг Мусо (алайҳиссалом)га бераётган ушбу саволи у келтирган нарсаларни инкор қилганини англа-
тади. Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)нинг аввал қилган
дуосини ижобат этиб, тилидаги дудуқликни кетказди.
Шу сабаб, у қатъият билан шундай деди: **“Ўшанда мен
у ишни билмаган ҳолда қилган эдим”**. Яъни, сен таъ-
кидлаётганингдек, ҳақиқатан ҳам мен илгари шу ишни
қилгандим, лекин уни билмаган ҳолда, тасодифан қилиб
қўйгандим. Ўша пайтда ҳали Аллоҳ менга ваҳий тушир-
маган, зиммамга Рисолат масъулиятини юкламаган эди.
Шунингдек, бераётган зарба таъсирида қабилангдан бўл-
миш ўша киши ўлиб қолади деб ўйламаган эдим. Менинг
бундан кўзлаган мақсадим уни ўлдириш эмас, балки ўзга-
ларга зулм ўтказишдан қайтариш, одоб-ахлоққа чақириш
эди. **“Сўнг сизлардан қўрқиб қочиб кетдим”**. Яъни, но-
гаҳон ўша ишни қилиб қўйгач, сизлардан бирон ёмонлик
етишидан хавфсираб, ноилож юртингизни тарк этдим.
Натижада **“Парвардигорим менга ҳикмат-илм ҳадя
этди ва мени пайғамбарлардан қилди”**.

Мусо (алайҳиссалом) Фиръавнга қониқарли ва асосли
жавоб қайтарар экан, яна қуйидагиларни қўшимча қил-
ди: **“Ўша сен менга миннат қилаётган неъмат (асли-
да) сен Бани Исроилни қул қилиб олишингдир”**. Мусо
(алайҳиссалом) тарафидан айтилаётган ушбу сўзларни
уламолар икки хил изоҳлашган. Улардан баъзилари: «Бу
Мусонинг Фиръавн қилган яхшиликларини эътироф эти-
шидир. Гўёки у: “Эй Фиръавн, сен айтаётган нарсалар
сен томонингдан менга қилинган катта яхшиликлардан,
лекин бу нарса сенга Расул эканимни, куфр ва ширқдан
бутунлай фориф бўлишинг лозимлигини ҳамда Бани
Исроилни мен билан бирга қўйиб юборишингга монеъ-
лик қилмайди, деган”, деб айтишган».

Яна баъзилар: «Мусо (алайҳиссалом) бу сўзларни уни тергаш ва қилган яхшиликларини инкор қилиш маъносида айтган. Гўёки у: “Сен даъво қилаётган “яхшилик” лар замирида аслида жабр-зулм ётибди. Сен қавмимни кул қилиб олдинг. Ўлдиришингдан қўрққан бечора онам мени дарёга ташлашга мажбур бўлган. Сенинг хонадонингда тарбияланишимга шулар сабаб бўлди. (Агар Бани Исроилга зулм қилмаганингда сенинг оиланга келиб қолмас, балки ўз ота-онам қарамогидида боқиб катта қилинган бўлардим. Энди, шу ишларингни айтиб, – яхшиликларингни миннат қилаясанми?! – Таржимон.), деяётгандек”, деган фикр-ни билдиришган».

Бизнингча, ушбу иккинчи фикр ҳақиқатга тўғри келса керак. Чунки қиссининг бориши, воқеалар ривожини шу маънога мос тушади. Мусо (алайҳиссалом)нинг ушбу асосли жавобига қарши Фиръавн лом-мим деёлмади ва мавзунини бошқа томонга буришга уриниб: **“Барча оламларнинг Парвардигори (деганинг) нимаси яна?”** деди. Яъни, эй Мусо, сен ва биродаринг айтаётган оламлар Парвардигори ким ўзи? Унинг сифати қандай?

Фиръавннинг бу саволи унинг туғён ва ғурур ботқоғига ботиб кетганидан дарак бериб турибди. Рисолатнинг асоси саналмиш ақида масаласида сўз юритиб, савол билан Мусо (алайҳиссалом)ни инкор қилаётти. Бунга жавобан Мусо деди: **“Агар ишонадиган бўлсанглар, (Аллоҳ) осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг орасидаги барча нарсаларнинг Парвардигоридир”**. Яъни, эй Фиръавн, Раббим Аллоҳ осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларнинг Парвардигоридир. Агар шуларга ишонсангиз, ушбу буюк Холикқа имон келтириб, ихлос билан ибодат қилишингиз бошқа ҳар қандай эътиқод ва амаллардан яхшидир.

Мусо (алайҳиссалом)нинг ушбу сўзларида Фиръавнни таҳқирлаш, унинг даъвоси пуч эканини исботлашга ҳа-

ракат қилиш маъноси бор. Гўёки у шундай деяётгандек: бизнинг Раббимиз мана шу бутун коинот, Еру осмоннинг Парвардигори, аммо сенинг “парвардигор” лигинг фақат маълум жой ва тоифаларгагина тегишли. Сен уларни алдаб, илоҳликни даъво қиляпсан. Улар ҳам жоҳилликлари боис сенга кўр-кўрона итоат этмоқдалар.

Маккор Фиръавн шу ерда ҳам усталик қилишга уришиб кўрди. У ўз атрофидаги кишиларга мурожаат қилиб, уларни Мусо айтган сўзлардан ажабланишга ва унинг таъсирига берилмасликка чақирмоқда: **“Қулоқ солмай-сизларми”**. Яъни, эй аъёнларим! Мусонинг ғалати гапларини эшитдингизми? У билан орамизда ҳеч қандай аҳд йўқ. Биз уни барибир қабул қилмаймиз ва унинг сўзларга чидаб ҳам туролмаймиз. Мусо Фиръавн аъёнлари бирон фикр билдиришларини кутиб ўтирмай: **“(Аллоҳ) сизларнинг ҳам, ўтган ота-боболарингизнинг ҳам Парвардигоридир”**, деди. Яъни, барчаларингизнинг Раббингиз Аллоҳдир! У Зот сизлардан аввалги умматлар ва аждодларнинг ҳам Раббисидир. Энди сизлар Унга ибодат қилиш қолиб, бандаларидан бири бўлган мана шу Фиръавнга топинаясизларми?! Шундан сўнг Фиръавн деди: **“Сизларга элчи қилиб юборилган бу пайғамбарингиз, шак-шубҳасиз, жиннидир”**. Бу жавоб Фиръавннинг мағлуб бўлгани ва ожиз қолганидан дарак беради. Яъни, Фиръавн Мусони масхара қила туриб, қавмининг киборларига:

– Сизларга юборилганман деб даъво қилаётган мана бу “пайғамбар”ингиз, ҳақиқатан жинни экан. Чунки у ақлларингиз қабул қилмай, қулоқларимиз тасдиқламайдиган қаяқдаги гапларни айтмоқда, – деди. Фиръавн бу ерда Мусо (алайҳиссалом)ни истехзо қилиш мақсадида “пайғамбар” деб атамоқда. Рисолатни эса ўзига эмас, қавмига нисбат бермоқда.

Лекин Мусо (алайҳиссалом) Фиръавннинг сўзларидан

таъсирланиб, ўзини йўқотиб қўйгани йўқ, балки шижоат ва қатъият билан: **“Агар ақл юргизувчи бўлсангизлар, (Аллоҳ) Машриқ ва Мағриб ҳамда уларнинг ўртасидаги барча нарсаларнинг Парвардигоридир”**, деди.

Мусо (алайҳиссалом) бу ерда Машриқ ва Мағрибни хослаб зикр қилишига сабаб шуки, бу иккиси Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига далолат қиладиган энг катта мўъжизалардан саналади. Шунингдек, Фиръавн ва унинг сафдошлари бундай мисолларни келтиришга ожиз эдилар.

Иброҳим (алайҳиссалом) ҳам Аллоҳ таоло хусусида мунозара қилган кимсага қарата: **“Албатта, Аллоҳ Қуёшни Машриқдан чиқаради. Сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи?”**, деб шарт қўйганида, у довдираб-эсанкираб қолганди.

“Агар ақл юргизувчи бўлсангизлар...”. Бу гап қавмни тафаккур ва тадаббур қилишга ундаб, уларни куфр ва ношукрликдан қайтариш учун айтилмоқда.

Шу зайл Мусо (алайҳиссалом) қавми Ҳақни қабул қилишлари учун даъвати давомида бир далилдан бошқа бир далилга, бир ҳужжатдан бошқа ҳужжатга ва бир услубдан яна бошқа бир услубга ўтди ҳамда уларни нима қилиб бўлса ҳам имонга мушарраф қилишга ҳаракат қилди. Бунинг натижасида ҳужжат-далил билан буткул мағлуб этилган Фиръавн, энди баҳс-мунозарадан очиқчасига таҳдид ва дўқ-пўписа қилишга ўтди:

“Қасамки, сен мендан ўзгани илоҳ қилиб оладиган бўлсанг, албатта, мен сени зиндонбанд кимсалардан қилиб қўюрман!” Яъни, мағлубиятга чидай олмай, ғазаб отига минган Фиръавн Мусога деди:

– Эй Мусо, агар мендан бошқасини илоҳ деб тан олар экансан, аниқки, сени зиндонбанд маҳбуслардан бири қилиб қўяман. Менга бандалик қилишдан бош тортувчи ва амримга хилоф иш тутган кимсаларнинг ҳам бошига шу кунни соламан!

Фиръавннинг бу қўрқитиши Мусо (алайҳиссалом)га зиғирча ҳам таъсир қилгани йўқ, балки у: **“Агар мен сенга очиқ нарса келтирсам ҳам-а?”**, деди. Бу ерда келтирилган савол инкор маъносини англатади. Яъни, эй Фиръавн, мен сенга пайғамбар эканимни исботловчи қўплаб далилларни келтирганимдан сўнг ҳам мени инкор қилиб, зиндонбанд қилмоқчимисан?!

Бунга жавобан Фиръавн: **“Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг ўшани келтирчи?!”,** деди. Яъни, айтган гапларинг тўғри бўлса, ўша аниқ нарсани бир кўрсат-чи?! Шундан сўнг Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таоло томонидан ўзига ато этилган мўъжизаларни кўрсата бошлади: **“Мусо асосини ташлаган эди, баногоҳ у росткаам аждарга айланди”**. Мусо бу билан чекланмай, яна бир мўъжизани кўрсатди: **“Кейин қўлини чиқарган эди, баногоҳ у қараб турганларга оқ бўлиб кўринди”**.

Кўз ўнгида содир бўлаётган ажойиб мўъжизаларни кўраётган Фиръавн қалбига ғулғула тушди. Гўёки унинг даъволари аслида ёлғон экани ошкор бўлиб, қўл остидаги кишилар Мусога имон келтириб, унинг итоатидан чиқиб кетишарди. Лекин илоннинг ёғини ялаган Фиръавн, худди сувдан қуруқ чиққандек, бу ҳолатдан ҳам қутулиб кетиш пайида эди. Воқеалар ривожига қуйида келтирилади.

(Фиръавн) атрофидаги одамларга: **“Шубҳасиз, бу ўткир сеҳргардир. У ўз сеҳри билан сизларни ўз ерларингиздан чиқармоқчи, нима дейсизлар”**, деди. Улар айтишди: **“Уни ва акасини қўйиб тургинда, ҳамма шаҳарга йиғиб келадиган кишиларни жўнатгин, улар сенга жами ўткир сеҳргарларни келтирсинлар”**. Бас, сеҳргарлар маълум кунда белгиланган жойга тўпландилар ва одамларга: **“Сизлар ҳам тўпланиб бўлдингларми? Агар сеҳргарлар ғолиб бўлиб чиқсалар, эҳтимол бизлар ўшаларга эргашурмиз”**, дейилди. Энди қачонки, сеҳргарлар келишгач, Фиръавнга: **“Агар биз ғолиб бўлсак, бизлар учун аниқ мукофот бўлурми?”**,

дейишди. У: **“Ҳа, у ҳолда, албатта, сизлар яқинларимдан бўлурсизлар”**, деди (Шуаро, 34–42).

Фиръавн Мусо кўрсатган мўъжизалардан даҳшатга тушди, аммо ўзини йўқотиб қўймай, вазиятни қўлга олиш ва ўзига руҳ бағишлаш учун: **“Шубҳасиз, бу ўткир сеҳргардир**, деди. Яъни, бу Мусо деганлари сеҳр-жоду бобида устаси фаранг эканку!

Бу ерда Фиръавн Мусо (алайҳиссалом) келтирган нарсани тан олсада, барибир уни сеҳр деб атамоқда.

Фиръавн сўзида давом этиб деди: **“У ўз сеҳри билан сизларни ўз ерларингиздан чиқармоқчи, нима дейсизлар”**. Яъни, бу сеҳргар сиз ўсиб-унган, айни пайтда истиқомат қилаётган жойларингиздан чиқариб юбориш пайида. Бунга сизлар нима фикр билдирасизлар? Унга нисбатан қандай чора кўрамиз? Аъёнларим ва ишонган кишилар сифатида бирон нима денглар, ахир!

Ушбу ояти карималар орқали Фиръавн нафсига оид энг нозик ва дақиқ жиҳатлар очиб берилмоқда. Бир неча дақиқа олдин ҳаддидан ошаётган, туғён, исёнга тушиб, қавмига қараб: мен сизларнинг улуғ раббингизман! деб жар солаётган нобакор Фиръавндан нишон ҳам қолмаган, Мусо (алайҳиссалом) ўз мўъжизаси билан келгач, энди унинг қалбига ғулғула тушиб қолганди. Энди эса бир оз олдин қаттиққўллик қилиб, ситам ўтказаётган кишиларига қараб, илтимос маъносида: **“Нима дейсизлар?”**, демоқда. Ҳа, ўзи нобакор, исёнкор кимсалар бирон мусибат чоғида ўзларини паст олиб, йиғисиғи билан бўлсада ишларини битириб олиб, бироз енгил тортишгач, яна эски одатларига қайтиб, зуғум ўтказишда, ҳақни тан олмасликда давом этаверадилар.

Фиръавннинг ушбу илтимосига қавмнинг ашрофлари: **“Уни ва акасини қўйиб тургинда, ҳамма шаҳарга йиғиб келадиган кишиларни жўнатгин, улар сенга жами ўткир сеҳргарларни келтирсинлар”**, деб таклиф билдирдилар. Яъни, эй Фиръавн, сен Мусо ва биродари

Ҳоруннинг ишини бир четга суриб, кечиктириб турда, ҳозир биринчи галда посбонларингдан бир қанчасини тасарруфингдаги мамлакатларга жўнат. Улар жамики энг моҳир сеҳргарларни тўплаб, ҳузурингга олиб келсинлар. Ўшанда сен улар ичидан энг сарасини танлаб олиб, Мусога қарши мусобақага қўясан. Маслаҳатгўйларнинг бу таклифи иложсизликка тушиб қолган Фиръавнга жуда ёқиб тушди ва мамлакатнинг турли шаҳарларига ўзининг хос одамларини юборди. **“Бас, сеҳргарлар маълум кунда белгиланган жойга тўпландилар”**. Яъни, ўша моҳир сеҳргарлар Мусо билан беллашиш учун бир жойда йиғилдилар.

Тўпланиш куни байрам куни эди. Бу ҳақида бошқа бир оятда шундай дейилади: (Мусо) айтди: **“Ваъда байрам куни (тўпланадиган жой)дир. Одамлар чошгоҳда тўпланурлар”**(Тоҳа, 59).

Фиръавнинг ёрдамчилари ушбу мусобақага кўпроқ одамларни жалб қилиш учун: **“Сизлар ҳам тўпланиб бўлдингларми?”**, дейишди. Бу ердаги савол амр маъносини англатади. Шунингдек, улар: **“Агар сеҳргарлар ғолиб бўлиб чиқсалар, эҳтимол бизлар ўшаларга эргашурмиз”**, деб қўшимча қилдилар. Улар бу гапни Мусо устидан ғалаба қозониш учун сеҳргарларни бор кучлари билан ҳаракат қилишга чорлаш мақсадида айтмоқдалар. Гўёки улар шундай деяётгандек: сизлар, эй сеҳргарлар, ушбу жиддий жангга яшилаб тайёргарлик кўринглар, нима қилиб бўлса ҳам ғалаба қозонинглар. Биз сизлар тарафдамиз. Агар муваффақият қозонадиган бўлсаларингиз, биз Мусога эмас, фақат ва фақат сизларгагина эргашамиз.

“Энди қачонки, сеҳргарлар келишгач, Фиръавнга: “Агар биз ғолиб бўлсак, бизлар учун аниқ мукофот бўлурми?”, дейишди. Яъни, Фиръавн ва унинг аъёнлари улар қозонадиган ғалабадан ўта манфаатдор эканини сезган сеҳргарлар:

– Эй Фиръавн, агар биз Мусо устидан ғалаба қозонсак, бизларга бирон мукофот берасанми? – дейишди.

Уларнинг бу талабига жавобан Фиръавн: **“Ҳа, у ҳолда, албатта, сизлар яқинларимдан бўлурсизлар”**, деди. Яъни, ҳа, албатта! Агар сизлар зафар қозонар экансизлар, у ҳолда мен тарафдан сиз рози бўладиган даражада катта мукофот берилади. Шунингдек, сизларни ўзимга яқин кишилардан, маслаҳатгўйларимдан қилиб оламан ҳамда доимо менинг ҳимоям ва паноҳимда бўласизлар.

Шундай қилиб, Фиръавн уларга ваъда бериб, сеҳргарлар қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб ташлади. Бу шайтоннинг ёлғон ваъдасидан зиғирча ҳам фарқ қилмайди. Оятда айтилганидек: **“(Шайтон) уларга ваъдалар берур, хомхаёлларга мубтало қилур. Охир-оқибатда шайтон берган ваъдалар фақат ёлғон-сароб бўлиб чиқар”** (Нисо, 120).

Аъроф сураси, 104–112-оятларида ҳам шу воқеалар ҳақида айтиб ўтилган. Юнус сурасида эса Мусо (алайхиссалом) ва Фиръавн ҳамда унинг одамлари ўртасидаги шиддатли тортишувнинг бошқа жиҳати ёритилган. Аллоҳ таоло айтади: **Сўнгра уларнинг ортидан Мусо билан Ҳорунни Ўз оят-мўъжизаларимиз билан Фиръавн ва унинг одамларига юборган эдик. Улар кибру ҳаво қилдилар ва жинойтчи-гуноҳкор қавм бўлдилар. Бас, қачонки уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақиқат келганида, улар: “Бу очиқ сеҳр”, дедилар. Мусо деди: “Сизларга ҳақиқат келган вақтида (“Бу сеҳр”), дейсизларми? Сеҳрми шу? Ахир сеҳргарлар нажот топмайдилар-ку?!” Улар дедилар: “Сен бизларни ота-боболаримизни топган (динимиз)дан буриш учун ва икковингиз орамизга эга бўлиб олиш учун келдингми?! Биз сизларга имон келтиргувчи эмасмиз!”** (Юнус, 75–78). Яъни, Биз аввал ўтган муҳтарам пайғамбарлардан сўнгра Мусо ва Ҳорунни ваҳдониятимиз ҳамда қудратимизга далолат қилувчи мўъжизаларимиз билан қавмига: мен сиз-

ларнинг улуғ Раббингизман, деб айтган Фиръавн ва унинг аъёнларига уларни тўғри йўлга даъват қилиш учун юборган эдик, лекин улар **“кибру ҳаво қилдилар ва жиноятчи-гуноҳкор қавм бўлдилар”**. Яъни, улар Бизларга тоат этишдан бўйин товлаб, мутакаббирлик қилдилар, ўзларига-ўзлари маҳлиё бўлиб қолдилар. Шунингдек, уларнинг одати энг катта маъсиятларни содир этиш ва фиску фужур қилиш эди.

Шу сабаб **“қачонки уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақиқат келганида, улар:**

“Бу очик сеҳр”, дедилар”. Яъни, Мусо (алайҳиссалом) ҳақ мўъжизаларни келтирганида, улар ношудларча:

– Эй Мусо, сен келтирган нарсалар сеҳр экани шубҳасиз. Шу сабаб сен кўрсатаётган бу нарсалар ҳақида ўйлаб кўришга ҳожат ҳам йўқ, – дедилар. Агар қалб қотиб, нафс бузилса, унинг наздида ҳақиқат ботил ва ёлғон нарсаларга айланиб қолади.

Мусо (алайҳиссалом) уларнинг уйдирма, бўҳтонларига жавобан деди: **“Сизларга ҳақиқат келган вақтида (“Бу сеҳр”), дейсизларми? Сеҳрми шу? Ахир сеҳргарлар нажот топмайдилар-ку?!”** Яъни, сиз кўриб турган нарса сеҳрдан йироқ, сизлар у ҳақида **“Бу очик сеҳр”, дейсизларми?!** Сизларда ақл борми ўзи?! Қаранглар, фикр юритинглар, кўзингиз билан кўриб турган ва таъсирига берилиб, хавфга тушган нарсангиз – шу сеҳрми?! Ундай бўлса сеҳргар кишиларни яхшилик ва тўғри йўлга чақиришдаги бирон ҳаракатларида зафарга эриша олмаслар!

Уларнинг ҳақиқатни сеҳр, деб даъво қилишларига асл сабаб нима эди? Буни қуйидаги оятлардан билиб оламиз: **Улар дедилар: “Сен бизларни ота-боболаримизни топган (динимиз)дан буриш учун ва икковингиз орамизга эга бўлиб олиш учун келдингми?! Биз сизларга имон келтиргувчи эмасмиз!”** Яъни, уларга очик-ойдин ҳақиқат келгач, Фиръавн ва аъёнлари Мусога дедилар:

– Сен олиб келган нарсанг билан бизларни неча

асрлардан бери ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган диндан қайтармоқчимисан. Аканг Ҳорун икковингиз Миср ерига эгалик қилиб, ҳокимият, устунлик ва дунёда бахт-саодатга эришмоқчимисизлар?! Кўп хомтама бўлмай қўяқол, биз барибир сенга ишонмаймиз. Агар шундай қилсак, асрлар оша сиғиниб келинаётган динни оёқости қилган бўламиз, устига-устак мол-мулкимиз, мансабларимиздан ҳам ажраймиз. Нима кераги бор бизга бундай нарсани? Йўқ, биз зинҳор бундай қилмаймиз! Қавм томонидан айтилаётган куракда турмайдиган бу гаплар янги эмасди, бу гаплар биринчи бор айтилаётгани йўқ. Илгари Нух (алайҳиссалом) қавми ҳам унга шу маънода хитоб қилишганди. Аллоҳ таоло айтади: **Дарҳақиқат, Биз Нухни ўз қавмига пайғамбар қилдик. Бас, у: “Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Ахир қўрқмайсизларми”, деди.** (Шунда) унинг қавмидан кофир бўлган кимсалар: **“Бу ҳам худди сизларга ўхшаш одам. (Фақат) сизлардан устун бўлиб олмоқчи. Агар Аллоҳ (пайғамбар юборишни) хоҳласа эди, фаришталарни туширган бўлур эди”, дейишган эди** (*Мўминун, 23–24*).

Исро сурасида ушбу баҳс-мунозараларнинг бошқа қирралари ҳақида сўз кетади. Аллоҳ таоло айтади: **Аниқки, Биз Мусога тўққиз очиқ оят-мўъжиза ато этдик. Сўнг у келган пайтида, (унга): “Бани Исроилни сўрагин”,** (деб амр этдик). Шунда Фиръавн унга: **“Эй Мусо, ҳеч шубҳа йўқки, мен сени сеҳр-жодуга чалинган, деб ўйламоқдаман”,** деди. (Мусо) деди: **“Сен анави очиқ-равшан (мўъжизалар)ни фақат осмонлар ва Ернинг Парвардигоригина ҳужжат қилиб нозил қилганини аниқ билурсан. Ҳеч шубҳа йўқки, эй Фиръавн, мен сени ҳалок қилингувчи, деб ўйламоқдаман”.** Шунда еридан қувиб чиқармоқчи бўлганида, Биз уни ва у билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларини ғарқ қилдик. Сўнг Бани Исроилга: **“Мана шу ерни маскан**

тутинглар! Энди қачон ваъда қилинган охират келганида сизларнинг барчангизни келтирурмиз”, дедик (Исро, 101–104).

“Аниқки, Биз Мусога тўққиз очиқ оят-мўъжиза ато этдик” жумласидаги тўққиз оятдан мурод: асо, қўл, қурғоқчилик йиллари, денгиз, тўфон, чигиртка, бит, қурбақа (балоси) ва қондир. Бу фикрларни Ибн Аббос, Мужоҳид, Қатода ва бошқалар айтиб ўтишган. Оятнинг маъноси қуйидагича: эй муҳтарам пайғамбар, қавмингиз сиздан талаб қилган мўъжизаларни келтирганингиздан сўнг ушбу мушрикларнинг имонга келишидан умид қилманг. Зеро, мўъжиза қанчалик кучли бўлмасин, қалбида куфр ва ҳасад иллоти қаттиқ ўрнашиб олган кимсалар ҳаргиз имонга мушарраф бўлмаслар. Биз илгари биродарингиз Мусога унинг ҳақиқий пайғамбар эканини тасдиқлайдиган тўққиз мўъжизани берган эдик, лекин бу нарса фақатгина уларнинг куфрига куфр, нопокликларига нопоклик қўшди, холос. Бас, шундай экан, илгари ўтган азму қарор эгалари бўлган пайғамбарлар каби Сиз ҳам қавмингиз ўжарлик ва дилозорликларига сабр қилинг!

“Бани Исроилни сўрагин” оятидаги хитоб Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Бани Исроил қавмидан бўлган Абдуллоҳ ибн Салом каби мўминлар ва бошқаларга қилинмоқда. Яъни, Аллоҳ таоло Мусони Фиръавн ва қавмига юбораётган чоғида унга тўққиз илоҳий мўъжизани ҳам инъом этди. Эй муҳтарам пайғамбар, Бани Исроил қавмидан бўлган мўминлардан шу ҳақида сўранг. Улар Тавротни ўқишган. Шундай қилсангиз, Мусо ва душманлари ўртасида кечган мунозаралардан хабардор бўласиз. Бу ерда савол беришдан мақсад – қалбларини мустаҳкамлашдир, чунки далил исботлар қанча кўпайса, даъват қилинаётган нарсанинг қиймати ҳам шунча ошади.

Фиръавн унга: “Эй Мусо, ҳеч шубҳа йўқки, мен сени сеҳр-жодуга чалинган, деб ўйламоқдаман”, деди. Яъни, Мусо амримизга бўйин эгиб, мўъжизаларни кўр-

сатгач, Фиръавндан Бани Исроилни ўзи билан қўйиб юборишни сўради. Шунда Фиръавн мутакаббирлик билан Мусо (алайҳиссалом) шаънини ерга уриш мақсадида:

– Эй Мусо, мен сени сеҳрлаиб, ақл-хушдан айрилган деб ўйламоқдаман, чунки сен қилаётган иш соғлом ақлга зид, қаёқдаги даъволаринг билан келиб, мени ўз измингга қаратмоқчи бўляпсан, – деди. Ҳар бир замон ва маконда тоғий, исёнкорларнинг тутган йўли шу ўзи. Қачонки улар Ҳақни кўрсалар уни залолат ва ёлғон, деб даъво қилиб, унинг аҳлига бўҳтон ва маломат тошларини ёғдирадilar.

Фиръавннинг бу тухматига қарши Мусо (алайҳиссалом) деди: **“Сен анави очиқ-равшан (мўъжизалар)ни фақат осмонлар ва Ернинг Парвардигоригина ҳужжат қилиб нозил қилганини аниқ билурсан”**. Бу оятлар Фиръавнга қилинган даккилардан иборат. Зеро, у Мусо (алайҳиссалом)нинг сеҳргар ёки сеҳрга чалинмаганини яхши биларди. Шунингдек, унга берилган тўққиз мўъжиза Аллоҳ таоло даргоҳиданлигидан ҳам хабардор эди.

“Ҳеч шубҳа йўқки, эй Фиръавн, мен сени ҳалок қилингувчи, деб ўйламоқдаман”. Бу Фиръавнга қилинган маломатнинг бошқа бир кўриниши эди. Фиръавнни қанча маломат қилинса, арзирди, чунки у Аллоҳ пайғамбарларидан бирини **“сеҳр-жодуга чалинган”** деб сифатлади. Оятдаги **“деб ўйламоқдаман”** сўзи аниқ ишончни билдиради. Яъни, эй Фиръавн, мен Раббимдан сенга аниқ мўъжизаларни олиб келганимдан сўнг ҳам уларни рад этиб, куфрда қаттиқ туриб олганинг боис сенинг тақдиринг ҳалокат ва аянчли фожиа билан ниҳояланиши шубҳасиз. Мен бунга аниқ ишонаман. Шу тариқа Мусо (алайҳиссалом) Фиръавн оғзини ҳужжат-далиллар билан ёпиб кўяқолди. **“Шунда еридан қувиб чиқармоқчи бўлганида...”** Яъни, мағлубият аламига чидаёлмай Фиръавн энди куч ишлатишга ўтди. У Мусо ва қавмини Миср юртидан бадарға қилиб, уларни буткул йўқ қилишга чоғланди.

Бу ҳақда бошқа оятда шундай дейилади: Фиръавн қав-

мидан бўлган одамлар: “(Эй Фиръавн), Мусо ва қавмининг Ерда бузғунчилик қилиб юришига ҳамда сени ва худоларингни тарк этишига қўйиб берасанми?” дейишганида, у деди: “Уларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдиражакмиз. Албатта, биз уларнинг устида ғолибдирмиз” (Аъроф, 127).

Фиръавн ўзича хом режалар тузиб, уларни ҳалок қилмоқчи, аммо ўзининг тақдири не кечишидан беҳабар.

“Биз уни ва у билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларини ғарқ қилдик. Сўнг Бани Исроилга: “Мана шу ерни маскан тутинглар! Энди қачон ваъда қилинган охират келганида сизларнинг барчангизни келтирурмиз”, дедик. Яъни, Фиръавн қалбига қабиҳ бир ниятни тугганида, Биз бунинг муқобилида, уни, қўшини ва унга эргашганларнинг ҳаммасини битта қўймай денгизга чўктириб юбордик. Улар ҳалок қилинганча, Мусо (алайҳиссалом) тилидан Бани Исроилга:

– Фиръавн сизларни қувиб чиқармоқчи бўлган мана шу Миср диёрини ўзларингиз учун маскан қилиб олинглар! – дедик.

Ибн Касир (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Ушбу оятда Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Макканинг фатҳ этилиши ҳақида башорат берилмоқда. Шу нарса бўлди ҳам. Макка аҳли Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни у ердан чиқариб юбормоқчи бўлдилар. Аллоҳ таоло айтади: “Улар Сизни бу Ердан (яъни, Маккадан) чиқариб юбориш учун (турли макр-хийлалар билан) қўзғотиб юборишларига оз қолди. У ҳолда, уларнинг ўзлари ҳам Сиздан кейин озгина (муддат) тура оладилар, холос” (Исро, 76).

Худди, Бани Исроил қавмидан бўлган заиф, бечораҳол кишиларни Фиръавн юртига меросхўр қилгани каби Аллоҳ таоло суюкли Расулини Маккага кириш, у ерда қўним топишга муваффақ қилди”.¹ Аллоҳ таоло қисса-

¹ “Тафсиру Ибн Касир”, 5-жилд, 124-бет.

ни қуйидаги жумлалар билан яқунлайди: “Энди қачон ваъда қилинган охират келганида сизларнинг барчангизни келтирурмиз, дедик”. Яъни, Аллоҳ таоло белгилаб қўйган қиёмат соати келганида, барчаларингизни тирилтирамиз. Шунда сизлар ва Фиръавн, унинг қавми – жамики инсоният Бизнинг ҳузуримизга келасизлар ва Биз ораларингизда адолат ила ҳукм қиламиз.

МУСО (АЛАЙҲИССАЛОМ) БИЛАН СЕҲРГАРЛАР ЎРТАСИДАГИ ҚИЗГИН КУРАШ ВА ТОРТИШУВЛАР

Ушбу мунозаралар Қуръони каримнинг кўп ўринларида келган. Аввало, Аъроф сурасидаги ояти карималар билан танишиб чиқамиз. Аллоҳ таоло айтади:

Сеҳргарлар Фиръавн одига келишиб: “Агар биз ғолиб бўлсак, албатта, мукофот (берурсан)”, дейишди. У: “Ҳа, албатта, сизлар менинг яқинларимдан бўлурсизлар”, деди. Улар айтдилар: “Эй Мусо, ё сен ташла ёки биз ташлаймиз”. (Мусо): “Сизлар ташланглар”, деди. Бас, улар ташлаган эдилар, одамларнинг кўзларини бўяб даҳшатга солиб қўйдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар. Биз Мусога: “Асойингни ташлагин”, деб ваҳий юбордик. Баногоҳ у уларнинг “уйдирма”ларини юта бошлади. Бас, ҳақиқат тушди, уларнинг қилган ҳаракатлари эса ботил бўлди. Бас, у ерда мағлуб бўлишиб, беобрў бўлган ҳолларида қайтдилар. (Шу пайт) у сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ерга ташланиб: “Бизлар барча одамларнинг Парвардигорига – Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига имон келтирдик”, дедилар. Фиръавн айтди: “Мен сизларга изн бермай туриб унга имон келтирдингизми?! Шубҳасиз, бу қилган найрангингиз ушбу шаҳардан унинг аҳолисини чиқариш учун қилган макрингиздир. Энди яқинда билур-

сизлар, албатта, мен оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига кесурман, сўнгра сизларнинг барчаларингизни дорга осурман”. Улар дедилар: “Албатта, бизлар Парвардигоримизга қайтгувчимиз. Сен биздан фақат Парвардигоримизнинг оятлари келганда унга имон келтирганимиз учунгина ўч олмоқчисан. Парвардигоро, устимиздан сабру тоқатни ёғдиргайсан ва бизларни фақат мусулмон бўлган ҳолимизда ўлдиргайсан!” (Аъроф, 113–126).

Фиръавннинг таклифига биноан, сеҳргарлар унинг саройига йиғилишди ва бош мақсадлари бирон нарсага эга бўлиб қолиш бўлган сеҳр усталари унга қарата:

– Эй Фиръавн, агар биз мана шу моҳир сеҳргар устидан ғалаба қозонсак, бизга катта мукофот берасанми? – дедилар. Бунга жавобан Фиръавн:

– Ҳа, агар ростдан ҳам зафар қучсангиз сизларни жуда ҳам кўп миқдорда моддий мукофотлар билан тақдирлайман. Бундан ташқари сизлар менинг энг яқин кишиларимдан бўлиб қоласизлар, – деди.

Муфассирлар сеҳргарларнинг сони борасида турли фикрларни билдиришган. Баъзилар: “Улар етмиш иккита бўлган”, деса, бошқа тоифа вакиллари: “Уларнинг сони бундан ҳам зиёдароқ эди”, дейишган. Мукофот олишдан қалблари тинчиган сеҳргарлар энди бутун хаёлларини нима қилиб бўлса ҳам жангда ғалаба қозонишга қаратдилар ва ўз душманларига қарата:

– **Эй Мусо, ё сен ташла ёки биз ташлаймиз**, – дедилар. Яъни, эй Мусо, сенда танлаш имконияти бор. Хоҳла қўлингдаги асони аввал сен ташла ёки биз аввал ташлайлик. Гўёки сеҳргарлар ўз сўзлари билан шундай деяётганларидек: ушбу икки ҳолатда ҳам барибир ғалаба биз томонда. Бас, эй Мусо, олдиндан бизларга таслим бўлиб қўяқол!

Тоҳа сурасида келтирилишича, Мусо (алайҳиссалом) ўрталарида беллашув бошланмасидан олдин сеҳргарларга

қарата шундай деган: **“Ҳолингларга вой! Сизлар Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиманглар, у ҳолда (Аллоҳ) сизларни азоб билан ҳалок қилур! Ёлғон тўқиган кимсалар ноумид бўлишлари аниқдир”** (Тоҳа, 61).

Лекин Мусо (алайҳиссалом) улардан аввал ўзлари ташлашларини талаб қилди. Мақсад уларнинг таҳдид ва важоҳатларидан чўчимаганини билдириш бўлган, чунки Мусо (алайҳиссалом) суянган асос жуда кучлидир.

“(Мусо): “Сизлар ташланглар”, деди. Бас, улар ташлаган эдилар, одамларнинг кўзларини бўяб даҳшатга солиб қўйдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар”. Яъни, улар қўлларида арқон ва асоларини ташлаб, одамлар кўзини сеҳрлаб қўйдилар. Аслида, бу нарса фақат макр ва ҳийладангина иборат эди. Улар ўз сеҳрлари билан одамларни кўрқитиб юбордилар ва сеҳр бобида ажойиб бир намоиш кўрсатдилар. Улар ташлаган асо одамлар ва томошабинлар кўзига илон бўлиб кўринди.

Ривоят қилинишича, сеҳргарлар қалин арқон ва узун-узун ёғочларни ташлаганларида бутун бошли водийни тўлдирадиган даражада ҳамма ёқни илон босиб кетган экан. Бошқа ривоятларда: **“Улар арқон ва чўпларини турли рангга бўяб, худди ҳаракат қилаётганга ўхшатиб қўйганлар”**, дейилган. Сеҳргарларнинг бу **“қойилмақом”** ҳунарлари ва унинг таъсири узоққа бормади. Буюк Холиқнинг энг кучли мўъжизаси билан қуролланган Мусо (алайҳиссалом) кўрсатган намоиш олдида ҳатто сеҳргарларнинг ўзлари ҳам бўйин эгишга мажбур бўлдилар:

«Биз Мусога: “Асойингни ташлагин”, деб ваҳий юбордик. Баногоҳ у уларнинг “уйдирма”ларини юта бошлади. Бас, ҳақиқат тушди, уларнинг қилган ҳаракатлари эса ботил бўлди. Бас, у ерда мағлуб бўлишиб, беобрў бўлган ҳолларида қайтдилар». Яъни, Мусо сеҳргарлар томонидан кўрсатилган нарсалардан кўрққач, Биз:

– Эй Мусо, қўлингдаги асони ташла! Албатта, сен улардан устундирсан, – деб ваҳий қилдик. Қачонки у

буюрилган ишни қилган эди, Мусо ташлаган нарса сеҳр-гарларнинг ёлғон ва тўқималарини ютиб юборди. Шу билан ҳақиқат қарор топди, анави сеҳргарлар қилаётган ҳийла ва макрлар эса ботил бўлди, одамлар шуурида унинг таъсири барҳам топди. Шундай қилиб, Фиръавн, аъёнлари ва сеҳргарлар ҳамма тўпланган жойда байрам кунни мағлубият аламини тотиб кўрдилар.

Энди Мусо (алайҳиссалом) қилган ишларни кўриб, унинг сеҳр эмаслигига аниқ ишонган сеҳргарлар унга нисбатан қандай муносабатда бўлганликлари ҳақида ҳикоя қилинади: **“(Шу пайт) у сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ерга ташланиб...”** Мусо (алайҳиссалом) Ҳақ устида экани ва ўзларининг сеҳрлари ботил бўлганлиги уларнинг қалбларида имон нурларини ёқди ва улар тезлик билан Аллоҳга таслим бўлганлик белгиси сифатида сажда қилишга тушдилар.

Сеҳргарлар сажда қилар эканлар, дедилар: **“Бизлар барча оламларнинг Парвардигорига – Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига имон келтирдик”**. Ҳақиқат нури уйғоқ қалб соҳибларининг қалб ойнасида ўзининг ижобий аксини кўрсатди. Ҳа, сеҳргарлар аввал имон келтириб, ҳеч бир тараддудсиз Фиръавн ва аъёнлари олдида бу нарсани баралла эълон қилдилар, чунки улар Мусо (алайҳиссалом) келтирган нарса сеҳр эмаслигини бошқалардан кўра яхшироқ билар ва бунга аниқ ишонар эдилар. Зеро, бирон-бир соҳада мутахассис бўлган киши ўша соҳага тегишли бўлган нарсаларнинг ҳақиқийсини ёлғонидан яхши ажрата билади.

Кўз ўнгида юз бераётган ушбу ҳаяжонли ҳодисалар қалб кўзи сўқир бўлган Фиръавнга зиғирча ҳам таъсир қилгани йўқ, балки дағдаға билан уларга қаттиқ интиқом олишини айтиб ўтди: **“Мен сизларга изн бермай туриб унга имон келтирдингизми?!”** Яъни, Фиръавн сеҳргарларнинг имон келтирганини танқид қила туриб деди:

– Сизлар мен рухсат бермай ва бу ишга амр қилмай туриб Мусо ва Ҳоруннинг раббига имон келтирдингларми?! Фиръавн ғурур ва жаҳолат ботқоғига ботиб кетгани боис Ҳаққа имон келтиришдан аввал унинг рухсатини олиш лозим, деб ҳисобларди. Фиръавн уларни айблашда давом этаркан, сеҳргарлар имони ҳақиқий эмаслигини даъво қилади: **“Шубҳасиз, бу қилган найрангингиз ушбу шаҳардан унинг аҳолисини чиқариш учун қилган макрингиздир”**. Яъни, сизлар Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига қалбларингиздан ихлосан имон келтирмадинглар, балки асоларингизни ташлашдан олдин сизлар Мусо билан келишиб, бу ерлар сиз ва Бани Исроилга бўлиши учун Мисрдан унинг қонуний аҳолисини чиқариб юбормоқчисизлар.

Фиръавн бу сўзларни айтишдан мақсади қибтийларга сеҳргарлар имони Мусо билан келишилган ҳолда амалга оширилганини сингдириш, улар бунинг ортидан кўзлаган мақсадлари юртларидан сургун қилиш эканини англатиш бўлган. Қибтийлар эса Фиръавннинг режасига кўра ўз динларида содиқ қолиб, Мусо (алайҳиссалом), сеҳргарлар ва Бани Исроилга адоват қилиб, уларга қаршилик кўрсатишлари керак эди. Шунингдек, Фиръавн бу ерда макр қўллаб одамларни Мусо (алайҳиссалом) га имон келтиришдан тўсиб қолмоқчи. Тухмат ва ноҳақ айбловларида давом этиб, Фиръавн энди бундан ҳам оғирроқ ваъдани қилди: **“Энди яқинда билурсизлар. Албатта, мен оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига кесурман, сўнгра сизларнинг барчаларингизни дорга осурман”**. Яъни, сизлар яқин кунларда қилган ишингиз нима оқибатга олиб келганини билиб оласизлар. Қасам ичиб айтаманки, тана аъзоларингизни қарама-қаршисига – ўнг қўл ва чап оёғингизни кестираман ҳамда хору зор бўлишингиз учун шу кўйингизда дорга остираман! Токи бу бошқаларга ҳам ибрат бўлсин! Фиръавн сеҳргарларга қаттиқ кўрқитиш, дўқ-пўписа билан муомала қилиб, уларга

азобли қийноқлар бўлишини айтса ҳам улар бу йўлдан қайтмадилар, балки чиройли сабр ва кучли имон билан Фиръавн ҳамда аъёнларининг қаҳри, ғазабини паст санаб, хотиржамлик билан: **“Албатта, бизлар Парвардигоримизга қайтгувчимиз. Сен биздан фақат Парвардигоримизнинг оятлари келганда унга имон келтирганимиз учунгина ўч олмоқчисан”**, дедилар. Яъни, эй Фиръавн! Сен бизни ўлим билан қўрқитмай қўяқол. Куни келиб, бизлар Раббимиз ҳузурига, албатта, қайтиб борамиз. Сен фақатгина Аллоҳга имон келтирганимиз учун бизларни хушламай, қасос олиш пайида бўлаяпсан. Ўша сенга ёқмай турган нарса бизнинг энг гўзал хислатимиздир. Зеро, Аллоҳга ҳақиқий имон келтириш амалларнинг энг яхши-сидир. Биз энди сени рози қилиш учун бу йўлдан қайтмаймиз! Фақат Раббимиз розилигини тилаймиз!

Аввал сеҳр билан шуғулланиб, сўнгра имонга мушарраф бўлган зотларнинг Фиръавн билан қилган тортишувлари қуйидаги илтижолар билан якун топади. Улар дедилар: **“Парвардигоро, устимиздан сабру тоқатни ёғдиргайсан ва бизларни фақат мусулмон бўлган ҳолимизда ўлдиргайсан!”** Яъни, эй Раббимиз, Сенинг динингда собитқадам бўлишимиз учун бизларга кўп ва чиройли сабр ато эт! Бизларни амр ва қайтариқларингга бўйин эгган ва қазоингга тўлиқ таслим бўлувчи мусулмон бўлган ҳолимизда вафот эттир!

Қатода (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Улар кун бошида кофир сеҳргарлар бўлишган бўлса, куннинг охирида юксак мартабадаги шаҳидлар мақомига эришишди. Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин ва қиёматда бизларни уларнинг гуруҳида (яъни, набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан) ҳашр қилсин!”

Тоҳа сурасида ушбу мужодала ва тортишувлар қуйидагича тасвирланган. Аллоҳ таоло айтади: **Мусо уларга деди: “Ҳолингларга вой! Сизлар Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиманглар, у ҳолда (Аллоҳ) сизларни азоб билан**

ҳалок қилур!" деди. Ёлғон тўқиган кимсалар ноумид бўлишлари аниқдир". Бас, улар ишларини ўзаро таллашиб-тортишиб аста шивирлаша бошладилар. (Сўнг бир-бирларига) айтдилар: "Албатта, бу иккови ўз сеҳрлари билан сизларни ерингиздан чиқармоқчи ва юксак йўлингизни йўқотмоқчи истайдиган сеҳргарлардир. Бас, макр-ҳийлангизни йиғингиз, сўнг бир саф бўлиб келингиз. Бугун устун бўлган кишилар нажот топурақлар". Улар дедилар: "Эй Мусо, сен ташлайсанми ёки бизлар биринчи ташловчи бўлайликми?" (Мусо) айтди: "Йўқ, сизлар ташланглар". Баногоҳ иплари ва асолари сеҳр қилганлари сабабли юриб кетаётгандек туюлди. Бас, Мусо ичида бир кўрқувни ҳис қилган эди, Биз айтдик: "Кўрқмагин! Албатта, сен ўзинг ғолиб бўлгувчисан. Қўлингдаги нарсани ташлагин, улар ясаган нарсаларни ютиб юборур. Уларнинг ясаган нарсалари фақат бир сеҳргарнинг макр-ҳийласи, холос. Сеҳргар эса қаерда бўлмасин зафар топмас". Бас, сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ташланиб: "Биз Ҳорун ва Мусонинг Парвардигорига имон келтирдик", дедилар (Тоҳа, 61–70).

Сеҳргарлар Фиръавн ҳузурига тўпланишгач, Мусо уларга насиҳат қилиш ва огоҳлантириш маъносида: "Ҳолингларга вой! Сизлар Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиманглар, у ҳолда (Аллоҳ) сизларни азоб билан ҳалок қилур!", деди. Яъни, эҳ сизларга вайл ва ҳалокат бўлсин! Мен олиб келган нарсаларни сеҳр деб, Аллоҳ шаънига ёлғон ва тухмат қилманглар. Агар шундай қилсангиз, У Зот сизларни Ўз даргоҳидан бўлган оғир азоб билан ҳалокатга учратади!

"Ёлғон тўқиган кимсалар ноумид бўлишлари аниқдир". Яъни, Аллоҳ номига курақда турмайдиган нолойиқ, ботил сўзларни айтувчиларнинг ҳалокатга йўлиқишларига шубҳа йўқ! Билингларки, Фиръавн ботил ишлар

қилувчи, ёлгон тўқиган ва оқибати ҳалокат билан тугагувчи кимсалардандир. Эҳтиёт бўлинглар! Зинҳор унинг аравасига минманглар, унга бўйсунманглар ҳам! Чамаси, Мусо (алайҳиссалом) қалбидан отилиб чиққан ва куюнчаклик ила қилинган ушбу насихатлар баъзи сеҳргарларга ижобий таъсир қилган кўринади:

“Бас, улар ишларини ўзаро талашиб-тортишиб аста шивирлаша бошладилар”. Яъни, Мусо (алайҳиссалом)дан кофир қавмлар ҳалокатга йўлиқишини эшитган сеҳргарлар, залолатдан қайтиш йўлига тушдилар. Улар орасида турли фикр ва қарашлар пайдо бўлди. Мусо ва биродарига билдирмай, ўзаро пинҳона маслаҳатлаша бошладилар.

Қатода раҳматуллоҳи алайҳ: “Улар орасидан баъзилар: “Агар Мусо олиб келган нарса сеҳр бўлса, у ҳолда ғалаба биз томонда. Акс ҳолда у Аллоҳ даргоҳидан бўлса, мағлубиятга учрашимиз аниқ”, деб айтишган”, деган. Яна уларнинг баъзилари: “Мусо айтаётган нарсалар сеҳргарнинг гапи эмас”, деган.

Сеҳргарларнинг баъзилари эса, Мусо (алайҳиссалом) га қаршилиқ билдириб, у ғалаба қозониб, биз эришмоқчи бўлган юксак мартаба ва катта мукофотни қўлга киритмоқчи, деб ҳамроҳларини ҳам унга қарши чиқишга гижгижлаган. Ояти карима мазмунидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ушбу охириги тоифа вакиллари сеҳргарлар орасида кўпчиликни ташкил қилган, чунки улар: **“Албатта, бу иккови ўз сеҳрлари билан сизларни ерингиздан чиқармоқчи ва юксак йўлингизни йўқотмоқни истайдиган сеҳргарлардир. Бас, макр-ҳийлаларингизни йиғингиз, сўнг бир саф бўлиб келингиз. Бугун устун бўлган кишилар нажот топурлар”**, деб айтмоқдалар.

Ушбу икки оятга кўра, сеҳргарлар Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)лардан қўрқишган ва шон-шуҳрат ҳамда моддий манфаатдан қуруқ қолмаслик учун бор кучлари-

ни сарфлаб, бир сафга туриб, бир-бирларини руҳлантириб, ғалабани қўлдан бой бермасликка жидду-жаҳд қилганлар. Яъни, сеҳргарлар ошкора ва очиқдан-очиқ ўз шерикларига дедилар:

– Мусо ва Ҳорун – буларнинг иккиси сеҳргарлар бўлиб, улар шу сеҳр йўли билан бизларни Миср заминидан қувиб чиқариб, уни ўзлариники қилиб олишмоқчи! Устига-устак улар сизларни тўғри йўлингиз – энг тўғри ва афзал динингиздан чиқармоқчи! Ваҳоланки шундай экан, **“бас, макр-ҳийлангизни йиғингиз”**. Яъни, Мусо ва Ҳорун сизларни ерингиздан чиқариб юбориш пайида экан, бас, сизлар ҳам сеҳр-макрингизни ишга солиб, уларга қарши сабот билан турунглар, токи улар ғолиб бўлмасинлар! **“Сўнг бир саф бўлиб келингиз”**. Яъни, сўнг-ра барчаларингиз бир сафга тизилиб турунглар. Шунда сизлар кишиларга ҳайбатли ва кучли бўлиб кўринасизлар ҳамда бу нарса сизларни сабот ва матонатга ундайди. **“Бугун устун бўлган кишилар нажот топурақлар”**. Яъни, бугунги беллашувда устунлик тарафдори ва шу йўлда ҳаракат қилганларгина ғалабага эришади. Келинг, душман устидан зафар қучишга бор кучимизни сарфлайлик. Агар Мусо устидан ғалаба қозонсак, бизларни улуғ мукофот ва олий мартабалар кутиб турибди. Акс ҳолда мағлуб бўлсак, ҳозирги ҳолатимиздан тубанроқ бир поғонага тушиб қоламиз!

Мана, узоқ ва сабрсизлик билан кутилган мусобақа кунини ҳам етиб келди. Ғолиб бўлишга ўта ҳарисманд бўлган сеҳргарлар вақтни чўзиб ўтирмай, Мусо (алайҳиссалом)га юзланиб:

– **Эй Мусо, сен ташлайсанми ёки бизлар биринчи ташловчи бўлайликми?** – дедилар. Яъни, сеҳргарлар Мусо (алайҳиссалом)га танлаш имконини бердилар. Бундан очиқ кибр ва мутакаббирлик иси келиб турарди. Улар дедилар:

– Эй Мусо, асойингни сен аввал ташлайсанми ёки биринчи бўлиб биз ташлайликми?

Мусо (алайҳиссалом) мусобақани бошлаб беришни ўзига лозим деб топмади. (Мусо) айтди: **“Йўқ, сизлар ташланглар”**. Баногоҳ иплари ва асолари сеҳр қилганлари сабабли юриб кетаётгандек туюлди”. Яъни, Мусо (алайҳиссалом) аввал улар ташлашларини айтди. Сеҳргарлар унинг таклифини қабул қилиб, қўлларидаги нарсаларини ташлаган ҳам эдиларки, Мусо қаттиқ кўрққани ва ҳаяжонланганидан иплари ва асолари унга қорни билан ўрмалаб кетаётган илонлардек бўлиб туюлди.

Сеҳргарлар қилган ҳунарларининг Мусо (алайҳиссалом)га таъсир қилганини қуйидаги оятдан ҳам билиб олиш мумкин: **“Бас, Мусо ичида бир кўрқувни ҳис қилган эди”**. Яъни, сеҳргарлар ташлаган нарсаларнинг ҳаракатланаётганини кўрган Мусо кўрқувга тушди. Албатта, бу кўрқув инсоний табиатга хос бўлган хислат туфайли юз берганди. Шунда Аллоҳ таоло унинг қалбига қувват бағишлаш ва собитқадам қилиш учун шундай ваҳий қилди: **“Кўрқмагин! Албатта, сен ўзинг ғолиб бўлгувчисан”**. Яъни, эй Мусо, сен улар қилаётган ишларидан кўрқмагин! Зеро, ғалаба ва зафар сен тарафда, сен устунсан. Чунки сен келтирган ҳужжат Ҳақ, уларники эса ботилдир.

“Қўлингдаги нарсани ташлагин, улар ясаган нарсаларни ютиб юборур”. Бу билан Мусо (алайҳиссалом) га яна шижоат ва руҳ бағишланди. Яъни, эй Мусо, ўнг қўлингдаги нарсани ташлагин. Шунда у сеҳргарлар томонидан қилинган ва одамларга ҳаракатланаётгандек кўринган, аслида ботил, ёлғон ва сохта уйдирмалардан иборат бўлган нарсаларни битта қўймай ютиб юборади.

Ибн Касир айтади: **“Сеҳргарлар ташлаган нарса каттакатта кўз ва оёқлари, узун бўйни ва ўткир тишлари бор бир аждарга айланади. Мусо ташлаган нарса эса, уларнинг ҳаммасини ютиб юборади. Бу нарса барча одамлар ва**

сеҳргарлар кўз ўнгида содир бўлади. Шундай қилиб, илоҳий мўъжиза ғолиб келди ва сеҳргарлар қилаётган нарсаларнинг ботил экани маълум бўлди”.¹

“Уларнинг ясаган нарсалари фақат бир сеҳргарнинг макри-ҳийласи, холос”. Бу ўзидан олдинги оятни изоҳлаб келмоқда. Яъни, эй Мусо, улар қилган нарса сеҳргарлар макридан бир макр эди.

“Сеҳргар эса қаерда бўлмасин зафар топмас”. Яъни, инсонлар орасидаги мана шу тоифага мансуб бўлганлар – сеҳргарлар қаерда бўлмасинлар, қаерга бормасинлар, барибир ғолиб бўлмайдилар. Чунки улар қилаётган нарсалар ҳийла, ёлғон ва сохтакорликка асослангани вақти келиб маълум бўлади. Ҳали юқорида буюк бир ходиса – сеҳргарларнинг имонга мушарраф бўлишлари бор. Аллоҳ таоло айтади: **“Бас, сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ташланиб: “Биз Ҳорун ва Мусонинг Парвардигорига имон келтирдик”, дедилар”.** Яъни, кўрқуви барҳам топиб, Мусо қўлидаги нарсасини ерга ташлаганида, у сеҳргарларнинг арқон ва асоларини ютиб юборди. Бунинг мўъжиза эканини аниқ билган сеҳргарлар:

– Биз Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)лар Раббисига имон келтирдик деб, юзлари билан Аллоҳга сажда қилдилар.

“Сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ташланиб...” жумласи улар кўрган ҳужжат ва далилларнинг кучли бўлганлигидан далолат қилади. Ҳа, пок нафс эгалари қачон ҳақни кўрсалар, ҳеч бир тараддудсиз уни қабул қиладилар. Кирахий айтади: **“Улар Аллоҳга сажда қилган ҳолларида йиқилдилар, чунки улар сеҳр усталари бўлиб, Мусо қилган иш ўз сеҳрларидан мутлақ устун ва бу сеҳр эмаслигини аниқ билардилар”.**²

«Кашшоф» муаллифи (Маҳмуд аз-замахшарий) ай-

¹ “Тафсиру Ибн Касир”, 5-жилд, 296-бет.

² “Ҳошиатул жумал ғалал Жалолайн”, 3-жуз, 101-бет.

тади: “Уларнинг ҳолатига эътибор беринг. Нақадар ажойиб! Бир оз аввал улар арқонларини қуфр ва исён йўлида ташлаган бўлсалар, энди шукр ва сажда маъносида ўзларини ерга ташладилар (яъни, сажда қилдилар). Бу икки “ташлаш” орасида қанчалик катта фарқ бор-а!”¹

Энди, Фиръавннинг собиқ сеҳргарларга қилган таҳдиди ва уларнинг бунга нисбатан қандоқ муносабат билдирганлари ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

(Фиръавн) айтди: “Унга мен сизларга изн бермай туриб имон келтирдингизми? Шак-шубҳасиз, у сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир. Бас, энди мен, албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига кесурман ва сизларни хурмо шохларига осурман, (ана ўшанда) қайсимизнинг азоби қаттиқроқ ва давомлироқ эканини билиб олурсизлар”. Улар дедилар: “Бизлар ҳаргиз ўзимизга келган очиқ ҳужжат-мўъжизаларни ва бизларни яратган Зотни кўйиб, сени танламаймиз. Бас, қиладиган ҳукмингни қилавер. Сен фақат мана шу ҳаёти дунёдагина ҳукм қилурсан. Бизлар эса хатоларимизни ва сен бизларни мажбур қилган сеҳргарликдан иборат (гуноҳимиз)ни мағфират қилиши учун Парвардигоримизга имон келтирдик. Аллоҳ яхшироқ ва давомлироқдир”. Ҳеч шубҳа йўқки, кимда-ким Парвардигорига жинойтчи-кофир бўлган ҳолида келса, у ҳолда, албатта, унинг учун жаҳаннам бордирки, у жойда на ўла олур ва на яшай олур. Ким У Зотга яхши амаллар қилган мўмин ҳолида келса, бас, у ҳолда ана ўша учун юксак даражалар – остидан дарёлар оқадиган, улар абадий қоладиган мангу жаннатлар бўлур. Бу пок бўлган кишиларнинг мукофотидир” (Тоҳа, 71–76).

Фиръавн сеҳргарларнинг Аллоҳ таолога сажда қилганларини кўриб, деди: – Унга мен сизларга изн бермай туриб имон келтирдингизми? Бу савол таҳдид ва маломат

¹ “Аз-Замашарий, Тафсирул-Кашшоф”, 3-жилд, 75-бет.

маъносида берилмоқда. Яъни, менинг рухсатимсиз Мусога имон келтириб, унинг даъватини тасдиқладингизми?! **“Шак-шубҳасиз, у сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир”**. Яъни, сизлар бўйин этган Мусо, аслида, сизларга таълим берган устозингиздир. Сиз у билан аввалдан келишиб, тил бириктириб олгансиз. Унинг шериги бўлишингиз учун ҳам унга имон келтирдингиз! Фиръавннинг бу каби гапларни айтишдан мақсади одамларни унга эргашиб, сеҳргарлар сингари имон келтиришларидан қайтариб қолиш, қавми олдида ўзини саботли ва жасур қилиб кўрсатиб, уларнинг қалбидаги кўрқув ва хавотирни чиқариб ташлаш эди.

Сўнгра у аввалгисидан ҳам таҳдидлироқ сўзларни қўшимча қилди: **“Бас, энди мен, албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига кесурман ва сизларни хурмо шохларига осурман”**. Яъни, қасам ичиб айтаманки, сизларнинг ўнг қўлларингиз ва чап оёқларингизни кесиб, кейин хурмо шохларига осиб қўяман, токи бошқаларга ибрат бўлинглар! Кимки сизларнинг қилмишингизни тақрорлар экан, унинг ҳам бошига айнан шу кунни соламан!

“Қарама-қаршисига” жумласидан мурод, масалан, ўнг қўли ва чап оёғини кесиш ёки аксинча. Бу нарса инсоннинг бир тарафъ азосини тўлиқ кесишдан ҳам оғирроқдир. Агар фақат бир томон кесилса, иккинчиси омон қолади. Аъзоларни қарама-қаршисига кесиш эса, иккала томонни ҳам фаолиятдан тўхтатиб, кишига аламли азоб беради. Шунингдек, Фиръавн уларни хурмо дарахтига осилишни ихтиёр этди, чунки унинг шохлари бошқа дарахтларникига нисбатан анча дағал бўлиб, унга осилиш кишига жуда қаттиқ оғриқ ва азоб беради. Ҳа, Фиръавн ўта исёнкор ва маккор бўлгани учун қуфр йўлини четлаб, имон йўлини танлаган ҳақиқий мўминларни шу алфозда жазолашни лозим кўрди.

Фиръавн сўзида давом этиб деди: **“(Ана ўшанда) қайсимизнинг азоби қаттиқроқ ва давомлироқ эканини**

билиб олурсизлар”. Бу энди таҳдид устига таҳдид, ваиъд устига ваиъддир. Яъни, эй сеҳргарлар, яқинда кимнинг азоби қаттиқ ва ҳалок қилувчилигини билиб оласизлар. Меникими ёки Мусоникими ёки бўлмаса унинг Раббисиникими?!

Фиръавн бу сўзлари билан, худди дунёда ундан кучли ва қудратли бирон куч йўқдек, ўзини барчадан устун қўяётган эди. Хўш, бу таҳдид ва дўқ-пўписалар олдида сеҳргарлар ўзларини қандай тутдилар? Улар имон нури қалбларига мустаҳкам ўрнашгани боис бундай таҳдидларга беписандлик билан, ҳеч қўрқмай туриб:

– **Бизлар ҳаргиз ўзимизга келган очиқ ҳужжат-мўъжизаларни ва бизларни яратган Зотни қўйиб, сени танламаймиз. Бас, қиладиган ҳукмингни қилавер,** – дедилар. Яъни, эй Фиръавн, биз сенинг тоифанга қўшилишга рози эмасмиз, сени парвардигор деб тан олмаймиз ҳам! Ўз тинчлигимизни азобингдан устун қўймаймиз, балки бизларга Мусо (алайҳиссалом) тарафидан Аллоҳнинг мўъжизалари зоҳир бўлди. Энди биз фақат ўшанга эргашамиз.

“Ва бизларни яратган Зотни...” жумласидаги “вов” вовул-қасам бўлиб, унинг жавоби (жавобуш-шарт) тушиб қолган. У ҳолда ояти кариманинг маъноси қуйидагича бўлади: бизларни яратган Зотга қасамки, биз сени ўзимизга келган мўъжизалардан кўра устун деб билмаймиз.

“Бас, қиладиган ҳукмингни қилавер”. Сеҳргарларнинг бу сўзлари Фиръавннинг шунча қилган таҳдид ва ҳаракатлари ҳавога кетганидан, бу нарса уларга зиғирчалик таъсир қилмаганидан дарак беради. Ушбу жумла Фиръавннинг: **“Бас, энди мен, албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига кесурман ва сизларни хурмо шохларига осурман”** деган таҳдидига қилинган муносиб жавоб эди. Яъни, бизга Ҳақ аниқ бўлгач, энди сени устун деб билмаймиз, балки Раббимизни ихтиёр этамиз. Сен аъзойи

баданларимизга қиладиган ишингни қилавер, хоҳлаганча азобла бизларни, аммо қалбимиз имонга мушарраф бўлган ва у Раббимиз муҳаббати билан лиммо-лим. Сен энди унга эгалик қилишга зинҳор қодир бўла олмайсан!

“Сен фақат мана шу ҳаёти дунёдагина ҳукм қилурсан. Бизлар эса хатоларимизни ва сен бизларни мажбур қилган сеҳргарликдан иборат (гуноҳимиз)ни мағфират қилиши учун Парвардигоримизга имон келтирдик”. Бу жумлалар сеҳргарларнинг Фиръавн таҳдидига нима сабаб беътибор эканликларининг асл сабаби эди. Яъни, эй Фиръавн, жасадларимизга қиладиган ҳар қандай ишингни қилавер, қай турда жазо берасан, бу сенинг ишинг. Зеро, сен қилаётган нарсалар фақатгина мана шу ўткинчи дунё билан боғлиқ. Охираат азоби эса, ундан минг чандон қаттиқроқдир!

“Ва сен бизларни мажбур қилган сеҳргарликдан иборат (гуноҳимиз)ни...”

Яъни, сен бизларни Мусога қарши чиқишга мажбур қилган эдинг. Ўшанда бизнинг қуролимиз ботил, уники эса ҳақ эди. Лекин ўша вақтда амрингни четлаб ўта олмасдик, сенга бўйсунушга мажбур эдик. Энди Аллоҳ таоло ана ўша хатоларимизни ҳам кечиришидан умидвормиз! Улар бу ерда гуноҳ ишларга аралашиб қолишларига асосий сабаб қилиб сеҳрни айтмоқдалар. Бу нарса улар имонга мушарраф бўлганларидан сўнг, аввал қилган ишларидан, яъни сеҳрдан қанчалик нафратланганликларини билдиради.

“Аллоҳ яхшироқ ва давомлироқдир”. Бу Фиръавннинг: **“(Ана ўшанда) қайсимизнинг азоби қаттиқроқ ва давомлироқ эканини билиб олурсизлар”** деган сўзига жавоб сифатида айтилмоқда. Яъни, Аллоҳ таолонинг ажр-мукофоти, эй Фиръавн, сеникидан яхшироқ ва давомлироқдир. Зеро, Унинг мукофотлари зинҳор камаймас, берадиган савобларининг эса чеки йўқдир!

“Ҳеч шубҳа йўқки, кимда-ким Парвардигорига жиноятчи-кофир бўлган ҳолида келса...”. Бу жумлалар Аллоҳ таоло тарафидан гуноҳкорларнинг ёмон оқиба-ти ва мўминларнинг чиройли оқибат топишлари ҳақида келган хабари ёки сеҳргарлар Фиръавнга қилган жавобларининг давоми бўлиши мумкин. Оятнинг маъноси қуйидагича: кимки Қиёмат кунинда Рабби ҳузурига куфр ва ширк иллатлари билан йўликса, **“у ҳолда, албатта, унинг учун жаҳаннам бордирки, у жойда на ўла олур ва на яшай олур”.** Яъни, ана ўша гуноҳкор кимса у ерда қаттиқ азобланади. У азобнинг кўринишларидан бири шуки, кофир у ерда истироҳат ҳам олмай, роҳатбахш ҳаётни ҳам топа олмайди. Оят давомида мўминларга чиройли оқибат топиш ҳақида башорат берилади: **“Ким У Зотга яхши амаллар қилган мўмин ҳолида келса, бас, у ҳолда ана ўша учун юксак даражалар – остидан дарёлар оқадиган, улар абадий қоладиган мангу жаннатлар бўлур”.** Яъни, кимки Аллоҳга чин имон келтирса ва ана ўша имони тақозоси ила солиҳ амалларни ихлос билан бажарса, бундай кишиларга имон ва солиҳ амаллари сабабли юксак даражалар, олий мартабалар – дарахт ва меваларининг остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларда боқий қолиш насиб бўлур!

“Бу пок бўлган кишиларнинг мукофотидир”. Яъни, юқорида санаб ўтилган мукофот ва даражаларни куфр, ширк ва гуноҳ-маъсият иллатларидан пок бўлган зотларгина қўлга киритадилар. Шундай қилиб, имон ва куфр ўртасида бўлиб ўтган шиддатли жанг Ҳақнинг ғалабаси ва ботилнинг мағлубияти билан якун топди. Шуаро сурасида ҳам Ҳақ ва ботил ўртасидаги кураш бошқа ус-дубда тасвирланган. Аллоҳ таоло айтади: **Мусо уларга: “Ташлайдиган нарсаларингизни ташланглар”,** деди. **Бас, улар арқон ва асоларини ташладилар ва: “Фиръавннинг қудратига қасамки, албатта, бизларгина ғо-**

либ бўлгувчидирмиз”, дедилар. Сўнг Мусо асосини ташлаган эди, баногоҳ у уларнинг “уйдирма”ларини юта бошлади. Шунда у сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ерга ташланиб: “Барча оламларнинг Парвардигорига – Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига имон келтирдик”, дедилар. (Фиръавн) айтди: “Мен сизларга изн бермай туриб унга имон келтирдингизми?! Албатта, у сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир. Энди яқинда билурсизлар, албатта, мен оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига кесурман ва сизларнинг барчаларингизни осурман”. Улар дедилар: “Зарари йўқ. Зеро бизлар Парвардигоримизга қайтгувчидирмиз. Албатта, бизлар биринчи имон келтирган кишилар бўлганимиз сабабли Парвардигоримиз бизларнинг хатогуноҳларимизни мағфират этишини умид қилурмиз!” (Шуаро, 43–51). Сеҳргарлар курашга ҳозир бўлишгач, Мусо (алайҳиссалом) уларга қарата:

– Ташлайдиган нарсаларингизни ташланглар, – деди. Яъни, қани бир сеҳрингизни ишга солиб кўрингларчи, ҳали бу курашингиз нима натижа билан тугашини билиб оласиз! Ояти каримадан маълум бўладики, Мусо (алайҳиссалом) шунча одам тўпланиб туришига қарамай, ҳеч нарсага парво қилмаган ҳолда, фақатгина Аллоҳ таолонинг нусратига ишониб иш тутган.

“Бас, улар арқон ва асоларини ташладилар ва: “Фиръавннинг қудратига қасамки, албатта, бизларгина ғолиб бўлгувчидирмиз”, дедилар”. Яъни, улар сеҳр қилмасларидан олдин Фиръавннинг “куч-қудрати” билан қасам ичиб, Мусо (алайҳиссалом) эмас, балки айнан ўзларининг аниқ ғалаба қозонишларини олдиндан таъкидладилар. Бунга жавобан “Мусо асосини ташлаган эди, баногоҳ у уларнинг “уйдирма”ларини юта бошлади”. Яъни, Мусо ташлаган асо уларнинг макр-ҳийлаларини барбод қилиб, йўққа чиқарди. Сеҳргарлар эса бунга

диққат билан назар солиб, бу нарса сеҳр эмас, балки инсон қудратидан юқори нарса эканини пайқадилар. Агар Мусо (алайҳиссалом) кўрсатган мўъжиза сеҳр бўлганида сеҳргарлик бобида донг таратган мана шу энг моҳир сеҳргарлар билмасдиларми уни?! Бас улар ҳақни тан олдилар ва **“сажда қилган ҳолларида ерга ташланиб: “Барча оламларнинг Парвардигорига – Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига имон келтирдик”, дедилар”**.

Сеҳргарлар кўз ўнгларида содир бўлиб турган ҳақиқатни инкор қила олмай қолдилар ва кўпчилик шоҳидлигида имон калимасини баралла айтдилар. Озгина вақт ичида Фиръавндан ўткинчи дунё матоҳини тамаъ қилиб турган қавм дунё ва унинг зийнатларига бепарво, Ҳақ олдида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, таҳдид ва ваиъдларни енгил санайдиган ихлосли мўмин қавмга айландилар.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ҳар бир қалб Раҳмон бармоқларидан икки бармоқ орасидадир. Хоҳласа, уни мустаҳкам (ёки тўғри) қилади, хоҳласа (тўғри йўлдан) оздиради”**, деб нақадар рост айтганлар (Муттафақун алайҳ).

Энди Фиръавннинг ғазабнок ҳолати қуйидагича ифодаланади: **“(Фиръавн) айтди: “Мен сизларга изн бермай туриб унга имон келтирдингизми?! Албатта, у сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир”**. Яъни, Фиръавн сеҳргарларга маломат оҳангида:

– Сизлар мен рухсат бермай туриб унга имон келтирдинглар-а?! Шубҳасиз, сизларга сеҳрни мана шу Мусо ўргатган. Сизлар ҳаммангиз келишиб олиб, бу нарсани режалаштиргансиз! – деди.

“Энди яқинда билурсизлар – албатта, мен оёқ-қўлларингизни қарама қаршисига кесурман ва сизларнинг барчаларингизни осурман”. Яъни, яқин орада сизлар қандай азобга гирифтор қилинишингизни билиб оласизлар. Албатта, мен ҳар бирингизнинг аъзойингизни қа-

рама-қаршисига – ўнг қўл ва чап оёғингизни (ёки аксинча) кесурман ва сўнгра янада қаттиқроқ қийналишингиз учун таналарингизни хурмо шохларига осурман! Фиръавн қанча таҳдид ўтказмасин ва дўқ-пўписа қилмасин сеҳргарлар энди ҳақ йўлдан қайтмасликка, қайта залолат ботқоғига ботмасликка аҳд қилдилар. Улар ҳеч иккиланмай туриб, сабот билан унга қарата:

– **Зарари йўқ. Зеро, бизлар Парвардигоримизга қайтгувчидирмиз,** – дедилар. Яъни, сен бизларга дўқ-пўписаларинг билан ҳеч ҳам зарар етказа олмайсан. Биз Ҳақ учун ҳар қандай машаққат ва укубатларга сабр қилишга тайёрмиз! Биз, шубҳасиз, мўминлармиз ва куни келиб Раббимиз Аллоҳ таоло хузурига, албатта, қайтиб борамиз. У Зот бизлар сабр қилганимиз боис Ўзининг чексиз фазли билан бизларни мукофотлағай! Шунингдек, **“бизлар биринчи имон келтирган кишилар бўлганимиз сабабли Парвардигоримиз бизларнинг хатогуноҳларимизни мағфират этишини умид қилурмиз!”** Яъни, биз аввал залолатда эдик. Фиръавнга ибодат қилар ва сеҳр билан шуғулланардик. Ҳақ келгач, унга имон келтирганларнинг энг аввалида биз бўлдик. Шу сабаб мағфирати кенг бўлган Зот – Раббимиз бизлардан ўтган гуноҳларни мағфират этишидан умидвормиз!

Юнус сурасининг тўрт оятида (79–82) Фиръавннинг аёнларига амр қилган фармони, Мусо (алайҳиссалом)нинг сеҳргарларга қандай насиҳат қилгани ва Аллоҳ таолонинг тақдири азалийси – муттақий бандаларга хайрли оқибат бўлиши ҳақида сўз юритилади. Аллоҳ таоло айтади: **Фиръавн ўз одамларига: “Барча билимдон сеҳргарларни келтирингиз!”** деди. Бас, қачонки сеҳргарлар келганларида, Мусо уларга: **“Ташламоқчи бўлган нарсангизни ташлангиз”**, деди. Қачонки улар ташлаганларида Мусо деди: **“(Мана шу) сизлар қилган иш сеҳрдир. Албатта, Аллоҳ уни ботил қилур. Зеро, Аллоҳ бузғунчи кимсаларнинг ишини ўнгламайди ва гарчи**

жиноятчи кимсалар истамасалар-да, Аллоҳ Ўз сўзлари билан ҳақиқатни рўёбга чиқаради” (Юнус, 79–82).

Мусо (алайҳиссалом) Фиръавн ва қавмини ёлғиз Аллоҳ таолога ибодат қилишга чақиришдан тўхтамагач ва кўз ўнгида у ташлаган оддий бир асо илонга айланганини кўргач, энди Фиръавн бир иложини қилиб, ундан устун келиш ҳаракатида эди. Шу мақсадда ўзининг хос хизматкорларига қарата:

– Тасарруфимдаги барча минтақалардан энг моҳир ва уста сеҳргарларни олиб келинглар, – деб амр қилди.

“Бас, қачонки сеҳргарлар келганларида...”. Яъни, хизматкорлар Фиръавннинг буйруғини бажариш учун бутун мамлакатдаги энг кўзга кўринган сеҳр усталарини тезлик билан унинг хузурига бошлаб келдилар. Улар Мусо (алайҳиссалом) билан учрашишгач, ўзларининг ғалаба қозонишларига кўзлари етганидан Мусога ташлаш имконини бериб: **“Эй Мусо, сен (кўлингдаги асоингни аввал) ташлайсанми ёки бизлар биринчи ташловчи бўлайликми?”** (Тоҳа, 65), дейишганида, Мусо уларга: **“Ташламоқчи бўлган нарсангизни ташлангиз”**, деди. Яъни, қани сеҳрингизни намойиш этинг, токи одамлар ҳақиқатни англаб, Ҳақ билан ботил орасини ажрата олсинлар!

“Қачонки улар ташлаганларида Мусо деди: “(Мана шу) сизлар қилган иш сеҳрдир. Албатта, Аллоҳ уни ботил қилур. Зеро, Аллоҳ бузғунчи кимсаларнинг ишини ўнгламайди”, деди”. Яъни, Мусо сеҳргарларга қилган ишларини истехзо қилиш маъносида:

– Эй сеҳргарлар, сизлар қилган ҳунар – бу сеҳрнинг айнан ўзи, мен олиб келган нарса эса, анави Фиръавн ва унинг издошлари айтаётганидек, “аниқ сеҳр” эмас. Ҳозир сизлар қилган сеҳрнинг таъсирини Аллоҳ таоло йўқ қилади ва унинг асарини одамлар қалбидан буткул ўчиради. Зеро, ер юзида фасод ишлар қилувчи, ислоҳ қилишни хушламайдиган кимсаларнинг қилмишлари Аллоҳ тарафидан барбод қилингусидир!

“Ва гарчи жинойтчи кимсалар истамасаларда, Аллоҳ Ўз сўзлари билан ҳақиқатни рўёбга чиқаради”. Ушбу оят ҳақ ва ботил, ислоҳ ва фасод ўртасидаги жангда Аллоҳ таоло қандай тақдир қилишини таъкидламоқда. Яъни, Аллоҳ таолонинг тақдири азалийси шуни тақозо этадики, У Зот бузғунчи муфсидларнинг қилаётган ишларини ўнгламайди, балки уларни ботил қилиб, бекор кетказади. Аксинча, Аллоҳ ҳақни рўёбга чиқаради, уни қувватлайди ва собитқадам қилади. Осий-гуноҳкор кимсалар хоҳламаганлари билан Аллоҳ таолонинг иродаси ва хоҳиши амалга ошмай қолмайди. У Зот: **“Бўл!”**, деган нарса, албатта, бўлади. Шундай қилиб, Мусо (алайҳиссалом) ва сеҳргарлар ўртасида кечган кураш Ҳақнинг ғалабаси ва ботилнинг мағлубияти ҳамда сеҳргарларнинг ҳақиқий имон неъматига мушарраф бўлишлари билан ниҳоя топди.

ФИРЪАВН ВА АЪЁНЛАРИНИНГ БАНИ ИСРОИЛ ҚАВМИГА НИСБАТАН ЖАБР- ЗУЛМЛАРИНИНГ КУЧАЙИШИ

Лаънати Фиръавннинг Мусо (алайҳиссалом) ва Бани Исроил қавмига қилган таҳдидлари Қуръони каримнинг бир неча сурасида келтирилган. Жумладан, Аъроф сура-сида Аллоҳ таоло шундай хабар қилади: **Фиръавн қавми-дан бўлган одамлар: “(Эй Фиръавн), Мусо ва қавмининг Ерда бузғунчилик қилиб юришига ҳамда сени ва худоларингни тарк этишига қўйиб берасанми?!”** дейишганида, у деди: **“Уларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдирамиз. Албатта, биз уларнинг устидан ғолибдирмиз”.** Мусо қавмига деди: **“Аллоҳдан мадад тилаб, сабр-тоқат қилингиз! Бу ер, шак-шубҳасиз, Аллоҳникидир. Уни Ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натижа эса тақводорларники**

бўлур”. Улар айтдилар: “Сен бизга келишингдан илгари ҳам, сен келганингдан кейин ҳам озор кўрдик”. У (Мусо) деди: “Шояд Парвардигорингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни бу ерга халифа қилса ва қандай амаллар қилишингизни кўрса” (*Аъроф*, 127–129).

Тугён ва имон ўртасидаги жангда ўзининг ботил эътиқоди ва амаллари билан мағлубият аламини тотиб кўрган Фиръавн қавмининг кибор ва шарафли кишилари уни оёққа турғазиш ва сергак торттириш мақсадида:

– Сен Мусо ва қавмини мамлакатингда эмин-эркин юриб, одамларни ўз динларига ва қўл остиларига киргазишларига жим қараб тураверасанми? Бундай кетишда улар сендан ўзиб кетиб, сени ҳокимиятдан ҳам маҳрум қиладилар-ку! – дейишди.

Ривоят қилинишича, сеҳргарлар мусулмон бўлишгач, уларга эргашиб яна кўплаб одамлар ҳам имонга мушарраф бўладилар. Шунда Фиръавн қавмидан бўлган зодагонлар уни юқоридаги сўзлар билан маломат қиладилар.

“Сени ва худоларингни тарк этишига...” Яъни, уларни Мусо ва Ҳоруннинг раббисига ибодат қилиб, сени в сенга ибодат қилишни тарк этсалар ҳам индамай қараб тураверасанми? Агар иш шу йўсинда давом этадиган бўлса, шубҳасиз, тез орада одамлар сени ожиз ва нотавон деб тан оладилар ҳамда унда бутун бошли салтанатинг ҳам тагидан зил кетади!

Суддий айтади: “Фиръавн қавми ибодат қилишлари учун кичик ҳажмдаги бут санамларни ясаб олиб, ўзини эса “энг олий парвардигор” деб атаган эди”. Улар Фиръавнга юқоридаги сўзлар билан хитоб қилиб, унга ҳокимият, мулк ва шарафдан маҳрум бўлиши эҳтимоли борлигини айтиб, огоҳлантиришгач, Фиръавн уларга қарата деди: **“Уларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдирамиз. Албатта, биз уларнинг устидан ғолибдирмиз”**. Яъни, эй аъёнларим, сиз Мусо қавмидан кўрқманглар! Чунки уларга бас келиш мен учун иш эмас!

Уларнинг бошларига яна аввалги кунларини соламиз – ўғил болаларини ўлдириб, қизларни тирик қолдирамиз! Биз ҳали-ҳануз ўша-ўшамиз, зиғирча ўзгарганимиз йўқ, уларнинг устидан мутлақ ғолибмиз. Улар кучсиз, биз эса кучлигимиз, улар хор, биз эса азизмиз!

Фиръавн қавмидан бўлган одамлар айтаётган сўзлар туғённинг энг чўққисига чиққан кимсалардангина чиқадиган манфур сўзлардир. Уларнинг фикрича, ёлғиз Аллоҳагина ибодат қилишга чақириш ер юзида бузғунчилик қилиш саналарди. Чунки айнан Мусо даъват қилаётган диндаги эътиқод бўйича, улар мол-мулклари ва сохта ҳурмат-эътиборларидан маҳрум бўлар, одамларнинг эса озод ва хур яшашлари таъминланар, мана бу фосиқлар кўрқаётганларидек одамлар Ҳақни ботилдан ажрата олишлари учун маърифат кўзлари очилар эди. Шу сабаб ҳам улар Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)ларнинг даъватларини хушламадилар ва уни бузғунчилик қилиш дея талқин қилдилар.

Фиръавн оғзидан чиқаётган сўзлар эса энг исёнкор, кофир ва мутакаббир кимсаларнинг сўзларидир. Аёнлар унинг моддий қувватига, зулм-ситам ва шахсий манфаат асосига қурилган салтанатига ишониб, ўзларини бу “кулфат”лардан омонда сақламоқчи эдилар.

Золим Фиръавн томонидан қилинган таҳдидлар кўп ўтмай Мусо ва қавмининг қулоғига ҳам етиб бориб, улар кўрқув ва саросима ичида қолдилар, кўз ўнгиларида ўтмишда содир бўлган оғир зулм ва ситамлар гавдаланди. Хўш, қавмининг йўлбошчиси бўлган Мусо (алайҳиссалом) қавмини бундай оғир аҳволдан чиқариш учун нима қила олди? У, аввало, бу таҳдидларга эътибор бермади. Гўёки бу таҳдидларни бўш идиш ичидан чиқаётган овозга ўхшатиб, ўз ишида давом этди. Мусо қавмини сабр қилишга чақириб, куни келиб, албатта, ғалаба байроғини кўтаришларини айтиб ўтди:

“Аллоҳдан мадад тилаб, сабр-тоқат қилингиз! Бу

ер, шак-шубҳасиз, Аллоҳникидир. Уни Ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. **Оқибат-натижа эса тақводорларники бўлур**". Яъни, эй қавмим, ҳар бир ҳолатда Аллоҳдан ёрдам сўранглар ва бошингизга ёғила-жак кулфат-балоларга сабр қилинглар! Зеро, мана шу ер Фиръавники ҳам, унинг одамлариники ҳам эмас, балки оламлар Рабби Аллоҳнинг мулкидир ва У Зот бандаларидан кимга хоҳласа, уни ўша бандасига беради. Чиройли ниҳоя топиш ва хайрли оқибат фақат Аллоҳдан қўрқиб, қалбида Ундан ўзгадан зиғирча қўрқув ҳисси бўлмаган тақводор бандаларгагина хосдир!

Мусо (алайҳиссалом) қавми Бани Исроилга пайғамбарларга хос услубда, таъсирли қилиб, ҳикматли паңд-насихатлар билан ваъз қилди. Хўш, улар бу даъватларга қандай жавоб қилдилар? Қавмининг жавоби уларнинг ҳали-ҳануз жоҳил эканликларидан далолат қилиб турибди: **Улар айтдилар: "Сен бизга келишингдан илгари ҳам, сен келганингдан кейин ҳам озор кўрдик"**. Яъни, эй Мусо, сен пайғамбар бўлиб келмасингдан олдин ҳам Фиръавн томонидан бизларга кўп жабр-ситам етган. Бу золим қанчадан-қанча гўдак ва навқирон ўғил болаларимизнинг умрига зомин бўлди ва яна турфа зулмлар билан бизларга озор берди. Сен пайғамбар бўлиб келганингдан кейин ҳам, ўзинг кўриб турганингдек, аҳволимиз ёмонлашса ёмонлашдики, яхшиланганича йўқ! Биз сенинг пайғамбарлигингдан бирон наф кўрмадик. Қачонгача бу бефойда насихатларингни эшитиб кун кечирамиз?! Қавмининг бу жоҳилона сўзларига жавобан Мусо (алайҳиссалом) деди: **"Шояд Парвардигорингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни бу ерга халифа қилса..."**. Яъни, умид қиламанки, сизлар учун ашаддий рақиб бўлган, сизларга нисбатан хоҳлаган ишини қилиб, кун бермаётган Фиръавнни Аллоҳ таоло ҳалок қилади ва унинг ўлиmidан кейин сизлар мана шу ерга ўринбосар бўлиб қоласизлар!

“...ва қандай амаллар қилишингизни кўрса”. Яъни, Аллоҳ таоло сизлар қилаётган ҳар бир амални – яхшисини ҳам, ёмонини ҳам кўриб туради ва шунга яраша сизларни қиёмат кунда ҳисоб қилади. Бу ер сизларга шунчаликка эмас, балки синов ва имтиҳон учун берилди. Агар яхши амал қилиб, шукр қилсангиз, Аллоҳ Ўз фазлидан яна зиёда қилади. Агар гуноҳ-маъсиятга ботсангиз, у ҳолда тақдирингиз душманларингиз тақдиридан ҳеч ҳам қолишмас! Ояти каримада келаётган “шояд” сўзи Мусо (алайҳиссалом)нинг Аллоҳ таоло билан жуда юксак одобда муомала қилганидан дарак беради. Бу билан у, шунингдек, қавмига Раббилари билан қандоқ тарзда муомала қилиш лозимлигини ҳам таълим бермоқда. Қолаверса, уларни ўзига ишонишга ундаб, солих амалларни тарк этишдан қайтармоқда. Акс ҳолда, агар Мусо (алайҳиссалом) уларга ваъда қилинган нарсаларни аниқ келишини айтадиган бўлса, улар фақат шу нарсагагина суяниб қолиб, солих амал ва яхшиликларни қилмай қўйишлари ёки сусткашликка йўл қўйишлари мумкин эди.

Баъзилар: “Мусо (алайҳиссалом)нинг ушбу сўзларни “умид, тилак” маъносида айтишига сабаб қавм узоқ муддат Фиръавннинг қўл остида бўлиб, уни ва салтанатини эъзозлашлари, Мусо (алайҳиссалом) айтаётган сўзларни эса эришиш мушкул бўлган хом хаёл, деб уни ёлғончига чиқаришлари эҳтимоли бўлгани эди. Чунки қавмнинг руҳий ва имоний ҳолати ҳам кучсиз эди”, деб айтишган.

Ғофир сурасида Фиръавн ва аъёнларининг Мусо (алайҳиссалом) ва қавмидан бўлган мўминларга қилган қуруқ тухматлари ва заҳархандалик билан қилган таҳдидлари келтирилган. Шунингдек, бу ердан Мусо (алайҳиссалом)нинг Рабби аzza ва жаллага хушу билан қилган дуоси ҳам ўрин олган. Қисса Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти билан бошланади: **Аниқки, Биз Мусони Ўз оят-мўъжизаларимиз ва очик ҳужжат билан Фиръавн, Ҳомон ва Қорунга юборганимизда, улар: “(Бу Мусо) ёлғончи сеҳр-**

гардир”, дедилар. Энди қачонки уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ билан келганида, улар: “У билан бирга бўлган мўминларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдиригиниз!”, дедилар. (Лекин) кофирларнинг макр-ҳийлалари, албатта, залолатдадир. Фиръавн деди: “Мени қўйинглар, Мусони ўлдирай. (Қани) у Парвардигорига дуо-илтижо қилсинчи. Дарҳақиқат, мен (Мусо) сизларнинг динингизни ўзгартириб юборишидан ёки ер юзида бузғунчилик авж олдиришидан қўрқмоқдаман”. Мусо айтди: “Албатта, мен Парвардигорим ва Парвардигорингиздан ҳисоб-китоб кунига имон келтирмайдиган барча мутакаббирдан паноҳ сўраганман” (*Ғофир*, 23–27).

Бу ердаги “очиқ ҳужжат”дан мурод Фиръавн билан бўладиган аёвсиз жангда Мусо (алайҳиссалом)га қўл келадиган, ғолиб бўлишига ёрдам берадиган кучли, айти пайтда асосли далил ва ҳужжатлар эди. Яъни, Биз Мусога фазли карамимиз ва қудратимиз билан очиқ мўъжизаларни бердик. Шунингдек, унга дин душманларини барбод қилиб, ҳалок этиши учун кучли ҳужжатларни ато этдик.

“Фиръавн, Ҳомон ва Қорунга...”. Бу Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)ни кимларга юборганини баён қилиб келмоқда.

“Фиръавн” қадимда Миср подшоҳларининг номи бўлган. Бу ердаги Фиръавндан мурод Мусо (алайҳиссалом) замонида яшаб ўтган, ўта золим подшоҳ сифатида танилган Менфтоҳ ибн Рамзес II дир. “Ҳомон” Фиръавннинг вазири бўлган. “Қорун” эса Мусо (алайҳиссалом) қавмидан бўлган бир бадавлат киши эди. Аллоҳ таоло унга жуда кўп миқдорда бойлик ва мол-мулк ато этганди, аммо у ношукр ва исёнкор бўлгани боис ўзини ва бутун бошли мол-дунёси ҳамда уй-жойларини ер ютади. (*Қорун қиссаси Қуръони каримнинг Қасас сураси, 76–82 оятларида келтирилган. – Таржимон.*)

Аллоҳ таоло юқоридаги уч кишини хослаб зикр қилишига сабаб шуки, улар қавмнинг йўлбошчиси ва қавм наздида улуғ кишилар эдилар. Шу билан бирга, улар тинмай Мусо (алайҳиссалом)га қарши турли-туман бўхтон, тухмат, айблов ва макр-хийлаларни ўйлаб топаверар ва уни амалга оширардилар. Қавм ҳам, худди ювош қўйлар каби ҳеч бир ақл юритмай уларга эргашиб кетаверарди.

“Улар: “(Бу Мусо) ёлғончи сеҳргардир”, дедилар”. Ушбу ояти каримада Мусо (алайҳиссалом) қавм тарафидан қандоқ васф қилингани айтилмоқда. Яъни, Биз Мусони ростгўйлигимизга далолат қилувчи ҳужжатлар билан анави исёнкор кимсаларга юборганимизда, улар Мусо ҳақида:

– Албатта, у сеҳри билан одамларни алдамоқда, унинг: **“Мен оламлар Рабби томонидан юборилган пайғамбардирман”**, деган даъвоси ҳам ғирт ёлғон! – дедилар.

Шундай қилиб, имон ва куфр ўртасидаги биринчи тўқнашувдаёқ нодон қавм Аллоҳнинг мўъжизалари билан қуролланган Мусо (алайҳиссалом)ни сеҳргар ва ёлғончига чиқаришди. Улар буни фақат буғзу адоват, ҳасад балосига гирифтор бўлганликлари ва дунёнинг бир озлик ўткинчи матоҳига ўта ташна бўлганликлари учунгина қилдилар. *(Яъни, улар, агар Мусо (алайҳиссалом)га эргашсалар, у биздан устун бўлиб олади, шунингдек, унинг динига кирсак, мол-дунёларимиздан ҳам айриламиз, деб ўйлашган. – Таржимон.)*

Мазкур нодон кимсалар Мусо (алайҳиссалом)ни “сеҳргар, ёлғончи” дейиш билан чекланиб қолмадилар. Ҳали уларнинг айниган мияларида яна аллақандай бузуқ фикр ва режалар, маккорона хийлалар бор эди. Энди улар зулмининг иккинчи босқичига ўтишди. Бу эса, аввалгисидан ҳам ашаддийроқ эди:

“Энди қачонки уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ билан келганида, улар: “У билан бирга бўлган мўминларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдиришгиз!”, дедилар”. Яъни, Мусо (алайҳиссалом) улар-

нинг олдиларига бориб, Аллоҳ таоло буюрган нарсаларни айтиб, даъват қилганида, улар жоҳилона таҳдид билан:

– Мусо билан бирга имон келтирган, унинг динига кирган киши борки, ҳаммасининг ўғил чақалоқларини битта қўймай ўлдиришлар! Илло, қиз болаларни тирик қолдиришлар. Улар катта бўлишгач, сизларга оқсоч чўри бўладилар. Улар учун бундан ҳам улкан хорлик бўлмаса керак! – дедилар.

“Энди қачонки уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ билан келганида...” ояти ушбу золимларнинг ҳар бирига даъват ва хитоблар етиб келганидан дарак беради. Улар ўзлари ҳақни талаб қилмадилар, балки Аллоҳ таоло раҳмати нишонаси сифатида пайғамбари Мусо (алайҳиссалом) орқали уларга Ҳақни юборди.

“У билан бирга бўлган мўминларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдиришлар!” деб айтганлар Фиръавн қавмининг ашроф кишилари бўлишган. Уларнинг Мусо (алайҳиссалом) ва мўминларни кўришга кўзлари йўқ, жинлари суймас, аксинча, уларга қарши ҳар хил макр-ҳийлалар қилишарди. Улар Фиръавнга зулм қилиш ва адоват ўтказишни зийнатлаб кўрсатишган.

Имом Розий айтади: “Бу қирғин Мусо (алайҳиссалом) туғилган вақтда амалга оширилган қирғин эмасди. Аввалги ўлдиришга Фиръавнга мунажжимлар томонидан Бани Исроилдан бир бола чиқиб, уни ўлдириши ҳақида маълумот берилгани сабаб бўлган. Бу сафарги ўлдиришга сабаб шу эдики, Мусо (алайҳиссалом) уларга мўъжиза ва ҳақ калималар билан келиб, уларни Аллоҳ таолога имон келтиришга даъват қилади. Сўнгра Фиръавн, Мусо (алайҳиссалом) динига қираётганлар сони қўпаймаслиги ва кейинчалик улар кучайиб кетмасликлари учун имон келтирганларнинг чақалоқларини ўлдиришга буюрган. Ўз-ўзидан маълумки, бирон-бир жамоанинг жисмоний ва руҳий тарафдан кучайишига аёллар эмас, балки айнан эркаклар сабабчи бўладилар. Фиръавннинг ўғил бола-

ларни ўлдиришга қарор қилганининг сабаби ҳам шу эди аслида”¹.

“(Лекин) **кофирларнинг макр-ҳийлалари, албатта, залолатдадир**”. Бу жумлалар ҳар бир замон ва макондаги кофирлар шаънини пастга уриш, мўминлар қалбига, улар ҳақ йўлда сабот билан олға боришлари учун руҳ бағиш-лаш ва охир оқибат ғалаба фақат ва фақат мўминлар-гагина насиб бўлишини англатиш учун айтилган. Яъни, кофирларнинг макр ва ҳийлалари узоққа бормайди. Улар мўминларга зиғирча ҳам зарар келтира олмаслар. Балки уларнинг йўллари залолат ва ботилдир.

Энди Фиръавн қалбини буткул маҳв этган кибор ва манманликнинг бошқа тарафи ҳақида ҳикоя қилинади: **Фиръавн деди: “Мени қўйинглар, Мусони ўлдирай”**. Яъни, Фиръавн ўзининг аъёнлари ва маслаҳатгўй хос кишиларига қарата:

– Мусони мен билан бирга-бир қўйиб беринглар! Мен уни бир ёқлик қилай! Шунда унинг бузғунчи ва зарарли сўзларидан мен ҳам, сизлар ҳам халос бўламиз.

Ояти кариманинг маъносига қараганда, Фиръавннинг Мусо (алайҳиссалом)га хитоб билан қарши чиқишига аъёнлари томонидан монеълик бўлган. Чунки Фиръавн атрофидаги одамлар Мусони ўлдириш билан иш битмаслиги, бу нарса уларнинг ғам-ташвиш ва кулфатдан халос бўлиб, бежавотир ҳаёт кечиришларини таъминлай олмаслигини билар эдилар. Сабаби уларнинг аксарият қисми Мусо (алайҳиссалом) ҳақ устида эканини яхши тушуниб етган ёки улар Мусо (алайҳиссалом)ни ўлдириш сабабли бошларига сўнгсиз кулфатлар ёғилишини билишган ёки бўлмаса улар Мусо (алайҳиссалом) ҳақ эканини била туриб, Фиръавндан қўрққанлари боис буни очиқ изҳор эта олмаганлар.

“(Қани) **у парвардигорига дуо-илтижо қилсин-чи**”. Бу Фиръавн Мусо (алайҳиссалом)ни ўлдиришдан умуман

¹ “Тафсиру Фаҳр Розий”, 7-жуз, 302-бет.

чўчимаганлигини англатади. Чунки у кофир эди ва Мусога ҳам, унинг Раббига ҳам эътибор бермасди, ўзича. Ояти каримадан Фиръавннинг фожирлик, мутакаббирлик ва истехзо билан ҳақ устидан кулганини англаб оламиз. Гўёки у:

– Аниқки, мен Мусони ўлдираман! Қани раббига дуо қилиб, менинг азобимдан қутула олармикан, – деяётгандек.

Сўнгра Фиръавн Мусони ўлдиришидан мақсад фақат одамлар ва аёнларининг манфаатлари ҳақида қайғураётгани эканини айтиб, шундай дейди:

“Дарҳақиқат, мен (Мусо) сизларнинг динингизни ўзгартириб юборишидан ёки ер юзида бузғунчилик авж олдиришидан қўрқмоқдаман”. Яъни, мени ўз ҳолимга қўйинглар, Мусони ўлдирай! Агар ҳозир уни бир ёқлик қилмасам, аниқки у сизлар неча асрлардан бери сиғиниб келаётган динингизни ўзга бир динга алмаштиради ёки сизлар яшаб келаётган Ерда фитна оловини ёқиб, одамлар орасида адоват уруғини сочиш ва дин ҳамда дунёларингиз учун зарарли бўлган ишларни қилиш орқали фасод ишларни амалга оширади.

Дунё яратилибдики, ҳар бир замон ва макондаги исёнкор, маккор, кофир кимсаларнинг тутган йўли шу. Улар ўзларининг ботил қуроллари билан ҳақни уриб енгмоқчи бўладилар. Сўнгра кўпчиликка баралла “бу ишларни фақат сизларнинг манфаатингиз учун қилмоқдамиз”, деб жар соладилар.

Имом ар-Розий айтади: “Фиръавннинг бу сўзларни айтишидан мақсад, Мусо (алайҳиссалом)ни нима сабабдан ўлдиришга қарор қилганини билдириш эди. У ҳам бўлса, Мусо (алайҳиссалом)нинг ораларида мавжуд бўлиши дин ва дунёларига зарар келтириши эҳтимоли борлиги эди. Динга зарари шуки, ушбу жоҳил қавм эътиқодича, фақат ўзлари сиғиниб келаётган дингина ҳақ, бошқаси ботил эди. Қачонки Мусо (алайҳиссалом) уларнинг бузук

этиқодларини тузатиб, ваҳдониятга – Якка Аллоҳнигина тан олиб, чин имон келтириб, фақат У Зотгагина ибодат қилишга даъват қилганида, улар “Мусо бизнинг ҳақ динни бузмоқчи бўлаяпти”, деб ваҳима тарқатдилар. Дунёларига келтирадиган зарари шундан иборат эдики, улар агар Мусо (алайҳиссалом)нинг йўриғига юрадиган бўлишса, у ҳолда барча тоифалар бир киши қўл остида бирлашиши, жамоат бўлиб бир илоҳга ибодат қилишлари лозим эди. Аммо бу нарса, уларнинг этиқодича, хусуматнинг келиб чиқиши ва кишилар орасида фитна оралашига сабаб бўлар эди”. Фиръавн қавми мол-дунёларидан ҳам кўра ўзларининг ботил этиқодларига содиқ эдилар. Шунинг учун у, аввал динни зикр қилди: **“Дарҳақиқат, мен (Мусо) сизларнинг динингизни ўзгартириб юборишидан...”**, сўнгра дунёларига етадиган зиённи эслатиб ўтди: **“... ёки ер юзида бузғунчилик авж олдиришидан қўрқмоқдаман”**.¹

Мусо (алайҳиссалом) Фиръавннинг куракда турмайдиган сўзлар билан қилган тухмат ва дўқ-пўписаларини мўминларга хос ҳалимлик ва одоб билан эшитиб, сўнгра шундай деди: **“Албатта, мен Парвардигорим ва Парвардигорингиздан ҳисоб-китоб кунига имон келтирмайдиган барча мутакаббирдан паноҳ сўраганман”**.

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) қавмини ҳақ йўлда ҳар қандай азият ва жоҳил кишиларнинг озорларига сабр қилишга чақириб, собитқадам бўлишга ундаб деди:

– Эй қавмим, мен Раббим ва Раббингиздан имон келтиришдан кибр қилган, қиёмат кунига – у кунда яхши амаллар қилганларга мукофот ва гуноҳ-маъсият эгаларига жазо берилишига ишонмайдиган кофир кимсаларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман!

Мусо (алайҳиссалом) томонидан айтилаётган ушбу жўшқин сўзларда унинг имони кучлилиги, чин ишончи, Аллоҳ таолонинг ёрдамига таяниши, қавмининг манфаа-

¹ “Тафсиру Фаҳр Розий”, 7-жуз, 303-бет.

ти ва имонга келишига ўта ташналиги кўриниб турибди. Шунингдек, мазкур оятлардан Ҳақдан юз ўтириш, қиёмат кунига ишонмай кўнгли тусаган ишни қилиб кетавериш қалбнинг моғор босиб, бора-бора қотиб қолиши ва инсон руҳиятининг хасталанишига сабаб бўладиган асосий ва бош омиллардан эканини билиб оламиз.

ФИРЪАВН ВА ҚАВМИНИНГ ТУРЛИ МУСИБАТ ВА КУЛФАТЛАРГА ДУЧОР БЎЛИШИ

Аввалги бўлимда айтиб ўтилганидек, Мусо (алайҳиссалом) даъватига тиш-тирноғи билан қаршилик қилаётган қавм энди тузган манфур режаларини амалга ошира бошладилар – Бани Исроил қавмида туғилган ўғил чақалоқларни ўлдириб, қиз болаларни тирик қолдирдилар ва яна турли-туман азият-зулмлар билан бечора қавм бошига не кунларни солмадилар. Бундай чексиз ва аёвсиз жабр-зулмларнинг охири кўринмагач, Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога дуо қилиб, Фиръавн ва қавмини муносиб жазолашини сўрайди. Аллоҳ таоло унинг дуосини ижобат қилиб, Фиръавн ва қавмини қаттиқ қийинчилик ва машаққатларга гирифтор қилади. Бу ҳақда Аъроф сурасида қуйидаги хабарлар келган: **“Дарҳақиқат, Биз Фиръавн одамларини панд-насиҳат олишлари учун (қаҳатчилик) йиллари билан ва мева-чеваларнинг ҳосилини камайтириш билан ушладик. Шундан кейин ҳам қачон уларга яхшилик келса, улар: “Бунга ўзимиз ҳақдормиз”, дейишди. Агар уларга бирон ёмонлик етиб қолса, Мусо ва у билан бирга бўлган кишилардан бадгумон бўлдилар. Огоҳ бўлсинларки, албатта, уларнинг кўргуликлари фақат Аллоҳнинг ҳузуридан-дир. Лекин уларнинг кўплари (бўни) билмайдилар. Улар (Мусога): “Сен бизларни сеҳрлаш учун қандай оят-мўъжиза келтирсанг ҳам биз сенга ҳаргиз имон**

келтиргувчи эмасмиз”, дедилар. Бас, Биз уларнинг устларига тўфон, чигиртка, бит, бақа ва қонни очиқ оят-мўъжизалар қилиб юбордик. (Лекин) улар кибру ҳаво қилдилар ва жинойтчи-осий қавм бўдилар. Қачонки уларнинг устига бу азоб тушгач, улар: “Эй Мусо, Парвардигорингга, сенга берган ваъдаси ҳаққи хурмати, дуо қил! Қасамки, агар сен бизлардан шу азобни кўтарсанг, албатта, сенга имон келтирурмиз ва Бани Исроилни сен билан бирга жўнатурмиз”, дедилар. Энди Биз улардан бу азобимизни ўзлари етиб боргувчи бўлган муддатгача кўтарганимизда эса, баногоҳ бузиб турибдилар. Бас, Биз улардан интиқом олдик – оятларимизни ёлғон деганлари ва ундан ғофил бўлиб олганликлари сабабли Биз уларни денгизга ғарқ қилдик. Ўзимиз барокатли қилган ернинг Машриқ ва Мағрибларига бу бечора қавмни ворис қилиб қўйдик. (Эй Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалам), сабр-тоқат қилганлари сабабли Бани Исроилга Парвардигорингизнинг гўзал сўзлари тўла-тўқис бўлди. Фиръавн ва қавми ясаб-қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик” (*Аъроф*, 130–137).

Яъни, Биз Фиръавн қавмини шояд ҳидоят топсалар, Аллоҳ олдида ўзларини ожиз бир банда эканликларини ҳис қилсалар, куфру исён зулматидан қайтиб, имон нури сари юрсалар, деб қаҳатчилик, қурғоқчилик ва меваларни камайтириш билан синаб кўрдик. Зеро, мусибат ва қийинчиликлар қалбни юмшатади, нафсни жиловлайди, Аллоҳга дуо қилишга ундайди, хушёрлик, тафаккур ва ўзини тергашга ундайди. Лекин... қалби кўр, кўзини зулмат пардаси босган бу қавмга бундай мусибатлар ҳам қилмади. Улар отдан тушсалар ҳам, эгардан тушмас эдилар. Балки куфрларига яна куфр зиёда бўлди:

“Шундан кейин ҳам қачон уларга яхшилик келса,

улар: **“Бунга ўзимиз ҳақдормиз”, дейишди**”. Яъни, агар уларга бирон яхшилик, неъмат, фаровонлик ва кенглик етса, улар ғурур ва мақтанчоқлик билан:

– Бу яхшиликлар бизларга ўзимиз туфайли етди. Бас, бу нарсалар бизники ва биз уларга бошқалардан кўра ҳақдормиз. Чунки биз бу ерда оғир меҳнат қилиб, кучимизни сарфлаганмиз, – дедилар. Бироқ бу ношукр кимсалар ўзларига келаётган энг кичик бир неъмат ҳам Аллоҳ таоло даргоҳидан экани ва У Зотнинг фазлу марҳамати сифатида уларга берилганини билишмас ва шу сабаб инъом этилган неъматларга шукр қилишмасди.

“Агар уларга бирон ёмонлик етиб қолса, Мусо ва у билан бирга бўлган кишилардан бадгумон бўлдилар”. Яъни, агар уларнинг аҳволлари оғирлашса, қаттиқчиликка дучор бўлсалар ёки жонлари ва молларига талафот етса Мусо ва у билан бирга имон келтирган кишилардан шумландилар ва:

– Шулар туфайли бошимизга балолар ёғилмоқда. Агар улар бўлмаганида, бундай қийинчиликлар қайда эди?! – дейишди.

“Огоҳ бўлсинларки, албатта, уларнинг кўргуликлари фақат Аллоҳнинг ҳузуридандир”. Бу қавмнинг хурофот ва ботил эътиқодларига берилган қаттиқ зарба бўлиб, уларни огоҳ бўлишга, бундай бузуқ ақида ва бидъатлардан узоқ юришга чақирилмоқда. Яъни, уларнинг шумланишларига сабаб Аллоҳ даргоҳида ёзиб қўйилган ёмон амаллари эди. Ана шу нарса уларнинг бошига бало ёғилишига сабаб бўлди. Балки бунга, улар даъво қилаётганларидек, Мусо ва атрофидаги мўминлар сабабчи бўлганлари йўқ. Аммо уларнинг кўплари бу ҳақиқатни билмайдилар, улар фақат ҳавойи нафслари измига кириб, ҳар қандай шум ва гумон сўзларни айтдилар.

Куйида келтириладиган сўзлар ҳам улар ҳали-ҳамон ўз залолатларида тентираб, зулмат аро кезиб юрган-

ликларидан далолат қилади: Улар (Мусога): **“Сен бизларни сеҳрлаш учун қандай оят-мўъжиза келтирсанг ҳам биз сенга ҳаргиз имон келтиргувчи эмасмиз”**, дедилар. Яъни, Фиръавн қавмидан бўлган ашроф кишилар Мусо (алайҳиссалом)нинг ҳақ пайғамбар эканини кўришгач, дедилар:

– Эй Мусо, сен бизларни динимиздан чиқариш учун қандай мўъжиза келтирма, биз барибир сенга имон келтирмаймиз ва рисолатингга эргашмаймиз! Бизнинг мўмин бўлишимиздан умидингни уз! Имонга мушарраф бўлишимиздан ҳеч ҳам хомтамаъ бўлмай қўяқол!

Қавм айтаётган ушбу сўзлардан уларнинг қанчалик ўжар, мутақаббир ва кофир эканликларини билиб оламиз. Улар оёқ тираб олиб, ўзларининг ботил эътиқодларига содиқ қолишмоқчи ва Мусо (алайҳиссалом) бундан минг даража кучли ҳужжат келтирса ҳам, унга имон келтирмоқчи эмаслар. Бундан ҳам бадтар жоҳиллик, нодонлик бўладими?! Ушбу кимсаларнинг қалблари тошдек қаттиқ, руҳий оламлари бузилган ва шуурлари ўтмаслашиб қолганди. Улар тафаккур қилиш ва ақл юритишдек улугъ неъматдан бебахра қолган бечоралар бўлиб, ўзларига бегона кўринган нимаики бўлса, у ҳақми ёки ботилми, ҳеч бир иккиланмай ўша заҳотиёқ инкор қилиб юбора-верардилар. Аммо уларнинг бу қилмишлари ўз ҳолича қолгани йўқ. Адолатли бўлган Зот Аллоҳ таоло уларга муносиб жазоларини берди: **“Бас, Биз уларнинг устларига тўфон, чигиртка, бит, бақа ва қонни очиқ оят-мўъжизалар қилиб юбордик. (Лекин) улар кибру ҳаво қилдилар ва жинойтчи-осий қавм бўлдилар”**. Яъни, Биз бу кофир кимсаларнинг устларига тўфон ва селни юбордик ҳамда у барча экинзору боғ-роғларни барбод қилди. Уларнинг устларига чигиртка юбордик. У экин, мева ва ўсимликларни еб битирди, қуруқ даланинг ўзи қолди. Уларнинг устига битни ҳам юбордик. У қавмга кўп озор

ва заҳмат етказди. Шунингдек, уларнинг устига қурбақани ҳам юбордик. Улар анҳор ва қўллардан қуруқликка қўтарилиб, уларнинг ер майдонларини босиб кетди, уйларию ўрин-тўшақлари қурбақалар билан тўлди. Бундан ташқари уларга қонни юбордик. Дарёларида сув билан қўшилиб қон оқди ва натижада кўплаб балиқлар нобуд бўлди.

Баъзилар: “Бу ердаги “қон”дан мурод уларнинг бурунларидан оққан қон”, деб айтишган. Бу азобу уқубатларнинг тушиши бежиз эмасди, балки Аллоҳ таоло ўша нобакор кимсаларнинг фисқу фужурлари, Раббиларига исёнлари ва У Зотнинг пайғамбарини ёлғончи қилганлари боис шундай кулфатларга йўлиққан эдилар. Бундай азобни кўтара олмаган қавм мунофиқларча Мусо (алайҳиссалом) олдига шошилдилар ва ундан мадад кутдилар. Бу ҳақда шундай дейилади: **“Қачонки уларнинг устига бу азоб тушгач, улар: “Эй Мусо, Парвардигорингга, сенга берган ваъдаси ҳаққи ҳурмати, дуо қил! Қасамки, агар сен бизлардан шу азобни кўтарсанг, албатта, сенга имон келтирурмиз ва Бани Исроилни сен билан бирга жўнатурмиз”, дедилар”.**

Қавм бошига тушган қаттиқ кулфат уларнинг асл қиёфасини очиб берди. Уларнинг мунофиқликларини тушунтиришга ҳожат бўлмаса керак! Сўнгра кофир кимсаларга хос бўлган маккорлик ва исён ҳақида айтиб ўтилади: **“Энди Биз улардан бу азобимизни ўзлари етиб боргувчи бўлган муддатгача кўтарганимизда эса, баногоҳ бузиб турибдилар”.** Яъни, Биз улардан маълум муддатгача – денгизда ғарқ бўлгунларигача ажалларини кечиктириб, улардан азобни даф қилганимизда, улар берган ваъдаларини бузиб, яна ўзларининг исён ва шаккоклик йўлларида давом этдилар. Натижада ботил йўлнинг “содиқ қурбон” ларига айландилар.

(Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон Зот, тавба қилсалар кечиради. Аммо... тавба юзаки бўлса, бирон манфаат ёки

моддиятга суянган бўлса, ундай тавба инobatга олинмайди ва Аллоҳ таоло энди ўша бандани ҳам олдинги гуноҳи, ҳам кейин қилган маъсиятлари учун азоблайди. – Таржимон.)

Энди уларнинг ҳаёт чироқларини ўчишига сабаб бўладиган мусибат тушди. Бунга берган ваъдаларини бузишлари, Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқаришлари ва куфру исёнлари сабаб бўлди. Уларнинг дунёдаги сўнгги азоблари қандай бўлганини келаси оятдан билиб оламиз: **“Бас, Биз улардан интиқом олдик – оятларимизни ёлғон деганлари ва ундан ғофил бўлиб олганликлари сабабли Биз уларни денгизга ғарқ қилдик”**. Яъни, улар Аллоҳнинг мўъжизалари ҳақида ўйлаб кўрмас, ундан ўзлари учун панд-насиҳат олмасдилар. Улар ғофил ҳолда бўдилар. Шу сабаб Биз уларни денгизга ғарқ қилдик. Қуръони карим бу ерда Фиръавн ва жамоасининг ғарқ қилинишини умумий ва қисқа тарзда келтирмоқда. Бошқа ўринларда у батафсил ёритилган. Қиссанинг шу ерида нима сабабдан ғарқ қилиниш қисқа берилганининг сабабини айтадиган бўлсак, мазкур оятда узоқ муддат имконият берилган кофир қавмлардан интиқом олиниши аянчли суратда баён қилинмоқда. Бундай ҳолатда узундан-узун маълумотларга ҳожат йўқ, балки қисқа ва аниқ иборалар билан уларнинг бошларига қандай азоб тушгани айтилмоқда. Айнан шундай усул қўлланилса, қиссанинг кишиларга таъсири кўпроқ бўлади ва улар ўзларига тегишли хулосалар чиқариб оладилар.

Аввал баён қилганимиздек, мана шундай усул, айниқса Аъроф сурасида устунлик қилади. Мазкур сурада исёнкорлар қалбини ларзага келтирадиган, киши нафсида Аллоҳдан кўрқиш ҳиссини уйғотадиган хабарлар ўрин олган. Фиръавн ва у билан бирга ҳамтовоқлик қилганлар ҳаётига сўнгги нуқта қўйилди. Энди Аллоҳ тарафидан Бани Исроилга кўрсатилган фазлу карам ҳақида айтилади: **“Ўзимиз баракотли қилган ернинг Машрик**

ва Мағрибларига бу бечора қавмни ворис қилиб қўйдик”. Яъни, Мисрда Фиръавн ва унинг одамларидан зулм кўрган, ўғил чақалоқлари ўлдирилган, яна кўп турдаги қийноқларни бошидан кечирган бу мазлум қавмга, улар тўғри йўлдан тойиб, адашиб кетмасларидан илгари, Биз фаровонлик ва тўкинчилик билан муборак қилган Шом ерларининг шарқ ва ғарб томонларини ато этдик. Бу ерда кўп пайғамбарлар ва солиҳ кишилар яшаб ўтган эдилар. Биз Бани Исроилга ушбу неъматларни фақат уларни си-наш, имтиҳон қилиш учунгина бердик.

“(Эй Муҳаммад), сабр-тоқат қилганлари сабабли Бани Исроилга Парвардигорингизнинг гўзал сўзлари тўла-тўкис бўлди”. Яъни, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ваъдаси тўлиқ бажарилди, Бани Исроилга душманлари устидан ғалаба қозониш насиб этди, Фиръавн одамларининг зулм-ситамларига сабр қилганлари боис уларга Шом ерлари мулк қилиб берилди.

Ояти карима қуйидаги жумлалар билан ниҳоясига етади: “Фиръавн ва қавми ясаб-қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик”. Яъни, улар қурган ҳашаматли, пойдевори мустаҳкам бўлган қаср ва баланд биноларни, барпо этган боғу роғларининг барчасини вайрон қилдик.

Зухруф сурасида ҳам Мусо (алайҳиссалом), Фиръавн ва одамларининг қиссаси ҳикоя қилиниб, шундай дейилади: “Аниқки, Биз Мусони Ўз оят-мўъжизаларимиз билан Фиръавн ва унинг одамларига юбордик. Бас, у: “Албатта, мен барча оламлар Парвардигорининг пайғамбаридирман”, деди. Энди қачонки у Бизнинг оят-мўъжизаларимизни унга келтиргач, баногоҳ улар устидан кула бошладилар. Биз уларга бирон оят кўрсатсак, албатта, у шеригидан улуғроқ-дахшатлироқ бўлур эди. Шояд қайтсалар деб Биз уларни азоб билан ушладик. Улар: “Эй сеҳргар, сенга берган ваъдаси ҳаққи-хурма-

ти Парвардигоринга бизлар учун дуо қил, албатта, бизлар ҳидоят топгувчилармиз”, дедилар. Энди қачонки Биз улардан азобни аритсак, баногоҳ улар буза бошладилар. Ва Фиръавн ўз қавмига жар солиб, деди: “Эй қавмим, Миср подшоҳлиги ва мана бу остимдан оқиб турган дарёлар менинг (мулким) эмасми?! Ахир кўрмаяпсизларми?! Балки мен мана бу хор бўлган ва очиқ баён қила олмайдиган кимсадан яхшироқдирман?! Бас, унга олтиндан бўлган билагузуклар ташланганида эди ёки у билан бирга фаришталар ҳамроҳ бўлиб келганида эди...?! Бас, у ўз қавмини тезлатган эди, улар унга итоат этдилар. Дарҳақиқат, улар фосиқ қавм эдилар. Энди қачонки улар Бизни дарғазаб қилишгач, Биз улардан интиқом олдик – уларнинг барчаларини ғарқ қилиб юбордик. Бас, уларни кейингилар учун ўтмиш-ибрат ва мисол қилиб қўйдик” (*Зухруф*, 46–56).

Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таоло тарафидан Фиръавн ва қавмига илоҳий мўъжизалар билан у қавмни фақат Аллоҳагина ибодат қилиб, куфр ва ширк иллатларидан тозалаш учун юборилди.

“Энди қачонки у Бизнинг оят-мўъжизаларимизни унга келтиргач, баногоҳ улар устидан кула бошладилар”. Яъни, Мусо (алайҳиссалом) уларга Аллоҳнинг чексиз қудратига далолат қилувчи мўъжизаларни олиб келганида, улар ҳеч фикр юритмай, нодонларча уни мазах қилиб, устидан кулдилар.

“Биз уларга бирон оят кўрсатсак, албатта, у шеригдан улуғроқ даҳшатлироқ бўлур эди”. Бу уларнинг қалби тошдек қотиб кетгани ва илоҳий мўъжизалардан зиғирча таъсирланмаганларидан дарак беради. Ушбу ояти қаримадан билиш мумкинки, Мусо (алайҳиссалом) га Рабби томонидан бир эмас, бир нечта мўъжизалар берилган.

“Шояд қайтсалар деб Биз уларни азоб билан уш-

ладик”. Яъни, улар куфр ва гуноҳ ишларда қаттиқ туриб олганликлари учун шояд шу йўлдан қайтсалар деб, Биз уларни қаттиқ дунёвий азоб билан жазоладик. Лекин улар шунда ҳам қайтмадилар. Бу ердаги “азоб” дан мурод мана шу ўткинчи дунёдаги қийинчилик ва машаққатлардир. Бунга бошқа оятда ҳам ишора қилинган: **“Бас, Биз уларнинг устларига тўфон, чигиртка, бит, бақа ва қонни очиқ оят-мўъжизалар қилиб юбордик. (Лекин) улар кибру ҳаво қилдилар ва жинойтчи-осий қавм бўлдилар”** (Аъроф, 133).

Фиръавн қавмининг устига оғир азоб ва қийинчиликлар тушди. Улар не қиларларини билмай, ахири Мусо (алайҳиссалом)га ялина бошладилар: **“Эй сеҳргар, сенга берган ваъдаси ҳаққи-ҳурмати Парвардигорингга бизлар учун дуо қил, албатта, бизлар ҳидоят топгувчидирмиз”, дедилар.** Яъни, улар Мусо (алайҳиссалом)га ўтиниб, ўзларини бечораҳол кўрсатиб, маккорлик ва сохта ҳурмат кўрсатгандек қилиб, дедилар:

– Ўз сеҳри ва илми билан бизлардан устун келган эй моҳир сеҳргар, пайғамбарлик билан сенга берган ваъдаси ҳурмати бизлар учун дуо қилиб, Раббингдан сўрагинки, у бизлардан ушбу азобни бутунлай аритсин! Шунда биз сенга имон келтирамиз, айтганларингни қилиб, қайтарган ишларингдан четланамиз!

Қавмининг имонга келиши учун ўта ҳарисманд бўлган Мусо (алайҳиссалом) улардан бу сўзларни эшитиб, қалби қувончга тўлди ва Аллоҳ таолога дуо қилиб, улардан бу азобларни кетказишини сўради. Ихлос ила пайғамбари томонидан қилинган дуо Аллоҳ таоло тарафидан беижобат қолдирилмади. Лекин натижада нима бўлди? Аравалари лойдан ўтгач, қавмининг яна эски ўжарлиги тутиб қолди – улар аввалги кофирликларида давом этдилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло айтади: **“Энди қачонки Биз улардан азобни аритсак, баногоҳ улар буза бошладилар”**.

Яъни, Биз улар бошига тушган қийинчиликларни кетказганимиздан сўнг, **“албатта, бизлар ҳидоят топгувчидирмиз”** деган ваъдаларини буздилар, имон келтирмадилар. Юқоридаги ояти каримадан қавмга хос бўлган разил бир одат намоён бўлмоқда. Улар: **“Раббингга бизлар учун дуо қил”**, дедилар. Гуё Аллоҳ таоло уларнинг эмас, фақат ёлғиз Мусо (алайҳиссалом)нинг Раббисидек.

“Ва Фиръавн ўз қавмига жар солиб...” Яъни, Фиръавн қавмининг кибор ва ашрофларини ҳузурига чорлаб, уларга деди:

“Эй қавмим, Миср подшоҳлиги ва мана бу остимдан оқиб турган дарёлар менинг (мулким) эмасми?! Ахир кўрмаяпсизларми?!”

Яъни, Миср подшоҳлиги фақат менга тегишли, уни ҳеч ким мендан тортиб ололмайди, бирон кимса менинг амримга хилоф иш тутолмайди. Бундан ташқари, сизлар кўриб турган Нил дарёсидан келаётган мана шу дарёлар қасрим тагидан тинмай оқиб турибди. **“Ахир кўрмайсизларми?!”** Яъни, менинг куч-қудратим, салтанатимнинг кенглиги ва шаънимнинг удуғлигига далолат қилувчи белгиларни кўрмаяпсизларми, ахир?!

“Балки мен мана бу хор бўлган ва очиқ баён қила олмайдиган кимсадан яхшироқдирман?!” Бу ерда Фиръавн “мана бу” деганда Мусо (алайҳиссалом)ни назарда тутмоқда. Яъни, устига-устак мен бу фақир, куч-қувват ва бойлик соҳиби бўлмаган, айна пайтда бир сўзни эплаб гапиролмайдиган, ичидагини тўғри тушунтириб беролмайдиган мана шу кимсадан яхшироқдирман!

“Бас, унга олтиндан бўлган билагузуклар ташланганида эди ёки у билан бирга фаришталар ҳамроҳ бўлиб келганида эди...?!” Яъни, ҳақиқатан Мусо пайғамбар бўлганида ўзини олтиндан бўлган билагузуклар билан безаган ёки бизларнинг олдимизга келганида унинг атрофини фаришталар ўраб олишар ва ўша фаришталар

Мусо ростгўй пайғамбар экани тўғрисида гувоҳлик берган бўларди!

Фиръавн айтаётган бу сўзлар унинг ўта кетган тоғий, мағрур кимса бўлганидан, қавми эса заифлик ва нодонлик иллатига гирифтор эканлигидан дарак беради.

Ибн Касир (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Фиръавн (Аллоҳнинг лаънати бўлсин унга!) айтаётган ёлғон ва тухматдан иборат бўлган сўзларни айтишга уни фақатгина куфр ва нонкўрлик ундади. У Мусо (алайҳиссалом)га куфр кўзойнаги билан қараб, унда баъзи нуқсон ва камчиликларни кўрди. Ваҳоланки, Мусо (алайҳиссалом) ақл эгалари наздида ҳурматли, азиз ва хушсурат киши эди”.¹ **“Бас, у ўз қавмини тезлатган эди, улар унга итоат этдилар”**. Яъни, Фиръавн Мусо (алайҳиссалом)га айтадиганини айтиб бўлгач, энди қавмига юзланиб, уларни ўзига ижобат қилишга ундади. Маънан сўқир бўлган ушбу қавм Фиръавн талабига “лаббай” деб жавоб қилишди. Ваҳоланки, улар Аллоҳнинг тоатидан чиққан фосиқ, ҳидоятдан залолатни устун қўювчи эдилар.

(Уларнинг гофилликлари, дунё ҳаётини Охиратдан афзал билишлари, гуноҳ-маъсиятга ботишлари исиз кетгани йўқ, балки Аллоҳ таоло улардан ўз адли билан муносиб интиқом олди. – Таржимон.)

“Энди қачонки улар Бизни дарғазаб қилишгач, Биз улардан интиқом олдик – уларнинг барчаларини ғарқ қилиб юбордик. Бас, уларни кейингилар учун ўтмиш-ибрат ва мисол қилиб қўйдик”.

Яъни, Фиръавн ва қавми куфру исенда оёқ тираб, қаттиқ туриб олишлари билан бизнинг ғазабимизга муносиб бўлдилар. Шунда Биз улардан қаттиқ қасос олдик – уларнинг барчаларини денгизга ғарқ қилдик. Сўнгра уларни бошқаларга, яна куфр ва ёмон амалларни қилмасликлари мақсадида ибрат-намуна қилиб қўйдик.

¹ Қаранг, “Тафсиру Ибн Касир”, 7-жилд, 218-бет.

Юнус сурасида ушбу қиссанинг бошқа жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Аллоҳ таоло айтади: “Шунда Мусога унинг қавмидан фақат бир тоифа одам Фиръавн ва унинг одамларининг фитна-фасодларидан қўрққан ҳолларида имон келтирадилар, холос. Чунки Фиръавн у ерда ғолиб (эди) ва у, шубҳасиз, ҳаддан ошувчи кимсалардандир. Мусо деди: “Эй қавмим, агар Аллоҳга имон келтирар экансизлар, демак, мусулмон бўлгансизлар, Унинг Ўзигагина суянинглар – таваккул қилинглари!” Бас, улар айтдилар: “Аллоҳнинг Ўзигагина таваккул қилдик. Парвардигоро, бизларни бу зolim қавмга мафтун – алданувчи қилиб қўйма! Ва Ўзинг раҳм айлаб, бизларни бу кофир қавмдан қутқар!” Биз Мусо ва унинг биродарига: “Қавмларингиз учун Мисрда уйлар тайёрланглар ва бу уйларингизни қибла қилиб, намозни тўқис адо қилинглари! (Эй Мусо), имон келтирган зотларга хушхабар бергин”, деб ваҳий юбордик” (Юнус, 83–87).

Бу ердаги “бир тоифа одам” (арабий матнда “зуррий-атун” деб берилган)дан мурод оталари ва бой кишилар имондан бош тортишгач, Мусо (алайҳиссалом)га имон келтирган оз сонли ғариб ёш йигитлардир. Оятнинг маъноси қуйидагича: Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳнинг ваҳдониятига даъват қилганида, Мисрда истиқомат қилувчи Бани Исроил қавмидан бўлган оз сонли ёш йигитлардан бошқа бирон киши унга ижобат қилмади. Уларнинг оталари ва мансабдор кишилар Фиръавндан бирон нарса тамаъ қилиб ёки қаҳридан қўрққанлари учун имон келтирмадилар, абадий саодатдан кўз юмиб, ўткинчи дунёнинг арзимас матоҳини афзал билдилар.

“Фиръавн ва унинг одамларининг фитна-фасодларидан қўрққан ҳолларида имон келтирадилар, холос”. Яъни, имонга мушарраф бўлган ўша йигитлар Фиръавн ва қавмининг фожир кишилари уларни қийноқ

остига олиб, Мусога эргашмасликка мажбур қилишларидан кўрқар эди.

“Чунки Фиръавн у ерда ғолиб (эди) ва у, шубҳасиз, ҳаддан ошувчи кимсалардандир”. Ҳа, Фиръавн Миср юртида қилмаган жабру зулми, озор бермаган кишиси қолмаган, ҳамма унинг қонли қиличидан дод, дерди. Яна у ўзида яхши хислат ва улухият аломатлари борлигини даъво қилиб, бутун оламга жар соларди. Имон келтирган кишиларнинг сонлари кам бўлсаларда, Мусо (алайҳиссалом) уларни сабр-бардошли бўлишга чақирар ва уларга сабот тиларди: **“Эй қавмим, агар Аллоҳга имон келтирар экансизлар, демак, мусулмон бўлгансизлар, Унинг Ўзигагина суянинглар – таваккул қилинглар!”** Яъни, Мусо (алайҳиссалом) ўзига эргашган кишиларнинг Фиръавндан кўрқиб турганларини кўриб, қалбларига хотиржамлик киритиш мақсадида:

– Эй қавмим, агар Аллоҳга ҳақиқий имон келтирган бўлсангиз, Унинг Ўзигагина боғланиб, У Зотга таваккул қилинглар! Зеро, кимки Аллоҳга таваккул қилар экан, Аллоҳ у бандани нусрати ва мадади билан қўллайди! – деди.

Мусонинг насиҳатини жон-қулоқлари билан эшитган мўминларбунга жавобан дедилар: **“Аллоҳнинг Ўзигагина таваккул қилдик. Парвардигоро, бизларни бу золим қавмга мафтун – алдангувчи қилиб қўйма!”** Бу жавоб уларнинг имонлари ҳақиқий чин имон эканидан дарак беради. Яъни, улар Мусо (алайҳиссалом)га жавобан:

– Аллоҳнинг Ёлғиз Ўзига боғландик ва ишларимизни У Зотга ҳавола қилдик. Бошқа бирон нарса ва кимсани Унга шерик қилмаймиз. Эй Раббимиз, бизларни мана шу золим ва нодон қавмга хор қилдириб қўйма! Улар устимиздан ғолиб келиб, хоҳлаган қийноқлари билан бизни азобламасинлар. Бизларни Ўзинг қўлла! – дедилар. Улар дуо қилишда давом этиб, яна шундай дедилар: **“Ва Ўзинг раҳм айлаб, бизларни бу кофир қавмдан қутқар!”**

Яъни, биз Сенинг нажот беришингга мухтожмиз. Худди машриқ ва мағрибни бир-биридан узоқлаштирганинг каби биз ва уларнинг орасини ҳам шундай узоқлаштир!

Мўминларнинг қалбдан, ихлос билан қилган дуоларига ижобат тарзида Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)ларга шундай дейди: **“Қавмларингиз учун Мисрда уйлар тайёрланглар ва бу уйларингизни қибла қилиб, намозни тўкис адо қилинглар!”** Яъни, Фиръавн ўз туғёнида ва мўмин бандаларимизга азоб беришда давом этавергач, Биз Мусо ва биродари Ҳорунга:

– Қавмингиздан мўмин бўлганлар учун Мисрда махсус уйлар қурилинглар, улар у ерда жойлашиб қарор топсинлар, токи Аллоҳ тақдир қилган иш содир бўлгунича шу зайл Фиръавн ва кўшинининг озорларидан узоқ бўлсинлар! – деб ваҳий қилдик.

“Уйларингизни қибла қилиб, намозни тўкис адо қилинглар!” Яъни, ўзларингиз жойлашган ўша манзилни намоз ўқиш ва ибодат қилиш учун маскан қилиб олинглар. Зеро, аввал Фиръавн сизларга бемалол ибодат қилишга қўймасди, энди хотиржамлик билан риёзат қилинглар! Ибодатларнинг энг афзали бўлган намозни ўз вақтида хушуъ-хузу ва ихлос билан адо этинглар! Зеро, бундай суратда ўқилган намоз сизларни дунё ва Охират ташвишларидан қутқаради.

“(Эй Мусо), имон келтирган зотларга хушхабар бергин”. Яъни, мўминларга дунёда нусрат ва муваффақият бўлиши, Охиратда буюк ажр савоб ва мукофотлар насиб этиши ҳақида хушхабар беринг!

Мўминларга хушхабар берилиб, уларнинг қалблари хотиржамлик ила масрур бўлди. Аммо Мусо (алайҳиссалом) ҳали ҳам ташвишда эди. Фиръавн ва ҳамтовоқларининг кофирликлари унинг пок қалбини сиқмоқда эди. Шу боис у ёлғиз паноҳи Аллоҳ таолога қарата шундай деди:

Ва Мусо деди: “Парвардигоро, дарҳақиқат, Сен Фиръавн ва унинг одамларига ҳаёти дунёда зеб-зий-

натлар ва мол-дунё ато этдинг. Парвардигоро, улар Сенинг йўлингдан оздиришлари учун... Парвардигоро, уларнинг мол-дунёларини йўқ қилгин, кўнгилларини қаттиқ қилгин, токи улар аламли азобни кўрмагунларича имон келтирмасинлар. (Аллоҳ) деди: **“Икковингизнинг дуоларингиз ижобат бўлди. Энди тўғри йўлда собит бўлинглар ва ҳаргиз билмайдиган кимсаларнинг йўлига эргашманглар!”** (Юнус, 88–89).

Мусо (алайҳиссалом) қавми ҳидоятга келиши учун ўта ҳарисманд бўлиши билан бирга, шу йўлда бор кучқувватини сарфлаб, уларни Аллоҳга даъват этди.

Аммо улар насихатларга қулоқ осмадилар. Қавмининг бошлиғи Фиръавн ва унинг маслақдошлари имонга келавермагач, Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога хитобан деди:

– Эй Раббим, Сен Фиръавн ва қавмининг кибор кишиларига шу дунёда зоҳирий зийнат, бойлик ва фаровонлик ато этгансан. Ана шу улкан бойликлар уларнинг имонларини заифлаштириб, фитнага солмоқда, улар ўз нафсларидан ажабланиб, кибру ҳаво қилмоқдалар. Ва бошқаларга зулму ситам ўтказмоқдалар. **“Парвардигоро, улар Сенинг йўлингдан оздиришлари учун...”**. Яъни, Сен берган молу давлат ва неъматлар эвазига улар ёлғиз Сен учун ихлос билан ибодат қилиб, бунинг шукрини адо этишлари лозим эди. Аммо бундай бўлмади. Улар бунга тескари иш бажариб, ношукрлик ва нотавонлик қилдилар. Аниқки, уларнинг оқибатлари хусрон ва ютқазилдан бошқаси бўлмайди. Бас, эй Парвардигорим, Сен уларнинг неъматларини завола топтиргин!

“Парвардигоро, уларнинг мол-дунёларини йўқ қилгин, кўнгилларини қаттиқ қилгин, токи улар аламли азобни кўрмагунларича имон келтирмасинлар”. Қавм куфр ва исён йўлида оёқ тираб, қаттиқ туриб олгач, Мусо (алайҳиссалом) уларга қарши шу тарзда дуойибад қилишга мажбур бўлди.

Яъни, эй Раббим, улар берган неъматларинга шукр қилмаганликлари сабаб, уларни бу фаровонликдан маҳрум эт! Қалблари тошдек қотиб қолган, уни янада қаттиқлаштиргин, куфрларига куфр қўшгин, токи улар оғриқли азоб-уқубатларни кўрмагунларича имон келтирмайдилар!

Ибн Касир айтади: “Мусо (алайҳиссалом) томонидан ушбу дуо Фиръавн ва одамлари Аллоҳ таолони ғаблантирганлари ва Унинг динини масхара қилганлари боис қилинган эди. Зеро, бу пайтда Мусо (алайҳиссалом) га қавмида яхшилик ва хайр йўқлиги маълум бўлганди. Худди шунингдек, Нуҳ (алайҳиссалом) ҳам қавмига қарши: **“Парвардигорим, ер юзида кофирлардан бирон ҳовли-жой эгасини қолдирмагин!”** (Нуҳ, 26), деб дуо қилган эди. Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)нинг улар ҳақида қилган дуосини ижобат этди”.¹

“(Аллоҳ) деди: “Икковингизнинг дуоларингиз ижобат бўлди. Энди тўғри йўлда собит бўлинглар ва ҳаргиз билмайдиган кимсаларнинг йўлига эргашманглар!” Яъни, Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)ларга деди:

– Сизларга хушxabар бўлсин! Фиръавн ва одамлари ҳақида қилган дуоларингиз қабул қилинди. Бас, энди сизлар Менинг амримга итоат этишда мустаҳкам бўлинглар ва одамларни Ҳаққа даъват қилишда давом этинглар! Ва яхши билан ёмонни бир-биридан ажрата олмайдиган нодон кимсаларга ҳаргиз эргашманглар!

Юқоридаги икки оятдан қуйидаги хулоса чиқади: ҳақиқий имон соҳиби бўлган мўмин доимо Аллоҳ таолонинг динини соф ҳолда сақлаш ҳаракатида бўлади. Шунингдек, бундай киши Аллоҳ таолога дуо қилиб, фосиқ, ношукр ва кофир кимсалар тасарруфидаги бойлик ва куч-қудратнинг завол топишини сўрайди. Зеро, бун-

¹ “Тафсиру Ибн Касир”, 4-жилд, 228-бет.

дай кимсалар қўлидаги бойлик фақатгина разолат, фиску фужур ва мўминларга азият-зулм қилиш йўлида сарфланади.

Мазкур ояти каримадан яна шу нарсани билиб оламизки, кимда-ким Аллоҳ таолога салим қалб ва сидқидилдан дуо қилса, унинг дуоси У Зот даргоҳида мақбул бўлишига умид қилинади.

БАНИ ИСРОИЛ ҚАВМИНИНГ МИСРДАН ЧИҚИБ КЕТИШИ ВА ФИРЪАВННИНГ СУВГА ҒАРҚ БЎЛИШИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, Мусо (алайҳиссалом) Мисрда бир қанча вақт яшаб, Фиръавн ва қавмини Аллоҳ азза ва жалланинг ваҳдониятига даъват қилди, аммо улар ўз йўлларида қайтмай, Мусо ва Бани Исроилга зуғум қилишда давом этдилар. Вазият оғирлашгач, Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)ни Фиръавн зулмидан озод бўлиш учун Мисрдан чиқиб кетишга амр қилди. Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиб кетиши ҳақидаги қисса Қуръони каримнинг турли сураларида келтириб ўтилган. Аввал Шуаро сурасидаги хабарлар билан танишиб чиқамиз. Аллоҳ таоло айтади: **“Биз Мусога: “Бандаларим билан тунда йўлга чиққин! Албатта, сизларнинг изингизга тушидур”, деб ваҳий юбордик. Бас, Фиръавн барча шаҳарларга йиғувчиларини жўнатди (ва деди): “Аниқки, улар бир ҳовуч ялангоёқлардир. Дарҳақиқат, улар бизларни ғазаблантирдилар. Шубҳасиз, бизлар барчамиз эҳтиёт чораларини кўриб турувчи қавмдирмиз”. Бас, мана шундай қилиб Биз уларни боғлар ва булоқлардан, хазиналар ва улуғ-гўзал масканлардан айирдик ва мана шундай қилиб, Биз уларга Бани Исроилни ворис қилдик. Бас, тонг пайтида уларни қу-**

виб етдилар. Энди қачонки икки жамоат бир-бирларини кўришгач, Мусонинг ҳамроҳлари: “Бизлар аниқ тутилдик”, дедилар. (Мусо) айтди: “Йўқ, аниқки, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта, У мени йўлга бошлар”. Бас, Биз Мусога: “Асойинг билан денгизни ургин”, деб ваҳий юбордик. Бас, бўлиниб ҳар бир бўлак (сув) баланд тоғ каби бўлди. Ва кейингиларни ўша (йўлга) яқин қилдик. Мусо ҳамда у билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларига нажот бердик. Сўнгра кейингиларни ғарқ қилиб юбордик. Албатта, бунда оят-ибрат бордир. Кўплари имон келтиргувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз Ўзи голиб, меҳрибондир” (*Шуаро*, 52–68).

“Биз Мусога: “Бандаларим билан тунда йўлга чиққин!...”, деб ваҳий юбордик”. Яъни, Бани Исроил билан тунда денгиз томон юринглар! Аллоҳ субҳонаху ва таоло бу ерда Бани Исроилни “бандаларим” деб лутф билан тилга олмоқда. Чунки улар узоқ муддат Фиръавн зулми ва қонли қиличи остида кўп ситамлар кўрган эдилар.

“Албатта, сизларнинг изингизга тушилур”. Бу нима сабабдан тунда шаҳарни ташлаб, чиқиб кетиш лозимлигининг асл сабаби эди. Яъни, эй Мусо, қавминг билан денгиз томон юринглар. Чунки тез орада Фиръавн кўшини билан ортингиздан таъқиб қилади. Мен эса, вақти келиб, у ва лашкарларининг қисматига ёзилган ишни қиламан.

“Бас, Фиръавн барча шаҳарларга йиғувчиларини жўнатди”. Бу ердаги йиғувчилардан мурод одамларни маълум жойга, муҳим ишларни бажариш учун тўпловчи кишилардир. Улар дедилар:

– Подшоҳингиз Фиръавн учун юз мингдан иборат катта бир кўшин тўпланг!

Яъни, Фиръавн Мусо (алайҳиссалом) ва Бани Исроил шаҳардан бош олиб чиқиб кетганларидан хабар топгач,

мамлакатидagi турли шаҳарларга одамларни сафарбар қилиш учун ўз аскарларини жўнатди. Улар сони тўлгач, Фиръавн уларга руҳ ва шижоат бағишлаш мақсадида: **“Аниқки, улар бир ҳовуч ялангоёқлардир”**, деди. (Таржимада – бир ҳовуч ялангоёқлардир деб ифодаланган бирикма аслиятда – ширзиматун қолийлувн деб берилган. – Таржимон.)

“Ширзиматун” сўзи озчиликдан иборат бир тоифани англатади. Яъни, Фиръавн лашкарларига қарата деди:

– Бизларнинг рухсатимизсиз шаҳардан чиқиб кетган бу нобакорлар бизлар учун ҳеч нарса эмас.

Улар биз учун қул ёки хизматкор ўрнидадир! **“Дарҳақиқат, улар бизларни ғазаблантирдилар”**. Яъни, камчилик бўлишларига қарамай рухсатсиз чиқиб кетишлари, айтган сўзлари ва қилган қилмишлари билан улар бизни дарғазаб қилдилар. Буларнинг энг оғири динимизни тарк этишга ундашлари бўлди!

“Шубҳасиз, бизлар барчамиз эҳтиёт чораларини кўриб турувчи қавмдирмиз”. Яъни, улар қанчалик макр-хийла қилмасинлар, биз доимо сергак турамиз, хийлаларидан хабардормиз, алдовларига лаққа тушмаймиз, бас, улар бизга зиғирча ҳам таҳдид қила олмайдилар. Фиръавннинг юқоридаги сўзлари замирида, аслида унинг Мусо (алайҳиссалом)дан кўрққани, хавфсирагани кўзга ташланади. Фақатгина у ўзини шундай баландпарвоз гаплар ва асоссиз мақтовлар билан овутмоқда ва қавмини ҳам уларнинг кетидан қувиб етишга чақирмоқда, иложи борича ўзидаги ҳадикни билдирмасликка ҳаракат қилмоқда. Энди Аллоҳ таоло Фиръавн ва қавмини қандай кўйга солишни ирода қилгани айтилади:

“Бас, мана шундай қилиб Биз уларни боғлар ва булоқлардан, хазиначилар ва улуг-гўзал масканлардан айирдик”. Яъни, Биз уларни ўзлари яшаб турган боғу бўстон, ичиб турган чучук ва лаззатли сувлар, қул остла-

ридаги молу давлатлар, гўзал ва қулай бўлган масканлардан чиқардик. Токи улар куфрлари ва туғёнга кетишлари сабабли бошларига битилган аянчли оқибат – ғарқ қилинишга дучор бўлишлари учун шундай қилдик. **“Мана шундай қилиб, Биз уларга Бани Исроилни ворис қилдик”**. Яъни, мана шу боғу бўстонлар, чашмалар, хазиная чиройли турар жойларни Бани Исроил қавмига мерос қилиб бердик.

Баъзи муфассир уламолар таъкидлашларича, Бани Исроил қавми Фиръавн ва лашкарлари ҳалокатидан сўнг Мисрга қайтиб келишмаган, “Уни мерос қилдик” жумласидаги “уни” сўзи боғ-булоқларга тегишли эмас. Шу сабаб муфассирлар “Бани Исроил худди Фиръавн ва аёнларида бўлгани каби неъматларга эришган. Уларнинг боғлари каби боғу бўстон, ширин булоқлар, бойлик ва покиза масканларга эга бўлган”, деб айтишган.

Фикримизча, Аллоҳ таолонинг “Уни мерос қилдик” оятидаги “уни” олмоши боғ, булоқ ва хазиналарга тегишлидир. Мусо (алайҳиссалом) ва қавми Фиръавн ҳалокатидан сўнг маълум муддат ўтгач, Мисрга қайтиб келишган. Кейин Мусо (алайҳиссалом) буюрган томон – муқаддас ерга қараб йўл оладилар. Сўзимизни қуйидаги оят ҳам қувватлайди:

“(Миср ва Шомдаги) Ўзимиз баракотли қилган ернинг Машриқ ва Мағрибларига бу бечора қавми (яъни, Бани Исроилни) ворис қилдик. (Эй Муҳаммад), сабр-тоқат қилганлари сабабли Бани Исроилга Парвардигорнинг (“Бу ердаги бечора бўлган зотларга инъом қилишни ва уларни одамларга етакчи қилиб қўйишни истаймиз”, деган) гўзал сўзлари тўла-тўкис бўлди. Фиръавн ва қавми ясаб-қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик” (*Аъроф*, 137).

Энди Фиръавн қавми қилган ишлар ҳақида ҳикоя қилинади: **“Бас, тонг пайтида уларни қувиб етдилар”**. Яъни, Биз Фиръавн ва қавмини ўз бойликлари ва маконларидан чиқардик. Улар Мусонинг ортидан тезлик билан қувиб бориб, охири қуёш чиқиш пайтида уларга етиб олдилар.

“Энди қачонки икки жамоат бир-бирларини кўришгач, Мусонинг ҳамроҳлари: “Бизлар аниқ тутилдик”, дедилар”. Яъни, ҳар бир гуруҳ душманини аниқ кўра олдадиган даражада бир-бирларига яқин келганларида, Бани Исроил Мусо (алайҳиссалом)га қўрқув ва ҳадик ичида:

– Биз қўлга тушдик, кўп ўтмай Фиръавн ва лашкарлари бизга етиб оладилар, биз улар билан курашишга қодир эмасмиз! – дедилар.

(Мусо) айтди: **“Йўқ, аниқки, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта, У мени йўлига бошлар”**. Яъни, Мусо (алайҳиссалом) қавми саросимага тушганини кўргач, ишонч ва сабот билан:

– Йўқ, ундоқ эмас, улар бизга зинҳор ета олмайдилар. Бас, сизлар собитқадам бўлинглар, ҳаргиз қўрқманглар! Зеро, мен билан Раббим биргадир. У Зот мени ҳидоят ва нажот йўлига бошлайди! – деди.

Мусо (алайҳиссалом)нинг Аллоҳ таоло нусратини кутиши узоққа чўзилмади, балки бундай қийин вазиятда меҳрибон Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарига тезлик билан ижобат қилди: **“Бас, Биз Мусога: “Асойинг билан денгизни ургин”, деб ваҳий юбордик. Бас, бўлиниб ҳар бир бўлак (сув) баланд тоғ каби бўлди”**. Яъни, Биз Мусога Қизил денгизга асойингни ургин, деб ваҳий қилдик. У амримизга қулоқ осиб, уни денгизга урган эди, денгиз икки йўлга бўлинди ва икки тарафдаги ҳар бир бўлак сув худди улкан тоғ каби бўлиб қолди.

Ривоятларга қараганда, Фиръавн ғарқ бўлган денгиз

ўша пайтда “Қулзум” деб аталган. (Қулзум сўзи – қолзаматундан ясалган бўлиб, у – ютиб юбормоқ маъносини англатади. Чунки Қулзум денгизга тушган одам, у томонидан ютиб юборилар ёки чўкиб кетар эди. Ибн Холавайҳ айтади: Қулзум аслида – Зулқумшаклига эга бўлиб, ушбу сўздаги ҳарфлар ўрни алмашиб, шундай ҳолатга келиб қолган (Ибн Манзур, – Лисанул ароб, 5-жуз, 3719-бет). – Таржимон.)

Аллоҳ таолонинг қудрати билан Мусо (алайҳиссалом) ва у билан бирга бўлган кишилар денгиз тўлқинлари аро очилган йўл орқали нариги томонга эсон-омон ўтиб олдилар.

“Ва кейингиларни ўша (йўлга) яқин қилдик”. Яъни, Биз қудратимиз ва ҳикматимиз билан Фиръавн, унинг қўшинини Мусо (алайҳиссалом) ва қавмига яқинлаштирдик. Бас, улар ҳам Бани Исроил каби денгиз ўртасидан очилган қуруқ йўл орқали юра бошлаганларида, денгиз ўз тўлқинлари билан уларни қарши олди. Хўш, натижа нима билан тугади?

Натижада Мусо (алайҳиссалом) ва издошлари саломат қирғоққа чиқиб олдилар, Фиръавн лашкарлари билан денгизга ғарқ бўлди, изсиз йўқолди. Ушбу қисса бошқалари каби бандаларни ақл юритишга ундаш билан ниҳоя топади:

“Албатта, бунда оят-ибрат бордир. Кўплари имон келтиргувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз Ўзи ғолиб, меҳрибондир”.

Яъни, эй мухтарам пайғамбар, Биз Сизга сўзлаб берган қиссада ихлос билан ибодат қилиш ва Бизга тоат этиш лозимлигига ундовчи улуғ оят-белгилар бор. Лекин пайғамбаримиз Мусога фақат оз кишиларгина имон келтирдилар. Уларнинг душманлари эса яксон қилинди. Шундай экан, Аллоҳ таоло душманлари устидан ғолиб, улардан муносиб интиқом олувчи, Ўзининг валий бандаларига меҳрибон Зотдир.

Духон сурасида Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиши, Мусо (алайҳиссалом)нинг даъвати, куфр ва исёнлари сабаб Фиръавн гуруҳининг ғарқ бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади. Қисса Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти билан бошланади:

“Аниқки Биз улардан илгари Фиръавн қавмини ҳам имтиҳон қилганмиз ва уларга бир улуғ пайғамбар келганди. У (Мусо) деди: “Сизлар менга Аллоҳнинг бандаларини топширинглар! Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. Ва Аллоҳга кибру ҳаво қилманглар! Албатта, мен сизларга очиқ-равшан ҳужжат келтирурман. Албатта, мен Парвардигорим ва Парвардигорингиздан сизлар мени тошбўрон қилишларингиздан паноҳ сўрайман. Агар менга имон келтирмасангизлар, у ҳолда мени холи қўйинглар!” Бас, у Парвардигорига: “Дарҳақиқат, улар жиноятчи қавмдир”, деб дуо қилди. Бас, (Аллоҳ Мусога ваҳий юбордики:) “Бандаларим билан бирга тунда йўлга чиққин! Албатта, сизларнинг изингизга тушилур. Ва денгизни сокин қўявергин. Шак-шубҳасиз, улар ғарқ қилингувчи қўшиндир”. Улар қанчадан-қанча боғларни, чашмаларни, экинзорлар ва улуғ-гўзал жойларни қолдириб кетдилар. Ва ўзлари вақтичоғлик қилган неъматларни (қолдириб кетдилар!). Шундай қилиб Биз уни бошқа бир қавмга мерос қилиб бердик! Бас, уларга осмон ҳам, ер ҳам йиғлагани йўқ ва уларга муҳлат ҳам берилмади!” (Духон, 17–29).

Мусо (алайҳиссалом) Фиръавнни Аллоҳ йўлига даъват қилгач, Бани Исроилни озод қилиш мақсадида:

– Бани Исроилни менга топширинглар, уларни қуллик ва хору зорликдан озод қилингллар. Улар ушбу дунёда эмин-эркин, озод ва хур бўлиб яшасинлар! – деб таъкидлади.

Бу ердаги “Аллоҳнинг бандалари”дан мурод, аввало,

Бани Исроил ва қуллик азобидан қийналаётган бошқа қавмлардир.

“Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман”. Яъни, менинг даъватимга ижобат қилинглар, амримга итоат этинглар! Зеро, мен Аллоҳ таоло тарафидан сизларга юборилган ҳақ пайғамбардирман!

“Ва Аллоҳга кибру ҳаво қилманглар!” Яъни, Аллоҳ таолога такаббурлик қилиб, Унинг ваҳий ва амрларини паст санаш ҳамда Расулидан юз ўгириб кетишдан эҳтиёт бўлинглар. Бунинг оқибати яхши эмас!

“Албатта, мен сизларга очиқ-равшан ҳужжат келтирурман”. Яъни, мен сизларга Раббим ҳузуридан рост-гўйлигимни тасдиқловчи очиқ ойдин, инкор қилиб бўлмайдиган мўъжиза ва далилларни келтираман.

“Албатта, мен Парвардигорим ва Парвардигорингиздан сизлар мени тошбўрон қилишларингиздан паноҳ сўрайман”. Яъни, мен Раббимдан сизлар мени тош билан уриб, майиб қилишингиз ва бирон озор беришларингиздан паноҳ сўрайман. Бас, шундай экан, мен сизлар қилаётган макр-ҳийлаларнинг биронтасидан ҳам чўчимайман, Раббимнинг даъватини бекаму кўст етказишда давом этавераман!

“Агар менга имон келтирмасангизлар, у ҳолда мени холи қўйинглар!” Яъни, Мусо (алайҳиссалом) насихати сўнгида уларга деди:

– Гарчи сизлар менга тиш-тирноғингиз билан қаршилик кўрсатсангиз ҳам, сизларни тўғри йўлга давъат қилишдан тўхтамайман! Сизлар менга имон келтиришингиз лозим. Агар имон келтирмасангизлар, у ҳолда мени ўз ҳолимга қўйинглар, мен бошқаларни даъват қиламан. Сизлар куфр йўлида оёқ тираб қаттиқ туриб олар экансизлар, у ҳолда бу мен учун зиғирча ҳам зиён келтира олмайди. Мусо (алайҳиссалом) жон куйдириб, қавмим ҳидоятга келармикан деб насихат қилсада, аммо унинг

гапига кулоқ солувчи топилмади. Бундоқ исёнкор, мутакаббир нодонларга бас келиб бўлармиди.

Шу сабаб Мусо (алайҳиссалом) Раббига дуо қилиб деди: **“Дарҳақиқат, улар жинойтчи қавмдир”**. Яъни, эй Раббим, мен Фиръавн ва қавмини Сенинг йўлинга чақирдим, аммо улар яхшилик томон юрмадилар, улар куфр ва гуноҳ ишларда давом этувчидирлар. Эй Парвардигор, Ўзинг уларга муносиб жазоларини бергин! Бундан кейинги ояти карималардан Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом) дуосини ижобат қилганини билиб оламиз: **Бас**, (Аллоҳ Мусога ваҳий юбордики:) **“Бандаларим билан бирга тунда йўлга чиққин! Албатта, сизларнинг изингизга тушилуру”**. Яъни, эй Мусо, сен Бани Исроил ва қибтийлар орасидан имон келтирган бандаларимни олиб, туннинг бир қисмида йўлга тушгин, чунки Фиръавн сизлар шаҳардан чиқиб кетганингиздан хабар топиб, ортингиздан қувиб келади.

“Ва денгизни сокин қўявергин”. Яъни, Қизил денгизга етиб борганингдан сўнг унга асоийнинг билан ургин, шунда у Аллоҳнинг изни билан ёрилади ва ўзинг билан бирга бўлганларни нариги томонга ўтказгин. Аммо денгизни ўша ҳолича – очиқ турган ҳолича қўй. Ортингиздан қувиб келаётган Фиръавн ва лашкарларига эътибор берма. Биз уларнинг барчаларини сувга ғарқ қиламиз.

(Ҳаёти давомида ўйин-кулги ва машаат билан умргузаронлик қилган бу кимсаларнинг оқибатлари ёмон бўлди. Ўзлари сувга ғарқ қилиндилар, мол-мулклари, ер-сувлари эса шундоқ қолиб кетди. – Таржимон.)

Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Улар қанчадан-қанча боғларни, чашмаларни, экинзорлар ва улдуғ-гўзал жойларни қолдириб кетдилар. Ва ўзлари вақтичоғлик қилган неъматларни (қолдириб кетдилар!)”**. Яъни, сувга ғарқ бўлиб ном-нишонсиз кетган бу кимсалар ортларидан сўлим боғларни, чучук сувларга

бой булоқларни, турли-туман ҳосилдор экинзорлар ва зебзийнатлар, ҳашаматга бурканган турар жойларни қолдириб кетдилар. Аввал улар ушбу неъматлар билан ҳузурланар, дунёнинг ўткинчи ҳавасларига қул бўлиб, ҳаётларини фақат лаззатланиш билан ўтказиб, Аллоҳга ибодат қилишни ҳаёлларига ҳам келтирмасдилар. Оқибатда улар ўтиб кетдилар. Энди улар, аввал қабрларида, сўнгра охиратда даҳшатли ва мангу азоб-уқубатларга дучор бўладилар! Фиръавн ва лашкарлари ҳалокатига бирон нарса ёки кимса қайғургани йўқ. Бу Аллоҳ таоло томонидан таъсирли қилиб ифодаланган: **“Бас, уларга осмон ҳам, ер ҳам йиғлагани йўқ ва уларга муҳлат ҳам берилмади!”** Яъни, бошқаларни зулми билан қийнаган бу тоғий, зolim ва мутақаббир кимсаларга еру осмон аҳлидан бўлган бирон нарса ёки киши хафа бўлиб, аза тутгани йўқ, балки кечиктирилмаган ҳолда уларга, авваламбор ғарқ қилиниш азоби тушди. Бу улар кўрадиган азобнинг илк босқичидир.

Тоҳа сурасида ҳам Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиб кетиши, улар шукр қилишлари учун Аллоҳ таоло томонидан берилган неъматлар эслатиб ўтилади. Қисса қуйидаги оятлар билан бошланади: **“Дарҳақиқат, Биз Мусога: “Сен бандаларимни тунда олиб кетиб, улар учун қуриган денгизни йўл қилгин. Улар етиб олишларидан хавф қилма ва кўрқма!”**, деб ваҳий юбордик. Бас, Фиръавн уларнинг ортидан ўз лашкарлари билан қувган эди, уларни денгиз ўраганча-ўраб олди. Фиръавн қавмини тўғри йўлга бошламади, оздирди. Эй Бани Исроил, Биз сизларга душманингиздан нажот бердик ва сизларга Турнинг ўнг томонини ваъдалашдик ва сизларга ширинлик, беданалар ёғдириб, (дедик:) **“Биз сизларни баҳраманд қилган пок ризқларимиздан енглар ва ҳаддан ошмангларки, у ҳолда устингизга Менинг ғазабим тушар. Менинг ғазабим кимнинг**

устига тушар экан, у муҳаққақ, ҳалок бўлур. Ва Мен тавба қилган ҳамда имон келтириб, яхши амаллар қилган, сўнгра тўғри йўлга юрган кишиларни мағфират қилувчидирман” (Тоҳа, 77–82).

Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)га:

– Бани Исроил қавмидан бўлган баъдаларимни туннинг аввалида Мисрдан Қизил денгизга қараб олиб бор. У ерга етганингизда **“улар учун қуриган денгизни йўл қилгин”**, деб ваҳий қилди. Яъни, улар учун денгизда қуруқ йўл қил! Бу ердаги йўлдан мурод ҳақиқий маънодаги йўлдир. Мусо (алайҳиссалом) денгизга етиб боргач, Аллоҳнинг амри билан унга урганида, денгиз ёрилиб, Бани Исроил авлодларининг сонига қараб ўн иккита йўлга бўлинди.

“Улар етиб олишларидан хавф қилма ва қўрқма!”

Бу сўзлар Мусо (алайҳиссалом) қалбига хотиржамлик киритиш учун айтилмоқда. Яъни, улар учун денгизда қуруқ йўл қилгин, аммо Фиръавн ва лашкарлари сизларга етиб олишларидан қўрқма ва олдингиздан денгиз сизларни ғарқ қилишидан ҳам хавфсирама!

“Бас, Фиръавн уларнинг ортидан ўз лашкарлари билан қувган эди, уларни денгиз ўраганча-ўраб олди”. Фиръавн Мусо (алайҳиссалом) ва у кишига эргашган кишиларни тутиб олиб, жазоламоқчи, ҳақ йўлга талпинганлари учун додларини бериб қўймоқчи эди. Лекин у манфур ниятига эришолмади. У ўзича кимгадир чоҳ қазир экан, ўзига аллақачон унданда чуқурроқ бўлган бир чоҳ қазиб қўйилганини билмасди.

“Уларни денгиз ўраганча-ўраб олди” жумласи Фиръавн ва лашкарларининг ҳалокати даҳшатли суратда кечганидан далолат қилади. Улар тоғдек улкан сув тўлқинлари остида қолиб кетдилар ва аянчли тарзда жон таслим қилдилар.

“Фиръавн қавмини тўғри йўлга бошламади, оздирди”. Бу ғарқ қилинмасларидан аввал Фиръавннинг

қавмига бўлган муносабатининг оқибагини очик ифода-
ламоқда. Яъни, Фиръавн ҳаётлик чоғида ўз қавмини ҳақ
йўлга бошламади, балки ботил йўлга киритди. Оқибатда
йўлбошчи ҳам, унга кўр-кўрона бўйсунган ақлсиз кимса-
лар ҳам таг-туғлари билан йўқ қилинди. Буларнинг ҳам-
маси Бани Исроил фойдасига бўлди. Аллоҳ таоло уларга
шу ва шунга ўхшаш неъматларни ато этганини зикр қи-
либ, дейди: **“Эй Бани Исроил, Биз сизларга душманин-
гиздан нажот бердик”**. Яъни, Фиръавн ва ҳамтовоқлари
сизларга қаттиқ азоб-уқубатлар бериб келар эди. Сўнгра
Биз сизларга раҳм қилиб, уларни кўз ўнгингизда сувга чўк-
тирдик. Шу зайл асосий рақибингиздан халос бўлдингиз.

“Сизларга Турнинг ўнг томонини ваъдалашдик”.
Яъни, сизларни ҳидоятга бошлаб, ҳолингизни ислоҳ қи-
лувчи Китоб – Тавротни бериш учун пайғамбарингиз
Мусо билан ушбу муқаддас маконда ваъдалашдик.

Бу ҳақда бошқа ояти каримада шундай дейилади:
**“Биз Мусо билан ўтгиз кечага ваъдалашган эдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Бас, Пар-
вардигорининг (унинг учун белгиланган) вақти комил
қирқ кеча бўлди”** (*Аъроф, 142*).

“Сизларга ширинлик, беданалар ёғдириб...”. Бу
Бани Исроилга Аллоҳ таоло томонидан берилган учинчи
неъматдир. (*Таржимада – ширинлик деб ифодаланган сўз ас-
лиятда – маннун сўзи билан берилган. – Таржимон.*) “Ман-
нун” асалга ўхшаш ёпишқоқ ширинлик тури бўлиб, субҳ-
дан қуёш чиққунгача бўлган вақт мобайнида баъзи турга
мансуб бўлган дарахтдан тушади.

Оятнинг маъноси қуйидагича: Биз Ўз фазлу карами-
миз ила устингизга кўп неъмат ва яхшиликлар туширдик.
Сизлар эса улардан бирон қийинчиликсиз фойдаландин-
глар. **“Биз сизларни баҳраманд қилган пок ризқлари-
миздан енглар”**. Яъни, уларга ўша ширинлик ва беда-
налардан енглар ҳамда Аллоҳ ҳалол қилган бошқа лазиз
нарсалардан истеъмол қилинглар, деб айтдик.

“Ҳаддан ошмангларки, у ҳолда устингизга Менинг ғазабим тушар. Менинг ғазабим кимнинг устига тушар экан, у муҳаққақ, ҳалок бўлур”. Бу ерда Бани Исроил қавми қаттиқ огоҳлантирилиб, Аллоҳ белгилаб берган ҳудудлардан тажовуз қилмаслик лозимлиги таъкидланмоқда. Яъни, эй Бани Исроил, Аллоҳ ризқ қилиб берган покиза нарсалардан енглар, унга шукр қилинглар, аммо Биз белгилаб қўйган чегаралардан кесиб ўтманглар. Акс ҳолда сизлар Менинг ғазабим ва иқобимга учрайсизлар. Мен кимга ғазаб қилсам, шубҳасиз, у жаҳаннамни бўйлар!

Бу қаттиқ огоҳлантиришлардан сўнг Аллоҳ таоло Ўзининг раҳмат ва умид эшиклари доимо очиқ эканини таъкидлаб, шундай дейди: **“Ва Мен тавба қилган ҳамда имон келтириб, яхши амаллар қилган, сўнгра тўғри йўлга юрган кишиларни мағфират қилгувчидирман”.** Яъни, албатта, Мен ширк ва гуноҳ-маъсиятдан қайтиб, тавба қилган, имон келтириш лозим бўлган барча нарсаларга чин қалбдан ишонган, Аллоҳ таоло рози бўладиган ишларни қилган ва бунда мустаҳкам бўлган, Аллоҳга рўбарў бўлгунича У Зот учун ибодат қилишда давомли бўлган бандаларимнинг аввал содир этган барча гуноҳларни кечириб юборурман.

Юнус сурасида ҳам ушбу қисса мухтасар суратда келтирилган. Унда Фиръавннинг ўлим оддидан айтган сўзлари ва унга қайтарилган жавоб қандай бўлгани ҳақида айтиб ўтилган. Аллоҳ таоло айтади: **“Биз Бани Исроилни денгиздан ўтказганимиздан кейин уларга зулму зўравонлик қилиш учун Фиръавн ва лашкарлари қувиб етдилар. Энди унга фарқ бўлиш (пайти) етганида эса, у деди: “Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Бани Исроил имон келтирган Зот – Аллоҳгина борлигига имон келтирдим. Мен мусулмонлардандирман – Аллоҳга бўйсунувчилардандирман”.** Энди-я?! Ахир сен илгари итоатсизлик қилган ва бузғунчи кимсалардан бўлган

эдинг-ку? Мана бугун ўзингдан кейинги кишиларга оят – ибрат бўлишинг учун Биз сенинг жасадингни қутқарурмиз. Дарҳақиқат, кўп одамлар Бизнинг оятларимиздан ғофилдирлар. Шубҳасиз, Биз Бани Исроилни гўзал манзилга жойлаштирдик ва уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик. Сўнгра улар то билим келгунича ихтилоф қилмадилар. Албатта, Парвардигорингиз Қиёмат кунинда талашиб-тортишган нарсалари ҳақида улар ўртасида Ўзи ҳакамлик қилур” (Юнус, 90–93).

Аллоҳ Ўз паноҳига олиб, Бани Исроилни денгиздан ўтказди – уларга денгиз ўртасидан қуруқ йўл қилди. Уларнинг барчалари эсон-омон нариги томонга ўтиб олдилар. Фиръавн ва лашкарлари ҳам улар ортидан эргашдилар, улар ҳидоят ва имон талабида эмас, балки зулм ва қасос умидида ортларидан қувиб келдилар.

Энди унга ғарқ бўлиш (пайти) етганида эса, у деди: “Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Бани Исроил имон келтирган Зот – Аллоҳгина борлигига имон келтирдим. Мен мусулмонлардандирман – Аллоҳга бўйсунувчилардандирман”. Яъни, Бани Исроил денгиздан ўтиб олгач, у яна аввалги ҳолига қайтиб, ёпила бошлади. Сувга ғарқ бўлиш онлари етиб келгач, Фиръавннинг кўзига ўлимдан бошқа нарса кўринмай қолди ва ноилож деди:

– Бани Исроил имон келтирган Илоҳга мен ҳам имон келтирдим, уни тасдиқладим. Ва мен Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига таслим бўлувчи, Унга ихлос билан ибодат қилувчи қавм билан биргадирман!

Бу сўзлар аввалроқ айтилиши керак эди. Ўлим чоғида иложсизликдан айтилган бу сўзлар энди бирон манфаат бермайди. Бемаврид қилинган иш ўз эгасига қайтарилди. Аллоҳ таоло унга жавобан деди:

– Энди-я?! Ахир сен илгари итоатсизлик қилган ва бузғунчи кимсалардан бўлган эдинг-ку? Яъни, мана шу пайтда, ҳаётдан умидинг узилиб, ўлим шарпаси кўрин-

ганда имонни даъво қилаяпсанми? Йўқ! Сен илгари ер юзида турли бузғунчилик, фасод ишларни қилиб, Мусо (алайҳиссалом) олиб келган Ҳақни ёлғонга чиқариб келгансан. Сенинг ҳозирги “имон”инг зинҳор қабул қилинмайди.

Ибн Касир айтади: “Фиръавн томонидан айтилаётган ушбу сўзлар ғайб сирларидандир. Аллоҳ таоло у ҳақида Ўз Расулига билдирган. Имом Аҳмад Ибн Аббос (розиаллоху анху)дан ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар: “Қачонки Фиръавн: **“Бани Исроил имон келтирган Зот – Аллоҳгина борлигига имон келтирдим”**, деганида Жаброил менга: “Эй Муҳаммад, агар менинг денгиз қора балчиғидан олиб, Фиръавнга (Аллоҳнинг) раҳмати етиб қолишидан кўрқиб, уни оғзига билдирмай солиб қўйганимни кўрганингда эди”, деб айтди” (Имом Термизий, Ибн Жарир ва Ибн Ҳиббонлар тафсирида ривоят қилишган. Термизий ҳадис санадини ҳасан деган).¹

“Мана бугун ўзингдан кейинги кишиларга оят-ибрат бўлишинг учун Биз сенинг жасадингни қутқарурмиз”. Яъни, айти пайтда имон ҳақида қилаётган даъвоинг рад этилади. Чунки энди вақт ўтди, сен кечикдинг. Биз эса сен вафот этгач, руҳинг баданингни тарк этганидан сўнг кейинги келадиган одамларга ибрат бўлиши учун жасадингни омон қолдирамиз. Улар сени кўриб, Ҳақни ёлғонга чиқарувчиларнинг оқибати қандай бўлишини, Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқлигини билиб оладилар.

“Дарҳақиқат, кўп одамлар Бизнинг оятларимиздан ғофилдирлар”. Бу ерда жамики одамларни Аллоҳнинг оятлари ва У Зотнинг қудратига далолат қилувчи зоҳирий белгилар ҳақида тааммул ва тадаббур қилишга ундаймоқда.

¹ “Тафсиру Ибн Касир”, 4-жилд, 227-бет.

Ибн Касир айтади: “Фиръавннинг ҳалокати Ашуро кунин юз берган. Имом Бухорий Ибн Аббос (розияллоҳу анху)дан ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага кирганларида яҳудийлар Ашуро кунин рўза тутишар эди. Улар: “Бу кун Мусо (алайҳиссалом) Фиръавндан устун келган кун”, дейишди. Шунда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларига: **“Сизлар улардан кўра Мусога ҳақлироқсизлар. Бас, (ушбу кун) рўзасини тутинглар”**, дедилар”¹.

Энди Фиръавн вафотидан сўнг Бани Исроилга берилган неъматлар эслатиб ўтилади: **“Шубҳасиз, Биз Бани Исроилни гўзал манзилга жойлаштирдик ва уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик”**. Яъни, Бани Исроил учун ашаддий душман бўлган Фиръавнни ҳалок қилгач, Биз уларни қулай ва яхши манзилга туширдик. У ерда Бани Исроил учун тинчлик ва хотиржамликни таъминладик. Бундан ташқари уларга Ўзимиз ҳалол қилган турли хил озиқ-овқатлар ва ичимликларни ато этдик.

“Сўнгра улар то билим келгунича ихтилоф қилмадилар”. Бу Аллоҳ таоло берган неъматларга ношукрлик қилганлари учун уларга қилинаётган маломатдир. Яъни, улар то шубҳаларни қатъий ҳал қилувчи илм келгунича дин ва дунё ишларида турли гуруҳларга бўлинмаган эдилар. Аллоҳ Тавротни нозил қилиб, унда ўша Китобни ҳақиқий тиловат қилиш ва уни ботил-нотўғри маъноларга бурмасликка амр қилинган эди. Бани Исроилга илм келгач, улар уни Ҳақ ва яхшилик йўлида ишлатиб, кўп хайр-баракага эришишлари лозим эди. Ваҳоланки, улар бу илмни ихтилоф – тарафкашлик ва тўғри йўлдан тойишиш мақсадида суиистеъмол қилдилар.

“Албатта, Парвардигорингиз Қиёмат кунинда талашиб-тортишган нарсалари ҳақинда улар ўртасинда Ўзи ҳакамлик қилур”. Яъни, албатта, Раббинг ушбу

¹ “Тафсиру Ибн Касир”, 4-жилд, 229-бет.

ихтилоф қилаётганларнинг масалаларини ҳал қилади. Ҳақ тарафдорлари мукофот билан тақдирлансалар, бо-тил томон эгалари муносиб жазоларини оладилар. Юқорида келтирилган ояти карималардан маълум бўладики, Бани Исроил қавмининг Мусо (алайҳиссалом) бошчилигида Мисрдан чиқиб кетишлари уларга нисбатан бир неъмат – яхшилик эди. Фиръавн ва лашкарлари учун эса бир интиқом бўлди.

Зеро “улар юртларида ҳадларидан ошиб, у жойларда бузғунчиликни кўпайтириб юборган эдилар. Бас, Парвардигорингиз уларнинг устига турли азоб-офатни ёғдирди! Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз (барча нарсани) кузатиб тургувчидир” (Фажр, 11–14)

ШУАЙБ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

Шуайб алайҳиссалом қиссаси турли сураларда ҳикоя қилинади. Жумладан, Аъроф сурасида шундай дейилган: “Мадян қавмига ўз биродарлари Шуайбни (пайғамбар қилдик). У айтди: “Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Сизларга Парвардигорингиз томонидан очиқ ҳужжат келди. Бас, ўлчов ва тарозини тўла тортинг ва одамларнинг нарсаларидан уриб қолманг ҳамда Ер (пайғамбарлар юбориш билан) ўнглаб қўйилганидан кейин, унда бузғунчилик қилиб юрманглар! Агар мўмин бўлсаларингиз, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир. Ҳар кўчада (кишиларни) қўрқитиб ва Аллоҳга имон келтирган зотларни Унинг йўлидан тўсиб ҳамда у йўлни бузишга ҳаракат қилиб ўтирманг! Озчилик бўлган пайтингизда сизларни кўпайтирганини эсланг ва бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг. Агар сизлардан бир тоифа менга юборилган динга имон

келтириб, бошқа бир тоифа эса имон келтирмаса, у ҳолда то Аллоҳ ўртамизда Ўз ҳукмини чиқармагунича сабр қилинг! У ҳукм қилувчиларнинг яхшироғидир” (Аъроф сураси, 85-87-оятлар).

Аллоҳ таоло Шуайб алайҳиссаломни Мадян аҳлига пайғамбар қилиб юборди. Мадян қабила номи бўлиб, у Мадян ибн Иброҳим алайҳиссаломга нисбат берилади. Мадян аҳли Ҳижоз ва Шом ҳудуди оралиғидаги “Маон” деб аталадиган минтақада истиқомат қилишарди. Аллоҳ таоло уларга Шуайб алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборди. Шуайб Ибн Майкийл ибн Яшжар ибн Мадян ибн Иброҳимдир. Шуайб Мадян аҳлининг насабдаги биродарлари саналади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Шуайб алайҳиссаломни зикр қилсалар: “У қавмига чиройли мурожаат қилгани ва ҳужжатининг кучлилиги сабаб анбиёлар хатибидир”, дердилар. Мадян аҳли куфру исенда эди. Хусусан, улар тарозидан уриб қолиш, бир-бирларининг ҳаққини ноҳақ йўллар билан ейиш сингари гуноҳларга мубтало бўлишган эди. Шуайб алайҳиссалом қавмини ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват қилди. Уларни хиёнатдан ва ёмон хулқлардан қайтарди. Суддий ва Икримадан ривоят қилинишича, Шуайб алайҳиссалом икки умматга юборилган. Биринчиси, Мадян аҳли. Улар кучли овоз билан ҳалок қилинганлар. Иккинчиси, Асҳобул айка. Уларни Аллоҳ соялар кунисидаги азоб билан жазолаган. Шуайб алайҳиссаломдан бошқа бирон пайғамбар икки умматга юборилмаган. Лекин муҳаққиқ уламоларга кўра, улар бир умматдир. Яъни, Мадян аҳли бу, Асҳобул айкадир. Улар қаттиқ зилзила, кучли овоз ва соялар кунисидаги азоб билан жазоланганлар. Бу азоблар олдинма-кетин содир бўлган. Шуайб қавмини Аллоҳнинг ваҳдониятига чақириб, уларга хитобан шундай деди: – Сизларга Парвардигорингиз томонидан очиқ ҳужжат келди.

Яъни, мен сизларга пайғамбар эканимни тасдиқловчи очиқ мўъжизалар келтирдим. Бу сизларни мен келтирган нарсага ишонишга, буюрганларимни олиб, қайтарганларимдан қайтишга ундайди. Шундан сўнг у Мадян қавмини ораларида кенг тарқалган бир иллатдан қайтарди: **“Бас, ўлчов ва тарозини тўла тортинг ва одамларнинг нарсаларидан уриб қолманг”**.

Яъни, тарози ва ўлчовларни тўғри тортинглар, ҳақ эгаси ўз ҳақини тўлиқ олсин, бирон нарсани камайтирманглар, олаётган одам кўпайтириб ҳам олмасин! Адолатли бўлинглар! Ораларингиздаги ўзаро муомала вақтида одамлар ҳақидан уриб қолманглар!

Шундан сўнг Шуайб уларни умумий бузғунчиликдан қайтарди: **“Ер (пайғамбарлар юбориш билан) ўнглаб қўйилганидан кейин, унда бузғунчилик қилиб юрманглар!”** Яъни, ер юзида зулм ва босқинчилик қилиш билан, куфру исён билан фиску фасод қилманглар! Ваҳоланки, ер юзи пайғамбарлар ва уларнинг солиҳ издошлари тарафидан ислоҳ қилинган, обод этилган. Сизлар обод маконни вайронага айлантирманглар! Шундан кейин қавми қалбида имон келтириш туйғусини уйғотиш учун шундай мурожаат қилди: – Агар мўмин бўлсаларингиз, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир. Яъни, мен сизларга буюрган ва қайтарган нарсалар дунёю охиратингиз учун яхшидир. Бас, агар айтганларимни тасдиқласангиз, Аллоҳ тарафидан юборилган ҳукмларга амал қилсангиз, менга ижобат қилинглар! Шуайб шу гапларни айтганидан кейин қавмини ҳаётининг бир қисмига айланиб қолган бошқа разолатлардан қайтарди:

“Ҳар кўчада (кишиларни) кўрқитиб ва Аллоҳга имон келтирган зотларни Унинг йўлидан тўсиб ҳамда у йўлни бузишга ҳаракат қилиб ўтирманг!” Яъни, одамлар ўтадиган ҳар бир йўл четига ўтириб олиб, менга имон келтирган кишиларни ўлдириш билан таҳдид қил-

манглар, одамларга озор берманглар! Менга имон келтириш умидида бўлганларни:

“Шуайб ёлгончи. У сизларни тўғри йўлдан оздирмоқчи”, деб кишиларни ҳақ динни қабул қилишдан чалғитманглар! Уларнинг кўнглига турли шубҳа-гумонларни солманглар! Кейин уларга Аллоҳнинг неъматлари эслатилади: **“Озчилик бўлган пайтингизда сизларни кўпайтирганини эсланг”**. Яъни, авваллари сизлар камчилик эдингиз, Аллоҳ сизларнинг сонингизни кўпайтирди. Илгари молу давлатингиз оз эди. Аллоҳ сизларга кўп давлат ҳадя қилди. Бу неъматлар эвазига Аллоҳга имон келтириб, У Зотга шукр қилишингиз керак. Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш ва Аллоҳ буюрган йўлдан юриш билан неъматлар шукри адо этилади.

“Ва бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг!” Яъни, аввалда ўтган қавмлар ҳаётига бир назар ташланг, Лут, Солиҳ қавмининг бошига не кунлар тушганига ибрат кўзи билан боқинг! Улар ер юзида бузғунчилик қилганлари сабаб балога гирифтор бўдилар, қилмишларига яраша жазосини олдилар. Бас, шундай экан, Аллоҳга тақво қилинлар ва менга итоат этинлар! Аввал ўтган ва туғёнга кетган қавмлар йўлидан юрманг. Акс ҳолда ўша бузғунчи қавмлар каби ҳалок қилинасизлар! Шундан кейин уларни адолат қилишга, бағрикенг бўлишга, ўзига итоат этганларни тинч қўйишга чақирилади:

“Агар сизлардан бир тоифа менга юборилган динга имон келтириб, бошқа бир тоифа эса имон келтирмаса, у ҳолда то Аллоҳ ўртамизда Ўз ҳукмини чиқармагунича сабр қилинг! У ҳукм қилувчиларнинг яхшироғидир”. Яъни, сизлардан баъзилар мен келтирган нарсаларни тасдиқлади. Баъзилар эса ўз куфрида оёқ тираб туриб олди. Бас, шундай экан, Аллоҳ икки тоифа ўртасида адолатли ҳукм чиқаргунича кутиб туринлар. Бу мўмин-

ларга нусрат бериш ва золим кимсаларни ҳалокатга учратиш билан бўлади. Зеро, Аллоҳ энг адолатли ҳукм қилувчи Зотдир! Шуайб алайҳиссалом даъват қилишда энг ҳикматли услубни қўллади. У киши залолатдаги қавмни биринчи навбатда Аллоҳга имон келтиришга, куфрдан, ширкдан бутунлай воз кечишга чақирди. Зеро, бу Ислом ақидасининг асоси, диннинг рукнидир. Ақида масалалари баён қилинган, Мадян қавми орасида жуда оммалашиб кетган ижтимоий иллатлар зикр қилиниб, уларни ўнглаш лозимлиги баён қилинди. Жумладан, ўзаро муомалада адолатли бўлиш, тарози ва ўлчовларни тўғри тортиш, одамлар ҳақидан уриб қолмаслик, ер юзида бузғунчилик қилмаслик лозимлиги, йўл четига ўтириб олиб, турли ёмон ишларни қилмаслик кераклиги уқтирилди. Шунча таъсирли ваъз-насихатларни эшитган қавм дарров имон келтириб, қилиб юрган разил ишларидан тийилишлари керак эди. Аммо қалби тошдан қаттиқ, маънан сўқир қавм учун бу насихатлар қумга сепилган сувдек бесамар кетди. Қуйидаги оятларга қулоқ солайлик. Бунда қавмнинг Шуайб алайҳиссаломга қай тарзда муомала қилганлари келтирилади: **“(Шунда) унинг қавмидан бўлган мутакаббир кимсалар: “Эй Шуайб, ё сени ё сен билан бирга имон келтирган кишиларни қишлоғимиздан ҳайдаб чиқарамиз ёки сизлар бизнинг динимизга қайтасизлар”, дейишди. У айтди: “Агар (динингизни) ёмон кўрсак ҳам-а? Агар Аллоҳ бизга ўша динингиздан нажот берганидан кейин яна унга қайтсак, Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган бўламиз-ку? Биз учун у динга қайтиш жоиз эмас, магар Парвардигоримиз – Аллоҳ хоҳдасанига (қайтишимиз мумкин). Парвардигоримиз илми ҳамма нарсани қамраб олгандир. Биз Аллоҳнинг Ўзига таваккул қилдик. Парвардигоро, биз билан қавмимиз ўртасида ҳақ билан ҳукм қилгайсан. Ўзинг ҳукм қилувчиларнинг яхшироғидирсан”.** (Шунда) унинг қав-

мидан кофир бўлган кимсалар: “Қасамки, агар Шуайбга эргашисанглар, албатта зиён кўрувчи бўласизлар”, дейишди. Бас, уларни даҳшатли зилзила тутиб, турган жойларида тўкилдилар. Шуайбни ёлғончи қилган кимсалар гўё у ерда яшамагандек бўлиб қолдилар. Шуайбни ёлғончи қилган кимсаларнинг ўзлари зиён кўрувчи бўлдилар. Кейин (Шуайб) улардан юз ўгириб, деди: “Эй қавмим, мана, мен Парвардигоримнинг ва-зифасини сизларга етказдим ва насиҳатлар қилдим. Энди кофир қавмга қандай қайғурай?!” (*Аъроф сураси, 88-93-оятлар*).

Мадян аҳлининг мутакаббир ашрофлари Шуайб алайҳиссаломнинг таъсирли насиҳатларига жавобан:

– Қасамки, эй Шуайб, биз сени ва сен билан бирга бўлган одамларни қишлоғимиздан ҳайдаймиз. Сизларни ёмон кўрамыз. Кўргани кўзимиз йўқ. Шу йўл билан фитналарингиздан бошимиз тинчийди. Ёки сизларни ота-боболаримиздан мерос қолган динимизга қайтарамиз. Эй Шуайб, сизлар бу икки ишдан бирини танланглар: ё қишлоғимиздан чиқиб кетинглар, ё бўлмаса, бизнинг динимизга қайтасизлар! – деб дағдаға қилишди. Могу давлати ва обрўсига ишониб ғурурга кетган кимсалар Шуайб алайҳиссалом ва у кишининг издошларига шундай таҳдид қилишди. Уларнинг қасам ичишлари ният қилган ишларини амалга оширишга қатъий ҳаракат қилганларини кўрсатади. Уларнинг “динимизга қайтасизлар” деган гапи Шуайбга имон келтирган кишилар аввал қавмнинг динида бўлганлари, кейин ундан чиқиб, Аллоҳга имон келтирганларини билдиради. Шуайб алайҳиссалом эса пайғамбарликдан олдин ҳам, кейин ҳам ширкдан маъсум бўлган. Аллоҳ таоло у кишини катта гуноҳлардан сақлаган. Бунга жавобан Шуайб:

– Агар (динингизни) ёмон кўрсак ҳам-а? – деди. Яъни, биз сизлар кетаётган йўлдан юришни истамасак, буни

ёмон кўрсак ҳам бизни ўз йўригингизга солишга мажбур қиласизларми? Ишонамизки, сизларнинг динингиз ботил, соғлом ақлга, юксак хулқ-одобларга зиддир. Йўқ, сизларнинг ботил эътиқодингизга қайтмаймиз!

“Агар Аллоҳ бизга ўша динингиздан нажот берганидан кейин яна унга қайтсак, Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган бўламиз-ку?” Яъни, Аллоҳ бизни ҳақ динга йўллаганидан кейин, бизларни ширк иллатидан халос этиганидан сўнг ҳам била туриб сизларнинг ботил динингизга қайтадиган бўлсак, у ҳолда Аллоҳ шаънига энг қабиҳ ёлғонни тўқиган, ҳақни инкор қилган бўламиз!

“Биз учун у динга қайтиш жоиз эмас, магар Парвардигоримиз – Аллоҳ хоҳласагина (қайтишимиз мумкин). **Парвардигоримиз илми ҳамма нарсани қамраб олгандир”.** Яъни, биз ҳеч қачон сизлар эътиқод қилган нарсага ишонмаймиз. Магар Аллоҳ хоҳласагина, шундай бўлади. Зеро, барча нарса Аллоҳнинг иродасига боғлиқ. Аллоҳ ҳар нарсага қодир Зотдир. Сизлар ва бошқалар бизни мажбурлаб ўзга эътиқодга бўйсундиrolмайсизлар. Динингиз ботил, бизнинг ақидамиз ҳақ эканига ишончимиз комил. Ҳамма нарса ишларни тасарруф этувчи, илми барча нарсани тўлиқ қамраб олган Аллоҳнинг хоҳишига боғлиқдир. Қуръони карим ҳикоя қилаётган юксак одоб намунасини қаранг: Шуайб алайҳиссалом куфр ва ширк иллатига зинҳор қайтмаслигини гўзал суратда, одоб билан билдирмоқда. Шу билан бирга қавмининг ашрофлари тарафидан таҳдид бўлиб турган таҳликали пайтда ўзи ва бошқа мўминлар имон йўлидан зинҳор қайтмасликларини, ишларини Аллоҳга ҳавола қилишини билдирмоқда. Шуайб алайҳиссалом қавмининг таҳдидига парво қилмай, Аллоҳга дуо қилишга чоғланди:

“Биз Аллоҳнинг Ўзига таваккул қилдик. Парвардигоро, биз билан қавмимиз ўртасида ҳақ билан ҳукм қилгайсан. Ўзинг ҳукм қилувчиларнинг яхшироғи-

дирсан”. Яъни, биз ёлғиз Аллоҳга таваккул қилдик, ишларимизни У Зотга топширдик. Сизларнинг дўқ-пўписаларингизга Аллоҳ кифоя қилувчидир. Ким Аллоҳга таваккул қилса, У Зот унга кифоя қилади. Ё Аллоҳ, биз билан зулм қилиш пайида турган қавмимиз орасида ҳақ ила ҳукм чиқар! Зеро, Сен ҳақ ила ҳукм чиқарувчиларнинг энг яхшисисан. Сенинг ҳукминг жабру зулмдан холидир.

Мана шу ўринда ўзимиз учун оладиган бир қанча ибратлар бор. Жумладан, Шуайб алайҳиссалом мутакаббир қавм аъзоларига нисбатан ўта одоб билан муомалада бўлди. Уларнинг сўзларига ҳикмат билан жавоб қайтарди. Ортиқча тортишиш ва мужодаладан юз ўгириб, Аллоҳга юзланди ва улар ўртасида ҳақ ила ҳукм қилишни дуо қилиб сўради. Ҳа, бундай қийин вазиятда Шуайб алайҳиссалом фақат Аллоҳга суянди, бошқалардан умид қилмади. Шуайб алайҳиссаломнинг бундай қатъиятини кўрган кофир қавм уларни ўз динларига қайтаришдан умидларини узишди ва Шуайбга эргашганларни кўрқита бошлади. Қуръони карим буни ўз ҳикматли услуби билан қуйидагича баён қилади: (Шунда) унинг қавмидан кофир бўлган кимсалар:

“Қасамки, агар Шуайбга эргашсанглар, албатта зиён кўрувчи бўласизлар”, дейишди. Яъни, Шуайб қавмининг ашрофлари унга эргашаётганларга хитобан:

– Сизлар ота-бобонгиз эътиқод қилиб келган диндан юз ўгириб, Шуайбнинг йўлига кириб кетсангиз, моддий бойликлардан қуруқ қоласизлар, ҳолингиз чатоқ бўлади. Чунки у сизларни тарозидан уриб қолишдан қайтаради. Агар бунга кўнсангиз, сувдай оқиб келаётган даромаддан қуруқ қоласиз, – дейишди. Золим кимсалар нима қилиб бўлса ҳам одамларни Шуайбга итоат этишдан тўсмоқчи бўлдилар. Қавмини ўзларининг азалий эътиқодларига содиқ қолишга чақирдилар. Улар ўзлари залолатга кетганлари етмаганидек, бошқаларни ҳам жаҳолат қаъри томон судрамоқчи бўлдилар. Шуайб ва у зотга қарши бўлганлар

орасида кечган қизгин мужодаланинг оқибати нима билан тугагани қуйидагича зикр қилинади:

“Бас, уларни даҳшатли зилзила тутиб, турган жойларида тўкилдилар. Шуайбни ёлғончи қилган кимсалар гўё у ерда яшамагандек бўлиб қолдилар. Шуайбни ёлғончи қилган кимсаларнинг ўзлари зиён кўрувчи бўлдилар”. Кечагина молу давлатига суяниб кўкрак кераётган золимлар қилмишларига яраша жазо олишди. Уларни қаттиқ зилзила тутиб, ер билан битта бўлдилар. Улар орасида қимирлаган жон топилмади. Улар: **“Шуайбга эргашганлар зиён кўради”**, деб такрорлашдан чарчамаган эдилар. Уларни ўз динларига қайтаришга жуда кўп уриндилар. Бугун эса ўзлари зиён кўрувчи бўлдилар. Улар фаровон ҳаёт кечириб турган бир паллада устларига бало ёғилди ва олдинги турмуш тарзларидан асар ҳам қолмади. Худди аввал яшамагандек, дунё ҳаёти лаззатидан баҳраманд бўлмагандек бўлиб қолдилар. Шуайбни ёлғончига чиқариб, унинг даъватидан бўйин товлаган кимсалар дунё ва охиратда зиён кўрувчи бўлдилар. Улар айтганларидек, Шуайбга эргашганлар зарар кўрмади, балки уларнинг ўзлари зиён кўрдилар, қилиб юрган гуноҳлари бошларига етди. Кейин (Шуайб) улардан юз ўгириб, деди: **“Эй қавмим, мана, мен Парвардигоримнинг вазифасини сизларга етказдим ва насиҳатлар қилдим. Энди кофир қавмга қандай қайғурай?!”** Қавмнинг исёнкор ашрофлари бошига бало тушиб, буткул ҳалок бўлганларидан кейин Шуайб улардан юз ўгирди ва издошларини огоҳлантириб:

– Эй қавмим, мен сизларга Парвардигоримнинг рисолатини етказдим, ақида масалаларини тушунтирдим, ҳукмларни баён қилдим, ваъз-насиҳат қилдим. Сизларни ислоҳ қилиш йўлида саъй-ҳаракат қилдим. Шундай экан, мен кофир қавмнинг бошига келган фалокатдан маҳзун бўлмайман. Мен уларнинг ҳидоятга келишлари ва азобдан омон қолишлари учун бор кучимни сарфладим.

Аммо улар насихатни хушламадилар, хидоят нуридан за-
лолат зулматини афзал билдилар. Йўқ, мен уларга ачин-
майман, улар ҳалокатга йўлиққанлари сабаб қайғурмай-
ман. Чунки ўша золим кимсалар бунга муносиб эдилар.

Худ сурасида Шуайб алайҳиссалом ва қавм ўртасида
кечган қизғин баҳс мунозаранинг бошқа жиҳатлари ҳақи-
да хабар берилган. Аллоҳ таоло айтади: “Мадян қавмига
ўз биродарлари Шуайбни (пайғамбар қилдик). У айт-
ди: “Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар
учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Ва ўлчов ва таро-
зидан уриб қолманглар! Мен сизларнинг яхшилиқда
эканлигингизни кўриб турибман. Ва мен сизларнинг
устингизга ўраб олувчи кун – қиёматнинг азоби ту-
шишидан қўрқаман. Эй қавмим, ўлчов ва тарозини
адолат билан тўла тортинглар! Одамларнинг нарса-
ларини уриб қолманглар ва ерда бузғунчилик қилиб
санқиб юрманглар! Агар мўмин бўлсаларингиз, Аллоҳ
қолдирган нарса сизлар учун яхшироқдир. Мен сиз-
ларнинг устингизда қўриқчи эмасман”. Улар дедилар:
“Эй Шуайб, бизлар ота-боболаримиз ибодат қилиб
келаётган бутларни тарк қилишимиз кераклигини
ёки ўз мол-мулкимизни ўзимиз хоҳлагандек тасарруф
қилмаслигимиз кераклигини сенга ўқиётган намозинг
буюрмоқдами? Ҳақиқатан, сен жуда кўнгилчан – ҳа-
лим ва рашид кишисан-да!” У айтди: “Эй қавмим, ха-
бар берингчи, агар мен Парвардигорим томонидан
аниқ ҳужжатга эга бўлсам ва У Зот мени Ўз томонидан
гўзал ризқ билан ризқлантирган бўлса... Мен сизлар-
га хилоф қилиб, сизларни қайтараётган нарсани ўзим
қилишни истамайман. Мен фақат имконим борича
ислоҳ қилишни истайман, холос. Ва Ёлғиз Аллоҳнинг
ёрдами билангина муваффақ бўламан. Ўзига суяндим
ва Ўзига илтижо қиламан. Эй қавмим, тагин менга бўй-
сунмаслигингиз сизларга ҳам Нуҳ қавмига ё Ҳуд қав-
мига ёки Солиҳ қавмига етган балолар етишига сабаб

бўлмасин! Лут қавми ҳам сизлардан йироқ эмасдир. Парвардигорингиздан мағфират сўранглар, сўнг Унга тавба-тазарруъ қилинглар! Албатта Парвардигорим марҳамат қилувчи ва дўст тутувчидир”. Улар дедилар: “Эй Шуайб, сен айтаётган нарсаларнинг кўпини англаб етмаяпмиз ва сени орамизда ожиз бир кимса эканингни кўриб турибмиз. Агар қавму қариндошларинг бўлмаганида, албатта сени тошбўрон қилган бўлар эдик. Сен бизлар учун мўътабар киши эмассан”. У айтди: “Эй қавмим, менинг қавму қариндошларим сизлар учун Аллоҳдан ҳам азизроқмики, У Зотга орқа ўгириб олдингиз? Шубҳасиз, Парвардигорим қилаётган амалларингизни билиб турувчидир. Эй қавмим, ўзингиз билган ишни қилаверинг, мен ҳам (ўз ишимни) қилувчиман. Яқинда кимга шарманда қиладиган азоб келишини ва ким ёлғончи эканини билиб оласизлар. Кўз тутаверинглар, мен ҳам сизлар билан бирга кўз тутувчиман”. Қачонки Бизнинг фармонимиз келганида, Шуайбга ва у билан бирга имон келтирган кишиларга Ўз раҳматимиз билан нажот бердик. Золим кимсаларни эса даҳшатли қичқириқ тутиб, гўё ҳеч қачон яшамагандек, ўз диёрларида тўкилиб қолдилар. Огоҳ бўлингларки, худди Самуд ҳалокатга учрагани каби Мадян қавми ҳам ҳалокатга учради” (Худ сураси, 84-95-оятлар). Аллоҳ таоло Самуд қабиласига Солиҳ алайҳиссаломни юборгани каби Мадян аҳлига Шуайб алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборди. Шуайб ҳар бир пайғамбар ўз қавмига айтган гапларни Мадян аҳлига айтди: – Эй қавмим, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилинглар. Ҳақиқатан сизлар учун Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Аллоҳ сизларни яратган, У Зот сизларни ризқлантиради ва фақат Унинг ҳузурига қайтиб борасизлар. Аллоҳга ихлос билан ибодатга даъват қилингач, одамлар ҳақини уриб қолишдан қайтарилди: – Ва ўлчов ва тарозидан уриб қолманглар! Ўлчовдан уриб қолиш икки хил бўлади. Би-

ринчиси, агар бирон нарса сотаётган бўлса, харидор ҳақидан уриб қолиш, уларга кам миқдорда тортиб бериш. Иккинчиси, бирон нарса сотиб олаётганда келишилган миқдордан кўпроқ қилиб олиш. Шуайб алайҳиссалом ана шундан огоҳлантирди: – Эй қавмим, сизлар олишда ҳам, сотишда ҳам ўзгалар ҳақини уриб қолманглар! Агар нарса сотсангиз харидор ҳақидан камайгирманглар. Агар ўзингиз бирон нарса сотиб олсангиз, ҳақингиздан зиёда қилиб олманглар! Маъна шу икки ишга қуйидаги оятларда ишора қилинган: “(Ўлчов ва тарозидан) **уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай! Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир**”. Шундан сўнг уларга нима сабабдан амру маъруф, наҳий мункар қилинаётгани айтилади:

“Мен сизларнинг яхшилиқда эканлигингизни кўриб турибман. Ва мен сизларнинг устингизга ўраб олувчи кун – қиёматнинг азоби тушишидан қўрқаман”. Яъни, сизлар Аллоҳга холис ибодат қилинглар, ўзаро муомалангизда адолатли бўлинглар! Мен сизлар ўта фаровон ҳаёт кечираётганингизни кўряпман. Бундай кенг ризқ ва тўкин-сочин турмуш эвазига уни сизларга ато қилган Аллоҳга шукр қилишингиз лозим. Бунинг учун сизлар молу давлатингизни фақат Аллоҳ рози бўладиган йўлларда сарфланг ва ҳар бир ҳақдорга ўз ҳақини тўлиқ қилиб беринглар! Агар сизлар мен буюрган ишларни қилмасдан, қайтариқларга қулоқ солмасангиз, устингизга қаттиқ азоб келишидан қўрқаман. У азобдан биронтангиз ҳам қочиб қутулолмайсизлар. Шундан сўнг таъкид билан яна бир бор бировлар насибасини ноҳақ ейишдан қайтарди:

“Эй қавмим, ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортинглар! Одамларнинг нарсаларини уриб қолманглар”. Яъни, муомалада адолатни лозим тутинг.

Одамларнинг зиғирча ҳам ҳақиға хиёнат қилманглар! Ай-тилишича, Мадян қавмида тарози ва ўлчовлардан уриб қолиш авжига чиққан, бу иллат уларнинг қон-қонига сингиб кетганди. Шу сабаб Шуайб алайҳиссалом қавми такрор ва такрор ўлчовларда адолатли бўлишга чақирмоқда. Шундай қилинса, айтилаётган гап одамлар зеҳнига яхши ўрнашади, бир марта айтилганда тушунилмаган жиҳатлари аниқ бўлади.

“Ва ерда бузғунчилик қилиб санқиб юрманглар!” Яъни, ер юзида фисқу фасод ишларни қилманглар, Аллоҳ берган ҳисобсиз неъматларга шукр қилиш ўрнига У Зотга осийлик қилманглар! Акс ҳолда, бу неъматлар сизлардан олиб қўйилади! Шундан сўнг улар ҳаром йўл билан тўплаётган бойликларидан кўра Аллоҳ даргоҳидаги нарса яхшироқ ва боқийроқ экани таъкидланди:

“Агар мўмин бўлсаларингиз, Аллоҳ қолдирган нарса сизлар учун яхшироқдир. Мен сизларнинг устингизда қўриқчи эмасман”. Яъни, Аллоҳ сизларга қолдирган ҳалол ризқ, хотиржамлик, яхшилик билан эсланиш, хайр-барака сизлар одамлар ҳақидан уриб қолиб йиғаетган ҳаром давлатингиздан яхшироқдир. Агар адолат ила иш тутсангиз, Аллоҳ сизларга ҳалол ва покиза ризқ ато этади. Агар мўмин бўлсаларингиз, мен олиб келган нарсаларни тасдиқланг! Аллоҳ ато этадиган ҳалол ризқ сизлар учун яхшироқдир. Зеро, бу фақат мўминларгагина хосдир. Бас, дунё ва охиратда саодатманд бўлиш истагида бўлсангиз, менинг насиҳатларимга қулоқ тутинг, унга ижобат қилинг! Эй қавмим, мен сизларга қўриқчи эмасман. Сизлар нима амал қилётганингизни кузатиб, билиб туролмайман. Сизларни ҳисоб қилиш ҳам, унга мукофот ё жазо бериш ҳам менинг ишим эмас. Мен сизларга Парвардигорим буйруқларини етказувчи, сизларни огоҳлантирувчиман, холос. Сизларни кузатиш, ҳисоб қилиш ва муносиб тарзда мукофот ё жазо бериш Аллоҳнинг ишидир.

Муҳтарам ўқувчилар, кўриб турганингиздек, Шуайб алайҳиссалом аввало, қавмининг ақидасини тўғрилаш учун ҳаракат қилди. Кейин уларнинг ижтимоий иллатларини ислоҳ қилиш учун уларни муомалада адолатли бўлишга чақирди. Бу насиҳатларга қулоқ тутиб, уларни амал қилган одамнинг саодат сари одимлаши шубҳасиз. Аммо Мадян қавми бу таъсирчан насиҳатларга беписандлик билан қараб, Шуайбни масхара қилишди, унинг устидан кулиб шундай дейишди:

– Эй Шуайб, бизлар ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган бутларни тарк қилишимиз кераклигини ёки ўз мол-мулкимизни ўзимиз хоҳлагандек тасарруф қилмаслигимиз кераклигини сенга ўқиётган намозинг буюрмоқдами? Ҳақиқатан, сен жуда кўнгилчан – ҳалим ва рашид кишисан-да!

Улар Шуайб алайҳиссалом жон куйдириб қилган насиҳатларини енгил санашди ва:

– Парвардигоринг сенинг зимманга юклаган ва сен жуда кўп ўқиётган мана шу намозинг бизларнинг ота-бобларимиз сиғиниб келган бутларга ибодат қилишни тарк этишга чақирмоқдами?! Балки бизларни тарозидан уриб қолишдан қайтаришга ундаётган ҳам мана шу намозинг бўлса керак?! Агар ўқиётган намозинг сени шунга чақираётган бўлса, у ҳолда у ботил намоз экан. Унинг зиғирча ҳам қиймати йўқ. Биз буни сенинг мажнунлигиндан ва валдирашингдан бир кўриниш, деб ҳисоблаймиз.

Қавм бошқа ибодатлар орасидан айнан намозни хослашларига сабаб, Шуайб алайҳиссалом кўп намоз ўқир, золим кимсалар унинг намоз ўқиётганини кўрсалар, устидан кулишарди. Уларнинг **“Ҳақиқатан, сен жуда кўнгилчан – ҳалим ва рашид кишисан-да!”** деган сўзлари Шуайб алайҳиссалом устидан баттар мазах қилишлари учун айтилган. Гўё улар: – Эй Шуайб, сен бизларни бутларга сиғиниш ва тарозидан уриб қолмаслик-

ка қандай буюрмоқдасан? Зеро, ҳаётимиз мана шу икки муҳим омилга асосланганини биласан-ку! Сен ҳалим, мулоим ва тўғри йўлдан юрувчи одам бўлсанг, у ҳолда бизлар учун фойдали бўлган ишни қилишимизга қўйиб бер, – дейишаётгандек. Қавм қанча жоҳиллик қилса-да, Шуайб алайҳиссалом метин ирода ва кучли сабр тоқат билан уларнинг азиятларига бардош берди. Қавмдан содир бўлган бу муомалага эътибор бермади. Чунки уларнинг жоҳилликларини, илмсиз эканларини яхши биларди. Шуайб қавмига шундай хитоб қилди:

– Эй қавмим, хабар беринг-чи, агар мен Парвардигорим томонидан аниқ ҳужжатга эга бўлсам ва У Зот мени Ўз томонидан гўзал ризқ билан ризқлантирган бўлса... Яъни, менга айтинглар-чи, агар мен Парвардигорим томонидан берилган очиқ ойдин ҳужжатга эга бўлсам ва Аллоҳ мени ҳалол ризқ билан таъминлаган, менга гўзал ва осуда ҳаёт ато этган бўлса, энди мен сизларнинг ҳойи ҳавасингиз деб Парвардигорим амрига зид иш қилишим тўғри бўладими?! Йўқ, мен таҳдидларингизга парво қилмасдан Парвардигорим менга юклаган вазифани адо этаман, Унинг буйруқларини одамларга етказаман! **“Мен сизларга хилоф қилиб, сизларни қайтараётган нарсани ўзим қилишни истамайман”**. Яъни, сизларни яккаю ягона Аллоҳга ихлос билан ибодат қилишга, одамлар ҳақидан уриб қолмасликка чақирдим. Энди мен дунёвий манфаат илинжида ўзим айтган гапларга хилоф иш қилишни, бир ишга буюриб туриб, уни қилмасликни, бирон нарсдан қайтариб туриб уни ўзим қилишни истамайман! Зеро, мен айтган сўзи қилган амалига мувофиқ келувчи бир инсонман. Мен ўзимга нимани раво кўрсам, сизларга ҳам шуни раво кўраман! **“Мен фақат имконим борича ислоҳ қилишни истайман, холос”**. Яъни, сизларни нимага буюрган ва қандай ишлардан қайтарган бўлсам, фақат оралангизни ислоҳ қилиш, бахту саодатга эришишингиз учун шундай қилдим. Имконим борича,

Аллоҳ қодир қилганича ораларингиз ислоҳ бўлишига ҳаракат қиламан. Шуайб алайҳиссалом шундай кейин барча ишларини Аллоҳга ҳавола қилади:

– Ва Ёлғиз Аллоҳнинг ёрдами билангина муваффақ бўламан. Ўзига суяндим ва Ўзига илтижо қиламан. Яъни, сизларни яхшиликка буюришим ва ёмонликдан қайтаришим фақат Аллоҳнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши билан бўлади. Мен фақат Ёлғиз Аллоҳга таваккул қиламан, У Зотга суянаман. Шуайб алайҳиссалом қавмига насиҳат қилишда давом этиб, аввалги ўтган қавмлар бошига тушган мусибатларни эслатди ва улар каби бўлиб қолишдан огоҳлантирди:

– Эй қавмим, тағин менга бўйсунмаслигингиз сизларга ҳам Нух қавмига ё Худ қавмига ёки Солиҳ қавмига етган балолар етишига сабаб бўлмасин! Яъни, эй қавмим, менга бўлган адоватингиз, мени ёлғончига чиқаришингиз, исён қилишингиз сизларни худди Нух, Худ ва Солиҳ қавми бошига тушган мусибатларга мубтало қилмасин! **“Лут қавми ҳам сизлардан йироқ эмасдир”**. Агар сизлар Нух қавмининг сувга ғарқ қилинганидан, Худ қавмининг кучли шамол сабабидан ҳалок бўлганидан, Солиҳ алайҳиссалом қавмининг кучли овоз туфайли маҳв этилганидан ўзларингиз учун ибрат олмасангиз, ҳеч бўлмаса, Лут қавми бошига тушган кўргилиқдан ибратланинг! Уларнинг ҳовли-жойлари остин-устин бўлиб кетганди. Лут қавми замон ва макон жиҳатидан сизлардан узоқ эмас, ахир.

Шундан сўнг Шуайб алайҳиссалом қавмини Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиш сари ундаб, Аллоҳга тавба-тазарруъ қилишга чақиради: **“Парвардигорингиздан мағфират сўранглар, сўнг Унга тавба-тазарруъ қилинглар! Албатта Парвардигорим марҳамат қилувчи ва дўст тутувчидир”**. Яъни, сизлар барча қилган гуноҳларингиздан қайтиб, Аллоҳга чин дилдан тавба қилинглар. Зеро, Аллоҳ тавба қилувчи бандаларига меҳрибон ва Ўзига итоат этганларни дўст тутувчидир. Шундай қилиб

Шуайб алайҳиссалом турфа йўллар билан қавмини тўғри йўлга солишга ҳаракат қилди. Баъзида руҳдантириш, баъзида азобдан қўрқитиш орқали ҳақ динга киришларидан умид қилди. Аммо бузғунчиликка муккадан кетган, жаҳолат зулмати қаърига ботган қавм Шуайбнинг насиҳатларига қуйидаги сўзлар билан жавоб қайтаришди:

– Эй Шуайб, сен айтаётган нарсаларнинг кўпини англаб етмаяпмиз. Яъни, қавм Шуайб айтган гапларни енгил санаб, у айтаётган гапларни инкор қилиш учун:

– Эй Шуайб, айтаётган кўп гапларингни ҳеч тушуна олмаяпмиз. Чунки уни нафсимиз қабул қилмаяпти. Сен бизни Аллоҳга ибодат қилиш ва тарозидан уриб қолмасликка кўп даъват қилдинг. Сенинг даъватингдан зерикдик. Айтган гапларинг қулоғимизга ёқмаяпти. Ақлимиз уни тушунишдан ожиз қолмоқда, – дедилар. Улар бу билан Шуайб алайҳиссалом гапларини менсимасликка олиб, уни инкор қилиш пайида бўлдилар. Худди бир одам ўзга кишининг гапига эътиборсиз оҳангда: “Гапингга тушунмадим”, деганидек улар ҳам Шуайб алайҳиссалом насиҳатларини эшитишни, тушунишни истамадилар.

“Ва сени орамизда ожиз бир кимса эканингни кўриб турибмиз. Агар қавму қариндошларинг бўлмаганида, албатта сени тошбўрон қилган бўлар эдик. Сен бизлар учун мўътабар киши эмассан”. Яъни, сенинг куч-қувватинг йўқ, бир ожиз кишисан. Бизга қарши чиқишга мадоринг йўқ сенинг. Хоҳласак сени қишлоғимиздан бадарға қилиб юборамиз. Агар бизнинг динимизга мансуб яқин қариндошларинг бўлмаганида, ўлгунингча тошбўрон қилган бўлардик. Мана шу яқинларинг сабабли сенга омонлик беряпмиз! Эй Шуайб, сен биз учун муқаррам, маҳбуб эмасман. Биз сени ёмон кўрамыз. Бизлар учун сен ожиз бир одамсан, деб таҳқирлади нобакор қавм. Ана энди Шуайб алайҳиссалом мулоимликдан қаттиққўлликка, лутф кўрсатишдан шиддат ила муомала қилишга ўтди:

– Эй қавмим, менинг қавму қариндошларим сизлар учун Аллоҳдан ҳам азизроқмики, У Зотга орқа ўтириб олдингиз? Яъни, мени улар сабабидан тошбўрон қилма-япсизми? Менинг қариндошларим сизлар учун Аллоҳдан кўра азизроқми?! Ваҳоланки, Аллоҳ сизларни яратган, ризқлантираётган, сизларни ўлдирувчи ва қайта тирилтирувчи Зот-ку?! Сизлар Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларини куфру исёнингиз сабаб бепарво ташлаб қўйдингиз, унга эътибор бермадингиз! **“Шубҳасиз, Парвардигорим қилаётган амалларингизни билиб турувчидир”**. Яъни, албатта Парвардигорим Ўз илми билан сизлар айтаётган гапларни, қилаётган қабих амалларингизни билиб туради ва шунга қараб сизларга муносиб жазо беради. Шундан сўнг уларга таҳдид оҳангида шундай дейилди:

– Эй қавмим, ўзингиз билган ишни қилаверинг, мен ҳам (ўз ишимни) қилувчиман. Яқинда кимга шарманда қиладиган азоб келишини ва ким ёлғончи эканини билиб оласизлар. Кўз тутаверинглар, мен ҳам сизлар билан бирга кўз тутувчиман. Яъни, сизлар менга нисбатан қўлингиздан келган ҳамма ишни қилинг, хоҳлаганингизча кўрқитинг, таҳдид қилинг, буларнинг ҳеч бири менга зарар келтиролмайди. Мен Аллоҳнинг мададига суянсам, сизлар қандай қилиб менга шикаст етказа олардинглар! Мен сизларнинг бу қилмишларингга жавобан чиройли амал қиламан, одамларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга ва гўзал хулқ-одоб эгалари бўлишга чақираман. Хоҳлаган ишингизни қилинг, ихтиёрингиз ўзингизда. Яқин орада орамиздан кимнинг бошига хор қилувчи азоб тушишини, ким ёлғончи эканини билиб оласизлар! Бас, ҳақиқатни инкор қилишингиз оқибати қандай бўлишини кутинглар! Мен ҳам Аллоҳ сизларга қандай ҳукм қилишини кутиб тураман!

Шуайб алайҳиссалом қавми қилаётган ишлари сабабидан не қўйга тушишларини кутиши узоққа чўзилмайди. Улар туғёнда давом этишгач, Аллоҳнинг жазоси улар-

нинг бошига жуда тез суръатда келди. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай дейилган: **“Қачонки Бизнинг фармонимиз келганида, Шуайбга ва у билан бирга имон келтирган кишиларга Ўз раҳматимиз билан нажот бердик”**. Яъни, уларни азоблаш ҳақида амримиз келганида, Биз пайғамбаримиз Шуайб ва у билан бирга имонларида содиқ қолган мўминларни қутқардик. Бу Биз тарафимиздан улар учун раҳматдир. **“Золим кимсаларни эса даҳшатли қичқириқ тутиб, гўё ҳеч қачон яшамагандек, ўз диёрларида тўкилиб қолдилар”**. Яъни, Шуайб қавмидан золим бўлган кимсаларни кучли қичқириқ тутди ва уларни ҳалок қилди. Золимлар ўз масканларида ҳалок бўлдилар, ҳаракат қилувчи бирон тирик жон қолмади, пичирлаган овоз ҳам эшитилмади. Шуайб алайҳиссалом қавми бу аянчли ҳалокатдан сўнг илгари ўз юртиларида фаровон ҳаёт кечирмагандек, ҳеч ҳам хотиржамликда умргузаронлик қилмагандек бўлиб қолдилар.

“Огоҳ бўлингларки, худди Самуд ҳалокатга учрагани каби Мадян қавми ҳам ҳалокатга учради”. Яъни, сизлар огоҳ бўлинглар! Илгари Самуд қабиласи қандай ҳалок қилинган бўлса, Мадян аҳли ҳам шундай ҳалок қилинди. Улар Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум этилдилар, лаънатга гирифтор бўлдилар. Шу зайл Мадян аҳлининг имондан бўйин товлаган мутақаббир кимсаларининг ҳаёт саҳифаси аянчли суратда ёпилди.

Шуаро сурасида Шуайб алайҳиссалом қиссасининг яна бошқа жиҳатлари ҳақида хабар берилган. Аллоҳ таоло айтади: **“Дарахтзор эгалари пайғамбарларини ёлғончи қилдилар. Ўшанда Шуайб уларга айтган эди: “Аллоҳдан қўрқмайсизларми?! Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар! Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат оламлар Парвардигори зиммасидадир. Улчовни тўла ўлчанглар ва камайти-**

риб (тортувчилардан) бўлманглар! Ва тўғри тарози билан тортинглар! Одамларга нарсаларини камайтириб берманглар ва ер юзида бузғунчилик қилиб санқиб юрманглар! Ҳамда сизларни ҳам, аввал яралган умматларни ҳам яратган Зот – Аллоҳдан кўрқинглар!” Улар дедилар: “Ҳеч шак-шубҳасиз, сен сеҳрланган – ақлдан озган кимсалардандирсан. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамсан. Албатта бизлар сени ёлғончи кимсалардан, деб гумон қиламиз. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, устимизга осмондан бир бўлагини ташлаб юбор!” У айтди: “Парвардигорим Ўзи сизларнинг қилаётган амалларингизни жуда яхши билувчидир”. Бас, улар (Шуайбни) ёлғончи қилишгач, уларни “соябон” кунининг азоби билан ушлади. Дарҳақиқат, у улуғ даҳшатли куннинг азоби эди. Албатта бунда оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи Голиб, Меҳрибондир” (Шуаро сураси, 176-191 оятлар).

Сурада “дарахтзор” деб айтилаётган минтақа дарахтлар билан тўла жой бўлиб, у Ҳижоз ва Фаластин ўртасида эди. У “Амон” деб аталадиган минтақа бўлса, ажаб эмас. Ибн Касир айтишича, саҳиҳ қавлга кўра, “дарахтзор эгалари” Мадян аҳлидир. Аллоҳнинг пайғамбари Шуайб уларнинг ўзларидан эди. Аллоҳ бу ерда “биродарлари Шуайб” деб айтмади. Сабаби улар дарахтларга ибодат қилишарди. Шунинг учун “дарахтзор эгалари пайғамбарларни ёлғончи қилдилар” деганида, “уларга биродарлари Шуайб” эмас, балки “уларга Шуайб айтди”, деди. Шу билан улар орасидаги биродарлик кесилди. Гарчи Шуайб насаб жиҳатидан уларга биродар бўлсада, аммо дин йўлида биродар эмас. Одамлардан баъзилар бу нуқтани яхши тушунмасдан дарахтзор эгалари (Асҳобул айка) Мадян аҳли эмас, деб айтишади. Уларнинг даъвосига кўра, Аллоҳ Шуайб алайҳиссаломни икки хил уммат-

га юборган. Саҳиҳ қавл шуки, улар бир умматдир. Улар ҳар бир мақомда бирон нарса билан васф қилинганлар. Шу сабаб, худди Мадян қиссасида бўлгани каби уларни тарозидан уриб қолмасликка чақирган. Булар бир-бирига жуда ўхшаш. Шуайб алайҳиссалом қавмини Аллоҳга тақво қилишга буюриш, Аллоҳнинг буйруқларини етказиш учун ишончли пайғамбар эканини ва қилаётган насихатлари учун фақат Аллоҳдан мукофот умидида эканини таъкидлаш билан даъватини бошлади. Шундай кейин Мадян аҳли орасида жуда кенг тарқалган ижтимоий иллат ислоҳи йўлида қуйидагиларни айтди:

– Ўлчовни тўла ўлчанглар ва камайтириб (тортувчилардан) бўлманглар! Ва тўғри тарози билан тортинглар! Одамларга нарсаларини камайтириб берманглар ва ер юзида бузғунчилик қилиб санқиб юрманглар! Ҳамда сизларни ҳам, аввал яралган умматларни ҳам яратган Зот – Аллоҳдан қўрқинглар! Яъни, Шуайб алайҳиссалом қавмига насихат қилиб:

– Эй қавмим, ўлчовни тўғри қилинглар! Тарозидан уриш йўли билан одамлар ҳақини еманглар! Ўлча ва тарозида тортишда адолатли бўлинглар! Одамларнинг зиғирча ҳам ҳаққидан уриб қолманглар! Ер юзида қотиллик, йўлтўсарлик ва тинч аҳолига ваҳима солиш билан бузғунчилик қилманглар. Эй қавмим, сизларни ва сизлардан олдин ўтган куч-қувват соҳиблари бўлган кимсаларни бир томчи сувдан яратган Аллоҳдан қўрқинглар! Аввалда ўтган Худ ва уларга ўхшаш қавмлар сизлардан куч-қувват ва молу давлатда устун эдилар. Шундай бўлса-да, Аллоҳ уларни куфру исёнлари сабаб ҳалок қилди.

Қавм аъзолари Шуайб алайҳиссалом қалбидан отилиб чиққан насихатларни эшитди, аммо ундан таъсирланмадилар. Балки Шуайб алайҳиссаломга тик боқиб: **“Ақддан озгансан, сеҳрлангансан”**, деб таъна тошларини отишди. Қуръони карим уларнинг бу бўҳтонларини ва ҳеч нарсадан тап тортмай бошларига азоб туши-

ришни сўраганларини қуйидагича баён қилган: Улар: **“Ҳеч шак-шубҳасиз, сен сеҳрланган – ақлдан озган кимсалардандирсан. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамсан. Албатта бизлар сени ёлғончи кимсалардан, деб гумон қиламиз. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, устимизга осмондан бир бўлагини ташлаб юбор!”** дедилар. Мадян аҳли ўзларига бино қўйиб, ғурур ва мақтанчоқлик билан:

– Эй Шуайб, сен сеҳрлангансан. Нима деётганингни билмаяпсан. Сен бизга ўхшаган одамсан, таом ейсан, ичимлик ичасан. Пайғамбарлар каби алоҳида ажралиб турадиган жиҳатинг йўқ сенинг. Шу сабаб, биз сен даъват қилаётган нарсалар ёлғон деб гумон қиляпмиз. Агар даъвоинг рост бўлса, бас, бошимизга осмондан азоб ёғдирчи! – дедилар.

Улар Шуайб алайҳиссаломни оддий одамлар каби ҳаёт кечиришини рўқач қилишди. Сеҳрланган мажнунсан, деб бўҳтон қилиб, унинг пайғамбарлигини тан олгилари келмади. Улар Шуайбга мана шу икки “иллат”ни хослаб, ўз ҳавойи нафслари истаган нарсада бардавом бўлдилар. Шуайбни ёлғончига чиқаришлари етмаганидек, яна устиларига азоб туширишини ҳам талаб қилдилар. Худди улар ҳақлар-у, Шуайб пайғамбар ноҳақдек!

Ҳа, қалб эшиги ёпиқ қавм аъзолари ўзларини осмонда деб билиб, Шуайбни масхара қилишар, унинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, деб ўйлашарди. Бироқ, Шуайб алайҳиссалом бундай абадсизликларга қуйидаги сўзи билан муносабат билдирди:

– Парвардигорим Ўзи сизларнинг қилаётган амалларингизни жуда яхши билувчидир. Яъни, Парвардигорим Аллоҳ сизлар қилаётган ҳар бир амал ва оғзингиздан чиқаётган ҳар бир сўзни билиб туради. Шунга қараб сизларни муносиб тарзда жазолайди.

Шундан сўнг пайғамбарларини хўрлаганлари, унга нисбатан ҳурматсизлик қилганлари сабаб, бошларига не

азоблар тушгани баён қилинади: **“Бас, улар (Шуайбни) ёлғончи қилишгач, уларни “соябон” кунининг азоби билан ушлади. Дарҳақиқат, у улдуғ-дахшатли куннинг азоби эди”**.

Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло уларнинг устига қаттиқ жазирамани юборди. Бу уларни қаттиқ қийнаб қўйди. Улар уйларининг энг ичкарисига кириб оддилар. Иссиқ ҳаво ўша ергача кириб борди. Улар уйларидан қочиб чиқиб кетдилар. Шунда Аллоҳ таоло Мадян қавми устига қуёш тиғидан тўсиб турувчи бир булутни юборди. Улар ўша булут остида салқинлик ва роҳатни ҳис қилишди. Бир-бирларини чақириб, ҳаммалари булут остига тўпланишди. Шунда Аллоҳ таоло уларнинг устига олов туширди ва барчалари ҳалок бўлишди. Шундан сўнг Шуайб алайҳиссаломнинг қавми билан бўлган қиссасига якун ясалади: **“Албатта бунда оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи Ғолиб, Мехрибондир”**.

Пайғамбарларнинг ҳаммаси бир рисолат билан Аллоҳ таоло томонидан юборилганлар. Улар қавмларини аввало, Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қилишга чақириб, мақталган одоб-ахлоқлар билан хулқланишга чақиришган. Шуайб алайҳиссалом қиссасидан олинadиган бу ибратлар ҳам ҳар бир ақл эгаси учун манфаатлидир.

МУСО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ОНАСИ – ЯҚУБАЙТ

Олдинги мавзуларда Мусо алайҳиссаломнинг ҳаёти билан тўлиқ танишишга ҳаракат қилдик. Энди эса Мусо алайҳиссаломни дунёга келтирган муҳтарам оналари ҳақида тўхталаб, қуйидаги маълумотларни кўриб чиқамиз.

Мусо алайҳиссаломни тарбиясига олиб вояга етказ-

гани ва унинг динида бўлгани боис Осиё она мўътабар аёллардан бирига айлангани аён. Бу муҳтарама аёлнинг Мусо алайҳиссаломни қандай қилиб тарбиясига олгани ва у зотнинг онасини маош бериб сут эмизишга ва бола тарбиясига ёллаганини таъсирланиб эшитамиз. Шу билан Мусо алайҳиссаломнинг онаси ҳақида гап тугайди.

У аёл ўзи ким бўлган? Қайси авлоддан эди? Нега бошқалар эмас, айнан у пайғамбарни дунёга келтирган? Боласини туққанидан сўнг қандай оғир шароитда қолган, ўша чоқда қандай туйғуларни бошидан кечирган? Қуйида билганимиз қадар шу масалалар ҳақида сўз юритамиз.

Ҳазрати Одам ато ва Момо Ҳаводан бошқа барча инсонлар бир онанинг меҳнатлари, заҳматлари, яна ҳам аниқроғи, ўзининг ҳаётини гаровга қўйиши эвазига дунёга келган. Фарзандни дунёга келтириш – Аллоҳ таоло аёлларга насиб этган энг гўзал фазилатлардан биридир. Аллоҳ таоло яратиш мўъжизасига восита қилмоқ учун аёл зотига буюк бир қарам кўрсатган.

Бу муборак ва шарафли вазифани бажарганларнинг энг буюклари, шубҳасиз, пайғамбарларнинг оналаридир. Жумладан, Мусо алайҳиссаломнинг онаси ҳам шундай мўътабар оналар сирасидан.

Мусо алайҳиссаломнинг ота-онасининг исми Қуръони каримда келтирилмаган. Яҳудий манбаларда у зотнинг отасининг исми Амрам ёки Имром яъни Имрон экани айтилган. Амрам Юсуф алайҳиссалом даврида Мисрга ўрнашиб қолган Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғилларидан бирининг авлодидан дейилади. Айни манбаларда Мусо алайҳиссаломнинг онасининг оти Иохаведа (арабча талаффузда Иохавед ёки Яқубайт) бўлгани айтилган.

Мусо алайҳиссаломнинг онаси Қуръони каримда тақводор, солиҳа ва Аллоҳга таваккули кучли аёл сифатида тасвирланади. Унинг бошидан ўтган ҳодисалар, ҳар бир эркак ва аёлга ибрат бўладиган фавқуллодда ҳолатлардир. Бу муборак аёл шахсида бир мўмин Аллоҳга буткул

боғланган ва таваккул ила итоат этгани заҳоти Роббимизнинг унга қилинган ваъдаларини бажарганини кўрамиз, ҳатто умид узиш ёқасига келиб қолган чоқларда ҳам...

Ҳақиқатан, Мусо алайҳиссаломнинг онасининг имтиҳони ақл бовар қилмас даражада шиддатли ва юракни ларзага соладиган даражада кўрқинчлидир. Ахир ўз боласини жаллодлар кўлига топшириш осон иш бўлиб-дими...

Юсуф алайҳиссалом даврида Миср малики тавҳид динига иймон келтириб, Исроил авлодларини Мисрга жойлаштирган эди. Аммо ундан кейин тахтга ўтирган Фиръавн ўзини илоҳ деб эълон қилди ва Исроил авлодларини қулга айлантирди. Диктатурага асосланган давлат бошқарувида қибтийларнинг аслзода табақаларига ва ҳарбийларга таянган Фиръавн қибтийлардан ташқари муҳожирларга, айниқса, Исроил авлодларига жуда қаттиқ зулм қилар эди. Уларнинг мол-давлатини тортиб олиб ўзларини қул, хотинлари ва болаларини хизматкорга айлантирган эди.

Бу хорликдан қутула олмасин дея туғилган ўғил чақалоқларни бир йил ўлдирар, бир йил улардан қулар етиштирмоқ учун соғ қолдирар эди.

Ояти каримада бундай дейилган: **«Дарҳақиқат, Фиръавн ерда (Мисрда) туғёнга кетиб, унинг аҳолисини бўлиб ташлади. Улардан бир тоифани (Исроил авлоди қавмини) хорлаб, ўғилларини сўяр, қизларини тирик кўяр эди. Албатта, у бузғунчилардандир»** (*Қасас сурасининг 4-ояти*).

Мусо алайҳиссаломнинг онаси чақалоғини туққан йилда ўғил болалар ўлдириладиган сана эди. Кўзи ёриганидан сўнг чақалоғининг ўғил бола эканини кўрган она бечоранинг эти жимирлаб кетди, кўз олди қоронғулашиб, қаттиқ ғамга ботди.

«Кўп ўтмай Фиръавннинг одамлари эшикка келади, кўзим ёриганини билгани заҳоти чақалоқни кўрсат

дейди, уни кўрганлари ҳамон бағримдан юлиб олиб қатл қилишга олиб кетади», деб ўйлади у. Бир чора қидирди, аммо топа олмади.

Яшириб қўйиб Фиръавннинг одамларига “ўлик туғилди”, десачи. Аммо бу бир чақалоқ бўлса, йиғлаб сирни фош қилиб қўяди-да. Чунки мўминларнинг маҳаллалари кеча-ю кундуз қаттиқ назорат остида. Сир сақлашга ҳарчанд уринмасин фойдаси йўқ. Бу гўзал юзли, маъсум чақалоқнинг тақдири ҳам бошқаларники каби бўлиши ҳеч гап эмас.

Фақат ўша кезде муборак онада ғайритабиий бир ҳол юз берди. Зотан, шу чақалоққа ҳомиладор бўлганидан бери ўзида бошқача ҳоллар бўлаётганини ҳис қилаётган эди. Тушларида оппоқ кийимлар ичидаги муборак аёллар атрофини ўраб олиб унга муждалар берган эди.

Раҳмидаги боланинг бошқа болаларга ўхшамаслигини айтиб, уни ҳалол лўқма емоққа, ғийбату мишмишларни тингламасдан, вайсақилардан узоқ юришни таъкидлаган эди. У тақво соҳибаси ва ибодатга берилган аёл эди-ю, лекин шу ҳомиласида ўзида бошқача бир маънавий ҳол юз бераётганини аниқ ҳис этар эди. Ана энди яна руҳиятини маънавий ҳол қоплаб олди. Ўзига ваҳий келдими, илҳомми аниқ билолмайди, Аллоҳ таолодан бундай хабар келди:

«Биз Мусонинг онасига ваҳий (илҳом) қилдикки: **«Уни эмизавер. Бас, агар (уни ўлдириб кетишларидан) қўрқсанг, уни дарёга ташлагин ва қўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам. Зеро Биз уни сенга қайтарувчи ва уни пайғамбарлардан қилувчидирмиз»»** (Қасас сурасининг 7-оятини).

«Мусо алайҳиссаломнинг онасига қилинган ваҳий пайғамбарларга қилинган ваҳийдек эмас, балки Марямга қилинган ваҳий каби илҳом ёки туш ҳукмидадир. Зеро, аёллардан пайғамбар бўлиши мумкин эмас...» (Шайх Аб-

дулазиз Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржи-
ма ва тафсири. 386-бет).

Шунингдек, Наҳл сурасининг 43-оятда ҳам Аллоҳ та-
оло Пайғамбар алайҳиссаломга мурожаат қилиб пайғам-
барлик фақат эркакларга юкланишини маълум қилган.
Бинобарин, пайғамбарлик ғоят таҳликали ва машаққатли
иш. Чунки кофирларга Аллоҳнинг амрларини етказиш
керак эди. Улар аёлларни, ногиронларни, қулларни, муҳо-
жирларни, ғарибларни назарига илмагани боис уларнинг
гапларини жиддий қабул қилмас эди.

Аслида ногирон, қул, муҳожир бўлмоқ Аллоҳнинг сев-
ган бандаси бўлмоққа, авлиё бўлмоққа моненьлик қилмай-
ди. Аммо пайғамбарлик вазифаси юкланадиган кишилар
бу ишончни оқлай ола биладиган куч-қувватга соҳиб, хур
ва озод, халқ орасида танилган, насл-насабли эркаклар-
дан танланган. Шунинг билан бирга Аллоҳ субҳанаҳу ва
таоло баъзи амрлари ва хабарларини айрим муҳтарама
аёлларга очиқ хабар бергани ҳам кўринади. Бундан Мусо
алайҳиссаломнинг онаси оддий аёллардан бўлмаганини,
бу шарафга лойиқ солиҳа аёл бўлганини билиб оламиз.
Муҳими, унинг оналик туйғуларига терс келадиган энг
кийин амрга итоат этганини кўрамыз.

Бир оз мушоҳада қиладиган бўлсак, яқиндагина кўзи
ёриган кўкраги сутга, кўнгли боласининг севгисига тўла
онанинг ҳали дийдорига тўймаган боласини сандиққа со-
либ оқизиб юборишга қайси она рози бўлади! Нима учун
она боласини бунчалик яхши кўради, нима учун бола
роҳати йўлида ўзини қурбон қилади? Негаки, Аллоҳ та-
оло янги кўзи ёриган онани чақалоғига қаттиқ боғлансин
дея оналик гормонларини ривожалантириб қўйган. Шу-
нинг учун оналик туйғулари чақалоғини ҳатто кўзининг
олдидан айримасликларини истайди. Агар Раббимиз жа-
мики оналарни, парранда-ю даррандаларни ҳам болала-
рига меҳрибон қилиб қўймаганида Ер юзида ҳаёт давом
этмас, янги туғилган, ҳимоясиз чақалоқларнинг барчаси

нобуд бўлиб кетар эди. Шундай экан, онанинг боласини сувга оқизиб юбориши қанчалар шиддатли амрдир.

«Сандиқ тўнкарилиб бола бўғилиб қолса ёки сув уни денгизгача оқизиб кетса ё балиқми, тимсоҳми болани ютиб юборса ёхуд бирор балиқчи тутиб олиб аскарларга келтириб берса, нима бўлади?»

Шубҳасиз, ҳар қандай она ана шундай андиша ва вавсасага ғарқ бўлади. Тайинки, Мусо алайҳиссаломнинг онаси ҳам андишали эди. Аммо у Аллоҳнинг изни билан андишаларини бир чеккага йиғиштириб қўйди ва Аллоҳнинг буйруғига бўйсунди. Она зоти учун жуда оғир бўлган имтиҳондан ёруғ юз билан чиқди ва жамики аёлларга шарафлилиқ борасида ибрат бўлди.

Мусо алайҳиссаломнинг онасининг юраги фарзанди муҳаббати билан тўла эди. Бундан ташқари, чақалоқ севимчил эди. Аллоҳ таоло унинг чеҳрасига бир гўзаллик ато этган эди.

Муштипар онанинг фарзандига бўлган муҳаббати имтиҳон қилинаётган эди. Оназиор боласини жуда ҳам севар эди. Зотан, қайси она севмаски? Аммо бу – Аллоҳ таоло ато этган жуда кучли севги эди. У маъсум чақалоқни, у покиза сиймони кўрган ҳар қандай киши ҳайратда қолар эди. Аммо бу аёл шундай қаттиқ севгисини Аллоҳ учун, Унга итоат этмоқ учун фидо этди. Чунки жами севгилар бир имтиҳон эди. Агар боласини Аллоҳ учун севса, уни Аллоҳга омонат этиб, Аллоҳ амр этганидек сувга оқизади. Юраги йиғласа ҳам Аллоҳнинг ваъдасига ишонади. Ниҳоят у Аллоҳга итоат этмоқни ният қилгани заҳоти Раббимиз ҳам унинг имтиҳонини осонлаштиради ва қалбини мустаҳкам қилади. Ояти каримада унинг боласининг тақдиридан бошқа ҳеч бир нарсани ўйламаслиги, аммо Аллоҳ унинг қалбини хотиржам қилгани қуйидагича ифода этилган.

«Мусо онасининг қалби (ташвишдан) фориғ бўлди. Агар Биз (“Мусони ўзингга қайтарурмиз, деган ваъдаимиз”)

га ишонувчилардан бўлиши учун унинг кўнглини хотиржам қилмаганимизда, албатта, у (ўз ўғли экани) ни **фош қилиб қўйган бўлур эди**» (Қасас сурасининг 10-ояти).

«(Она Мусонинг) **опасига: «Унинг (ортидан) тушгин!»** – деди. **Бас, у улар сезмаган ҳолларида (Мусони) бир четдан кузатиб турди**» (Қасас сурасининг 11-ояти). Сандиқ ортидан эргашиб борган опаси сув сандиқни Фиръавннинг саройига қараб оқизиб борганини ва хизматкорлар сандиқни сувдан чиқариб олиб Фиръавннинг хотинининг олдига олиб борганини кўрди.

Бу ҳодисадан Аллоҳга таваккул этган ҳолда тадбир қўллаш самарали бўлиши кўзга ташланади. Чунки Аллоҳ таоло буни ҳукм этган. Алҳосил, бошқа оятларда ҳам буни кўрамиз. Масалан, Яъқуб алайҳиссалом ўғилларига тадбирли бўлишни тайинлайди, аммо тадбирининг Аллоҳнинг тақдирига моне бўлмаслигига ҳам даъват этади:

«(Сўнгра уларни сафарга кузатаётиб) **айтди: «Эй ўғилларим! (Мисрга) бир дарвозадан кирмангиз, балки турли хил дарвозалардан кирингиз!»** Мен сизлардан Аллоҳнинг бирор ҳукмини қайтара олмайман. **Ҳукм фақат Аллоҳнинг измидадир. Унгагина таваккул қилдим. Барча таваккул қилувчилар (ҳам) Унинг Ўзигагина таваккул қилсинлар**» (Юсуф сурасининг 67-ояти).

Мусо алайҳиссаломнинг онаси ҳам шу йўлни тутиб бир тарафдан қизини чақалоғининг орқасидан юборган, бир тарафдан Аллоҳга таваккул қилган. Мусо алайҳиссаломнинг опаси ё саройда ишлаган ёки саройдагиларни таниган бўлса керак, Саройга кириб-чиқиб юрганлардан бири бўлган эса аскарларнинг эътиборини тортмасдан саройга кириб бораверган.

Ўшанда Мусони (алайҳиссалом) кўрган Фиръавннинг хотини унинг гўзаллигини кўриб ҳайратга тушади ва уни фарзанд қилиб олишни истади. Қуръони каримда

бу шундай тасвирланган: «**Фиръавннинг хотини** (унга): «(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўддирмангиз! Шоядки, унинг бизларга нафи тегса ёки уни фарзанд қилиб олсак», – деди. Ваҳоланки, улар (ҳақиқатни) сезмас эдилар (Қасас сурасининг 9-ояти).

Фиръавн бу ҳолатдан қанчалик шубҳаланмасин, хотинининг истагига қарши бора олмайди. Мингларча маъсум чақалоқни қатл этган бераҳм ва қаттол золим хотинининг кўнглига қарашга мажбур бўлади ва унинг бу чақалоқни сақлаб олишига моне бўлмайди. Чунки қалблар Аллоҳнинг қудрати остидадир. Фиръавннинг аёли болани бағрига босади. Ўшанда Мусо (алайҳиссалом) бир неча кунлик ёки бир неча ҳафталик чақалоқ эди. Албатта, қорни очиб йиғлай бошлайди. Уни эмизиши мумкин бўлган бир онага эҳтиёж туғилади. Дарҳол жарчи хабар чақириб янги кўзи ёриган оналарини саройга чорлайди. Фиръавн асраб олган болани эмизадиган онага, албатта, яхши ҳақ берилади. Шунинг учун эмизикли аёлларнинг ҳаммаси саройга ошиқади. Бироқ қанчалик ҳаракат қилмасин маъсум гўдак ҳеч қайси сут онани эммайди.

Одамлар бу чақалоқнинг қорни оч қолса ҳам эммаётганига ҳайрон бўлади. «Бу бошқа чақалоқларга ўхшамайди».

Аллоҳ таоло келажакда пайғамбарлик вазифасини юклайдиган чақалоққа онасининг сутидан бошқаларнинг сутини ҳаром этган. У ҳам қорни оч бўлгани ҳолда рўза тутиб, ўзига таъқиқланган сутларни эмишга яқинлашмаган. Ана шу ҳолат Мусо алайҳиссаломнинг ўз онасининг химоясида унинг тарбиясини олиб улғайишига сабаб бўлган. Ояти каримада бир четда укасига яқин жойларда туриб, уни кўриб турган Мусо алайҳиссаломнинг онасининг бу ҳолатда қандай оқилона йўл тутгани бундай тасвирланган: «Биз олдиндан (Мусога барча) эмизувчи аёлларни тақиқладик (у ҳеч бир аёлни эммади), шунда (унинг опаси келиб): «**Мен сизларга унга кафил бўлиб (эмизадиган)**

ва унга холис (доялик қиладиган) бир оилани кўрсатайми?» – деди (Қасас сурасининг 12-ояти).

Ояти каримадан кўринадики, Мусо алайҳиссаломнинг опаси ғоят тўғри йўл тутган. Бир сира ўзининг ким экани ва чақалоқнинг ўзига ким эканини бошлаб сир тутган, ҳеч кимсада шубҳа ҳам уйғотмаган. Қулай вазият туғилишини сабр-тоқат қилиб кутиб туради. Улар сут она тополмай чорасиз қолганидан сўнг бу таклифни айтади. Сабрли, диққатли ва ўнғай вақт келгани заҳоти жасоратли ҳаракат қилгани натижасида онаси яна укасини бағрига олишига сабабчи бўлади. Мусо алайҳиссаломнинг онаси саройга чақирилди. Муҳтарам она Аллоҳнинг танлаган расулларидан бири бўладиган боласини қучоғига олгани заҳоти ҳеч кимсани эммаган чақалоқ дарров онасини эма бошлайди. Буни кўрган Фиръавннинг хотини ҳақ олиш эвазига эмизиб тарбияласин деб чақалоқнинг ўз онасини ёллайди.

Бу ходисадан аёлларнинг ҳам мушкул ишларни ғоят ақл ила идора эта олиши, золимларнинг зулми остида ҳам мардонавор ҳаракат эта олишга қодир экани кўринмоқда. Демак, золимлар халқни кўрқитмоқ ва итоат эттирмоқ учун нима қилса, қилаверсин, Аллоҳга самимият ила иймон келтирган кўнгилларга У ўз хазинасидан жасорат ва азму шижоат бериб қўяди. Золимлар назарига илмаган, хизматчилик қилишдан бошқа ишга ақли етмайди деб ўйлаган аёллар Фиръавнни ва аскарларини доғда қолдирди ва бутун тузумини остин-устун қилди. Чунки Аллоҳ истаганини қилади, золимларнинг фитна ва хийлалари Аллоҳнинг тақдири қаршисига асло чиқа олмайди.

Ушбу воқеанинг ибратини қарангки, Фиръавн ўлдирмоқчи бўлган болани ўз ҳимоясига олди, унинг онасига эса ўз боласини эмизгани учун сут оналик ҳақини тўлайди. Ана Аллоҳ таолога таваккул қилган ва Унинг динига хизмат этмоқ учун фидокорлик кўрсатишнинг мукофо-

ти... Шубҳасиз, Парвардигор бандаларига ваъда этган неъматларни икки дунёда ҳам бермоққа қодирдир.

Бу ҳодисада Аллоҳ кибрли ва золим Фиръавнга Ўзининг қудратини исбот этгани каби Мусо алайҳиссаломнинг онасига берган ваъдасини ҳам амалга оширган. Мутакаббир ва бераҳм Фиръавн ниҳоятда золим бўлишига қарамай, ўзи ашаддий душман деб ҳисоблаган муҳожирларнинг чақалоғига меҳр қўяди.

Мусо алайҳиссаломнинг онаси эса заиф ва мазлумлигига қарамай, Аллоҳнинг ёрдамига эришган, жонидан ортиқ севган фарзандига яна қовушган, уни покиза сути билан озиқлантириб улғайтирган. Шундай экан, Рабби ва Мавлоси Аллоҳ таоло бўлган бандаларнинг қўрқишига ҳеч қандай сабаб йўқдир.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни келажакда юкланадиган вазифаларга тайёр бўлсин, иймони қувватлансин, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканига яқиндан инонсин дея шундай бир ибратли ҳаёт ҳикояси ила етиштирди.

Бинобарин, бу воқеанинг баъзи ҳикматлари Қуръони каримда бундай ифода этилган: **«Шундай қилиб, Биз (Мусонинг онасининг) кўзлари қувониши ва ғам чекмаслиги учун ҳамда Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билиши учун онасига қайтардик Лекин кўпчилик (бунинг ҳикмати) билмайдилар»** (*Қасас сурасининг 13-ояти*).

Сўнгра Мусо алайҳиссалом бошидан кечган ҳодисалар-ла улғайиб камолга етган. Аллоҳнинг улул-азим пайғамбарларидан бири бўлган. Ана шу ҳодисада биз учун катта бир ибрат бор. Золимлар қанчалик тузум тузоғини курсалар ҳам Аллоҳ таоло истаса фиръавнларнинг саройларида мусоларни етиштирмоққа қодирдир.

Шунингдек, бу воқеада аёлларнинг севги ва марҳаматининг не қадар буюк ва катта кучга эга экани кўринади. ¹

¹ Дамин Жумақулнинг «Мусо алайҳиссаломнинг муҳтарама онаси» мақоласидан олинди

МУСО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ОНАСИ – ОСИЁ БИНТ МАЗОХИМ

Сайида Осие онамиз Фиръавннинг аёли бўлиб, Аллоҳга, Мусонинг расуллигига иймон келтирганлар. Фиръавннинг динидан қайтганлар, унинг зулм ва аламларига чидаганлар. Сабр ва матонат билан Аллоҳ йўлида шаҳид бўлган аёлдирлар.

Таҳрим сурасининг 11-оятида: «Аллоҳ иймон келтирганларга Фиръавннинг хотинини мисол қилиб кўрсатди. У: «Роббим, менга Ўз ҳузурингда, жаннатда бир уй бино қилгин. Менга Фиръавндан ва унинг ишидан нажот бергин ва зolim қавмлардан нажот бергин!», деб айтди» (Фиръавннинг хотини ўша пайтдаги энг катта подшоҳнинг аёли эди. Емак-киймақда тўкин эди. Нимани хоҳласа, шуни қилиши мумкин. Қасрларда, турли неъматлар ичида фароғатда яшашига қарамасдан кофир ва зolim эрига ва қавмига қарши чиқди. Аллоҳга иймон келтирди. Аллоҳдан жаннатда уй қуриб беришни сўради. Бу эса дунё ҳойи ҳавасидан устун келишнинг олий мисолидир.)

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларнинг яхшилари қаторида Осие ни ҳам зикр қилганлар: «Аёлларнинг яхшилари – Марям бинт Имрон, Хадича бинт Хувайлид, Фотима бинт Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва фиръавннинг аёли Осие».

Амакисининг қизи Осиега уйлангач Фиръавннинг отаси вафот этди. Осие онамиз қасрда эри билан тинч-осуда яшарди. Вақтлар ўтиб, Фиръавн ҳаддидан ошди. Шайтон қалбига васваса солиб: «Сен ягона ҳоким, илоҳсан!» деди. У вазири Ҳомон билан биргаликда инсонларни Фиръавнга сажда қилишга, унга итоат этишга, уни буюк илоҳ деб тан олишга мажбур қила бошлади. Мисрликлар унга

итоат этиб, сажда қила бошлашди. Осиё онамиз эрининг зolimлигини, ўз халқини қийнаётганини кўриб, юраги сиқиларди, чунки унинг фитрати соғ, ақли етук, қалби раҳмга тўла аёл эди. Одамлар кўрққанидан Фиръавнга сажда қилаётганини, у илоҳ эмаслигини, бу зўрлик эканлигини у яхши биларди.

Бир кун Фиръавн туш кўрди: тушида бир ўт Байтул Муқаддасдан Мисргача ёниб келаётганди. Таъбирчиларнинг айтишларича, Бани Исроилдан бир бола туғилиб, Фиръавннинг бор мулкини хароб қилади. Фиръавн Бани Исроилда туғилган барча гўдакларни сўйишга қарор қилди. Одамлар подшоҳга: «Бир йил қатл қилдир, бир йил қолдир, бўлмаса, Бани Исроил қирилиб кетади», дейишди. Подшоҳ кўнди. Кечирилган йили Ҳорун туғилди, қатл йили Мусо дунёга келди. Аллоҳ таоло болани сандиққа солиб, Нилга оқизишни онасига билдирди. Онаси худди шундай қилди. Сандиқ оқиб, Фиръавннинг қасрига яқин келди.. Хотини Осиё сандиқни олдириб уни очиб, болани қўлига олди. Қалбига унинг муҳаббати тушди. Қаттиқ хурсанд бўлди. Билдики, бу бола муборақдир.

Орадан оз муддат ўтиб, подшоҳнинг аскарлари болани ўлдиришга фармон олганларини айтиб келдилар. Осиё онамиз: «Бу бола Бани Исроил эмас, бошқа ердан оқиб келди, мен ўзим бориб бу ҳақда подшоҳга арз қиламан», деди ва болани кўтариб шоҳнинг олдига борди. Шоҳ ҳузурига кириб: «Бу сенинг ва менинг кўз қорачиғимиз-ку», деди. Фиръавн: «Сенинг кўз қорачиғингдир, лекин менинг унга ҳожатим йўқ», деди.

«Фиръавннинг хотини: «(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, у бизга фойда берса ёки уни бола қилиб олсак», деди. Ҳолбуки, улар сезмасдилар» (*Қасас сураси, 9-оят*).

Бир кун Осиё онамиз Мусо билан Фиръавннинг олдига келди ва уни шоҳ ҳузурига ташлаб чиқиб кетди. У

ерда мажлис бўлаётганди. Мусо Фиръавннинг тиззасида ўтириб, соқолини юлиб олди. Ҳомон: «Шу бола сенинг мулкингни хароб қилади, сенга меросхўр бўлади, бунинг бобоси Иброҳим халилдир», деб Мусони ёмонлади. Фиръавн жаллодларни чақирди. Бу хабар Осиё онамизга етиб келди ва тезлик билан шоҳ ҳузурига югурди ва: «Менга ҳадя қилган болани сўймоқчимисан!» деди. Фиръавн: «Соқолимни юлиб олди, мулозимларим: «Бу бола сенга меросхўр бўлади, қўлингдаги мулкиннга эгалик қилади», дейишди», деди. Осиё онамиз: «Сен уларнинг сўзига ишонма! Бу бола ҳали ёш, ҳеч нарсанинг фарқига бормамайди. Мен буни сенга исбот қилиб беришим мумкин!», деди. Фиръавн: «Қандай қилиб?!», деди Осиё онамиз: «Боланинг олдига чўғ билан гавҳар қўй. Агар гавҳарни олиб, чўғдан сақланса, билгинки, у ақл юритаётган бўлади. Агар чўғни олса, билгинки, ақлли кимса гавҳар турганда чўғни олмайди», деди. Фиръавнга бу гап маъқул бўлди. Сарой хизматчиларидан иккитасини чақириб, бирининг қўлига чўғ, иккинчисиникига гавҳар берди ва уларни боланинг олдига юборди. Жаброил алайҳиссалом Мусонинг қўлидан ушладилар ва чўғ устига қўйдилар, ҳатто у чўғни қўлида кўтариб оғзига солди, бундан тили куйди. Шу сабаб Мусо алайҳиссаломнинг нутқлари яхши, равон бўлмай қолган. Фиръавн буни кўриб: «Бу бола сўйилмасин», деди. Осиё онамиз хурсанд бўлиб болани олиб чиқиб кетди. Унга малика яхши тарбия берди, ёзиш ва ўқишни ўргатди. Мусо Осиё онамизнинг фазилати билан худди подшоҳнинг ўғлидек ўсди. Аллоҳ шу ишларга сабабчи қилди.

«Қачонки у вояга етиб, мукамал бўлганида, унга ҳикмат ва илмни бердик. Биз яхши амал қилгувчиларни шундай мукофотлармиз» (*Қасас сураси, 14- оят*). Кун ўтгани сайин Фиръавн Осиё онамизга азоб беришнинг турли усулларини ўйлаб топарди. Унинг мулкида катта саҳрои биёбон бор эди... Ана шу жойда Осиё онамизга азоб берарди. У зотнинг эса дуолари ижобат бўлиб, мало-

икалар қанотлари билан қуёшнинг ҳароратини тўсишарди.

Ибн Жарирнинг келтиришича, Абу Баззотнинг ривоят қилишларича: «Фиръавннинг аёлидан, урушда ким ғалаба қозонишини сўрашади, шунда у «Мусо ва Ҳорун» деб жавоб беради. Бу гап Фиръавнга етганида, буюради «Қатта харсанг тош олиб, уни ерга ётқизиб бояги саволни қайтадан сўраб жавоб олинглар, агар у яна ўша жавобни берса тошни унинг устига ташланг, агар фикридан қайтса менинг аёлимлигича қолади» дейди, қачонки уни келтиришганда, бошини кўтариб осмонда Аллоҳ таоло унга намоён қилаётган жаннатдаги маконини кўради, шунда у Аллоҳ таолога иймон келтирганини айтади. Харсанг тош унинг устига тушмасидан Аллоҳ таоло унинг жонини осонликча олади ва тош унинг устига тушган пайти унинг руҳи олинган бўлган» дейилади.

Охири Осиё онамизни ўлдиришди. Пок руҳлари Раббиси ҳузурига кўтарилди. Малоикалар у аёлнинг жаннатда яшашлари, неъматланишлари учун руҳларини олиб чиқиб кетишди. Охиратда Осиё онамиз улуғ марҳамат ва икромга ноил бўладилар. Бу икром Расулulloҳ алайҳиссалом айтган жаннати аёллардан бири бўлишларидир.


Саййидаи Осиё онамиз Қуръонда содиқ мўмина аёллар қаторида, Ҳақ йўлини топган аёл сифатида мадҳ этилдилар. Аллоҳга имон келтиришда орқага қайтмаган бу аёл Фиръавннинг азобларига чидаган ҳолда иймонларида собит турдилар.¹

¹ Хадичаи Кубро аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси ахборот-ресурс маркази раҳбари М.Саиджалоловнинг мақоласи асосида



ИККИНЧИ БОБ

ЯҲУДИЙЛИК ДИНИДА –
МУСО ПАЙҒАМБАР



ЯХУДИЙЛИК ДИНИДА МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ ШАХСИ ВА УНГА ОИД МАНБАЛАРНИ ЎҚИШГА КЎРСАТМАЛАР

Муборак Ислом динимизда эъвозланадиган ва унинг тарихи ўқилса, инсонга ўғит ва ибрат бағишлайдиган ҳазрати Мусо алайҳиссалом қиссаси, барчамизга маълум ва машҳурдир. Келтириб ўтганимиздек, унинг асоси бўлган Мусо алайҳиссалом, Аллоҳ таолонинг суюкли бандаларидан бири, расули, Унинг якка ва ягоналигига даъват вилувчи қулларидан бири бўлган. Ўзининг юксак ахлоқий ва инсоний фазилатлари билан Аллоҳ таолонинг унинг зиммасига юклаган вазифаларини адо этган ҳазрати Мусо алайҳиссалом, гарчи у яшаб ўтган давр ва муҳит оғир бўлсада, ҳаётининг ҳар жабҳасини Раббисининг ризолиги ила босиб ўтган. Бир тарафда золим ва нокас Фиръавннинг зулми бўлса, ундан кейин ўз қавмининг, халқининг, унинг даъватларига қарши қилган исёнлари эди. Аммо, Мусо алайҳиссалом шуларга қарамасдан Аллоҳ таолонинг гўзал шариатини бандаларига етказа олди ва ўша пайт одамлари учун жудаям қўл келди. Таврот нозил бўлиши билан барча унинг муқаддаслигига иймон келтириб, ундаги кўрсатмаларга амал қила бошлашди. Лекин бу узоқ давом эмади, чунки, замон ўтиши билан унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритила бошланди ва унинг асли йўқотилди.

Шунинг билан ҳазрати Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг дунёга келиб, унга нубувватнинг топширилиши ила ундан олдинги динлар ва китобларга раддия берилди ва Ислом – барча динларнинг хотимаси ва асоси эканлигига иймон келтирилди.

Аммо, шунга қарамасдан кўпчилик Исломга кирмади

ва олдинги дин умматлари бўлишда давом этишди, зеро, Ислом ўша динларнинг давоми ва мустақками бўлиб келган эди.

Хусусан, Мусо алайҳиссалом нафақат бизнинг динимизда, балки, яҳудийлик динида ҳам жудаям эъзозланади. Тавротнинг нозил бўлишида асосий ролни ўйнаган Мусо алайҳиссалом ўздан олдинги пайғамбарларнинг давомчиси эди. Ислом динимиздаги ва Яҳудийлик динидаги Мусо (алайҳиссалом) шахси битта одамни англатади, уларнинг бир-биридан фарқи йўқ. Отасининг, онасининг, акасининг, қавмининг ва яшаб ўтган жойларининг номлари бир ҳил, аммо, иккала динда икки ҳил талқин қилинади. Энг тўғриси, табиийки, муборак Қуръони Каримда талқин қилинган.

Яҳудийлик динида уларнинг исмлари ва номлари бошқача талқин қилинади, улар ўқилганда адашиб кетмаслик учун қуйидаги кўрсатмаларга амал қилинса тушунарли бўлади:

- Ҳозирги даврдаги **Инжил (Библия) яъни Муқаддас Китоб** икки қисмдан ёки иккита катта томдан иборат: **Қадимги Аҳд** ва **Янги Аҳд** (“аҳд” сўзи Худонинг инсонлар билан махсус алоқасини билдиради).

Қадимги Аҳд деганда бешта китобдан иборат **Таврот (Тора)** ва Забур тушунилади. У Исо Масих туғилишидан аввал, Янги Аҳд (яъни Инжил) Исо Масих туғилганидан кейин, биринчи асрда ёзилган. Қадимги Аҳд матни ибрий ва арабий (эски яҳудий) тилларида, Янги Аҳд матни эса юнон (қадимги грек) тилида, биринчи аср адабий тилида ёзилган. Қадимги Аҳд яъни Тавротни (Тора) насронийлар тан олмайди ва тиловат қилишмайди, аммо, **яҳудийлар уни тиловат қилиб, амал қилишади**. Янги Аҳдни эса, **насронийлар тиловат қилишади**, аммо, яҳудийлар қабул қилишмайди. Яҳудийлар Қадимги Аҳд яъни Тавротга яна иккита муқаддас китобни қўшиб, умумий

маънода **“Танах”** деб юритишади. Улар Тавротдан кейин қўшилган.

- Айтиб ўтганимиздек, Қадимги Аҳд яъни Таврот 5 та китобдан иборат. Биринчиси, **Берешит** дейилади, яъни **“Яратилиш”**, русча талқини **“Бытие”** деб юритилади, уйда дунёнинг яратилиши билан боғлиқ яхудий ақийдасига оид маълумотлар жамланган. Иккинчиси **Шмот** китоби яъни **“Чиқиш”** бўлиб, русча талқини **“Исход”** дейилади ва Бани Исроилнинг Мусо ёрдамида Мисрдан чиқиб кетишлари ва Исроил ҳудудига кўчиб, илк давлатчилик тарихи баён этилади. Учинчиси **Вай-икра** китоби яъни **“Левилар”**, русчаси **“Левиты”** бўлиб, яхудийларнинг Мисрдан чиқиб кетгандан сўнги ҳаёти ва эътиқодлари, асосан, қурбонлик қилиш асослари ёзилган. Тўртинчиси **Бемидбар** китоби яъни **“Сонлар”** ёки **“Саҳрода”** деб ҳам талқин этилиши мумкин, русчаси **“Числа”**, унда яхудийларнинг Мисрни тарк этганларидан сўнг саҳрода кўрган қийинчиликлари, қавмларнинг сонлари, аҳолиси, қабила бошлиқлари, саҳрода уларнинг бошига тушган синовлар ҳақида гап боради. Бешинчиси эса **Дварим** китоби яъни **“Сўзлар”**, русчаси **“Второзаконие”** бўлиб, Мусонинг яхудийларга видолашув ва васият сўзлари, уларга ўғитлари батафсил ёзилган.

- Мусо алайҳиссалом яхудийлик динида иброний тилда **“Моше”** деб, Инжил (Библия) ва насроний манбаларда эса **“Моисей”** деб юритилади. Ҳар қайсиниси қўлланса ҳам, бир шахс тушунилади, аммо, ҳар диннинг ўз талқини ва таъвили бор.

- Мусо алайҳиссаломнинг отаси Имром яъни Имрон яхудийликда ҳам насронийларда ҳам **“Амрам”** деб юритилади.

- Мусо алайҳиссаломнинг онасининг исми Ислом дини манбаларида кўрсатилмаган. Яхудий ва насронийларда **“Иохаведа”** деб юритилади, арабча талқини эса **“Яқубайт”** бўлади.

- Мусо алайҳиссаломнинг акаси Ҳорун алайҳиссалом, яҳудийликда ҳам насронийларда ҳам **“Аарон”** деб юритилади. Барча динда пайғамбар саналади.
- Мусо алайҳиссалом Мадян қавмига борганда Шуайбнинг қизига уйланади. Қиссадаги Шуайбнинг, Ислом динидаги айнан Шуайб алайҳиссалом эканлигига далил йўқ. Тавротда ва яҳудийлик динида **“Итро”**, насронийларда эса **“Иофор”** деб талқин қилинади.
- Мусо алайҳиссаломнинг аёлининг исми Ислом дини манбаларида кўрсатилмаган. Яҳудийларда **“Ципора”**, насронийларда **“Сепфора”** дейилади.
- Мадян қавмининг номи барча динларда бир хил номланади.
- Мусо алайҳиссалом қарши курашган Фиръавннинг номи ҳеч бир диний манбада келтирилмаган.

Рисолада ҳозирги даврдаги классик Тавротнинг маълум жойларидан қиссалари, оятлари ҳам келтирилади. Улар ўзларида, айнан Мусо (алайҳиссалом) пайғамбар шахсининг тарихи ва унга боғлиқ шахсларнинг тарихига оид бўлиб, ҳеч бир эътиқодий ёки фикҳий мазмунга эга эмас. Улар келтирилмасидан олдин, яхшилаб ўрганиб-кўриб чиқилиб, энг керакли ва асосли жойлари олинди. Рисолани ўқиш асносида, у ёки бу динга даъват қилинмайди ва бирон-бир динга зид маълумотлар келтирилмаган. Рисола, китобхон ва толиби илмлар, уни ўқиш давомида эътиқоди ва ақийдасига зарар етмайдиган (ҳар кимнинг эътиқоди ва иймонига боғлиқ) мўтадил даражада ёзилган!

Муаллиф

МУСО ПАЙҒАМБАР ШАЖАРАСИ

Одам ўғли Сиф (Шис) ўғли Енош ўғли Канъон ўғли Махолаил ўғли Ёрид ўғли Енох (Идрис) ўғли Матту Шалах ўғли Ламах ўғли Ноах (Нух) ўғли Сом ўғли Арфахшод ўғли Қайнон ўғли Шала ўғли Авар (Худ) ўғли Фалег ўғли Рағав ўғли Саруғ ўғли Нахор ўғли Фарра (Озар) ўғли Авраам (Иброҳим) ўғли Исаак (Исҳоқ) ўғли Иаков (Яъқуб) ўғли Левий (Ловий) ўғли Қоф ўғли Амрам ўғли Мусо

МУСО ПАЙҒАМБАР ҲАЁТИ ВА ҚИССАСИ

Моше бен Амрам – яҳудийларнинг энг азиз пайғамбарларидан бири, Мусо ибн Имрон деб талқин қилинади. Яҳудий халқи «Моше-рабейну» яъни «Мусо-бизнинг устозимиз» деб эъзозлашади.

Дунё яратилганидан 2368 йил ўтиб (эрамиздан аввалги 1392 йилда) Адар¹ ойининг 7 куни Мисрда туғилган.

Яъқуб пайғамбарнинг Ловий исмли ўғлидан келган Имромнинг кенжа ўғли бўлган, ундан бошқа, акаси Ҳорун ва опаси Маръям ҳам бўлган.

«Имромнинг аёли Иохаведнинг олти ойлик ҳомиласидан яна бир ўғил туғилди»². У пайти яҳудий халқи Фиръавн қўли остида тазйиқда бўлган ва кўп азоб кўрган. Миср тўлиқ қулдорлик тузумида бўлиб, қуллар жамиятнинг энг паст табақаси бўлишган. Шунинг учун энг оғир иш ва вазифаларни улар бажаришган.

«Фиръавн яҳудийларнинг барча янги туғилган ўғил фарзандларини Нил дарёсига ташлашни буюра-

¹ Яҳудий тақвими бўйича 12-ой назарда тугилади. Георгий Синкеллнинг маълумотларига кўра 20-февралдан 24-мартгача давом этади.

² «Шмот»6:20, «Седер олам раба» 10, «Мегила»13б, «Сота» 12б, «Шмот» 2:3

ди. Шунга кўра, фиръавннинг хизматчилари ҳар бир янги туғилаётган чақалоқни кузатиб, туғилганларни олиб Нилга чўктириб юборишган»¹, Мусо туғилгач эса, «Уч ой давомида уни уйда сақлашади. Олтинчи сиван ойида мисрликлар уни сезиб қолишади, шу куннинг ўзида Иохавед чақалоқни саватга солиб Нилга оқизади»² Боласини ўлдиришларидан қўрққан Иохавед, папирусдан ясалган саватга тупроқ солиб уни ичига чақалоқни жойлайди ва дарё бўйлаб оқизиб юборади. Унинг опаси Мириам яъни Маръям уни изидан кузатиб борди. «Чақалоқ солинган саватни, Нилда чўмилаётган фиръавннинг қизи Батъя (Бифъя) кўлига олади. Шунда у, унга, «Моше» яъни «Сувдан олинган» деб исм қўяди»³. Йиғлаётган чақалоқни кўрган фиръавннинг қизи, дарров уни кўлига олиб овутишга уринади ва ёнидаги хизматчиларига сут эмизувчи аёл чақиришларини буюради. Унга сут эмизувчи она сифатида эса, ўз онаси Иохавед бўлади. Худо ўз онасидан айрилган Мусони шу тариқа яна онаси бағрига қайтаради. Аммо, Мусо унинг ўз фарзанди эканини, фиръавн ва унинг қизи билмайди. Мусо болалигининг деярли ҳар лаҳзасини фиръавннинг саройида, асзода фиръавн зодагонларининг фарзандлари билан бирга ўтказди.

Мидрашда келтиришича, фиръавннинг тиззасида ўтирган 3 ёшли Мусо, унинг тожини бошидан олиб, ўзига қўяди, буни кўрган фиръавннинг аъёнлари ва амалдорлари ҳайрон қолишади. Чунки, фиръавн ва амалдорлар, барибир тахтга бошқа одам, айниқса фиръавн наслидан бўлмаган одамнинг чиқишини хоҳлашмаган.

Шунда фиръавн ва унинг энг яқин амалдорлари Мусони синовдан ўтказиш керак деган фикрга келишади

¹ «Шмот раба» 1:20, «Шмот» 1:10

² «Шмот» 2:2-3, «Шмот раба» 1:24

³ «Шмот» 2:9-10

ва унинг олдига чиройли ялтирайдиган кўмир ва шунга ўхшаш қимматбахо тошлардан қўйишади. Мусо, бола бўлишига қарамасдан, яҳудийлардан эди, яъни у бошқаларга нисбатан ақлли ва зукко эди. Агар у, унинг олдига қўйилган қимматбахо тошларни танласа, демак у ақлан фикр юритиб шунақа қилган бўлади, агар ялтирайдиган кўмирни танласа – демак, у ҳали бола бўлиб, оддий чиройли кўриниш ва ўйинқароқлик учун олган бўларди. **«Мусо қўлини қимматбахо тошларга узатаётганда, илоҳий куч унинг қўлини кўмирга қарата туртиб юборади. У кўмирни олиб оғзига солади ва лаби-тилини куйдириб олади. Шундан бери у дудуқланадиган бўлиб қолди.»**¹

Мусо улгаган сари Исроил халқининг қуликда ишлаши ва қаттиқ тазйиқ остида яшашларига гувоҳ бўлади. Эрамиздан аввалги 1374 йилда мисрликлардан бўлган назоратчи яҳудий хизматчини ураётганини кўриб қолиб,² уни ҳимоя қилиш учун мисрликни уриб ўлдириб қўяди. Эртаси куни Мусо шунга ўхшаш яна бир ҳолатга дуч келади, бир-бири билан урушаётган икки яҳудийни кўриб қолади.³ У иккаласини ажратмоқчи бўлганида, уларнинг бирси асабийлашиб Мусога: «Ким сени бизларга назоратчи ё ҳакам қилди? Ёки сен мени кеча ўлдирган мисрликка ўхшаб уриб ўлдирмоқчимисан?!» дейди.

Вақт ўтиши билан бу ҳол бутун миср халқига тарқала бошлайди ва оҳир оқибат фиръавннинг қулоғига бориб етади. Шунинг билан фиръавн Мусони қилган айби учун ўлимга ҳукм қилади. **«Аммо, Мусо Мисрдан қочиб кетишга улгуради.»**⁴ Мусо шу билан жон сақлаб қолади.

Мисрдан чиқиб кетган Мусо эрамиздан аввалги

¹ Шмот раба 1:26, Ялқут Шимони, Шмот 166.

² Шмот 2:11

³ Шмот 2:13

⁴ Шмот раба 1:31, Танхума, Шмот 10, Ялқут Шимони, Шмот 167, Шмот 2:15

1373 йилда Хабашистон Эфиопияга етиб боради ва ўша пайтда қўзғолонга қарши курашаётган қирол лашкарига қўшилади. Кўплаб жанг ва урушларда иштирок эта бошлайди, лашкар ичида ва қиролнинг олдида обрў-эътиборга сазовор бўлади. У қўзғолонни бостиришда яхшигина ҳизмат қилади, шундан сўнг қирол уни ўзидан кейинги ворис деб эълон қилиб вафот этади.

Эрамиздан аввалги 1325 йилда саройдаги бўлиб ўтган тўнтариш натижасида Мусо тахтдан ағдарилиб, тахтга олдинги қиролнинг ўғли келади, шундан сўнг у яна қочишга мажбур бўлади.

«Мисрга боришдан ҳадиксираб, Мадянга қараб йўл олади».¹ Мадян яқинидаги қудуқ устида ўтирганнида, қавм руҳонийси Итронинг еттита қизи келади ва подаси учун хуржун, кўзаларини сув билан тўлдиришади. Шунда бошқа тарафдан чўпонлар келиб, қизларни қувиб юборади. Бунга гувоҳ бўлган Мусо улар билан курашиб, қизларни химоя қилади ва қудуқдан сув олишларига ёрдам беради. Қавмига етиб боргандан сўнг, қизларнинг отаси Рэуэль яъни Итро қизларидан: «Нега бугун эрта қайтдинглар, деб сўрайди. Қизлари бунга жавобан бўлиб ўтган воқеани батафсил айтиб беришади. Шунда у қизларига ўша одамнинг қаердалигини ва нимага меҳмонга таклиф қилишмаганини айтиб қойийди. Мадянга етиб борган Мусо ўша ерда яшай бошлайди. **«Мусо у ерда мадянлик руҳоний Итро билан танишади. Итро унга, қизи Ципорани никоҳлаб беради»**,² **«Ципора – ўзидан олдинги Сора, Ривқа, Рохила ва Лия каби боболарининг аёлларига ўхшаб тарбияли бўлган»**,³ **«кейин Мусо қайинотасининг подаларига чўпонлик қила бошлайди»**,⁴ **«Мусо ва Ципоранинг**

¹ Сефер аяшар, Шмот, Ялсут Шимони, Шмот 168

² Шмот 2:21

³ Сефер аяшар, Шмот 168, Сефер адорот.

⁴ Шмот раба 1:33

икки ўғли бўлади. Биринчиси Гершом – яъни, мен, ўзим билмаган нотаниш жойда яшаб юрганим учун дейди Мусо».¹ Балки, у узоқ йиллар давомида юртидан олисда яшаб юриб, ўша ерда фарзандли бўлган учун унга шундай маънони англатувчи исмни қўйган бўлиши мумкин. «Иккинчиси эса, Элиазар бўлган – яъни «Худо ёрдам берди» деб талқинланади»²

ИЛК ВАҲИЙНИНГ КЕЛИШИ

Дунё яратилганига 2447 йил бўлганда, яъни эрамиздан аввалги 1313 йил баҳор фасли Нисан ойининг 15 кунида Мусо Тур водийсида кўйларини ўтлатиб юрарди. «Кечга яқин подадан бир қўзичоқ орқада қолиб кетади ва Мусо уни изидан Хорев, яъни Тур тоғига қараб кетади».³ Унинг рўпарасида қуриган, ёнаётган дарахтни кўриб қолади. «Яқинлашиб келиб қараганда дарахтнинг ўртасида фариштани кўради».⁴ «Кейин унга овоз эшитилади, унга олов ёнига яқинлашмаслик ва оёқ кийимини ечиш буюрилиб, у турган жой – муқаддас деб айтилди».⁵ «Ва у деди: «Мен сенинг отангнинг Худосиман, мен Иброҳимнинг Худосиман, мен Исҳоқнинг Худосиман ва мен Яъқубнинг Худосиман»⁶ дейилади. Шунда Мусо Худога тик қарамаслик учун қўллари билан юзини тўсади. Худо унга Исроил халқи қийналиб, қулликда азоб чекаётганини эслатиб, бундан ташвишда эканини ва уларнинг ҳар бир ноласидан хабардорлигини айтади. «Тангри бу ваҳий орқали Исроил халқининг Мисрдан

¹ Шмот 2:22

² Шмот 18:4

³ Шмот 3:1, Седер олам раба 5, Седер адорот

⁴ Шмот раба 2:5

⁵ Шмот 3:5

⁶ Шмот 3:6

чиқиш ва оталари яшаган жойига бориб ўрнашиш пайти келганини билдиради».¹ Мусо Худодан қавмига нима деб ва уни (Худони) қандай таништириши кераклигини сўрайди. Бунга жавобан: «Ва Яҳова Мусога деди: «Яҳова оталарингизнинг Худоси, Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубнинг Худоси мени сизларга юборди, бу ном асрлар ошса ҳам меники ва у билан ёд этилишимни айт».² «Тур тоғидаги бу пайғамбарлик ваҳийси етти кун давом этди ва у ҳар кун Худодан бу вазифадан озод этишни сўради».³ Чунки, Мусо бу вазифадан ҳаяжонда ва қўрқувда эди. Унга ишонмасликларидан қўрқарди. Бундан ташқари, унда болалигидан қолган дудқлик асоратлари ҳам бор эди. «У Фиръавннинг олдида бориб «Мен Худонинг олдидан келдим» дейишдан имтино этиб, Исроил халқига етакчи бўлишдан ҳаяжонлангани учун шундай қилди», вазифадан озод этишини сўради.⁴ «Шундан сўнг Яҳова унинг бу гапларидан дарғазаб бўлиб, акаси Хорунни ҳам бу ишга масъул қилиб тайинлаб фиръавн билан гаплашишига буюради».⁵ Яҳова фиръавннинг дарров иймон келтирмаслигини ва у иймонга келиши учун кўплаб мўъжизалар ва балолар юборишини таъкидлайди.

Мусо: «Улар менга ишонишмайди ва мени эшитишмайди ҳам»⁶ деди. Шунда Яҳова буюрди: «Қўлингдаги нима? Шунда у деди: «Асо», Яҳова: «Уни ерга ташла», шунда асони ерга ташлади ва у баногоҳ илонга айланди. Моше илондан қоча бошлади. Аммо, Яҳова: «Қўлингни узатиб, унинг думидан ушла», – деб айтди. Мусо қўлини узатиб, уни ушлаган эди, илон

¹ Шмот 3:7-8

² Шмот 3:15

³ Седер олам раба 5, Ваикра раба 11:6, Шмот 10:5

⁴ Рамбан, Шмот 4:13

⁵ Шмот 4:14-16

⁶ Шмот 4:1

унинг кўлида яна таёққа айланиб қолди. Кейин Яҳова: «Шундай қилсанг, улар сенга ота-боболаринг Худоси, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Тангриси зоҳир бўлганига ишонишади»,– деди». ¹ «Мусо бўлса Яҳовага: «Мени кечир эй худо, лекин мен ҳеч қачон – аввал ҳам, мен каби қулинг билан сўзлашишни бошлаганингдан буён ҳам – гапга чечан бўлган эмасман. Чунки мен яхши гапира олмайман, гапга чечан одам эмасман», – деб айтди. Аммо Яҳова унга: «Одамга тилни ким берган? Ахир уни соқов, кар, кўр ёки кўра оладиган қилувчи Мен, Яҳова эмасманми? Шундай экан, бор! Гапираётганингда сенга ёрдам бериб, нима дейишингни ўргатиб тураман»,– деди. Бироқ Мусо: «Мени кечир Худойим, ўрнимга бошқа кишини юборақол», – дея илтимос қилди. Шунда Яҳова Мусодан аччиқланиб, деди: «Леви қабиласидан бўлган аканг Ҳорун-чи? У гапга чечан эканини биламан. Ҳозир у сен томонга қараб келяпти. Сени кўрганда унинг қалби қувончга тўлади. Сен у билан гаплашиб, сўзларимни етказ. Мен эса сизлар гапирганингизда, сен ҳамда у билан бирга бўлиб, нима қилишни ўргатиб тураман. У сенинг ўрнингга халққа гапириб, вакилинг бўлади ва сен у учун Худо каби бўласан. Бу таёқни ўзинг билан ол, у билан мўъжизалар кўрсатасан»». ²

Шундан сўнг Мусо Мадянга қайтиб, қайинотаси Итродан Мисрга қайтишга изн сўрайди ва оиласи билан Мисрга қараб йўл олади. Улар сафарда бўлган пайтлари, Мисрда яшаётган Ҳорунга Яҳова ваҳий юборади ва укаси Мусони кутиб олишга буюрилади. Ҳорун орадан йиллар ўтиб укасини кўриш иштиёқида Мисрни тарк этади. Улар Тур тоғи ёнида учрашиб, кучоқлашиб-кўришишади. Шунда Мусо Ҳорунга ўз ҳаётини сўзлаб беради, оиласи билан

¹ Шмот 4:2-5

² Шмот 4:10-17

таништиради ва Худонинг ваҳий юбориб уларнинг пайгамбар сифатида сайланганликларини айтиб, кейинги ишлари қандай бўлишини тушунтириб ўтади. Шундан сўнг, барчаси Мисрга боришади ва боришиданоқ Исроил улуғларини йиғиб ўзларини эълон қилишади, мўъжизаларни кўрсатишади ва Худонинг уларга қўйган кейинги тақдирини сўзлаб беришади. Улар Мусога ишонишиб, унинг даъватини қабул қилишади.

МУСО ВА ҲОРУН ФИРЪАВН ОЛДИДА



*«Мусо ва Ҳоруннинг Фиръавннинг ҳузурига илк чиқишлари»
(Иллюстрация)*

Шундан сўнг Мусо ва Ҳорун фиръавннинг олдига йўл олишди. «Бундан кейин Мусо билан Ҳорун фиръавн ҳузурига келиб: «Исроилнинг Худоси: «Халқим саҳрода менга атаб байрам нишонлаши учун уларни қўйиб юбор», – деб айтяпти», – дейишди. Аммо фиръавн: «Худо ким бўлибдики, мен Унга қулоқ солиб, Исроилни қўйиб юборсам? Мен сенинг худойингни танимай-

ман, Исроилни ҳам қўйиб юбормайман», – деб жавоб берди». Мусо ва Ҳорун фиръавнга Яҳованинг гапларини етказганида, у эшитишни ҳам истамади, балки туғёнга учраганидан уларга «Худо ким бўлибдики, мен Унга қулоқ солиб, Исроилни қўйиб юборсам?» деб писанд қилмади, масаланинг яна бир томони шундан иборат эдики, Мисрда асосий оғир иш ва қурилишларни Исроил халқи қилишган, мисрликлар бемалол уларни қийноққа солиб хоҳлаган ишларини қилдирганлар, фиръавнга улар каби ишчан ва меҳнаткаш қулларн кетиши у ва унинг давлати учун қашшоқликдек гап эди.

Воқеанинг давоми «Шмот» яъни «Чиқиш» китоби 6 қисмининг 3-12 оятида батафсил баён этилади. «Лекин улар: «Ибронийларнинг Худоси биз билан гаплашди. Илтмос, уч кун йўл босиб, саҳрода Тангримиз учун қурбонлик келтиришимизга рухсат беринг. Акс ҳолда, Яҳова бизни касалликка ёки қилич дамига мубтало қилади», – дейишди. Бунга Миср шоҳи: «Эй, Мусо билан Ҳорун, нега халқни ишдан қўйяпсизлар? Боринглар, ишланглар!» – деб айтди. Фиръавн яна: «Шунча одамни ишдан қўйиб, ортингиздан эргаштирмақчимисизлар?», – деб қўшиб қўйди. Ўша куниёқ, фиръавн назоратчи ва иш бошқарувчиларга шундай буйруқ берди: «Бундан буён бу халққа ғишт қуйиш учун сомон берманглар. Сомонни ўзлари бориб йиғишсин. Бироқ илгари қанча ғишт қуйишган бўлса, шунча талаб қилинглр. Ҳечам камайтирманглар, улар ялқов бўлишгани учун: «Биз кетишни истаймиз, Тангримизга қурбонлик келтиришни хоҳдаймиз!» – деб бақиринглар. Уларга кўпроқ иш бериб, банд қилиб қўйинглар. Токи ҳар хил ёлғон-яшиқ гапларга эътибор бераверишмасин». Назоратчи ва иш бошқарувчилар бориб, халққа шундай дейишди: «Фиръавн: «Бундан буён сизларга сомон бермайман. Бориб, истаган жойдан ўзингизга сомон топиб келинглр. Аммо

**ишларингиз умуман камайтирилмайди», – деб айтди»
Шу йўсин, халқ сомон учун поя тўплаш мақсадида,
бутун Миср юрти бўйлаб тарқалиб кетди».**

Мусо ва Ҳорун фиръавннинг олдига Исроил халқи учун Мисрдан 3 кунга чиқиб Худо учун қурбонлик қилиб келиш учун рухсат сўрашади. Фиръавн бундай ғоя, улар ялқовлашганидан ва иш камайганлигидан деб билди ва бунга рухсат бермай, уларга жазо тариқасида икки баравар ишлашга ва ғишт қуйиш учун сомонни ҳам ўзлари бориб йиғиб келишларини буюради. Исроил халқи янада оғир азоб чека бошлайди. Уларнинг аксарияти бунда Мусонинг айби бор деб қарашади, яъни у Фиръавннинг олдига чиқиб ғазаблангирмаганида бундай ҳолат бўлмаган бўларди деб фикрлашди. Аммо, Яҳова, Мусога мунтазам ваҳий юбориб ўзини эслатиб турди, қавмини даъват этишга буюрди ва энг асосийси Исроил халқига ўша ваъда қилинган муқаддас ерни беришга ваъда қилганди.

Худо унга яна ваҳий қилди: **«Яҳова унга: «Мен Яҳоваман. Менинг ҳамма гапларимни Миср шоҳига, фиръавнга айт», – деди. Лекин Мусо Яҳовага: «Ахир мен гапиришга қийналаман-ку. Фиръавн менга қулоқ солармиди?» – деб айтди».**¹ Мусо, Фиръавннинг феълини ва уни қанчалик қабих, золим эканидан хабаридор эди, шунинг учун, уни даъват қилиш бефойда эканини англаган эди. Мусо ва Ҳорун Фиръавннинг олдига чиққанларида Мусо 80 ёшда, Ҳорун эса 83 ёшида бўлган, бу ҳақида «Шмот» яъни «Чиқиш» китобининг 7 қисми 7 оятида келтирилади **«Фиръавн билан гаплашганда Мусо 80 ёшда, Ҳорун эса 83 ёшда эди».**

Мусо ва Ҳорун иккинчи марта Фиръавннинг ҳузурига боришди. Аммо бу сафар Фиръавн улардан мўъжиза талаб қилди, шунда Мусо унга ваҳий қилингандаги буйруқни бажарди, Яҳованинг унга инъом этган

¹ Шмот 6:29-30

мўъжизасини намоён этди «**Ҳорун таёғини фиръавн ҳамда хизматкорларининг олдига ташлаган эди, таёқ катта илонга айланиб қолди**».¹ Яҳованинг унга айтганидек таёқ илон шаклига кирди. Аммо фиръавн ва амалдорларини бу мўъжиза ҳайрон қолдирмади.



*«Мусо ва Ҳорун Фиръавн ҳузурида»
(Иллюстрация)*

«Бироқ фиръавн донишмандлару сеҳргарларни чақиртирди. Миср кохинлари ўз сеҳрларини ишга солиб, худди шундай қилишди. Уларнинг ҳар бири ўз таёғини ташлаган эди, таёқлари катта илонларга айланди, лекин Ҳоруннинг илони уларнинг илонларини ютиб юборди. Аммо фиръавннинг юраги тошлигича қолиб, Яҳова айтганидай уларга қулоқ солмади».²

¹ Шмот 7:10

² Шмот 7:11-13

МИСРГА ЁҒИЛГАН БАЛОЛАР

Мусо ва Ҳоруннинг кўрсатган мўъжизалари фиръавннинг қалбини юмшатмайди ва иймонга келмайди. Яҳова эртаси куни Мусога фиръавннинг хузурига боришни буюради «Эртага эрталаб фиръавннинг олдига бор. У Нил дарёсига чиқади. Уни қарши олиш учун Нил дарёсининг соҳилида тур, илонга айланган ўша таёғинг ҳам қўлингда бўлсин».¹ «Бундан кейин Яҳова Мусога шундай деди: «Ҳорунга: «Сувлар қонга айланиши учун таёғингни олиб, Мисрнинг бутун сувлари – дарёлари, анҳорлари, ботқоқлари ва барча сув омборлари томонга узат», – деб айт. Шунда бутун Миср юртидаги сувлар, ҳатто ёғочдан ҳамда тошдан ясалган идишлардаги сувлар ҳам қонга айланади».² Эртаси куни Мусо ва Ҳорун фиръавннинг олдига боришди ва Яҳова буюрганидек қилишди. Мисрдаги барча оқаётган, тўлган, сақлаб қўйилган ва барча жамики сувлар қонга айланди ва оқаётган сувлар ҳам қон бўлиб оқишни бошлади. Фақатгина Исроил халқида тоза сув бўлган, агар уни мисрликлар олиб қўйишса қонга айланар, агар сотиб олишса тоза ҳолича турарди. Фиръавннинг фармони билан Нил дарёси бўйларидан қудуқлар қазилди, аммо, барча қазилган жойлардан қон отилиб чиқарди. Фиръавн иймонга келмади ва Мусонинг таклифини рад этишда давом этди.

Орадан етти кун ўтгач Яҳова яна Фиръавннинг олдига боришни буюрди ва агар яна рад жавобини берса «Ҳорунга: «Таёғингни олиб, Миср дарёлари, Нил анҳорлари ва ботқоқлари томонга узатгин, шунда бутун Миср юртини қурбақалар босиб кетади», деб айт»³ деб буюради. Мусо ва Ҳорунга ваҳий келиши билан фиръавннинг

¹ Шмот 7:15

² Шмот 7:19

³ Шмот 8:5

олдига боришади ва рухсат сўрашда бардавом бўлишади, фиръавн рози бўлмаганидан сўнг Яҳованинг буйруғини бажаришади. Шундан сўнг дарёдан қурбақалар қайнаб чиқа бошлади, уйларни, ётоқхоналарни, тўшакларни, тандир ва ҳаттоки хамир қориладиган тоғораларгача қурбақалар босди. Ниҳоят фиръавн «**Кейин фиръавн Мусо билан Ҳорунни чақириб, уларга: «Яҳовадан ёлвориб сўранглар, У мени ва халқимни қурбақалардан халос этсин. Шунда мен Яҳовага қурбонлик келтириши учун халқни қўйиб юбораман», – деди**». Мусо фиръавннинг айтганини қабул қилиб дуо қилди, дарёлардаги қурбақалардан бошқа барча қурбақалар қирилиб кетди. Одамлар ўлик қурбақаларни йиғиб олиб йўқ қилишди, бу вақтга келиб уларнинг сасиқ ҳиди бутун ҳудуд бўйлаб тарқалиб кетган эди. Бунга гувоҳ бўлган фиръавн дарров фикридан қайтади ва Исроил халқини қўйиб юборишдан бош тортади, рухсат бермайди.

Шунда яна Яҳова Мусога буюради: «**Яҳова Мусога: «Ҳорунга шундай деб айт: «Таёғингни кўтариб ерга ур, шунда бутун Миср юртидаги чанг чивинларга айланади», – деди. Улар айтилгандай қилишди. Ҳорун таёғини кўтариб ерга урган эди, чивинлар одамларни ва жониворларни талай бошлади. Бутун Миср юртидаги чанг чивинларга айланди**».¹ Коҳинлар бунга гувоҳ бўлиб, фиръавнга бу Худонинг ишларидан эканини айтишади. Аммо, фиръавн уларнинг гапларини инобатга олмайди. Яҳова Мусога «**Эртага эрталаб, фиръавн дарё бўйига келганда сен унинг олдига бориб, шундай деб айт: «Яҳова сенга шуларни айтяпти: Менга хизмат қилиши учун халқимни қўйиб юбор. Агар халқимни қўйиб юбормасанг, Мен сенга, хизматкорларингга, халқингга ва уйларингга сўна пашшаларни юбораман. Мисрликларнинг уйлари ҳамда улар яшайдиган ер ҳам сўна пашшаларга тўлиб кетади. Ўша куни Ме-**

¹ Шмот 8:16-17

нинг халқим яшайдиган Гўшен ерини ажратиб қўяман ва у ерда сўна пашшалар бўлмайди. Ўшанда Мен, Яҳова мана шу юртда эканимни билиб оласан. Сенинг халқингдан Ўз халқимни ажратиб қўяман. Эртага бу каромат амалга ошади». «Яҳова айтганидай қилди: сўна пашшалар гала-гала бўлиб фиръавннинг уйига, хизматкорларининг уйларига ва бутун Миср юртига бостириб кира бошлади. Сўна пашшалар дастидан юрт хароб бўлди».¹ Яҳова ўз қудрати ила икки ҳил халқни кўрсатиб қўйди. Бунга Фиръавн чидамади ва Мусо ва Ҳорунни хузурига чақириб, уларнинг Мисрда қурбонлик қилишларига руҳсат беради. Бунга Мусо рози бўлмайди ва Мисрнинг ташқарисида қурбонлик қилишларини айтади, ноилож қолган фиръавн бунга розилик билдиради. Фиръавн Мусодан, халқдан бу пашша балосидан қутилишлари учун дуо қилишини сўрайди, Мусо рози бўлиб, унинг хузуридан чиқиши билан дуо қилади. Халқдан пашша балоси кўтарилди, аммо, фиръавн яна шаккоклик қилди, юрагини тош қилиб, халқни қўйиб юбормади.

Эртаси куни Яҳова Мусога вахий юборди: «**Кейин Яҳова Мусога шундай деди: «Фиръавн олдига бориб, унга қуйидагиларни айт: «Ибронийларнинг Тангриси Яҳова мана бундай деяпти: Менга хизмат қилиши учун халқимни қўйиб юбор. Борди-ю, уларни қўйиб юборишдан бош тортиб, ушлаб турадиган бўлсанг, унда Яҳованинг қўли далангдаги чорвангга қарши кўтарилади. У отларинг, эшакларинг, туяларинг, қорамолу қўй-эчкиларингга даҳшатли офат юборади. Лекин Яҳова Миср чорвасидан Исроил чорвасини ажратиб қўяди ва Исроил халқига тегишли моллардан биттаси ҳам нобуд бўлмайди».** Бундан ташқари, Яҳова: «**Мен Яҳова эртага шу юртда буни амалга ошираман**», – дея вақтни белгилади. Эртаси куни Яҳова Ўзи айтганидек қилди ва Мисрдаги чорванинг барча турлари нобуд

¹ Шмот 8:20-24

бўла бошлади. Аммо Исроил халқининг чорвасидан биттаси ҳам нобуд бўлмади».¹ Фиръавн одам юбориб, Исроил халқининг чорвасига бориб текшириб келишини амр этади, ҳақиқатан уларнинг ҳеч бир моли нобуд бўлмаган бўлади. Фиръавннинг юраги тошлигича қолди. Аммо баҳс янада шиддатлаша бошлади.

Кейинги кун Мусо ва Ҳорун: «Улар хумдондан кул олиб, фиръавннинг хузурига боришди. Мусо кулни ҳавога сочиб юборган эди, одамлару жониворларга чипқонлар чиқа бошлади. Коҳинлар Мусонинг олдига кела олишмади. Чунки уларга ва барча мисрликларга чипқонлар чиқиб кетган эди. Бироқ Яҳова фиръавннинг юраги тошлигича қолишига йўл қўйди. Яҳова Мусога айтганидек, фиръавн уларга қулоқ солмади».² Фиръавннинг қаҳри шу даражада қаттиқлигини шу ердан ҳам англаса бўлади. Шунча балолар устига танага чиққан ушбу яралар ҳам уни эгдира олмади. Манбаларда келишича Миср халқига чиққан чипқонлар шу даражада оғир эдики, одам ёнига яқинлашса шу даража бадбўй ва сассиқ бўлиб йиринг оқаётгани кўриниб турган.

«Яҳова: «Эртага Мен шу вақтда Мисрга шунақанги кучли дўл ёғдираманки, Миср пайдо бўлганидан бери ҳали бунақа дўл ёғмаган. Шунинг учун одам юбориб, барча чорвангни ҳамда даладаги сенга тегисли бўлган ҳамма нарсани пана жойга йиғ. Акс ҳолда, далада қолиб кетган одамлару жониворлар дўлдан қирилиб кетади». Фиръавн хизматкорлари орасида Яҳованинг сўзидан кўрққанлар, ўша заҳотиёқ хизматкорлари ва чорваларини уйларига олиб киришди. Лекин Яҳованинг сўзини назарига илмаганлар, хизматкорларию чорваларини далада қолдиришди. Яҳова Мусога: «Бутун Миср юртига, одамлар, жониворлар ҳамда даладаги ўсимликларга дўл ёғиши учун қўлингни осмонга

¹ Шмот 9:1-6

² Шмот 9:10-12

узат», – деди. Мусо таёғини осмонга узатган эди, Яҳова момақалди роқ гулдуратиб, дўл ёғдирди, ерга яшин тушди, Яҳова Миср юрти устига дўл ёғдирди. Дўл ёғиб, орасида яшин чакнаб турди. Жуда шиддатли дўл ёғди, Миср халқининг тарихида ҳали бундай кучли дўл ёғмаган эди. Дўл бутун Миср юртини, даладаги барча нарсаларни: одамлар ҳамда жониворларни урди ва даладаги барча ўсимликлару дарахтларни яксон қилди. Фақатгина Исроил халқи яшайдиган Гўшен ерига дўл ёғмади».¹ Фиръавн Мусони чақиртириб яна ваъдалар берди, дуо қилса Исроил халқини кўйиб юборишини айтди, Мусо дуо қилиши билан эса яна фикридан қайтиб тураверди.

Яҳова Мусога қуйидаги гапларни унинг ҳузурига бориб айтишни буюрди: «Агар халқимни кўйиб юборишдан бош тортаверсанг, Мен эртага юртингга чигирткаларни юбораман. Чигирткалар бутун ер юзини қоплайди ва ерни кўриш имкони бўлмай қолади. Улар дўлдан омон қолган барча нарсани, далангизда ўсаётган барча дарахтларни еб битиради. Сенинг уйлари, барча хизматкорларинг уйлари ҳамда Мисрдаги жамики уйлар чигирткага тўлиб кетади. Бунчалик кўп чигирткаларни ота-боболаринг умрида ҳам кўрмаган»² деб айтади.

«Шуларни айтгач, Мусо фиръавн ҳузуридан қайтиб чиқди. Шундан кейин фиръавннинг хизматкорлари унга: «Бу киши қачонгача бизга таҳдид қилади? Тангриси Яҳовага хизмат қилиши учун халқни кўйиб юборинг. Миср вайрон бўлаётганини ҳали ҳам тушунмаяпсизми?» – деб айтишди. Шунда Мусо билан Ҳорунни орқага қайтаришди ва фиръавн уларга: «Боринглар, Худойингиз Яҳовага хизмат қилинглар», – деди-да: «Фақат кимлар боради?» – дея сўради. Мусо

¹ Шмот 9:18-26

² Шмот 10:4-6

унга жавобан: «Ёшу қари, ўғил-қизларимиз ҳамда қўю қорамолларимиз билан кетамиз, чунки биз Яҳовага аталган байрамни нишонлаймиз», – деди. Фиръавн уларга шундай деди: «Мабодо сизларни бола-чақангиз билан қўйиб юборсам, Яҳова сизлар билан экани рост бўлиб чиқади, шундайми?! Ниятингиз ёмон эканлиги аниқ. Йўқ! Фақат эркаклар бориб Яҳовага хизмат қилиши мумкин, ахир сизлар шуни талаб қилаётган эдингиз-ку». Бундан сўнг уларни фиръавн ҳузуридан ҳайдаб чиқаришди. Яҳова Мусога: «Миср юрти узра қўлингни узатсанг, чигирткалар ёпирилиб келиб, юртдаги ҳамма ўсимликларни ҳамда дўлдан омон қолган барча нарсаларни еб битиради»,– деб айтди. Мусо таёғини Миср юрти узра узатиши биланоқ, Яҳова юртга шарқ томондан шамол эстирди. Шамол бир кечаю кундуз эсиб, эрталаб шарқ томондан чигирткаларни ҳайдаб келди. Чигирткалар ёпирилиб, бутун Миср юртини қоплаб олди. Бу жуда даҳшатли эди. Бундан олдин ҳали ҳеч қачон шунчалик кўп чигирткалар бўлмаган эди, бундан кейин ҳам бўлмайди. Чигирткалар бутун юртни қоплаб олганидан, юрт қоронғи бўлиб қолди. Улар юртдаги барча ўсимликларнию дўлдан омон қолган дарахтлардаги барча меваларни еб битиришди. Бутун Миср юртидаги дарахтларда битта ҳам яшил барг, далаларда битта ҳам ўсимлик қолмади».¹ Фиръавн Мусони чақиртириб яна дуо қилишини, бу сафар аниқ қўйиб юборишини айтади. Мусо дуо қилади, Яҳова шамол йўналишини ғарбга қаратиб ўзгартиради, чигирткаларнинг ҳаммаси Қизил денгиз тарафга қараб учуриб кетади. Аммо, фиръавн ҳар доимгидек Исроил халқини қўйиб юбормади.

«Сўнг Яҳова Мусога: «Миср юртини қоронғилик, қуюқ қоронғилик қоплаши учун қўлингни осмонга қўтар», деди»². Шунинг билан бутун Миср қоронғилик-

¹ Шмот 10:6-15

² Шмот 10:21

ка чўмади, одамлар бир-бирини кўра олмайдилар, фақат, Исроил халқининг уйлари нурдан порлаб турарди. Бу зулмат уч кун давом этди. Бу ҳолатга бардоши етмаган фиръавн Мусога чорва молларини ташлаб Мисрни тарк этишга рухсат беради. Аммо, Мусо уларни қурбонлик учун тақдим этиш сабаби ила кераклигини билдириб рад этади. Шундан сўнг фиръавннинг жаҳди чиқиб, уни олди-дан қувиб юборади ва яна келадиган бўлса қатл этилишини айтиб таҳдид қилади.



«Мисрнинг зулматга чўмиши»
(Иллюстрация)

Кейин Яҳова Мусога охирги марта фиръавнга бало ёғдиришини ва бу орқали унинг ўзи Исроил халқини ҳайдаб чиқаришини маълум қилади. «Тахминан ярим тунда Мен Мисрни оралаб ўтаман ва Миср юртидаги ҳар бир тўнғич – тахтда ўтирган фиръавннинг тўнғичидан тортиб, қўл тегирмонида ишлаётган чўрининг тўнғичигача, шунингдек, ҳар бир чорванинг биринчи боласи ўлади. Бутун Миср юртида,


бундан олдин ҳам бўлмаган ва бундан кейин ҳам юз бермайдиган кучли дод-фарёд кўтарилади. Аммо на Исроил халқига, на уларнинг бирорта жониворига зиён етади. Ҳатто ит ҳам вовиллаб уларни қўрқитмайди. Шунда Яҳова мисрликларни Исроил халқидан ажратиб қўйишга қодир эканини билиб оласизлар»,¹ «Бутун Исроил жамоасига мана бундай деб айтишлар: «Шу ойнинг ўнинчи куни улар ўз оиласи учун битта қўйни танлаб олсин, ҳар бир хонадонга битта қўй танлансин. Борди-ю, битта қўй оилага кўплик қилса, унда оила боши ён қўшниси билан киши сонини инобатга олган ҳолда келишиб, қўйни қўшниси билан бирга ўзининг уйида есин. Одам сони, битта қўйни неча киши ея олса, шунга яраша бўлсин. Жонлиқ нуқсонсиз, бир яшар қўчқор бўлсин. Уни ёш қўчқорлар ёки такалар орасидан танлаб олишингиз мумкин. Жонлиқни шу ойнинг 14- кунигача боқинглар ва Исроил жамоасидаги ҳар бир оила уни оқшом пайти сўйсин. Улар жонлиқ қонидан олиб, унинг гўшти ейиладиган хонадон эшигининг икки ёндорига ва тепа тахта-сига сачратишсин. Гўштни ўша кечасиёқ ейишлари керак. Уни оловда пишириб, хамиртурушсиз нон ва нордон ўтлар билан тановул қилишсин. Гўштни хом ёки сувда қайнатилган ҳолда тановул қилишмасин. Жонлиқнинг калла-почалари ҳамда ички аъзолари гўшти билан бирга оловда пиширилиши лозим. Эрталабгача ҳеч нарса қолмаслиги керак. Агар эрталабгача ортиб қолса, ортганини оловда куйдиришлар. Уни еяётганда белбоғингизни боғлаб, сандалларингизни кийиб, таёғингизни қўлингизга олинглар. Уни шошилиб енглар. Бу – Яҳованинг Фисиҳ қурбонлиги. Ўша кеча Мен Миср юртини оралаб ўтаман, Миср юртидаги одамларнинг тўнғичидан тортиб жониворнинг биринчи боласигача – ҳаммасини қириб ташлайман.

¹ Шмот 11:4-7

Мисрнинг барча худоларини ҳукм қиламан. Мен Яҳоваман. Эшик ёндорларидаги қон уйлариингизга қўйилган белги бўлиб хизмат қилади. Мен қонни кўриб, сизларни четлаб ўтаман ва Миср юртини жазолаганимда, ҳалокатли офат сизларга зарар етказмайди»¹

Шунинг билан, ярим тунда Миср юртидаги ҳар бир тўнғич – тахтада ўтирган фиръавннинг тўнғичидан тортиб, зиндонда ётган кишининг тўнғичигача, ҳар бир чорванинг биринчи боласини Яҳова нобуд қилди. Ярим кечаси фиръавн, унинг ҳамма хизматкорлари ва барча мисрликлар ўринларидан туришди. Мисрликлар орасида кучли дод-фарёд кўтарилди, чунки одам ўлмаган хонадоннинг ўзи йўқ эди.

Фиръавн мотам билан Мусони ҳузурига чақиртириб, унга Исроил халқини олиб Мисрдан чиқиб кетишига рухсат беради, уни қувади. Болалар ва аёлларни ҳисобламаганда эркаклардан иборат 600 минг киши Мисрни тарк этади.



«Фиръавннинг тўнғич ўглининг ўлиши»
(Иллюстрация)

¹ Шмот 12:3-13

МУСОНИНГ ОТАСИ – АМРАМ¹

Амрам ёки араб тилидаги Имром ёки Имрон – Моше (Мусо) пайғамбар, Хорун ва Маръямнинг отаси². Тавротга кўра Қофнинг ўғли бўлган ва баъзи септуагинт юнонлотин манбаларда аёли Иохаведа, ўзининг отасининг синглиси бўлганлиги келтрилади.³

Имром нафақат Исломий ва яхудий манбаларда, балки, насроний манбаларда ҳам келтирилади. Хусусан, Инжилда ҳам Моше (Мусо), Аарон (Хорун) ва Маръямнинг отаси Амрам деб номи зикр қилинган.

Имром Мисрда туғилган ва 137 ёшида вафот этган.⁴

Биламизки, диний манбаларда иккита Имрон номи келади, биринчиси Мусо, Хорун ва Маръямнинг отаси Имром ва Маръямнинг отаси Имрон. Иккаласини бири-биридан фарқлаш учун Қуръони Каримдаги оятлардан кўришимиз керак бўлади. Қуръони Каримнинг Нисо сураси 33-оятда шундай деб келтирилади:

إِنَّا لِلَّهِ صُطَفَاءُ دَمُونُوحًا وَإِلَىٰ إِبْرَاهِيمَ وَالْعِمْرَانَ عَلَمًا لِّعَالَمِينَ

«Албатта Аллоҳ, Одам ва Нухни ва Иброҳим хонадонини ва Имрон хонадонини бутун оламлар устида (пайғамбарлик учун) танлаб олди»

Бу ерда номи зикр қилинган Имрон – Мусонинг отаси Имром эмас, балки, Маръямнинг отаси (Исо пайғамбарнинг бобоси) Имрон деб тушунилиши керак. Чунки, Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг яна бир ўрнида, яъни

¹ Амрам – ислом динидаги ва арабчадаги Имром - Имрон

² Шмот 6:18, Сонлар 26:59

³ Шмот 6:16-20

⁴ Шмот 6:20

Таҳрим сурасининг 66-оятда шундай деб таъкидлайди:

وَمَرْيَمَ ابْنَتَ عِمْرَانَ الَّتِي أَحْصَنَتْ فَرْجَهَا فَنفَخْنَا فِيهِ مِنْ رُوحِنَا
وَصَدَّقَتْ بِكَلِمَاتِ رَبِّهَا وَكُتِبَ عَلَيْهَا مِنَ الْقَاتِنِينَ

«Яна (Аллоҳ иймон келтирган зотлар ҳақида) ўз номусини сақлаган аёлни – Имрон қизи Марьямни мисол келтирди. Бас, Биз ўз тарафимиздан бўлган руҳни унга пуфладик (ва у Ийсога ҳомиладор бўлди). У Парвардигорининг сўзларини ва китобларини тасдиқ этди ҳамда (Аллоҳнинг амрига) итоат этгувчилардан бўлди»

Бу оятларда келаётган Имрон – Исонинг онаси Марьямнинг отаси Имрон бўлади. У ерда Мусо пайғамбарнинг отаси деб келган қавл учрамайди. Ўзи умуман олганда Қуръони Каримда Мусо пайғамбар отаси ва онаси, генеалогияси (шажараси)га оид маълумот мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Мусо пайғамбарнинг отаси Имром Мисрда туғилган Марьямнинг отаси Имрон эса Исроил ҳудудларида яъни, Мусо пайғамбар Исроил қавмини Мисрдан олиб чиқиб Исроилга олиб келиб жойлаштиригандан анча кейин, Довуд, Сулаймон, Яхё, Закариё ва бошқа пайғамбарлардан сўнг Исо пайғамбар туғилган.

МУСОНИНГ ОНАСИ – ИОХАВЕДА¹

Иохаведа (иврит тилида «Худо менинг шарафим») – Тавротда Имромнинг аёли, отасининг синглиси, Мусо, Ҳорун ва Марьямнинг онаси.

Манбаларда келтирилганидек, Мусо, Мисрликлар яҳудий халқини ва чақалоқларини энг қийнаётган замон-

¹ Иоховеда – Ислом динидаги Якубайт

да дунёга келган. Шунинг учун, онаси Иохаведа Мусони уч ёшигача уйда сақлайди, яширади. Аммо бу пайтга келиб, табиийки, чақалоқ ўзининг йиғиси ва овози билан дарров ўзининг борлигини билдириб қўйиш эҳтимоли ҳам катта бўлган. Шундай бўлди ҳам, Иохаведа болани олиб кетишларидан қўрқиб, ўзи ҳаракат қилишга киришди. Папирусдан ясалган саватни олиб ичига тупроқни тўлдириб, япроқларни солди ва ичига сув ўтмайдиган қилиб Мусони унинг ичига ётқизди. У турган жойда сув секин ва равон оқаётган бўлган. Маълумки, тимсохлар папирус доналарини ва ўсимлигини хушлашмаган. Шунинг учун, Мусо солинган саватга ҳеч нарса зарар бермаган ҳолда Фиръавннинг қизи Бифья¹ чўмилаётган қўлга оқиб унинг ёнарларида тўхтади. Онасининг айтганини қилиб, унинг ортидан кузатиб келган онаси Марям, бўлиб ўтган воқеани онасига бориб етказди. Шундагина, Иохаведанинг кўнгли таскин топади.

Бифьянинг хизматкори дарёдаги бола саси чиқаётган саватни кўриб дарров сувга тушиб, саватни қўлига олади. Кўриб ҳайрон қолиб, саватдаги болани олиб Бифьяга олиб боради. Болага назар солган Бифьянинг унга меҳри тушади. Унга Моше ёки Мусо яъни «сувдан, сувдан олинган» деб исм қўяди.

МУСОНИНГ ОНАСИ – БИФЪЯ

Бифья (баъзи манбаларда Бития)², номаълум бир фиръавннинг қизи, Яхудо қавмидан бўлган Мереднинг аёли ва Мусони катта қилган онаси.

Бифья тери касаллиги билан оғриган бўлади ва фақат совуқ оқар сувда чўмилиши мумкин бўлади. Кунларнинг бирида, сарой боғидаги қўлда чўмилишга чиқади.

¹ Бифья – Ислом динидаги Осиё бинт Мазоҳим

² Еврейская энциклопедия Брокгауза и Ефрона – СПб, 1908-1913

Шунда саватдаги болага кўзи тушиб қўлига олади ва унга Моше яъни Мусо деб ном қўяди. Унинг қўли Мусога тегиши билан дардига шифо топади, шунинг учун унинг муборак фарзанд эканини олдиндан сезиб, уни ёнида олиб қолади.¹

Бифья уни ўғли сифатида сақлаб олганидан сўнг, Худо унга вахий қилади: «Сен Мусони ёнингга олиб, уни ўғлим дединг, батаҳқиқ уни сен туғмаган эдинг, энди мен ҳам сени қизим дейман, батаҳқиқ сен менинг қизим эмассан»² дейди.

Саватдаги Мусони кузатиб турган Марям, Бифьянинг ёнига бориб, уни йиғидан овутиш учун эмизиш керак ёки энага тутиш керак, дейди. Шундан сўнг Иохаведа саройга келади ва ўз ўғлига энага бўлиб ўзи уни эмизади.



*Бифья ва унинг хизматкори Мусонинг олдида
(Иллюстрация)*

¹ Pirke r. El., XLVIII; Schem rab., I, 27

² Паралипоменон 1 китоб 4:18

МАДЯН ҚАВМИ

Мадян қавми – ярим кўчманчи халқ бўлиб, Қуръони Карим ва Тавротда номи келган. Авраам яъни Иброҳим пайғамбарнинг Сорадан кейин уйланган Хеттура исмли канизагидан бўлган ўғли Мадяндан тарқалишган.¹ Тур водийси яқинидаги ҳудудларда яшашган.

Мадян қавми асосан туялар боқишган ва чорвачилик билан шуғулланишган. Улар ҳақидаги кўп маълумотлар асосан Мусо пайғамбар қиссаларида келтирилади. Жумладан, Мадян қавми руҳонийси Иофор ёки Итронинг қизи Ципорани никоҳига олади ва иккита ўғли бўлади².

Исроил халқи Мисрдан чиқиб Канъон ерларига боришганида Мадян қавми атрофига ўрнашишади.

МУСОНИНГ ҚАЙИНОТАСИ – ИТРО³

Итро⁴ – Тавротда номи зикр қилинган Мадям қавмининг йўлбошчиси, руҳоний, Сепфора яъни Ципоранинг отаси, Мусо пайғамбарнинг қайинотаси, чўпон, чорвадор. Ливан, Сурия ва Иорданияда тарқалган арабларнинг отаси ҳисобланади.⁵ Инжилда унинг исми Рағуил ва Ховав деб ҳам келтирилади.

Итронинг Ислом динидаги Шуайб алайҳиссалом деб талқин қилиниши кўплаб олимлар томонидан асоссиз деб қаралади.⁶

¹ Палалипоменон 1 китоб 1:32

² Шмот 2:21

³ Итро – Исломда Шуайб деб талқин қилинади.

⁴ Итро – Тавротда «Итро», «Йитро» деб ҳам келади, Инжилда ва баъзи манбаларда Иофор деб ҳам талқин қилиниши мумкин

⁵ Robert Ullian. Frommer's Israel – 6. John Wiley & Sons, 5 November 2010. – P. 422- ISBN 9780470934388

⁶ Пиотровский М.Б. Коранические сказания. – Главная редакция восточной литературы, 1991. – 219 стр.

Мусо Исроил халқини Мисрдан олиб чиқиб кетгандан сўнг Туво водийси ёнида Итро билан учрашиб қолишди. Шунда у Мусога, Исроил халқини тартиб-интизомга солиш учун ҳар мингта одамга, ҳар беш юзта одамга, ҳар юзта ва ҳар элликта одамнинг устидан, тартиб интизомга риояга қила оладиган ва худодан қўрқадиган ҳакам қўйиш таклифини бериб, қонунга амал қилиш тизимини ўрнатишга чақирган.

МУСОНИНГ АЁЛИ – ЦИПОРА¹

Ципора – араб тилида «Сиффура» бўлиб келади, Итронинг қизи, Мусонинг аёли, Гершом ва Элиазарнинг онаси.

Тавротда келишича, Мусонинг акаси Ҳорун ва Марям, унинг мадянлик қизга уйланганини ёқтирмай, ҳафа қилишга ҳаракат қилишган. Бунга сабаб, балки унинг қора танли эканлиги ҳам бўлиши мумкин.

«Мусо Куш юртидан бўлган аёлга уйлангани учун Марям билан Ҳорун Мусога қарши гапира бошлашди».²

Куш юрти деб, Нубия ёки Хабашистон Эфиопия худудлари назарда тутилган.

МУСОНИНГ АКАСИ – ААРОН ЁКИ ҲОРУН

Аарон – Ислом динидаги Ҳорун ибн Имром алайҳиссаломнинг иброний тилдаги талқини. Эрамиздан аввалги 1574-йилда Мисрда туғилган. Мусо пайғамбардан уч ёшга катта бўлган акаси, илк яҳудий рухоний бўлган. Имром ва Иохаведанинг катта ўғли.

¹ Ципора, Сепфора, Зиппура, Сиффура – бир хил маънода талқин қилинади.

² Бемидбар (Сонлар) 12:1

Эрамиздан аввалги 1491-йилда Яҳованинг Мусога қилган вахийси орқали, унга ёрдамчи бўлиб тайинланади. Мусо пайғамбардан кейинги ўринда турган Ҳорун – Миср фиръавни ва Исроил халқи олдида кўплаб даъватларни қилган, хусусан, таёқни илонга айлантирган, дарёни қонга айлантириш учун таёқни сувга юритган ва ҳ.к. Мусонинг ўзи унга Таврот нозил бўлганда катта аҳамиятли ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, манбаларда, Ҳоруннинг – тили ўткир, нотик ва воиз бўлиб келади, балки шунинг учун, кўплаб даъватларни у олиб борган бўлиши мумкин.

Скиния¹ қурилганидан сўнг, руҳоний сифатида эълон қилинади, ушбу мақом асосан, отадан болага ўтиб, катта ўғиллардан бошлаб эгаллаши мумкин бўлган. У илк бор руҳоний бўлиб, дин хизматчилари, коэнлар² ва руҳонийлар мақоми бўйича қонунни ишлаб чиққан.

Елизавета ва Наассон исмли аёлларга уйланган, улардан Надов, Авиуда, Елазар ва Ифамар исмли фарзандлари бўлган.

Мусо Тур тоғига чиқиб кетганида Ҳорунни ўзига ўринбосар қилиб тайинлаб кетган бўлади. Аммо, у келгунича Ҳорун Исроилликларга олтиндан ясалган буқани илоҳ қилиб ясаб берган бўлади. Яҳованинг унга қаҳри келади, аммо, Мусо Ҳорунни Яҳованинг қаҳридан асраб қолади.

«Бир мунча вақт ўтиб, Ҳоруннинг ўғиллари Надов билан Абиҳу олов кураklarига олов солиб, устига тутатқи қўйишди-да, Яҳованинг олдида, У буюрмаган, қонунга зид бўлган оловни олиб киришди. Шунда Яҳованинг ҳузуридан олов тушиб, уларни ҳалок қилди. Шу тариқа улар Яҳованинг ҳузурида ўлишди»³

¹ Скиния – Исроилдаги маъбад қурилгунча қурбонлик қилиш ва Аҳд сандиғи сақланадиган муқаддас жой.

² Коэн – Аарон уруғидан бошланадиган дин хизматчилари, Скинияда сўнг Қуддусдаги маъбадда хизмат қилишган.

³ (Левилар) 10:1-2

РАСУДУЛЛОҲНИНГ МУСО АЛАЙҲИССАЛОМДАН УЛУҒЛИГИ

- *Мусо (а.с.)га «Каломуллоҳ» яъни «Аллоҳнинг Каломи» мақоми берилган. Расулуллоҳга эса Меърож кечаси Аллоҳ таоло билан ёлғиз гаплашиш насиб қилган ва «Ҳабибуллоҳ» яъни «Аллоҳнинг суюклиси» мақоми берилган.*

- *Мусо (а.с.)нинг қўли Аллоҳнинг иродаси ила нур тартиб турган, унга кофирлар ва гуноҳкорларни тўғри йўлга бошлаш учун шу мўъжиза қилиб берилган. Расулуллоҳсоллаллоҳ алайҳи ва салламга эса илм ва ирфонда нур сочиб тургувчи саҳобалар берилган.*

- *Мусо (а.с.)га Фиръавннинг ёнидаги сеҳргарларини ожиз қолдириш учун таёгини илонга айланттира олиш мўъжизаси берилган. Расулуллоҳсоллаллоҳ алайҳи ва салламга эса гунокорларнинг гуноҳини ювгувчи шариат неъматини берилган.*

- *Мусо (а.с.) Исроил халқига раҳбар ва пайгамбар қилиб юборилган. Русулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса, дунё ва охират оламига азиз ва расул бўлиш учун юборилган.*

- *Мусо (а.с.) Аллоҳ таоло билан мулоқот қилиш учун (юриб) борган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса унинг ҳузурига кўтарилган.*

- *Мусо (а.с.)га Аллоҳ таоло Тур тоғида намоён бўлган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эса Ўз Аршида нурлар ила кўринган.*

- *Аллоҳ таоло Мусо (а.с.) билан Тур тоғида кўришгунча 40 кун давомида Мусо (а.с.)нинг овқатланишига йўл қўймаган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни эса ўзи ҳар кун таомлантирган.*

- *Мусо (а.с.) ҳар тунни бедор ибодатларда ўтказиб, кундузлари Аллоҳ таолонинг ҳузурига Тур тоғига чиққан. Расу-*

лulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам эса Бууроқ отида, на инсон ва на фаришта учиб ўтмас жойга кўтарилган.

- Мусо (а.с.) Бани Исроил ёмон ишлар қилишни бошласа, уларга қарши урушган. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам эса умматларига қарши урушмаган, чунки, умматлари учун унинг сўзи қонундек бўлган.

- Мусо (а.с.) Аллоҳ таолонинг овозини эшитиб, қувониб, ундан жамолини кўрсатишини сўрайди. Аллоҳ таоло Тур тоғига назарини ташлайди, тоғ эриб кетади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламни эса Аллоҳ таоло ўз ҳузурига кўтариб жамолига мушарраф қилган.

- Мусо (а.с.) Туво водийсида Аллоҳ таолодан оёқ кийимини ечиш ҳақида ваҳий келади ва Мусо (а.с.) оёқ кийимини ечди. Қачонки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Аршда бўлган пайти оёқ кийимини ечмоқчи бўлади, шунда унга овоз келади: «Сандалингни ечма, батаҳқиқ Арш оёгингдаги чанглар билан фахрланишни хоҳлаяпди».

- Мусо (а.с.)ни келганини билдириш учун: «Қачонки, Мусо келганида...» дейилган бўлса, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламни эса: «Аллоҳ севган қулини кўтарганда...» деб келтирилади.

- Мусо (а.с.) Тур тоғига чиқиб кетганида Бани Исроил ўзига буқадан илоҳ ясаб сигина бошлайди. Умматларда эса, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салам вафот этганидан сўнг ҳам шариат зарар кўрмади, балки, иймонлари янада ошди.

ИСЛОМ – ЎЗИДАН ОЛДИНГИ ДИНЛАРНИНГ ХОТИМАСИ ВА МУКАММАЛИДИР

Ислom – Аллоҳ таоло барча тирик махлуқотларига (инсоният, ҳайвонот, наботот, фаришталар, жинлар, шайтонлар, шунга ўхшаш тирик ҳилқатлар) ва жамиъ-

ки оламга юборган, ўзидан олдин туширилган иброний, яҳудий ва нарсоний динларининг тамоми, мукаммали ва устунидир.

Яҳудийлик ва нарсонийлик динлари каби монотеизм (яккахудолик) ғояларига асосланган бўлсада, Ислом дини уларнинг охиргиси ҳисобланади, энг асосийси, муборак динимиз, бошқа динларга қараганда ёш бўлсада Аллоҳ таоло ўзининг расули ва ҳабиби бўлмиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам орқали бандаларига муҳташам ва салобатли қилиб етказди. Мусулмон бўлган ҳар бир киши унинг ақийдаси, фикҳи ва амали нақадар гўзаллигини билади.

Аллоҳ таоло оламни яратибдики ўзининг солиҳ бандаларидан бўлмиш пайғамбарларни танлаб, маълум бир қавм ёки халқни даъват учун масъул қилди. Баъзи манбаларда уларнинг сони 124 минг дейилади. Уларнинг барчаси расуллар ва набийлар ҳисобланади. Расул ўзи билан Аллоҳ таолонинг шариати ва динини олиб тушадиган киши ҳисобланади, набийлар эса расуллар томонидан олиб тушилган шариатга даъват қилиб, унга амал қилишга чақиришади. Расуллик даражасига Нух, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам эришганлар. Аллоҳ таоло уларга ўзининг шариатини, муборак китоби ёки саҳифаларини туширган. Улар орқали пок ва муборак динлар вужудга келган.

Хусусан, Мусо алайҳиссаломга ҳам Аллоҳ таоло ўзининг шариатини ва у билан бирга Таврот китобини нозил қилди. Мусо алайҳиссалом Бани Исроил қавмига пайғамбар этиб юборилди, уларни 400 йиллик Фиръавн ва Мисрликларнинг тазйиқидан озод қилди, Мисрдан олиб чиқиб кетди. Аллоҳ таолонинг унга юборган шариати ва муборак китоби унгагина иймон келтириш ва сиғинишга даъват этган, аммо, вақт ўтиши билан унга қўплаб қўшим-


ча ва ўзгартиришлар киритилган, натижада унинг асли йўқотилган. Аммо, бу орқали дунёга яҳудийлик дини тарқалди, уларнинг китоби Таврот ва йўлбошчиси Мусо алайҳиссалом бўлди. Ундан сўнг Аллоҳ таоло кўплаб набийларни юборди. Жумладан, Довуд, Сулаймон, Яҳё, Закариё, Илёс алайҳимуссалом ва бошқалар.

Шулардан сўнг Исроилда Ийсо алайҳиссалом дунёга келди, у билан Аллоҳ таоло Инжил китобини нозил қилди ва ўзидан кейин келадиган қиёмат пайғамбари келишини даъват қилишга буюрди.

Шунинг билан Ийсо алайҳиссаломдан қарийб 400 йил ўтиб 570 ёки 571 йилда Маккада, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ яъни Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам дунёга келди. Дунё яратилгандан сўнг, минг йиллаб кутилган, оламлар ва инсонларнинг азизи бўлмиш зот дунё юзини кўрди. Аллоҳ таоло у зот орқали биз бандаларига Ислом каби буюк неъмат ва Қуръони Карим каби гўзал каломини юборди. Ислом юборилиши билан, ўзидан оддинги динлар ва эътиқодларга раддия бўлди, у ўзида барча бандаларни бирлаштиришни ирода қилди ҳамда тинч, осуда ва гўзал умматларни ривожлантирди. Энг асосийси, ўзидан, оддин келган пайғамбарларга ва китобларига ҳам иймон келтириш буюрилди. Шунинг билан ҳар бир мусулмон, инсонлар қайси динда бўлмасин ва қайси пайғамбарга эргашмасин, уларга нисбатан мулойимлик ва муомалани сақлаб қолди, бу эса Расулуллоҳнинг одобларидан бир намуна эди.

УЧИНЧИ БОБ

МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ
ҲАЁТИНИНГ ИЛМИЙ
АСОСЛАРИ



ФАН ВА МУСО (АЛАЙҲИССАЛОМ) БИЛАН БОҒЛИҚ ТАДҚИҚОТЛАР

Ҳозирда дунё ва жаҳон бўйича кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар томонидан исломшунослик ва диншунослик фанларига оид илмий изланишлар қилинмоқда. Бу изланишлар натижалари, хусусан, дин тарихи, дин психологияси, дин социологияси, манбашунослик ва ислом дини аҳкомларини тарғиб қилишда асосий воситачи бўлмоқда. Дунё илм-фан жамияти, эндиликда ислом ва ислом асосларини нафақат эътиқодга доир фан ёки таълим сифатида, балки умумий гуманитар соҳа фанлари сифатида қаралмоқда, чунки, Қуръони карим оятларида келган кўплаб маълумотлар муттассил ўзининг исбот ва далилини топиб келмоқда. Бу эса ўз ўрнида Ислом динининг жаҳон динлари орасида ва умумий олиб қаралганда, Ислом динининг социаллашуви, тарихий аҳамиятининг кучлилиги, ўзига хос гўзал амаллари ва шахсга доир психологиянинг мукамаллигини тарғиб қилиши кучайганлигидан далолат. Бизга дин асосларининг фикҳий, ақидавий, тасаввуфий, амалий ва назарий тармоқлари маълум. Улар ҳозирги кунгача аجدодларимиз ва дунё олимлари томонидан ўрганилиб келинган ва ҳозирги кунда ҳам изланишмоқда. Эндиликда эса, исломнинг нафақат эътиқодий томонларини, балки, фан билан боғлиқлигини ҳам ўрганишга тушилди. Жумладан, инсон намоз ўқиганида унинг жисмоний ҳаракатининг организмга фойдали таъсири, Қуръони карим тиловатининг инсон руҳи билан таъсирлашуви, диний таълим-тарбиянинг жамиятдаги янгилиниш сифатида қаралиши каби илмий далилларга изланиш ва тадқиқотлар асосида эришилди. Ҳозирги кунда бундай тадқиқотлар кўплаб жаҳон диний ташкилот ёки таълим муассасларида олиб борилмоқда, жумладан,

Россия Федерациясининг Россия Ислом институти ва Булгар Ислом академиясида, Буюк Британиядаги Оксфорд университетининг «Оксфорд Ислом маркази»да, Миср давлати Қоҳира шаҳридаги Ал-Азҳар Ислом университети, Саудия Арабистонининг Маккаи Мукаррамадаги Умм Ал-Қуръо ва Мадинаи Мунавварадаги Мадина университетларида, Қозоғистондаги Нур Муборак номидаги Қозоғистон-Миср ислом университетида ва албатта юртимиздаги Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти, Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси ва Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот маркази каби ташкилотлар илмий изланишларда етакчи бўлишмоқда.

Ушбу мавзу доирасида шу кунгача кўплаб мисршунос, тарихчи, диншунос ва исломшунос олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган ва илмий фаразлар олға сурилган.

Хусусан шу пайтгача, мавзуда номи келтирилган, диний-тарихий шахс (Мусо пайғамбар) нинг Қадимги Миср фиръавни Расмзес II даврида (эрамиздан аввалги 1279-1212 йиллар) яшаб ўтгани, кўплаб олимларнинг қарашлари асосида фаразланиб келинади. Унинг (Мусо пайғамбар-нинг) Қадимги Мисрда яшаб ўтганлиги ва у сабабли яҳудийларнинг бир гуруҳи узоқ йиллик қуллик ва таҳдиддан сўнг Мисрдан чиқиб кетганлиги манбаларда келтирилади. Аммо, баъзи илмий тадқиқотлар эса, унинг (Мусо пайғамбарнинг) Рамзес II давридан анча йиллар олдин яшаб ўтгани (Тутмос II – эрамиздан аввалги 1492-1479 йиллар) асослаб берилади. Улар ҳақидаги батафсил маълумот, Қуръони Карим ва ҳозирги Тавротда келтириб ўтилган. Мусо пайғамбарнинг қачон ва қайси даврда яшаб ўтганлигини аниқлаш у билан боғлиқ бўлган яна кўплаб диний-тарихий шахсларнинг (Ҳорун, Хизр, Шуъайб, Юъша ибн Нун пайғамбарлар) вақти, фаолияти ва жамиятга таъсирини тадқиқ қилиб ўрганилишига асос

бўлади. Бундан ташқари, улар ҳақидаги маълумотларнинг аксарияти ёки деярли ҳаммаси диний манбаларда ёзилган бўлса, ҳозирги даврда уларни фан назарияси билан илмий исботлаб бериш талаби қондирилган бўлади. Бундан ташқари, унинг ҳаётидаги қилган ишлари, фаолияти илмий нуқтаи назардан кўриб чиқилади ва аслияти ўрганиб чиқилади.

Тадқиқот натижаларидан бири сифатида, Мусо пайғамбарнинг Тутмос II даврида яшаб ўтганлигини исботлаш учун Қадимги Миср цивилизацияси ҳам ўрганилган.

Мавзу доирасидаги қўплаб илмий тадқиқот ва изланишлар ғарб олимларига тўғри келмоқда. Хусусан, А.Эдерштеймни олсак ҳам мақсадга мувофиқ бўлади, чунки, айнан ўша олим, Мусо пайғамбарнинг Тутмос II даврида яшаб ўтганини қайд этган илк тадқиқотчилардан ҳисобланади.¹

Бундан ташқари, тарихчи Иосиф Флавий ҳам ўз ўрнида Миср ва яҳудий халқи тарихига оид бир қанча китоблар қолдирган.² Лекин, шундайм, Мусо пайғамбарнинг яшаб ўтган даври ва Мисрдаги Исроил халқининг тарихи ҳозиргача ихтилофли мавзулардан бири ҳисобланади.³

Бундан ташқари, Рамзес II мақбараси 1798 йилда Наполеон экспедициясидаги олимлар томонидан топиб олинади. Генри Солт, ушбу қабрни текшириш ва тадқиқот ишларини олиб борган биринчи олимлардан бўлади. Лекин ер ости мақбараси, кириб бўлмас даражада ахлат ва сув чиқиндиларга тўлиб кетган бўлади. Қабр деворлари ва ичида денгиз тузи йиғилиб қолганлиги сабабли оқ ранг ҳосил қилган. Балки, шунинг учун унинг

¹ Эдерштейм А., Ветхий Завет Библии История , первоначально опубликовано 1876 1887, ISBN 156563165X , стр. 134

² Иосиф Флавий. О древности еврейского народа. Книга первая. khazarzar.skeptik.net. Дата обращения: 30 января 2019.

³ The Bible Unearthed by Neil Asher Silberman and Israel Finkelstein (Simon and Schuster, New York, 2001).

мумиясидан денгиз тузи аниқланган бўлиши мумкин. Шунингдек, Рамзес II нинг қабри, ўз даврида Роселлини ва Шампольон томонидан ҳам ўрганилган. 1845 йилда ушбу қабрнинг тузилишини аниқлаш мақсадида Карл Рихард Лепсиус ҳам келиб ўрганади. XIX – XX асрларда яна Шоҳлар водийсида сув босиш ҳолатлари бўлади, бу ерда яна KV7 қабри сув остида қолиб кетади. Кейинчалик, 1886 йилнинг 1 июнида Булак музейида, Гастон Масперо томонидан Рамзес II танаси (мумияси) очилган (4 соат давом этган). Тезлик билан ҳаракат қилиш натижасида, фиръавннинг танаси зарар кўради. 1902 йилдан унинг мумияси Мисрнинг Қоҳира шаҳридаги музейда сақланган. Кейинчалик уни янада яхши тадқиқ қилиш мақсадида Францияга жўнатиш ишлари бошланади. 1976 йилнинг 26 сентябрида «Трансаль» самолётида Франциянинг Буржа номидаги ҳарбий базасига келтирилади. Унинг танаси халқ ва кўплаб одамлар томонидан қизиқиш билан кутиб олинади. Шунда уни кутиб олишга, Франция президенти-нинг фармони билан Франциянинг фан ва таълим вазири мадам Элис Сантьер Сейте чиқади ва энг яхши тарзда кутиб олади. Лабораторияда юзлаб француз ва мисрлик олимлар омонидан, ҳарорат 19,5° ва 55-60% намлик ушлаб турилган ҳолда тадқиқ қилинади.

Мазкур мустақил тадқиқот ишида, Мусо пайғамбар даврида яшаган фиъавн Тутмос II бўлганлиги фарази қуйидаги манбага асосланади: Тутмос II нинг мумияси биринчи марта 1886 йил 1 июлда Гастон Масперо томонидан очиб ўрганилган. Тутмос II нинг танаси қадимий қабрларни талон-тарож қилганлар қўлидан қаттиқ азият чекканлиги, мумиянинг чап қўли елка бўғими узилган ва тирсак бўғимидан ажралган, ўнг қўли эса тирсакдан ажратилганлиги маълум бўлган. Унинг қорин одд қисми ва кўкрак қафасининг катта қисми, эҳтимол, болта билан синдирилган, шунингдек, унинг ўнг оёғи танадан ажратилган

бўлган. Бу жароҳатларнинг барчаси ўлимдан кейин содир бўлган бўлса-да, бундан ташқари, танаси Гастон Масперо таъкидлаганидек, Тутмос II нинг ҳаёти осон бўлмаганидан далолат беради, унинг сўзларига кўра:

«Ўттиз ёшга зўрага етиб, ўта оғир касаллик билан қийналгани, унинг танасини балзамлаш билан ҳам қолдириш мумкин эмас даражасида, териси дағал доғлар ва чандиқлар билан қопланган, бош суюгининг юқори қисми кал (сочи тўкилган), танаси озиб кетган, ҳажми бироз кичрайганлиги, унинг танасига ҳаётийлик ва мушакларининг кучи етмагандек бўлганга ўхшайди» деб келтиради¹.

Гарвард университетида таҳсил олган археолог – палеонтологик тадқиқотлар корпорацияси президенти доктор Жоель Клэнкнинг таъкидлашича, кўплаб археологик топилмалар Миср фиръавни Тутмос II давридаги инқироз (касаллик) дан далолат беради, деб таъкидлаган. Қуръони карим ва Тавротга кўра Мусо (алайҳиссалом) даврида Мисрга ҳар хил офат ва балолар юборилган, уларнинг кўпчилиги экологик инқироз сабабли эди. Табиийки, бунда халқнинг соғлигига зарар етган бўлса ажабмас.

Кленкнинг таъкидлашича: «Аслида фиръавнлар ўзларининг муваффақиятларини эълон қилиб, мақтанадилар ва кўпинча муваффақиятсизликлари ёки инқирозларига эътибор қилдирмай, унуттиришади» деб тавсифлайди. Археолог Жорж Даресси, Тутмос II нинг 18 йил ҳукмронлик қилганини ёзганига қарамай, ҳукмдор ҳақида ҳақида ўн саккизинчи сулола фиръавнларига қараганда камроқ манбалар, ёдгорликлар ёки ўз ҳукмронлиги давридаги кичик осори-атиқалар мавжуд. Бундан ташқари, Тутмос II га тегишли қурилиш лойиҳалари жуда оз бўлиб, Карнакдаги тугалланмаган оҳактош дарвозаси ва Самна, Кумма ва Элефантиндаги қурилиш қисмларини ўз ичига олади.

¹ <http://www.sbwire.com/press-releases/archaeologist-reign-of-egyptian-pharaoh-thutmose-ii-suggests-crisis-132349.htm>

Шунингдек, Миср расмийси Яхмос Пен-Нехбет Тутмос II Синайда шасу ёки қўчманчиларга қарши юриш қилганини эслатиб ўтади. Эҳтимол, унинг танаси денгиздан чиқарилиб (Қуръони Карим оятларига қўра) ва мумияланган ва ундаги яралар Мисрга етган оғир касаллиликлар асорати бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, Мусо пайғамбар яшаган даврни аниқлаш учун оддинги олимлар қилган тадқиқот ишидан ташқари экологик ташхис ва социологик-эмпирик тадқиқот йўли билан натижага эришилганлиги, сонлар ва йиллар, даврлар системаси асосида тахлиллаш ва мисршуносликнинг иероглифика усулларида фойдаланиш асосида олиб борилган. Энг асосийси, Мусо (алайҳиссалом) ҳаётининг ҳар лаҳзаси илмий изоҳлашга ҳаракат қилинган. Бу эса ўз ўрнида унинг ҳақиқатан яшаб ўтганлиги ва фаолиятининг тарихий аҳамиятга эга эканлигини очиқ беради.

ФАН НАЗАРИЯСИДА МУСО (АЛАЙҲИССАЛОМ) ШАХСИ

Мусо¹ – Мусо ибн Имрон, яҳудийликда – Моше, насронийликда – Моисей, Ислом динининг катта (расул) пайғамбарларидан бири, Аллоҳ таолонинг суҳбатдоши², Ёқуб³ пайғамбар авлодидан, Ҳорун пайғамбарнинг акаси. Инжилда Мусо (Моисей) сифатида гавдаланади. Қуръони

¹ Пиотровский М. Б. Муса // Ислам: энциклопедический словарь / Отв. ред. С. М. Прозоров. – М. : Наука, ГРВЛ, 1991. – С. 173–174. – ISBN 5-02-016941-2.

² Али-заде А. А Муса // Исламский энциклопедический словарь. – М.: Ансар, 2007. – ISBN 978-5-98443-025-8. (CC BY-SA 3.0)

³ Ёқуб (ёки Исроил) – пайғамбар, Юсуф пайғамбарнинг отаси, Исроил қавмининг бошлиғи.

каримда 136 марта¹ номи тилга олинган, хусусан, Қуръони каримнинг 28-сурасида² Мусо пайғамбарнинг туғилиш ва қавми билан Нил дарёсини кесиб ўтиб қутқарилганлиги баён қилинади. Мусо пайғамбар болалигида ғайридин бўлган фиръавн оиласида ўсади. Ўзи Мисрликлар орасида яшашига қарамай, қалбидан аслида Исроил қавмига тегишли эканини ҳис этиб катта бўлган. Мисрликлар томонидан Исроил қавмининг қулликда ҳўрланиши ва азобланиши уни тушкунликка соларди. Бир куни Исроил қавмидан бўлган одамга тазйиқ ўтказаётган Мисрликка (Қибтий бўлган бўлиши ҳам мумкин) қўзи тушади ва Исроилликни ҳимоя қилиш учун жаҳд қилиб уни (мисрликни) ўлдириб қўяди. Мусо пайғамбар қилмишидан ва одамлар орасида изза бўлишдан қўрқиб Мисрдан чиқиб кетади ва ўша пайт Мадъян қавмига пайғамбар қилиб юборилган Шуайбнинг ёнида нажот топади. Ўша ерга яқин манзилда (Туво водийсида), Аллоҳ таоло билан воситасиз суҳбатлари бўлиб ўтади. Унга Мисрга қайтиб Исроил қавмини фиръавндан изн олиб у ердан олиб чиқиб кетиш буюрди. Миср халқига юборилган 9 (ёки 10) та офат-балодан кейин Мусо пайғамбар Исроил қавмини дарё («Черное море»³ – қора денгиз дейилади, Сайид Муҳаммад Тантовийнинг таъвилига кўра “Зулқум” денгизи бўлиши ҳам мумкин) Мисрдан олиб чиқиб кетади.

¹ Қуръони Каримда куйидаги сураларда келтирилади: 2:51, 53-55, 60-61, 67, 87, 92, 108, 136, 246, 248; 3:84; 4:153, 164; 5:20, 22, 24; 6:84, 91, 154; 7:103-104, 115, 117, 122, 127-128, 131, 134, 142-144, 148, 150, 154-155, 159-160; 10:75, 77, 80-81, 83-84, 87-88; 11:17, 96, 110; 14:5-6, 8; 17:2, 101; 18:60, 66; 19:51; 20:9, 11, 17, 19, 36, 40, 49, 57, 61, 65, 67, 70, 77, 83, 86, 88, 91; 21:48; 22:44; 23:45, 49; 25:35; 26:10, 43, 45, 48, 52, 61, 63, 65; 27:7, 9-10; 28:3, 7, 10, 15, 18-20, 29-31, 36-38, 43-44, 48, 76; 29:39; 32:23; 33:7, 69; 37:114, 120; 40:23, 26-27, 37, 53; 41:45; 42:13; 43:46; 46:12, 30; 51:38; 53:36; 61:5; 79:15; 87:19

² Қасас сураси (араб. *القصاص* – Повествование) – Қуръони Каримнинг 28 сураси, Маккада нозил бўлган, 88 оятдан иборат..

³ Черное море // Библейская энциклопедия архимандрита Никифора. – М., 1891–1892.

Шундан сўнг Мусо пайғамбарга муқаддас Таврот китоби нозил бўлади.

Қуръони Каримда Мусо пайғамбар қиссаси бандаларга ўрнак-ибрат учун келтирилади.

Тавротда сабатли Мусо пайғамбарнинг исми, гўдаклик пайтида Нил дарёсида оқиб келаётганида қутқариб олинганлиги қўйилган дейилади, яъни маъноси «қутқарилган, сувдан олинган». Шу жиҳатдан олиб қараганда, Мусо пайғамбар ҳақидаги энг катта манбалардан бири бу – қадимги иврит яъни иброний тилида ёзилган Таврот китобидир. Унинг ҳаёти ва фаолияти Тавротдаги – Бешлик китобнинг «Чиқиш», «Левилар», «Сонлар» ва «Солномалар» – китобларидан иборат эпопеяда баён қилинган. Рим тарихчиси Иосиф Флавий келтирадики, Қадимги Мисрлик тарихчи Манефоннинг (эрамиздан аввалги IV-III асрлар) сўзларига кўра, фиръавн буйруғига кўра халқ орасида оғир касалланган одамлар Мисрдан чекка ҳудуддаги тоғ-тошларга кўчирилади. Фиръавннинг фармони билан кўчирилган касал ва беморлардан иборат жамоа ўзига Осарсиф ёки Юзарсиф исмли одамни бошлиқ қилиб сайлашади, Иосиф Флавий ўз асарларида Манефоннинг Осарсиф ёки Юзарсиф кейинчалик номини Мусо деб ўзгартирган деб ёзганини таъкидлайди. Осарсиф ўз қавми учун янги қонун ва жамият тузумини ишлаб чиқади. Шунингдек, у фиръавнга қарши кураш ҳам олиб боради. Лекин курашда кўчманчилар мағлуб бўлишади, шундан сўнг фиръавн уларни Сурия ҳудудигача қувиб борганлиги келтирилади. Манефоннинг ушбу ёзганларини Иосиф Флавий рад этади ва уни ихтилофли ёки ёлғон манба деб таъкидлайди.¹

Қадимги Миср қўлёзма манбалари, иероглиф ва папирусларда ва қазилма ишларининг ҳеч бирида Мусо пайғамбар ҳақида манбага дуч келинмайди. Мусо пай-

¹ Иосиф Флавий. О древности еврейского народа. Книга первая. khazarzar.skeptik.net. Дата обращения: 30 января 2019.

гамбарнинг яшаб ўтганлиги ва Исроил халқининг вужудга келишидаги ўрни – олдиндан то ҳозиргача келаётган ихтилофли масала ҳисобланади. ¹Афсуски, унинг (Мусо пайғамбарнинг) яшаб ўтганлиги тўғрисидаги шубҳали ва танқидий фикрлар ҳам охириги йилларда пайдо бўлмоқда. Баъзи олимлар эса унинг афсонавий шахс (персонаж) эканини таъкидлаб, етарли илмий манбаларнинг йўқлиги сабабли шарқий-диний манбаларда у ҳақида келган ривоят ва қиссаларни афсона даражасига тушуришмоқда. Кўплаб марта Мусо пайғамбарнинг қайси даврда яшаб ўтганлигини аниқлаш ва идентификация қилиш учун тадқиқотлар олиб борилган, шунингдек, Қуръони Карим ва ҳозирги Тавротда келтирилган Исроил ўғилларининг Мисрдан чиқиб кетиш ҳодисалари илмий ўрганилган. Мусо пайғамбарнинг яшаб ўтган даври ва Исроил ўғилларининг Мисрдан чиқиб кетиш даври бўйича бир қанча илмий фаразлар мавжуд. Кўп тадқиқотчилар ушбу ҳодиса Қадимги Мисрнинг охириги ҳукмронлик даврида бўлиб ўтган деб тахмин қилишади. Шу қарашдан келиб чиқадиган бўлсак, Мусо пайғамбарнинг яшаш даври эрамиздан аввалги XVI-XII асрларга тўғри келади. Кейинчалик олимлар ушбу замондаги қайси фиръавнга тўғри келишини тадқиқ қилишган ва Рамзес II деган хулосага келишган.

Энди эса ана шу тадқиқотчиларнинг ва кўплаб тарихчи, археолог ва мисршуносларнинг фаразларидан келиб чиққан Рамзес II фаолиятига тўхталиб ўтамиз.

Рамзес II – («Рамзес» ёки «Буюк Рамзес») Қадимги Миср янги ҳукмронлик даврининг XVIII сулола 3 фиръавни ҳисобланади. Эрамиздан олдинги 1303 йилда туғилган ва 1213 йилнинг июнь ёки август ойида вафот этган, 1279-1213 йиллар оралиғида ҳукмронлик қилган. Миср хронологиясидаги энг буюк ва муҳташам фиръавн сифа-

¹ The Bible Unearthed by Neil Asher Silberman and Israel Finkelstein (Simon and Schuster, New York, 2001).

тида гавдаланади. Ўша пайтдаги ислоҳотлари ва сиёсати туфайли унинг авлодлари ва халқи унинг номига «Буюк» сўзини қўшиб мурожаат қилишган. Шунингдек, кўплаб ҳарбий сафарларга чиқади, шулардан Левантга чиққан сафарида Канъон (Ханаан) ерларини босиб олади. Қалабши ва Герф Хусейн ибодатхонасида унинг Нубияга қилган сафари ва бошқа кўплаб сафарларининг расми туширилган.

Ўғриларнинг безориликлари сабаб унинг танаси (мумияси) 5 марта қайта дафн этилган. Бошда ўзининг қабридан, отаси фиръавн Сети I нинг ёнига қўйишади. Лекин у ердан уни ўғирлаб кетишмоқчи бўлишади. Кейинчалик уни қиролича Имхапи ёнига дафн этишади. У ерда ҳам у ўғриларнинг қўлига тушади ва кейинчалик Аменхотеп I ёнига дафн этилади.

Охири қоҳинлар унинг ва яна кўп ўғриларнинг қўлига тушаётган Тутмос III, Рамзес III билан бирга Дейр Ал-Бахридаги¹ Херихор номли қояли жойга дафн этишади.

XIX аср охирида, қадимги манба ва ёдгорликларни Европага сотадиган шайх Абдул Расул исмли одам бошлиқ мумия ўғрилари томонидан уларнинг танаси топиб олинади. Бу Мисрнинг расмий одамлари эътиборни тортади. Мисрнинг расмий ташкилотлари томонидан ўтказилган экспертиза ва текширувлари натижасида, шайх XI асрда қирол Херихор томонидан қурилган Дейр Ал-Бахридаги қабрнинг жойини айтишга ва очиқлашга мажбур бўлади. Шундан сўнг 1881 йилда фиръавнларнинг қабри очилиб илм-фан жамиятига тақдим этилади.

¹ Эрих Церен. Библиейские холмы / пер. с нем. Н. Шафрановой. – 2-е. – М.: Терра, 2003. – 464 с. – (Боги и учёные). – не указ. экз. – ISBN 5-275-00797-3.

А.ЭДЕРШТЕЙМНИНГ ТАҲМИНИ

Баъзи тадқиқотчиларнинг илмий фарази таниқли диний манбашунос ва илоҳиётчи Альфред Эдерштеймнинг қарашларига асосланади. У китоблари ва илмий асарларида таъкидлашicha, Тутмос II ҳукмронлигининг қисқа ва охири валиаҳдсиз тахтга айланиши, ундан кейин қиролича Хатшепсут (аёли) нинг фиръавн бўлиб тахтга чиқиши – айнан Мусо пайғамбар ва Исроил ўғилларининг Мисрдан чиқиб кетиш ҳодисасига тўғри келишини келтириб ўтади. Унинг яна бир асосли фикри Тутмос II – танаси (мумияси) да Қадимги Миср ва Хетлар империяси ҳудудларида тарқалган дарднинг яра ва оғир касаллик излари топилганлигида эди.¹

МЕРНЕПТАХ ЁДГОРЛИГИДА БАНИ ИСРОИЛ ҚАВМИ

Мернептах ёдгорлиги Фиръавн Мернептахнинг (эрамиздан аввалги 1213 йилдан 1203 йилгача) ёзуви ёки ёдгорлиги бўлиб (1.2.3.-расмлар), у фиръавн Аменхотеп III томонидан ўрнатилган гранит стеласининг орқа томонига битилган. У 1896 йилда Флиндерс Петрининг археологик казишмаларида топилган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Петри XIX асрнинг сўнги йилларида Инжил ва Тавротга тарихий манба сифатида танқидий муносабат авжига чиққан асрда Мернептах ёдгорлигини топган. Рамзес II вафот этганида валиаҳд шаҳзода Мернептах алақачон 60 ёшда бўлган. Шаҳзода, асли Гелиополисда туғилган, у Рамзес II нинг 13-ўғли бўлиб, қиролича Иситнофретнинг тўртинчи фарзанди эди.²

¹ Эдершейм А., Ветхий Завет Библии История , первоначально опубликовано 1876 1887, ISBN 156563165X , стр. 134


² Gae Callender, The Eye Of Horus: A History of Ancient Egypt, Longman Cheshire (1993), p.263

Отаси ҳукмронлигининг қирқинчи йилига қадар Мернептаҳ унчалик таниқли бўлмаган шаҳзодалардан бири эди. Даставвал, “қироллик котиби” деган унвонга эга бўлиб, аста-секин бош қўмондон бўлиб, катта акалари вафотидан кейин тахтга ворис этиб тайинланади. Бу Рамзес ҳукмронлигининг 55-йилида содир бўлди, у бу вақтга келиб саксон ёшга кирган эди. Эҳтимол, аввалги меросхўрлар бу вақтга қадар подшоҳликнинг кўплаб давлат вазифаларини бажарган бўлиши мумкин. Рамзес II ҳокимиятни қачон тарк этгани аниқ маълум эмас, аммо, Мернептаҳ валиаҳд бўлган вақтга келиб, у расмий ноиби сифатида эмас, балки энг юқори давлат ҳарбий унвонининг эгаси сифатида деярли мутлақ ҳокимиятни эгаллаши керак эди. Айнан ўша пайтда, Мернептаҳнинг буйруғи билан, «абдий тирик» фиръавн Рамзеснинг мавжудлигига қарамай, унинг барча ноёб ҳукмдор унвонлари қўлга киритилган эсдалик ёдгорлиги ясалади.

Ёдгорликда асосан, Мернептаҳнинг ливияликларга қарши юриши тасвирланади. Бундан ташқари, ёдгорлик, энг қадимги Миср ҳужжати бўлганлиги билан машҳур бўлиб, унда «И.си.ри.ар» ёки «Исириал» тилга олинади, бу олимлар томонидан «Исроил» сўзи ва уни ёнидаги иероглифлар таржима қилинганда «Исроил вайрон бўлди, уруғ йўқ қилинди» деб талқин қилинади. Шунингдек, Мернептаҳ ёдгорлиги – Исроил номи ёзилган энг қадимги археологик ҳужжат ҳисобланади.



1-расм. Мернептаҳ ёдгорлиги




2-расм. Мернептах ёдгорлиги



3-расм. Мернептах ёдгорлиги иероглификаси

«Исроил» сўзи ушбу ёдгорликда И-Си-Р-И-А-Р каби иероглиф сифатида ёзилган, унинг ичида тўртта белги бор (4-расм):

- Қадимги Миср иероглифларида “душман” тушунчасини билдирувчи таёқ шаклидаги белги;
- Эркак ва аёл тасвири;
- Уларнинг остида “кўп” ни билдирувчи учта вертикал чизиқ.



4-расм. «Исроил» сўзи иероглификаси

Умуман олганда, бу сўзлар мажмуаси – иероглифлар учун жуда кенг тарқалган – қадимги Миср тилидан таржима қилинганда, «Исроил – халқ душмани» деган гапни ҳам англалади.

Бу Мернептах ёдгорлиги ёзуви, шаҳар ҳақида эмас, балки давлат ҳақида ҳам, айнан, жамоа ёки одамлар ҳақидадир. Бу, ҳайратланарли даражада, яҳудийларнинг ярим кўчманчи қабилалари Канъон ерини забт этиб, у ерда, аслида, канъонликлар каби шаҳар-давлатлар ташкил этмасдан, алоҳида кичик қишлоқ хўжалик аҳоли пунктларида яшаб, ўрнашиб олганликлари ҳақидаги Тавротда келган қиссаларга тўғри келади. Ўша пайтда бутун яҳудий халқи – Таврот матнига кўра (Ёшуа бин-Нун (Юъша) ва Шемуил (Самуил) китоблари) – «шофтим» номли халқ овози билан сайланган судялар томонидан бошқарилган

ва ҳақиқий монархия ҳукуматига эга бўлмасдан балки жамоа тузумида яшашган. Шундай қилиб, Мернептаҳ ёдгорлигига кўра, эрамиздан аввалги XIII асрнинг охирида «Исроил» умумий номи остидаги қабилалар Канъон (Исроил ерлари) худудида яшаган ва фиръавннинг ёзувларига кўра, бутунлай вайрон қилинган ёки Мисрдан чиқиб кетишган. Мернептаҳ ёдгорлиги яҳудий халқининг Таврот матни ва Қуръони каримдан ташқари биринчи ва энг қадимги номи ва манбаи ҳисобланади. Ушбу ёдгорлик туфайли отасининг улуғворлиги соясида бутунлай йўқолиб кетиш хавфига эга бўлган Мернептаҳ, отасининг номи жаҳон тарихида баланд овозда янграшини хоҳлаган. Баъзи мисршунослар ёдгорлик матнининг кодланишини танқид қилишга ҳаракат қилишган, аммо бугунги кунда ёзувнинг маъноси ҳақида ихтилофлар мавжуд. Мернептаҳ ёдгорлиги кўпинча «Исроил стеласи» деб ҳам аталади. У Мисрдаги Қоҳира музейида жойлашган бўлиб, Қадимги Миср цивилизацияси билан боғлиқ энг бой манба ва экспонат-топилма ҳисобланади.

МУСО (АЛАЙҲИССАЛОМ) ШАҲСИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мусо (алайҳиссалом)га доир кўплаб тадқиқотлар авалида, табиийки, Қуръони Карим ва бошқа муқаддас китоблардан (ҳозирги Таврот ва Инжил, апокрифлар) маълумотлар ўрганилади. Уларни илк манба сифатида ҳам таҳлил қилса тўғри бўлади. Хусусан, Қуръони каримда:

«Батаҳқиқ, биз Мусога тўққизта очиқ-ойдин оят-мўжиза бердик. Бани Исроилдан уларга у (Мусо) келган пайтини сўрагин. Бас, фиръавн унга «Албатта, мен сени, эй Мусо, сеҳрлангансан деб ўйлайман», деди».¹

¹ Ал-Исро сураси 101 оят.

«Биз Фиръавн аҳлини, шояд эсласалар, деб (қаҳатчилик) йиллар ва мевалар танқислиги ила тутдик».¹

«Бас, уларнинг устидан тўфон, чигиртка, мита, бақа ва қонларни очиқ-ойдин ва муфассал белгилар қилиб юбордик. Бас, улар мутакаббирлик қилдилар ва жинойтчи қавм бўлдилар».²

Шунингдек ушбу ҳодисалар яҳудийлик дини муқаддас китоби (Таврот) да ҳам келтирилади (унга кўра 10 та бало-офат) ва бунга Мисрга ёғилган 10 турли офат дейилади. Улар қуйидагилар эди:

1. Мусо (алайҳиссалом) таёғи, яъни асосининг илонга айланиши;

2. Мусо (алайҳиссалом) қўлининг нурланиши;

3. Қон билан жазолаш;

4. Бақаларни ёғдириш;

5. Бит ва қурт каби қон сўрувчи қумурсқалар;

6. Ит чивинларини ёғдириш;

7. Яра ва йиринглар пайдо бўлиши (касаллик);

8. Яшин ва осмондан оловли тошлар ёғилиши;

9. Ғайритабиий қоронғулик;

10. Тўнғич ўғилларнинг ғайритабиий ўлими.

Булар ҳақида ҳозирги Тавротда:

“Мусо ва Ҳорун Яҳова буюрганидек қилишди. Ҳорун фиръавн ва унинг атрофидагилар олдида асосини кўтариб, Нил сувига урди ва у қонга айланди. Нилдаги балиқлар нобуд бўлди ва дарё шунчалик бад бўлдики, мисрликлар ундан ичишолмади. Мисрнинг ҳамма жойида қон (тарқалди) бор эди”.³

Нил дарёсининг сувлари ва қўллари қонга айланади, фақат Исроил ўғиллари оладиган ва ичадиган сувлари тоза бўлиб турган. Агар, Мисрликлар Бани Исроил қавмидан сув ўғирлашмоқчи бўлишса, – у сув дарров қонга

¹ Ал-Аъроф сураси 130 оят

² Ал-Аъроф сураси 133 оят

³ Шмот 7:20-21

айланарди. Мисрликлар, фақат улардан сотиб олинган сувни (тоза) ичишлари мумкин эди.

«Яҳова, Мусога деди: Ҳорунга (биродарингга) айт: Қўлингдаги таёқ билан дарёлар, сойлар ва кўлларга юргиз, қурбақаларни Миср юртига олиб чиқ, деди. Ҳорун Миср сувларига қўлидаги таёқ билан юргизди ва қурбақаларни чиқарди. Қурбақалар чиқиб, Миср юртини қоплади».¹

«Ва яна Яҳова, Мусо ва Ҳорунга деди: тандир (ёки олов) дан бир ҳовуч кул олинг, сўнг Мусо уни фиръавннинг олдида осмонга улоқтирсин. У бутун Миср бўйлаб майда чанг бўлиб учиб юради, бутун мамлакат бўйлаб одамлар ва чорва молларида йирингли хўшпозлар пайдо бўлади. Улар тандир (ёки олов) даги кулни олиб, фиръавн ҳузурига чиқишди. Мусо кулни ҳавога ташлади (учирди), одамлар ва чорва молларида йирингли яралар пайдо бўлди. Сехргарлар Мусонинг олдида чиқа олмадилар, чунки уларнинг бошларида, танасида ва бутун мисрликларда шу касаллик пайдо бўлган эди».²

«Ярим тунда Яҳова Миср юртидаги барча тўнғичларни, тахтда ўтирган фиръавннинг тўнғич ўғлидан тортиб, қамоқдаги маҳбуснинг тўнғич ўғлигача ва чорва моллари эгаларининг тўнғич ўғилларини ўлдирди».³

Шундан сўнг, Бани Исроил қавмининг тўнғич ўғилларидан бошқа барча тўнғичлар ўлгандан сўнг, фиръавн уларга Мисрдан чиқиб кетишга рухсат беради. Тавротга ва яҳудийлик ақийдасига кўра, бу воқеа содир бўлмасидан олдин Яҳова Мусога, унга қурбонлик келтиришларини ва ўлим фариштаси тўнғичларни жонини олиб, фақат, қурбонлик қилинган кўзиларнинг қони билан эшиккла-

¹ Шмот 8:5-6

² Шмот 9:8-11

³ Шмот 12:29

рига белги қўйилган Бани Исроил қавмининг уйларига кирмасдан, учиб ўтган дейилади. Шунинг билан Исроил қавмининг Мисрдан чиқишлари хронологияси бошланади. Бир ҳафтага қолмасдан, фиръавннинг лашкари уларнинг изидан етиб олади ва дарё ёқасида кўриб қолишади (манбаларда унга «Чермное море» – яъни, «қора денгиз» дейишади, баъзи олимлар у денгизни қизил ёки ўлик денгиз эканлигини таъкидлашади).

«Биз Исроил ўғилларини денгиздан ўтказдик, фиръавн ва унинг қўшини уларнинг орқасидан бостириб, душманлик қилди. Фиръавн сувда чўкишни бошлаганида: «Мен Исроил ўғиллари иймон келтирган зотдан бошқа илоҳ йўқлигига ишондим (иймон келтирдим), мусулмонлардан бўлдим» деди. Аллоҳ таоло: «Фақат ҳозир! Лекин сен илгари осий бўлиб, фосиқликни тарқатувчилардан эдингку. Бугун танангни қутқарамиз, токи сендан кейингилар учун оят-ибрат бўлсин». Албатта, кўп одамлар Бизнинг оятларимизни унутурлар».¹

Шу билан, эндиликда, кўплаб олимларимизнинг ушбу оятларда келган фиръавнга таҳмини сифатида Рамзес II нинг ўлим тарихини кўриб чиқамиз. Қайси фиръавнлиги топилган тақдирда, Мусо пайғамбарнинг яшаб ўтган даври ўртага чиқади.

Тарихий маълумотларга кўра, Рамзес II ўлимидан олдин (90 ёшларида) стоматологик касалликлар, артрит ва қон-томир касалликлар билан оғригани аниқ бўлди. У Қадимги Мисрни 66 йилу 2 ой бошқариб эрамиздан аввалги 1213 йилнинг 27 июнида (Ахет ойининг 18 кунда) вафот этган (қарилек асоратлари сабабли). Унинг танасини ибодатхона хизматчилари ва қоҳинларга 70 кунлик мумиялаш ишлари учун топширишади ва дафн қилишади. Вафотининг эртаси кун, тахтга кекса ўғли шахзода

¹ Юнус сураси 90-92 оятлари

Мернептаҳ чиқади (Ахет ойининг 19 куни). Шундан келиб чиқиб, Рамзес II 85-90 ёшлар атрофида кексалик сабабли ўлгани ва унинг ўлим тарихи Қадимги Миср иероглифларида ёзилиб ўтганини инобатга олсак бўлади.

Рамзес II Шоҳлар водийсида KV7 қабрига дафн этилган. Фиръавннинг қабри Рамзес III гача тегилмасдан туради, кейинчалик, Турин папирусларида келишича – Дайр Ал-Мадинадаги куллар ва ишчиларнинг оммавий норозилик чиқишлари сабаб, қабр ўғрилар томонидан эгалланади. Шундан сўнг, Рамзес II нинг илк қайта дафн этилиши XXI сулола даврида бўлиб ўтади. Шунда унинг танаси (мумияси) KV17 деб номланган, отаси фиръавн Сети I мақбарасига дафн этилади, кейинчалик уни XVII сулоласи даврида қиролича Имхапи мақбарасига қўйишади (72 соат туради). Кейин эса, Дайр Ал-Баҳридаги TT320 қабрига олиб келинади ва ушбу қабрда кўп минг йилликлар давомида сақланади. Унинг қайта дафн этилиш хронологиялари ҳақида барча маълумотлар, унинг (Рамзес II) нинг мумиясига ўралган оқ матода ёзилган эди.

Бошда у дафн этилган Шоҳлар водийсидаги қабри энг чуқур ерда жойлашгани сабали, кўплаб марта сув босиши ва ахлатлар тўлиб кетиши содир бўлган. Дарё (ёки денгиз) суви бемалол кириш мумкин бўлган жойга дафн этилганди, шунинг учун, деярли 10 марта сув остида қолиб кетади.

1798 йилда Наполеон экспедициясидаги олимлар томонидан топиб олинади. Генри Солт ушбу қабрни текширган ва тадқиқот ишларини олиб борган биринчи олимлардан бўлади. Лекин ер ости мақбараси, кириб бўлмас даражада ахлат ва сув чиқиндиларга тўлиб кетган бўлади. Қабр деворлари ичида денгиз тузи йиғилиб қолганлиги сабабли оқ ранг ҳосил қилган.

Шунингдек, Рамзес II нинг қабри, ўз даврида Роселлини ва Шампольон томонидан ҳам ўрганилган. 1845 йилда ушбу қабрнинг тузилишини аниқлаш мақсадида Карл



*5-расм. Рамзес II
мумияси*

Жехутимос деб талаффуз қилинган бўлиши мумкин) – Қадимги Мисрнинг XVIII сулоласининг тўртинчи фиръавни. У ҳаёти давомида бир нечта кичик ёдгорликлар қурдирган ва камида иккита кичик ҳарбий юришлар уюштирган. Сиёсий жихатдан, Тутмос II га рафиқаси Хат-

Рихард Лепсиус ҳам келади. XIX-XX асрларда яна Шоҳлар водийсида сув босиш ҳолатлари бўлади, бу ерда яна KV7 қабри сув остида қолиб кетади. Кейинчалик, 1886 йилнинг 1 июнида Булак музейида, Гастон Масперо томонидан Рамзес II танаси (мумияси) очилган (4 соат давом этган). Тезлик билан ҳаракат қилиш натижасида, фиръавннинг танаси зарар кўради. 1902 йилдан унинг мумияси Мисрнинг Қоҳира шаҳридаги музейда сақланган. Кейинчалик уни янада яхши тадқиқот қилиш мақсадида, Францияга жўнатилади. Лабораторияда юзлаб француз ва мисрлик олимлар томонидан, ҳарорат 19,5° ва 55-60% намлик ушлаб турилган ҳолда тадқиқ қилинади. (5-расм.)

Тутмос II – (баъзан Тутмосис II деб ўқилади, бу «Тот худоси бўлиб туғилган» деган маънони англатади, эҳтимол бу исм унинг ҳаёти давомида

шепсут кучли таъсир кўрсатганлиги тарихдан маълум. Хронология бўйича, унинг ҳукмронлиги эрамиздан аввалги 1493-йилдан 1479-йилгача бўлган даврга тўғри келади.

Фиръавннинг жасади фиръавн (қиролича) Хатшепсут ёдгорлик ибодатхонаси яқинидаги Дайр ал-Баҳридан топилган ва бугунги кунда уни Қоҳирадаги Миср музейида кўриш мумкин. Манефон¹ Тутмос II «Хеврон» номини беради (бу унинг тахтдаги номи «Акхеперенра»га тўғри келиши мумкин) ва унинг 13 йиллик ҳукмронлик даврини таърифлайди, бироқ ҳозирда бу рақам олимлар томонидан қизгин баҳс-мунозарага сабаб бўлмоқда. Баъзи Мисршунос олимлар, жумладан, Юрген фон Бекерат, унинг ҳукмронлиги даврини ўндан уч йилгача қисқартиришни афзал кўради, чунки Тутмос II ҳақидаги сўнги эслатмалар Ахет мавсуми (тақвими)нинг 1 йили 2 ойининг 8 кунига тўғри келади. Шунинг учун бу фиръавннинг ҳукмронлигининг аниқ даврийлиги баҳсли. Манефоннинг Тутмос II ҳукмронлиги даври ҳақидаги маълумотлари узоқ вақтдан бери мисршунос олимлар ўртасида мунозарали мавзу бўлиб келган. Ўша пайтдан бери сақланиб қолган, унинг ҳукмронлигини тасдиқловчи бир нечта ҳужжатлар унинг жуда оз муддатли бошқарувини тасдиқлайди. Тарихдаги маълум давр олимлари, қоида тариқасида 13 йиллик ҳукмронлик даврини тахмин қилишган бўлса, ҳозирги олимлар ва тадқиқотчилар бу

¹ Манефон (эрамиздан аввалги 4-аср охири 3-аср бошлари) – Қадимги Мисрлик тарихчи, руҳоний, юнон тилида «Миср тарихи»ни ёзган. Манефон китобларидан парчалар фақат Иосиф Флавий ва черков тарихчилари Африкан ва Евсевийларда сақланиб қолган. Манефон Қадимги Миср тарихининг 30 та сулоласига ва Қадимги, Ўрта ва Янги қиролик даврларига тегишли баъзи тушунтиришлар ва маълумотлар ёзган. Унинг бу илмий рисоалари ҳозирги вақтда ҳам фанда тўғри деб қабул қилинган. Академик В.В.Струве Мането унинг ишончли манбалардан фойдаланганлигини исботлади ва у келтирган маълумотларнинг аксарияти тўғри чиққанини ўз асарларида таъкидлайди.

фиръавннинг ҳукмронлик даврини атиги 3-4 йил деб ҳисоблашади. Бундай ҳолда, улар Тутмос II бошқаруви-га гувоҳлик берувчи папируслар ва ёдгорликларнинг оз сонли манбаларини кўрсатадилар.

Унинг ҳукмронлик даврини аниқлашнинг яна бир йўли, бу фиръавн Аменхотеп I даврида янги гелиокал юлдузнинг чиқиши билан бўлиши мумкин (ундан олдинги даврни – ўткан давр деб ҳисоблаш мумкин) бўлса, Тутмос II ҳукмронлиги эрамиздан аввалги 1493–1479 ёки 1513–1499 йилларга тўғри келиши фанга мувофиқ бўлади. Яна битта камчилик шундаки, ундан олдинги фиръавн Тутмос I нинг ҳам ҳукмронлик даври ҳам ноаниқ бўлиб, бу ҳол, Тутмос II ҳукмронлик даврини анча орқага ёки узайтиришга сабаб бўлади.

Буюк архитектор Инени Тутмос II даврида анча кекса ёшда бўлган бўлсада, фиръавннинг аёли қиролича Хатшепсут тахтга чиққунча бўлган даврларда яшаб ўтган. Бундан ташқари, Тутмос II ҳақида тарихий ёдгорликлар ва қадимий қўлёзмаларда жудаям оз маълумотлар келтирилади. Ушбу фиръавн даврида оз сонли қурилиш бўлсада, қурилган тарихий ёдгорликлар ва ундаги иероглифлар кўплаб маълумотлар бериши мумкин эди, аммо, фиръавн (қиролича) Хатшепсут даврида, унинг (Тутмос II) нинг номи билан боғлиқ барча нарсаларнинг бузиб ташланиши ва йўқотилиши натижасида аниқ маълумотларнинг барчаси йўқ бўлган, гарчи Тутмос III (Хатшепсутнинг ўғли) даврида Тутмос II номи билан боғлиқ барча нарсалар тикланган (Тутмос II нинг номи яна қайтадан ёдгорликларга кўчирилади) бўлсада, нима сабабдан бундай ўзгаришлар бўлгани ва аниқлиги мавҳумлик остида қолади. Тутмос II нинг Самна, Кумма ва Элевантда қурдирган тош ёдгорликлари ва бир пайтлар тўртлик ибодатхонада жойлашган (ҳозирда Карнакдаги) Карнак дарвозаларидан бошқа ёдгорлик ёки манба етиб келма-

ган. Ҳаттоки, шунда ҳам ушбу ёдгорликлар орадан кўп йиллар ўтиб Тутмос III нинг даврида қуриб битказилиши, унинг ҳукмронлигининг қисқа ва яширин маълумотли бўлганини кўрсатиб турибди. Карнак дарвозалари ундан кейин қайта қурилган ва орадан йиллар ўтиб фиръавн Аменхотеп III нинг учлик пилонига киритилган.

1987 йилда француз мисршунос олим Люк Габольд томонидан Тутмос I, Тутмос II ва Хатшепсут даврларидаги қадимий манбалар қиёсий таҳлили бўйича тадқиқотларининг натижаси эълон қилинди. Агар Тутмос II га тегишли ёдгорликлар бир даврнинг ўзида бузилиши осон кечган бўлса, демак унга тегишли манба ёки қўлёзмалар анча озлигини кўрсатади, шунингдек, ана шу қўлёзмалар ўчирилган тақдирда ҳам, ундан кейинги даврларда булар бўйича (Тутмос II) ёзилган битиклар нисбатан ишончли ва асосли маълумотларни берган. Олимларнинг таъкидлашича, Хатшепсут 21 йилу 9 ой ҳукмронлик қилган. Габольд ўз таҳлилида Тутмос II давридан манбалар Тутмос I ва Хатшепсут ҳақида келган манбаларга қараганда анча озлигини келтиради, шунингдек, кўплаб олимларнинг тадқиқотлари ҳам ушбу натижаларни кўрсатган. Жумладан, Флиндерс Петри Тутмос I га тегишли – 86 та, Тутмос II га тегишли – 19 та ва Хатшепсутга тегишли – 149 та манба келтириб ўтади. Ҳозирги давр олимларидан Берtrand Жегернинг тадқиқотларига кўра эса, Тутмос I даврига – 241 та, Тутмос II даврига – 65 та ва Хатшепсут даврига тегишли – 463 та манба маълум. Шундан келиб чиқилса Тутмос II га тегишли манбаларнинг жуда оз сонли экани, унинг ҳукмронлигининг қисқа бўлганини кўрсатиши мумкин. Люк Габольд, шундан Тутмос I га 11 йиллик ва Тутмос II га 3 йиллик бошқарув даврини айтиб ўтган. Тутмос II бўйича тадқиқотлар ҳозиргача амалга оширилиб келинмоқда ва кўплаб олимлар томонида ихтилофларга ҳам сабаб бўлмоқда.

Тутмос II нинг мумияси 1881 йилда Дайр Ал-Бахридан топилган. У XVIII-XIX сулола вакиллари Яхмос I, Аменхотеп I, Тутмос I, Тутмос III, Рамзес I, Сети I, Рамзес II ва Рамзес IX мумиялари орасидан топилган.

МУСО (АЛАЙҲИССАЛОМ)НИНГ ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИ ВА СОЦИАЛЛАШУВИ

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: “Қачонки у вояга етиб, (ақли) тўлгач, Биз унга ҳикмат ва билим ато этдик. Биз чиройли амал қилгувчи кишиларни мана шундай мукофотлаймиз. (Кунларнинг бирида Мусо) шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатда бўлган пайтда кирган эди, унда икки киши уришаётганини кўрди. (Улардан) бири ўзининг жамоатидан ва бири душманидан эди. Жамоатидан бўлган киши душман томондан бўлган кимсага қарши ундан ёрдам сўради. Шунда Мусо бир мушт уриб, уни ўлдириб қўйди. (Сўнг) деди: “Бу шайтоннинг ишидандир. Албатта, у йўлдан оздиргувчи очиқ душмандир. (Кейин) деди: “Парвардигорим, дарҳақиқат, мен ўз жонимга жабр қилиб қўйдим. Энди Ўзинг мени мағфират қилгин”. Бас, Аллоҳ уни мағфират қилди. Албатта, Унинг Ўзигина мағфират қилувчи, меҳрибондир. У (яна) деди: “Парвардигорим, Сен менга қилган инъоминг ҳаққи-ҳурмати энди ҳаргиз жинойтчи кимсаларга ёрдам қилгувчи бўлмасман”. Бас, у эрта тонгда шаҳарда кўрқувга тушиб, кўз тутган ҳолда кетаётган эди. Баногоҳ кеча ундан ёрдам сўраган кимса яна уни ёрдамга чақираётганини (кўрди). Мусо унга деди: “Дарҳақиқат, сен аниқ гумроҳдирсан”. Энди у ўзларига душман бўлган кимсани ушламоқчи бўлган эди: “Эй Мусо, кеча бир жонни ўлдирганинг каби (бутун) мени ҳам ўлдирмоқ-

чимисан?! Сен фақат Ер юзида жабр-зулм қилувчи бўлмоқчисан. Сен ислоҳ қилгувчилардан бўлишни истамайсан”, деди. Шаҳарнинг нариги тарафидан бир киши шошганча келиб: “Эй Мусо, (Фиръавн) одамлари сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар. Бас, сен чиқиб кетгин. Албатта, мен сенга холис бўлган кишилардандирман”, деди. Бас, қўрқувга тушиб, кўз тутган ҳолда у ердан чиқиб деди: “Парвардигорим, Ўзинг менга бу золим қавмдан нажот бергин” (Қасас, 14–21).

Мусо (алайҳиссалом)нинг билагича кучга тўлиб, ақли камол топгач (баъзи ривоятларда унинг ўша пайтдаги ёши 30–40 лар орасида бўлган, деб келтирилади), Аллоҳ унга фазли марҳамати билан ҳикмат¹ ва илм² берди. Бу ерда келтирилган оят, бизларга нафақат Мусо алайҳиссаломга ҳикмат ва илм берилиши ҳақида, балки унинг – шахс сифатида камолга етганидан ҳам дарак беради. Психологик назарияларга кўра ҳам, шахс айнан шу ёшларда тўлиқ инсоний камолотга етади. Мусо алайҳиссаломга ато этилган ҳикмат ва илм, қайси йўналишга оид бўлмасин, бу унинг шахсий хусусиятларидан бири бўлади. Ундаги ҳикмат ва илм хусусиятлари шахс сифатида унинг келажақдаги фаолияти, эмоциялари, иродавий сифати ва ижтимоий позициясига ижобий таъсирини ўтказган.

Мусо алайҳиссаломни шахс сифатида психологик таҳлил қилиш учун, оятларнинг давомини кўриб чиқамиз. **“Жамоатидан бўлган киши душман томондан бўлган кимсага қарши ундан ёрдам сўради. Шунда Мусо бир мушт уриб, уни ўлдириб қўйди”**. Яъни Мусо алайҳиссалом ўз жамоатидан бўлган киши азобланаётганига кўзи

¹ Ҳикмат – сўз ва амалда мўлжални аниқ олиш маъносини ифода қилади. Баъзилар: “Бу ердаги ҳикматдан мурод пайғамбарликдир”, деб айтишган.

² Яъни, динда фақиҳ бўлиш, ишларнинг асл ҳақиқатини идрок этиш, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни тўғри баҳолай олиш қобилияти.

тушади ва ундан ёрдам сўрагандан сўнг, унга ёрдамга шошади. Душмани мушт тушириб ўлдириб қўяди. Бу ерда Мусо алайҳиссаломнинг қилган иши – ўз жамоадошига ёрдам бериш ва мисрликдан ҳимояланиш учун бир реакция эди. Аммо, бу ерда Мусо алайҳиссалом уни ўлдириш нияти бўлмаган, балки беҳосдан ўлдириб қўйган. Чунки, кейинги оятда **“(Сўнг) деди: “Бу шайтоннинг ишидан-дир. Албатта, у йўлдан оздиргувчи очиқ душмандир.** (Кейин) деди: **“Парвардигорим, дарҳақиқат, мен ўз жонимга жабр қилиб қўйдим. Энди Ўзинг мени мағфират қилгин”** дейилади. Мусо алайҳиссалом дарҳол айбига иқрор бўлиб, Аллоҳ таолодан мағфирот истаб дуо қилади, бу эса ўз ўрнида унинг шахсий ва инсоний фазилатлари, ҳар вазиятда уйғоқ ва тез ўз қилган айбини англайдиган шахслигини кўрсатади. Чунки, инсон қачонки айб ёки гуноҳ иш қилса, унга иқрор бўлиб, уни тан олиши жудаям қийин. Бир томонда нафснинг ҳам васвасаси вазиятни янада узоққа суради. Аммо, Мусо алайҳиссаломда бундай бўлмади, у ўз айбини дарҳол билиб, афсусланди ва Раббисига дуо қилди. Бу ерда унинг вояга етган, психологик ривожланган ва онгли шахс сифатидаги фазилати юксак бўлганини ҳам кўриш мумкин.

“Бас, у эрта тонгда шаҳарда қўрқувга тушиб, кўз тутган ҳолда кетаётган эди. Баногоҳ кеча ундан ёрдам сўраган кимса яна уни ёрдамга чақираётганини (кўрди). Мусо унга деди: “Дарҳақиқат, сен аниқ гумроҳдирсан”. Энди у ўзларига душман бўлган кимсани ушламоқчи бўлган эди... ” буни қарангки, эртасига куни ҳам ўша ёрдам берган кишининг бошқаси билан урушаётганини кўриб қолади. Унга қарата, **“Дарҳақиқат, сен аниқ гумроҳдирсан”** дея киноя қилади, аммо, кейин **“Энди у ўзларига душман бўлган кимсани ушламоқчи бўлган эди”**, яъни ёрдам беришга шошилади. Бу ерда Мусо алайҳиссаломнинг нақадар ёрдамга шошувчи ва

маъсумлигини кўриш мумкин, у ўз қавмидан бўлган кишини яна кўриб, бу шунақа урушқоқ экан ўзи деб ўйлаб, индамасдан ўтиб кетиши мумкин эди. Аммо, у ундай қилмади, аксинча унга киноя қилсада, ёрдамга борди.

Бундан ташқари, Мусо алайҳиссалом Мадян қавмига етиб келганида қудуқ ёнида сув олиш учун навбат кутаётган қизларга кўзи тушади, **“Шунда (Мусо) уларга (қўйларини) суғориб берди”**. Бу ерда унинг ана шу инсоний гўзал фазилатларини кўришимиз мумкин. Бундай фазилатлар пайғамбар ва набийларда бўлиши табиий албатта, аммо, уларда бунинг акс этиши жудаям чиройли бўлган. Уларнинг бошқаларга муомаласи, бошқалар олдида ўзларини тутиши, гапиришлари, имо-ишора қилишлари, юришлари, гапирганда сўзларнинг дона-дона бўлиб чиройли тизилиши уларни бошқалардан яққол ажратиб турган ва уларнинг бошқалардан психологик мукамал ривожлангани акс этган.

Мусо алайҳиссалом қизларга ёрдам бергандан сўнг, улар қавмига қайтиб боради ва бўлган воқеани отасига айтиб беради. Отаси Мусо алайҳиссаломни чақириб келишга буюради. Мусо алайҳиссалом келганида эса унга, **“Айтди: “(Эй Мусо), менга саккиз йил ишлаб беришинг бадалига мен сенга мана шу икки қизимдан бирини никоҳлаб бермоқчиман. Энди агар ўн йилни тўлатсанг, сен томонингдан (бизга марҳамат бўлур). Мен сени қийнашни истамайман. Иншааллоҳ, сен менинг солиҳ кишилардан эканимни кўрурсан”**. (Мусо) деди: **“Мана шу сен билан менинг ўртамиздаги (битимдир). Икки муддатдан қай бирини адо қилсам, бас, менга зўрлик қилинмас. Аллоҳ айтаётган сўзимизга вакил – гувоҳдир”**.

Ибн Касирнинг келтиришича, Мусо (алайҳиссалом) икки муддатдан энг узоғини (яъни, ўн йилни) адо этган. Ибн Аббос (розияллоху анху) Расулудлоҳ (соллаллоху

алайҳи ва саллам)дан ривоят қилади: *“Мен Жаброил (алайҳиссалом)дан: “Мусо икки муддатдан қай бирини бажарган?”, деб сўрадим. У: “Энг мукаммали ва тўлигини (бошқа ривоятда келишича “энг яхшиси ва комилини”), деб жавоб берган”.*¹

Ушбу ояти карималар ҳақида фикр юритиб кўрган киши Мусо алайҳиссаломнинг ҳаёт поғоналаридаги турли оғир кунларда қандай чиройли сабр қилгани, унинг олий ҳиммати, муруввати, нафсидаги ижобий хислатлари, ҳар қандай шароитда Аллоҳни эслаб, Унга дуо билан тазарру, илтижо қилишларини яққол кўриши мумкин. Шунингдек, бу ерда соғлом фитратга хос сифатлар, тўғри-сўзлик, ҳаё, иффат, очикқўнгилик каби мақталган сифатларни ҳам кўрамиз.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни, Фиръавни тўғри йўлга даъват қилишга буюради. Ибн Касир айтади: **“Бас, унга юмшоқ сўз сўзланглар!”** оятида улдуғ бир ибрат бор. Фиръавн ўта мутакаббир ва итоатсиз эди. Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг пайғамбари бўла туриб, У Зот Мусога Фиръавн билан муомалада мулойим бўлишга амр қилмоқда. Чунки ширин сўз нафсга кучли таъсир қилиб, қалбни юмшатади. Аллоҳ таоло айтади: **“Парвардигорингиз йўлига – динига донолик ва чиройли панднасихат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал йўлда мужодала-мунозара қилинг”**(Наҳл, 125).²

Биз Қуръони Каримдаги ушбу оятларни манба қилган ҳолда таҳлил қилсак бўлади. Уларни барчасини ҳам илова қилиш мумкин, унда Мусо алайҳиссалом қиссаси батафсил берилган. Биз улардан айнан Мусо алайҳиссаломнинг шахсий ва психологик хусусиятларига доирларини олдик. У ҳар тарафлама, ҳар қандай вазиятга мослаша олган шахс бўлган, чунончи, унинг Мадян қавмига бориб, яшаб мослашиб кетиши, Аллоҳ таолонинг унга берган пайғам-

¹ «Тафсиру Ибн Касир», 6-жилд, 240-бет

² «Тафсиру Ибн Касир», 3-жилд, 288-бет.

барлик мақомига ва муҳитига мослашиши шулар жумласидандир. Бу асосан, маълум бир ижтимоий ролларни бажариш мақсадида шахс ички дунёсининг атроф муҳитдаги ижтимоий ва ижтимоий психологик талабларига, шароитлари ва мазмунига яқинлашишидир. Психологик мослашув Мусо алайҳиссаломга ички ва ташқи ҳаёт билан фаолиятини уйғунлаштирган, табиат ва ижтимоий муҳитнинг ранг-баранглигини ўзлаштиришига имконият берган.

Биламизки, психология фанида темперамент тушунчаси бор, у инсоннинг турли вазиятларда нарса, ҳодиса, ҳолатлар ва ҳатти-ҳаракатларга нисбатан реакцияси, яъни таъсирини тушунтириб берувчи хусусиятлар мажмуи ҳисобланади. Мусо алайҳиссаломнинг темпераментини алиқлашда, аввало унинг иродавий сифатларини ҳам эътиборга олиш зарур. Чунки, иродавий сифатлар ҳар бир шахснинг олдидаги мақсад учун эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишини таъминловчи маълум сифатлар мажмуини ўз ичига олади.

Хулоса сифатида, Қуръони Каримда келтирилган Мусо алайҳиссалом ҳақидаги оятларни умумлаштириб, уни меланхолик темперамент эгаси деб тахмин қилсақ тўғри бўлади.

МУСО (АЛАЙҲИССАЛОМ) ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ИЛМИЙ ДАЛИЛЛАРИ

Қадимги Миср ижтимоий тузум эволюцияси, кескин секинлашиб ривожланиши билан ажралиб турарди, унинг ҳал қилувчи омили эса давлатда диннинг иқтисодиётда деярли бўлинмас ҳукмронлиги бўлган.

Аҳолининг давлат иқтисодига умумий жалб этилиши шароитида, алоҳида меҳнаткашлар қатламларининг

ҳуқуқий мақомидаги фарқи Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги каби аҳамиятли ҳисобланмаган. Бу ҳатто уларнинг қадимги иероглифларидаги атамаларда ҳам акс эттирилмаган, улардан энг кўп ишлатиладигани оддий одам – «мерет» атамаси бўлган. Бу социологик концепция аниқ ифодаланган ҳуқуқий мазмунга, шунингдек, Қадимги Мисрнинг ўзига хос ва узоқ тарихининг барча давларида мавжуд бўлган «қиролнинг хизматкори» – бўлган ярим эркин, ишчи-хизматкор ёки қуллик мақоми ҳисобланган.

Қадимги Мисрда ривожланишнинг дастлабки босқичларида асосий иқтисодий ва ижтимоий бирлик бу – қишлоқ жамоаси бўлган. Жамоа ичидаги ижтимоий ва мулкӣ табақаланишнинг табиий жараёни, қишлоқ хўжалида ишлаб чиқаришининг жадаллашуви кўплаб эҳтиёжли маҳсулот ва буюмларнинг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, уни жамоа элитаси бўлган зодагонлар ўзлаштира олган, улар қўлларида нарсалар яшаш ва сақлаш, суғориш иншоотларини қуриш ва кенгайтириш, ривожлантириш каби функцияларни жамлаган ва бажаришган. Бу функциялар кейинчалик марказлашган давлат тасарруфига ўтказилган.

Қадимги Миср жамиятининг ижтимоий табақаланиш жараёнлари айниқса милоддан аввалги IV минг йиллик охирида кучайган. Қабила одамларининг аристократияси, руҳонийлар ва бадавлат жамоа аъзолари – деҳқонларни ўз ичига олган – ҳукмрон, ижтимоий қатлам шаклланган. Бу эркин жамиятдаги деҳқонларнинг асосий қисмидан кўпроқ ажралиб турган қатламидан, давлат томонидан «рента» солиғи ундирилган. Шунингдек, улар ва қулла қаналлар, тўғонлар, йўллар ва ҳоказолар қурилишида мажбурий меҳнатга жалб қилинган. Биринчи сулолаларданок Қадимги Миср бутун мамлакат бўйлаб даврий равишда одамлар сони учун, қорамоллар сонига кўра

ва бадавлат бўлиб рўйхатга олинishi билан машхур бўлганлардан солиқ олиш тизими жорий этила бошланган.

Фиръавн давлат ҳокимиятидан мустақил ва унинг назорати остида бўлмаган эркин деҳқонларни ўлдириши билан бирга, мавжуд бойликларини давлатга ундирган. Бошқарув апарати ва руҳонийлар, доимий қишлоқ аҳоли жамоаси ўзига хос жамоа бўлиб, уларнинг раҳбарлари солиқ тўлаш, суғориш иншоотларининг узлуксиз ишлаши, мажбурий меҳнат ва бошқаларга жавобгар бўлишган. Уларнинг иқтисодий қудрати, хусусан, ер ва қулларнинг қироллик ерларидан олган ҳосилдан тўлаган солиқ туфайли бўлган. Қадимги подшоҳлик давридан бошлаб ибодатхоналар ва ибодатхоналарнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини ўрнатувчи қирол фармонлари, аристократия ва ибодатхоналарга қироллик ер ўринлари берилганлиги ҳақида қўлёзмалар сақланиб қолган.

Ҳар хил тоифадаги қарам кишилар, қуллар, подшоҳ ва зодагонларнинг хонадонларида ишлаган. Бунга ҳуқуқидан маҳрум бўлган ҳарбий асир қуллар ёки уларнинг қабилдошлари, қул сифатида олиб келинган, подшоҳ назоратчилари назорати остида белгиланган меҳнат меъёрини бажарувчи «қирол хизматкорлари» кирган. Улар оз миқдордаги шахсий мулкка ёки умуман мулкка эга бўлмаган, қироллик омборларидан арзимаган озиқ-овқат олишган ҳолос. Ишлаб чиқариш ва ривожланишдан тўлиқ узилган «подшоҳ хизматкорларининг» тизими ҳам ноиқтисодий (фақат аслзодалар учун тақдим этилган), ҳам иқтисодий (бой ва зодагонлар учун) мажбурлашга асосланган эди, чунки ер, асбоб-ускуналар, чорва моллари ва бошқалар подшоҳ мулки ҳисобланган. Қадимги Мисрда қуллар сотилган, сотиб олинган, мерос орқали, совға сифатида ўтган, лекин баъзан улар озод қилинган ва мулк билан таъминланган, эгаларидан ҳосилнинг бир қисмини талаб қилган. Қулдорчилик пайдо бўлишининг шакллари

бири, мисрликларнинг қарзлари қўплиги туфайли, ўзини ўзи қул сифатида сотиши ва жинойтчиларнинг қулларга айланиши эди.

Ғалаба қозонилган урушлар натижасида Янги Қироллик даврида Миср қадимги дунёда биринчи йирик империяга айланган, бу унинг ижтимоий тузилишининг янада мураккаблашишига таъсир қилмай қолмаган. Энг катта зодагонлар аристократиясининг позициялари заифлаша борган. Фиръавн Яҳмос даврида ўзига тўла бўйсунган ҳукмдорлар (шаҳар эгалари) ни ўз ўрнида қолдиради ёки уларнинг ўрнига янгиларини тайинлайди. Ҳукмрон элита вакиллариининг бундан буён фаровонлиги ва тинч яшаши тўғридан-тўғри уларнинг расмий табақаси қандай ўрин эгаллашига, фиръавн ва унинг саройига қанчалик яқин бўлишига боғлиқ бўлиб қолган. Бошқарувнинг марказий тизими ва фиръавннинг бутун сиёсий ҳаракатлари барчага маҳаллий амалдорлар, жангчилар, деҳқонлар ва ҳатто четдаги қулларнинг номсиз қатламларига сезиларли даражада таъсир қиларди.

Бой ва кучли зодагонлар болалари фиръавн руҳонийлари томонидан бошқариладиган махсус диний мактабларда дарс ўқишлари ва ўқишни тугатгач, у ёки бу расмий лавозимни олишлари мумкин бўлган.

«Нежес» мақоми билан бир қаторда, бу вақтда Миср аҳолисининг алоҳида тоифаси пайдо бўлди, улар «нем-ху» атамаси билан белгиланади. Бу тоифага ўз хўжалигига эга бўлган деҳқонлар, ҳунармандлар, жангчилар, фиръавн маъмуриятининг буйруғи билан давлат эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиқиб, ижтимоий ва ҳуқуқий мавқеъи кўтарилиши ёки туширилиши мумкин бўлган кичик амалдорлар кирган.

Бу ўрта Қиролликда марказлашганидек, меҳнатни умуммиллий қайта тақсимлаш тизимининг яратилиши билан боғлиқ бўлган. Янги қиролликда қўп сонли императорлик, табақаланиш, бўйсунувчи бюрократия қатла-

ми, ҳарбий қўшин ва бошқаларнинг янада ўсиши муносабати билан бу тизим янада ривожланиб кетади. Унинг моҳияти қуйидагича эди:

Мисрда солиқларни тизимли жорий этилиб қўшинда ёш тоифалари, ўсмирлар йигитлар, қарияларни ҳарбий қилиб тайёрлаш бўйича аҳолини ҳисобга олган ҳолда, тизимли равишда рўйхатга олишлар жорий этилади. Бу ёш тоифалари маълум даражада Миср қироллик хўжалигида бевосита банд бўлган аҳолининг, руҳонийлар, қўшинлар, амалдорлар, хунармандлар ва «оддий одамлар»нинг янада ўзига хос синфий бўлинишга олиб келган. Бу бўлинишнинг ўзига хослиги шунда эдики, биринчи учта синф гуруҳининг сон ва шахсий таркиби ҳар бири аниқ ҳолатда давлат томонидан унинг мансабдор шахсларга, хунармандларга ва бошқаларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади, тақсимланади.

Оддий одамларга доимий малакали иш учун рўйхатда туриш, масалан, меъмор, заргар, рассом сифатида бу уларга ер ва ажралмас хусусий мулкка расмий эгалик қилиш ҳуқуқини берган. Хунарманд яна қайта «оддий одамлар» тоифасига ўтказилгунга қадар, олий тоифада туради. Қироллик ёки дин маъмуриятининг кўрсатмаси билан у ёки бу хўжалик бўлинмасида ишлаб, ундан четлаштирилиши мумкин. Белгиланган вақтда у томонидан ишлаб чиқарилган ҳамма нарса фиръавннинг мулки ҳисобланган, ҳатто унинг қабри ҳам. У томонидан лавозимдан ташқарида ишлаб чиқарилган нарса унинг шахсий мулки ҳисобланган.

Амалдорлар, хунармандлар аслида «оддий одамлар» тоифасига қарши эдилар, уларнинг мавқеъи қуллар мавқеъидан унчалик фарқ қилмаган, уларни фақат қул сифатида сотиб олиш ёки сотиш мумкин эмас эди холос.

Ҳозирги ва ўтмишдаги олиб борилган илмий ва археологик тадқиқотлар, кўрсатиб ўтилганидек, Тутмос II нинг

қўп ҳукм сурмаганини, у ҳақида тарихий манбалар озлигини, мақбарасининг йўқлиги, ўлиmidан сўнг фиръавнларга ҳос тантанавий дафн маросимининг ўтказилмаганлиги кўплаб илмий саволларни келтириб чиқарган бўлса, (фаразимизда) унга жавобан, унинг сувда ҳалок бўлгани (Қуръони Карим ва ҳозирги Тавротга кўра) Миср халқи ва аёли (кейинги фиръавн Хатшепсут) томонидан жуда ҳайратланарли ва қўрқинчли қабул қилингани, унинг ўлимига сабабчи ва ҳукмронлигига барҳам берувчилар, ўзининг қуллари бўлган Исроил қавми экани ҳақидаги гап-сўзларни йўқотиш мақсадида бўлган бўлиши мумкин. Чунки, бу ерда нафақат икки жамиятнинг, балки диний қараш ва ғояларнинг ҳам келишмовчилиги ўрин олмоқда. Социологик таҳлил жиҳатидан, Исроил қавмининг Мисрликлар томонидан тинимсиз таҳқирланиши, тазийқ остида қолишлари ва тенгсизликлар, барибир, қачондир икки жамият ўртасида уруш бўлишини кўрсатиб турарди. Мисрликлар қулларини умуман инсон ўрнида эмас, балки, бепул ишчи кучи сифатида кўришгани барчага маълум. Бундан ташқари Қуръони Каримда: **«Албатта, Фиръавн ер юзида баланд кетди. У ўша(ер)нинг аҳолисини бўлиб ташлади. Улардан бир тоифасини эзар, ўғилларини сўйиб, қизларини тирик қолдирарди. Албатта, у бузғунчилардан бўлган эди»**.¹

«Мусо уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ ила келган чоғда, улар: **«У билан бирга иймон келтирганларнинг ўғилларини қатл қилинлар, қизларини тирик қолдиринлар»**, дедилар. Кофирларнинг макр-ҳийласи залолатдан бошқа нарса эмас».²

Ушбу оятда фиръавннинг Исроил қавмига келтирган зулми эслатилмоқда. Фиръавн, Исроил қавмини ва унинг

¹ Қасас сураси 4 оят

² Ғофир сураси 25 оят

худо эканлигига ишониб иймон келтирмаганларни шу даража ёмон кўрганки, уларнинг уруғини йўқотиш мақсадида эркакларни қулликда ўлдириб, аёлларини тирик қолдириб ишлатган.

Тадқиқотнинг социологик ва конфликтологик таҳлилини чиқариш учун манбалар Қуръони каримдаги оятлардан олиниши керак бўлди. Хусусан, унда: «У: «Агар оят-мўъжиза келтирган бўлсанг, ростгўйлардан бўлсанг, келтир уни», деди. Асосини ташлаган эди... баногоҳ у аниқ аждар бўлди. Сеҳргарлар Фиръавнга келиб: «Агар биз ғолиб бўлсак, албатта, мукофот олсак керак?» дедилар. У: «Ҳа. Ва, албатта, менинг яқин кишиларимдан бўлурсизлар», деди. Улар: «Эй Мусо, ёки сен ташла, ёки биз ташловчи бўлайлик», дедилар. У: «Сизлар ташланглар», деди. Улар ташлаганларида, одамларнинг кўзини сеҳрладилар, қўрқитдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар. Биз Мусога: «Асонгни ташлагин», деб ваҳий юбордик. Бирдан у улар уйдираётган нарсани юта бошлади, Бас, ҳақ қарор топди ва уларнинг қилаётганлари ботил бўлди. Ўша ерда енгилдилар ва беобрў бўлдилар ва сеҳргарлар саждага ташланиб: «Оламларнинг Роббига Мусо ва Ҳоруннинг Роббига иймон келтирдик», дедилар».¹

Ушбу оятларда фиръавннинг ёнидаги сеҳргарлар мағдуб бўлиб, Мусо пайғамбарнинг сўзларига ишониб Исломни қабул қилганликлари баён этилмоқда. Хусусан, оятлардан ўша пайти Мусо пайғамбар ва Ҳорун пайғамбар, фиръавн ва унинг оиласи, сеҳргарлар, коҳинлар, халқнинг бир қисми тўпланган бўлса ва бу ҳолатда – Миср халқи томонидан катта эътибор қозонган ибодатхона сеҳргарлари Мусо пайғамбарга ишониб Ислом динини қабул қилишган бўлса, бу ўша ердаги бошқа одамларга ҳам таъсир қилган бўлиши аниқдир. Агар шундай бўлса,

¹ Аъроф сураси 106-122 оятлар

демак, ушбу жараённи Мусо пайғамбар фаолиятида илк диний социаллашув деб қарасак тўғри бўлади. Лекин, диний социаллашув Исроил қавмида ҳам тўлиқ кучга кирмайди, чунки, Қуръони каримда: «Мусога ўз қавмидан баъзи зурриётларгина Фиръавн ва амалдор-зодагонларининг фитна қилмоқларидан қўрққан ҳолларида иймон келтирдилар, холос. Албатта, Фиръавн ер юзида баланд кетган эди. Албатта, у исрофчилардан эди».¹ дейилади, яъни, ўз қавмидан энг кўп ёшлар эргашиши таъкидлаб ўтилган.

Бундан ташқари, масаланинг конфликтологик таҳлилни кўриб чиқадиган бўлсак, Қуръони Каримга кўра, Мусо пайғамбарга ваҳий келади ва унда: «Бас, унга юмшоқ сўз айтинглар. Шояд эсласа ёки қўрқса»,² дейилади. Конфликтология назарияси бўйича ушбу сўз, томоннинг уруш мақсадида эмас, балки, даъват маъносида эканини англаш мумкин. Чунки, ундаги «Шояд эсласалар ёки қўрқса» жумласи, даъват ва имконият маъносида келмоқда, яъни бу ерда, конфликтологик потенциал кўринмайди ва томоннинг ўз эҳтиёжи учун курашга кирётганини кўриш мумкин.

«Мусо уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ ила келган чоғда, улар: «У билан бирга иймон келтирганларнинг ўғилларини қатл қилинглар, қизларини тирик қолдиринглар», дедилар. Кофирларнинг макр-хийласи залолатдан бошқа нарса эмас» оятида фиръавн томонининг конфликтологик томонини кўришимиз мумкин, чунки, келишмовчилик бошида тактика қўллашни бошлаш – кўпинча душманлик аломатидан бири бўлиб келади.

«Бас, Фиръавн шаҳарларга тўпловчилар юборди»³

¹ Юнус сураси 83 оят

² Тоҳа сураси 44 оят

³ Шуаро сураси 53 оят

дейилган оятда, фиръавн томоннинг конфликтни жадаллаштириш ва ҳал қилиб бўлмас даражага олиб келувчи ҳатти-ҳаракатларини тасвирлайди.

«Бас, Биз уни ва унинг аскарларини тутдик ва денгизга отдик. Энди золимларнинг оқибати қандоқ бўлганига назар сол»¹ деган оят конфликт тугагини англатади ва томоннинг хулосасини натижалайди.

Хусусан, социологик жиҳатдан Бани Исроил қавмини йиллар давомида азоблаб келган Мисрликлар ўртасида қачондир, уруш ёки келишмовчилик келиб чиқиши табиий ҳолатдир. Унинг айнан шу пайтда бўлиб ўтиши, жамиятнинг тузуми ва ҳолатидан ҳам келиб чиққан. Ўзаро келишмовчилик, қуллик муносабатлари, тазйиқ ва ғоявий номутаносибликларнинг бўлиши, ечим беришга ҳам йўл бермаган. Хусусан, бу ерда диний қарашларни асосий объект сифатида олиш ўринли бўлади.

Агар тадқиқотдаги асосий таҳминлар сифатида Тутмос II билан Рамзес II олинадиган бўлса, уларнинг қилган ҳарбий сафарларини ҳам ўрганиш керак бўлади. Чунки, фиръавнлар умри давомида ўз ерларини кенгайтириш мақсадида ҳарбий юришда бўлишади. Мусо пайғамбар давридаги фиръавн эса, унча кўп урушларга чиқмаган бўлиши мумкин, чунки, Қуръони карим ва Тавротда келганидек, унинг касалликка чалиниши бунга йўл қўймаган бўлиши ҳам мумкин.

Жумладан, Тутмос II тарихдан ҳарбий юришларда кам бўлганлиги келтирилади. Тутмос II ҳукмронлиги Нубияда бошланган қўзғолонни яшин тезлигида бостириш билан бошланган. Бу ҳақда Асуан ва Шалла ўртасидаги йўл бўйидаги қояларга ўйилган ва “биринчи йил, биринчи фасл иккинчи ойининг саккизинчи куни” деб бошланувчи ёзувда айтилган. Дайр ал-Баҳридаги маъбадда ўйилган жуда парча-парча матн, афтидан, Тутмос II томони-

¹ Қасос сураси 40 оят

дан Сурияга қилинган юришга ишора қилади, аммо ёзув ҳеч қандай хулоса чиқаришга арзимайди, чунки у жуда майда парчаларга бўлинган.

Рамзес II да эса, у ўзининг мустақил ҳарбий юришларидан олдин кўплаб юришларда қатнашди, уларнинг кўпи Нубия ва империя шимолидаги илгари йўқотилган ҳудудларни қайтариб олиш учун эди. У Нубия кўзғолонларининг бир қисмини бостириш ва Ливияда ҳарбий кампания ўтказиш учун масъул бўлди. Ва Кадеш жанги – фиръавннинг энг муҳим ҳарбий муваффақияти ҳисобланса ҳам, у Миср душманлари билан бошқа жангларда ҳам бир нечта мутлақ ғалабаларга эришди. Рамзес II даврида Миср қўшини, мутахассисларнинг фикрига кўра, қадимги дунёда даҳшатли куч бўлган 100 минг кишидан иборат бўлиб, Миср таъсирини кучайтириш учун фойдаланган.

Кадеш жангининг бевосита олдинги ҳолатлари Рамзес II нинг Канъондаги дастлабки юришлари эди. Кўринишидан, биринчи бундай юриш унинг ҳукмронлигининг 4 йилида бўлиб ўтган ва ҳозир Байрут яқинидаги Наҳрал-Калб ёдгорлиги ўрнатилган. Шамоллар ва кўп йиллик эрозия туфайли бу ёзувни ҳозир деярли ўқиб бўлмайди.

Рамзес II нинг Сурияга иккинчи юриши ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз Миср ва Хетт қўшинлари ўртасида ҳозирги Сурия-Ливан чегараси яқинида жойлашган Оронтес дарёси бўйида жойлашган Кадеш шаҳридаги машҳур жанг ҳақида маълумотларни кўриб чиқайли. Тарихга кўра, бу воқеа эрамиздан аввалги 1274 йилга тўғри келади ва инсоният тарихидаги энг қадимги кучли жанг бўлиб, унинг сабаблари, тафсилотлари ва тактикаси ишончли манбаларда асослаб берилган. Бу, эҳтимол, аралар иштирокидаги энг катта жанг бўлиб, турли маълумотларга кўра, 5-6 мингта яқин аралари қўшин қатнашган.

Бу жараён 19-сулоласида ҳам кузатилган. Отаси Рамзес I сингари, фиръавн Сети I ҳам қўмондон бўлган ва

Миср империясини деярли бир аср олдин Тутмос шоҳлари даврида бўлган ҳолатга қайтаришга киришган. Карнак ибодатхонаси деворларидаги ёзувларда унинг Канъон ва Сурияга қилган ҳарбий юриши тафсилотлари сақланиб қолган. Фиръавн юришда ўзи билан 20 000 кишини олиб кетган ва Миср ҳарбий гарнизонларини жойлаштира собиқ назоратдаги шаҳарларни ўз назорати остига қайтарган. У, шунингдек, Хетлар билан норасмий сулҳ тузиб, Ўрта ер денгизи бўйидаги қирғоқ ҳудудларини назорат қилиб, Кадеш (бу ҳақида ёдгорлик стеласида ёзилган) ва Амурру шаҳарларини вақтинча эгаллаб олган. Сети I нинг ўғли ва меросхўри Рамзес II у билан бирга бу юришни бошқарган.

Рамзес II иштирок этган Кадеш жанги фиръавннинг Канъондаги олдинги юришларидан олдинроқ содир бўлган. Ҳукмронлигининг 4-йилида у Амуррани қайтариб олиш ва маҳаллий вассалларнинг содиқлигини текшириш ҳамда келажакдаги жанглар учун ҳудудни ўрганиш мақсадида шимолга – Сурияга кўчиб ўтди. Мисрликлар Амурра устидан назоратни тиклаб, Хетт шоҳи Мува-талли II ни қўшинларини жанубга суришга ундадилар. Ҳукмронлигининг 5-йилида Рамзес ҳам қўшин тўплади ва баҳорда Кадеш жангида дуч келган душманни қарши олиш учун шимолга йўл олди. Кадеш қалъасини узоқ вақт қамал қилишни ожизлик деб билган Рамзес II ўз қўшинларини тўплади ва жанубга Дамашқ томон чекинди ва у ердан Мисрга қайтиб кетди. Ўз ватанига қайтиб, фиръавн душманлари устидан ғалаба қозонганини эълон қилди, аммо кейинчалик у бошқа ҳеч қачон Кадешни қўлга киритишга уринмади. Бироқ, шахсан Кадеш жанги ёш Рамзес учун ғалаба бўлди, у Хетт араваларининг вайронкор ҳужумини енгишга муваффақ бўлди ва жангда бево-сита иштирок этди. Рамзес II даврида Мисрда иқтисодий фаровонлик туфайли, ўзининг навбатдаги юксалишини бошидан кечирди, бу эса санъат, адабиёт ва илм-фаннинг

ривожланишига туртки берди. Фиръавн ниҳоят ўз қароргоҳини Мемфисдан Нил дельтасидаги Пи-Рамзес номли янги пойтахтига кўчирди. Бироқ, яна бир ҳақиқат шундаки, Рамзес II монарх ва тажрибали сиёсатчи сифатида у учун ўз мамлакатининг шимолида, Левантнинг муаммоли ҳудудларига имкон қадар яқин бўлиш муҳимлигини тушунди. Янги пойтахтга кўчиш яна муайян сиёсий оқибатларга олиб келди: Фива саройи кўшини ва қиролик руҳонийлари фойдасига ўзининг олдинги таъсирини йўқотди, аммо, Амон таълимоти каби олий руҳонийларнинг фаолияти, кучайишда давом этди. Рамзес II Амарна даври меросини йўқ қилиш учун ҳаракат қилган. Бошқа фиръавнлардан фарқли ўлароқ, у Амарнани абадий йўқ қилиш учун ҳар қандай ҳолатда эслатмасликка интилди, шунингдек, диний соҳада ва Миср диний жамияти, ўзидан олдинги фиръавн Аменхотеп IV (Эхнатон) давридаги ўзгариш ва ҳолатлар бўлмаслиги учун қўлидан келганча ҳаракат қилган.

Сабаби, айнан шу Аменхотеп IV, яъни Эхнатон Қадимги Мисрда, кўп худолик динини йўқ қилиб, мамлакатда яккахудоликка асосланган дин ғоясини илгари сурган (монотеизм). (Кейинги мавзуга қаранг!)

Яна Қуръони Каримдаги ушбу оятларни эслатамиз:

«Бас, уларнинг устидан тўфон, чигиртка, мита, бақа ва қонларни очиқ-ойдин ва муфассал белгилар қилиб юбордик. Бас, улар мутакаббирлик қилдилар ва жинойтчи қавм бўлдилар».¹ Яъни, Аллоҳ таоло Фиръавн ва унинг аҳли ваъз-насиҳатга қулоқ тутсин, инсофу иймонга келсин, қилаётган жинойтларидан қайтсин, деб уларга муфассал қилиб, алоҳида-алоҳида тарзда оят-белгиларни юборди. Баъзи уламоларнинг фикрича, Исро сурасидаги «Мусога тўққизта очиқ-ойдин, оят-белги бердик», дейи-

¹ Ал-Аъроф сураси 133 оят

лишига қараганда, тўққиз йилда тўққизта оят юборган, чунончи: асо, қўл, қаҳатчилик, мева ва жонларни нуқсонга учратиш, тўфон, чигиртка, мита, бақа ва қон.

Тавротда ҳам шунга далолатан: «**Ва яна Яҳова Мусо ва Ҳорунга деди: тандир (ёки олов) дан бир ҳовуч кул олинг, сўнг Мусо уни фиръавннинг олдида осмонга улоқтирсин. У бутун Миср бўйлаб майда чанг бўлиб учиб юради, бутун мамлакат бўйлаб одамлар ва чорва молларида йирингли хўпшозлар пайдо бўлади. Улар тандир (ёки олов) даги кулни олиб, фиръавн ҳузурига чиқишди. Мусо кулни ҳавога ташлади (учирди), одамлар ва чорва молларида йирингли яралар пайдо бўлди. Сеҳргарлар Мусонинг олдида чиқа олмадилар, чунки уларнинг бошларида, танасида ва бутун мисрликларда шу касаллик пайдо бўлган эди**»,¹ дейилади.

Бундан ташқари, тадқиқот давомида барча деталарни инобатга олиб таҳлил қилиш мақсадида Қадимги Миср фиръавнларининг XVIII–XIX сулолалар вакиллари ва ундан бошқа яна 240 дан ортиқ фиръавн ҳаёти ва фаолияти кўриб чиқилди (батафсил маълумот кейинги мавзуларда келтирилади).

Тутмос II нинг мумияси эса биринчи марта 1886-йил 1-июлда Гастон Масперо томонидан очиб ўрганилган. Тадқиқот давомида Тутмос I нинг отаси бўлган Тутмос II нинг мумиясида бир-бирига кучли оилавий ўхшашликни аниқлаган. Иккала мумиянинг юзлари ва бош шакллари бир-бирига жуда ўхшаш. Тутмос II нинг танаси қадимий қабрларни талон-тарож қилганлар қўлидан қаттиқ азият чекканлиги, мумиянинг чап қўли елка бўғими узилган ва тирсак бўғимидан ажралган, ўнг қўли эса тирсакдан ажратилганлиги маълум бўлган. Унинг қорин олд қисми ва кўкрак қафасининг катта қисми, эҳтимол, болта билан синдирилган, шунингдек, унинг ўнг оёғи танадан ажратилган

¹ Шмот 9:8-11

бўлган. Бу жароҳатларнинг барчаси ўлимдан кейин содир бўлган бўлса-да, бундан ташқари, танасини ўрганган Гастон Масперо таъкидлаганидек, Тутмос II нинг ҳаёти осон бўлмаганидан далолат беради, унинг сўзларига кўра: «Ўттиз ёшга зўрға етиб, ўта оғир касаллик билан қийналган, унинг танасини балзамлаш ҳам ёрдам бермаган териси дагал доғлар ва чандиқлар билан қопланган, бош суягининг юқори қисми кал (сочи тўкилган), танаси озиб кетган, ҳажми бироз кичрайган унинг танасига ҳаётийлик ва мушакларининг кучи етмагандек бўлганга ўхшайди.» дейди.

Гарвард университетида таҳсил олган археолог ва палеонтологик тадқиқотлар корпорацияси президенти доктор Жоель Клэнк, кўплаб археологик топилмалар Миср фиръавни Тутмос II давридаги инқироз (касаллик) дан далолат беради, деб таъкидлаган.

Тутмос II нинг мумияси (6-7-расм.) XVIII сулола вакиллари орасида номаълум касалликнинг кисталари билан қопланган бўлган ягона фиръавн жасади дир. Бу яралар Тутмос II нинг орқа, бел, қўл ва оёқларини қоплайди ва узунлиги бир неча сантиметргача бўлган папуллалар, қорақўтирлар ва чандиқлар аралашмаси бўлган. Бу кисталар, эҳтимол, қироллик оиласига ҳеч қандай алоқаси



6-расм. Тутмос II мумияси

бўлмаган, балки, даярли кўпчиликда кузатилган, хусусан бу ҳолат Ситре-Ин исмли ҳамширанинг жасаидан ҳам топилган. Бундан ташқари, Хатшепсут ва унинг вори си Тутмос III (эрамиздан аввалги 1457-1425 йиллар) нинг танасида ҳам касалликнинг из-

лари аниқланган, лекин, бу уларнинг териси бироз вақт ўтгач тузалиб кетганини ҳам кўрсатди. Тутмос II ҳукмронлиги давридаги инқирозни кўплаб далиллар ҳам кўрсатади. Кленкнинг таъкидлашича: «Аслида фиръавнлар ўзларининг муваффақиятларини эълон қилиб, мақтанадилар ва кўпинча муваффақиятсизликлари ёки инқирозларига эътибор қилдирмай, унуттиришади» деб тавсифлайди. Археолог Жорж Даресси Тутмос II нинг 18 йил ҳукмронлик қилганини ёзганига қарамай, ҳукмдорнинг ўн саккизинчи сулола фиръавнларига қараганда камроқ манбалари, ёдгорликлари ёки ўз ҳукмронлиги давридаги кичик осори-атиқалари мавжуд. Бундан ташқари, Тутмос II га тегишли қурилиш лойиҳалари минимал бўлиб, Карнакдаги тугалланмаган оҳактош дарвозаси ва Самна, Кумма ва Элефантиндаги қурилиш қисмларини ўз ичига олади. Шунингдек, Миср расмийси Яхмос Пен-Нехбет Тутмос II Синайда шасу ёки кўчманчиларга қарши юриш қилганини эслатиб ўтади.¹ Эҳтимол, унинг танаси денгиздан чиқарилиб (Қуръони Карим оятларига



7-расм. Тутмос II мумияси

¹ <http://www.sbwire.com/press-releases/archaeologist-reign-of-egyptian-pharaoh-thutmose-ii-suggests-crisis-132349.htm>

кўра) мумияланган ва ундаги яралар Мисрга етган оғир касаллик асорати бўлган бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, яхудий жамоаси (Исроил ўғилларининг) Мисрдан чиқиб кетиши ва Исроил худудида Шоҳ Сулаймон ибодатхонаси қурилиши орасида 480 йил бор дейилади (Шоҳ Сулаймон, ибодатхонани ўзининг ҳукмронлигининг 4-йилида барпо қила бошлаган). Агар ибодатхона эрамиздан аввалги 966 йилда қурила бошлаган бўлса, яхудийларнинг (Исроил ўғилларининг) Мисрдан чиқишлари 1446 йилларга, яъни Тутмос II даврига тўғри келади.

МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ ВА УНИНГ “АЛ-КАШШОФ” АСАРИДА “ЮНУС” СУРАСИ 92-ОЯТИНИНГ ТАФСИРИ

Буюк муҳаддис, фақих, тилшунос, арабшунос, муфассир мутафаккирнинг тўлиқ исми **Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий** бўлиб, 1075 йил 19 мартда Хоразмнинг қатта қишлоқларидан бири – Замахшар қишлоғида таваллуд топган. Замахшарий ҳақидаги маълумотлар, асосан, ўрта аср араб манбаларида келтирилади. Отаси унчалик бадавлат бўлмаса-да, саводли, тақводор, диёнатли киши бўлган ва аксар вақтини Қуръон тиловати-ю намоз ўқиш билан ўтказиб, Замахшардаги бир масжидда имомлик ҳам қилган. Замахшарийнинг онаси ҳам тақводор, диндор аёллардан ҳисобланган. Аллома ҳақидаги манбалардан маълумки, унинг бир оёғи ёғочдан бўлиб, тарихчилар бу ҳақда: “Бир оёғи ёғочдан эди ва узун яктагини тушириб кийгани учун кўрган одам уни чўлоқ деб ўйларди”, – деб ёзганлар. Оғир иллат туфайли у ёшлигидан бир оёқ бўлиб қолган ва шундан сўнг отаси уни энди оғир меҳнатга ярамайди, деб кийим тикувчи устага шогирдликка бермоқчи бўлади. Бироқ ёшлигидан илмга ҳа-

васманд ўсган Маҳмуд отасидан ўзини мадрасага ўқишга юборишни сўрайди. Ўғлидаги илмга бўлган зўр иштиёқ ва ҳавасни сезган отаси уни мадрасага беради.

Замахшарий илм-фаннинг турли соҳалари билан қизиқиб, толиби илмлар орасида зўр истеъдодини намоён қила бошлайди. У мадрасада ўқитиладиган илмларни, айниқса, араб тили ва адабиёти, диний илмларни пухта эгаллашга киришади, ўша даврда илм аҳли орасида қадрланган хаттотлик санъатини ҳам мукаммал эгаллаб, ўз тирикчилигини бир қадар тузатади. Сўнг йигитлик ёшига етгач, билимини янада ошириш, ҳар томонлама камол топиш мақсадида Бухорога йўл олади.

Замахшарий Бухорода ўқишни тугатгач, бир неча йил Хоразмшоҳлар хизматида бўлиб, котиблик билан шуғулланади, ҳукмдорлар билан яқинлашишга уринади. Бироқ қобилияти, илми, фазилатига яраша бирор мансаб ва муносиб эътибор кўрмагач, ўзга юртларга сафар қилади, мақсадларининг ушалишига умид боғлайди.

1118-йили Замахшарий оғир дардга чалинади, бу касалликдан тузалгач эса ҳукмдорлар хизмати, мансаб ва мол-дунёдан мутлақо воз кечади, қолган умрини фақат илм-фанга бағишлашга, асарлар таълиф этишга астойдил қарор қилади.

Замахшарийнинг ўз даври илмларини тўлиқ эгаллаш, олимлик даражасига етишишида, шубҳасиз, устозларининг хизмати бениҳоя катта бўлган. Мана шундай устозлардан бири – тил, луғат ва адабиёт соҳасида машҳур олим Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарир Даббий Исфаҳонийдир. Исфаҳоний Хоразмда ҳам бир қанча муддат яшаган. Бу ўлкада мўътазилийлар¹ таълимотининг жорий бўлиши ҳам

¹Мўтазилий–7-9асрларда Дамашқ ва Бағдод ҳалифалик даврларида катта аҳамият касб этган, калом илми бўйича илк ажралиб чиққан оқимлардан бири. Мўтазилий сўзи, асли араб тилидан олинган бўлиб, “ажралган”, “бўлинган” деган маънони англатади. Оқимнинг тўлиқ номланиши “Аҳлул Адл ва Тавҳид” дейилиб, “адолат ва тавҳид аҳли” деган маънога эга. Оқим илк бор, Басрада Васил ибн Атоъ ва

мана шу Исфаҳоний номи билан боғлиқдир. Замахшарий Бағдодда шайхулислом Абу Мансур Наср Хорисий, Абу Саад Шаққоний, Абул Хаттоб ибн Абул Батар каби машхур олимлардан ҳадис илмидан таҳсил олди. Маккада бўлганида эса наҳв ва фикҳ бўйича илми Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Талхат ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ябирий Андалусий, шайх Садид Хайятий, луғат илмини эса Абу Мансур Мавҳуб ибн Хадар Жаволиқий каби машхур олимлардан ўрганди. Замахшарий ҳаёти давомида Марв, Нишопур, Исфаҳон, Шом, Бағдод ва Ҳижозда, икки марта Маккада бўлди. Олим бу ерда илмий ишларини давом эттирди, араб тили грамматикаси ва луғатини ҳамда маҳаллий қабилаларнинг лаҳжалари, мақоллари, урф-одатларини чуқур ўрганди, бу минтақа географиясига оид хилма-хил маълумотларни тўплади. Адиб кўп асарларини Маккада ёзади. Ўз ҳаётида чуқур из қолдирган Маккада Замахшарий беш йилча яшайди. Шу боисдан у Жоруллоҳ яъни «Аллоҳнинг қўшниси» деган шарафли лақабга муяссар бўлади. Ўз даврининг йирик олими даражасига кўтарилган Замахшарийнинг Хоразмда ҳам, Шарқнинг бошқа кўпгина шаҳарларида ҳам кўпдан-кўп шогирдлари бўлган, аллома кўп вақтини ўшаларга бағишларди. У қариндош-уруғларининг қийин-қистовларига қарамасдан, уйланмаган. Илмий асарлар яратиш ва муносиб шогирдлар тайёрлашни фарзанд ўстиришдан аъло деб ҳисоблаган. Замахшарий охириги марта Маккадан қайтиб Хоразмда бир неча йил яшайди ва 1144 йил 14 апрелда вафот этади.

Буюк мутафаккир Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, география, тафсир,

Амр ибн Убайд томонидан илгари сурилган ва ўзида 5 та асосий ғояни мужассам этган. Хусусан, адолат, тавҳид, ал ваъд вал ваъид яъни Аллоҳ таоло ўз сўзига амал қилиб, ваъдасини бажариши аниқлигига эътиқод, Ал манзила байн алманзилатайн яъни бир мусулмон оғир гуноҳ содир этса мусулмонлик ва диндан чиқишликнинг ўртасида қолиб кетишлик ғояси ва руҳсат этилган нарсаларни буйруқ, маҳбуб кўрилмаганларни ҳаром деб ҳисобламоқ ва ҳ.к.

ҳадис ва фикҳга оид эллиқдан ортиқ асарлар яратган, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган.

Араб тилшунослиги ва грамматикасининг турли томонларига оид асарлар Замахшарий ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, араб тили грамматикасига оид «Ал-Муфассал» (1121 йил) номли асарини у Маккада яшаган пайтида, бир ярим йил давомида ёзган.

Замахшарийнинг хоразмшоҳ Алоуддин Абулмузаффар Отсизга бағишлаб ёзилган «Муқаддамат ул-адаб» асари алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, хоразмшоҳлар даврида илм-фан, маданият анча тараққий қилган эди. Хукмдорлар, айниқса, хоразмшоҳ Отсиз олимлар, шоиру адибларга хурмат билан қарар, ўзи ҳам истеъдодли, маърифатпарвар, адабиётга қизиққан, билимдон одам эди. Унинг даврида илм-фан тараққиёти йўлида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилган. Шу сабабдан бўлса керак, Замахшарий «Муқаддамат ул-адаб» ни унинг номига бағишлаб ёзган. Асар беш катта қисмга бўлинган бўлиб, отлар, феъллар, боғловчилар, от ўзгартишлари ва феъл ўзгаришлари ҳақида баҳс юритади. Асар 1137 йиллари ёзиб тугалланган.

Замахшарий ўз асарида ўша давр араб тилининг истеъмода бўлган барча сўзлари, ибораларини қамрашга интилган, уларнинг этимологиясига катта эътибор қилган. Шу боисдан ҳам Замахшарийнинг бу йирик асарини мазкур йўналишдаги дастлабки асарлардан дейишга ҳақлимиз. «Муқаддамат ул-адаб»нинг араб, форс, туркий-ўзбекча, мўғулий сўзлик киритилган кўлөзмалари мавжуд.

Замахшарий Макка амири, олим ва адиб Абул Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос ас-Сулаймон билан дўст эди. Ибн Ваҳҳос ўз мамлакатининг географияси билан жуда яхши таниш бўлган. Замахшарий ибн Ваҳҳос маълумотларига таяниб, ўзининг Ҳижозга қилган сафаридан олган шахсий кузатишлари асосида ёзган «Китоб ул-жибол вал-амкина вал-миёҳ» яъни «Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳа-

қида китоб» номли асарида жуғрофий жойлар, тоғлар ва денгизларга доир қимматбаҳо маълумотлар келтиради.

Замахшарий адабиёт, тафсир, ҳадис, фикҳ илмлари бўйича ҳам мукаммал асарлар яратган.

Замахшарийнинг ғоятда кенг танилган **“Кашшоф ан ҳақоиқ ит-танзил ва уюн илақовил фи вужух ит-таъвил”** яъни «Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш» асари Қуръон тафсирига бағишланган. «Ал-Кашшоф» асари Замахшарий Маккада турган пайтида, уч йил давомида (1132– 1134) ёзилган.

Аз-Замахшарий раҳматуллоҳи алайҳи «Ал-Кашшоф» асарининг муқаддимасида унинг ёзилиш тарихини баён қилиб туриб, жумладан шундай деганлар: «Ушбу тафсир Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг халифалик қилган муддатларидек вақтда (яъни, икки йилу икки ойда) ёзиб тугатилди. Аслида буни тугатиш учун ўттиз йилдан кўпроқ вақт чамаланган эди. Бу ҳам бўлса ушбу Байтул Ҳаром (Каъбаи муаззама)нинг шарофати, қолаверса, Буюк Ҳарамнинг баракотидан менга аталган насиба туфайлидир. Аллоҳ таолодан сўрайман ушбу тафсирни ёзиш туфайли менга етган чарчоқни дўзахдан нажод топишимга сабаб қилса, сирот кўпригидан ўтишда атрофимга нур қилса ва У қандай ҳам яхши сўралгучидир».

Замахшарийнинг чуқур билими, даҳоси ва фаннинг турли соҳаларига оид ўлмас асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқида унга катта шуҳрат келтирган. Алломани чуқур ҳурмат ва меҳр билан «Устоз ул-араб вал-ажам», яъни «Араблар ва ажамлар устози», «Фахру Хоразм» яъни «Хоразм фаҳри» каби шарафли номлар билан атаганлар. Машҳур олимлар, шоирлар, адиблар даврасида у доимо пешволардан бўлиб, қизгин илмий баҳслар, мунозараларда унинг фикри инобатга олинарди.

Замахшарийнинг айнан шу «Ал-Кашшоф» асарида Қуръони каримнинг тафсирлари ва унинг тафсирига кўра

Мусо пайғамбар ҳаёти ўрганиб чиқилганда «Юнус» сура-сининг 92 оятини қуйидагича тафсир қилинганини кўра-миз:

«...Сени денгиз қирғоғидаги бир гўшага отамиз... ҳолда сендан бир неча аср кейин келадиганларга ибрат бўлсин деб қўриқлаймиз. Ҳақиқатда, инсонлар-нинг кўпчилиги оятларимиздан **ғофилдирлар**» дейи-лади. (Ал-Кашшоф тафсири, 353-354 бетлар). (8.Расм)

Агар шундай бўлса, Тутмос II ни Мусо пайғамбар за-монидаги фиръавн деб фараз қилсак ва Қуръони Карим оятлари, Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф» асаридаги Юнус сураси 92 оятининг тафсирига таянсақ, ҳақиқатан, Тутмос II дан кейин орадан деярли бир ёки бир ярим аср ўтиб, кейинги фиръавнга (Аменхотеп IV) Тутмос II нинг қилган амаллари ўрнатқ бўлади дейишимиз мумкин. Чун-ки, Қадимги Миср цивилизацияси тарихида айнан ўша фиръавн фақат якка худонинг борлигига эътиқод қилиб, мамлакатда монотеизм ғояларини жорий қилган. (Чиз-мага қаранг!)



من اجازة المكان ويجوز له ويجاوزه وليس من جزأ الذي في بيت الاشمى واذ يجوزها جبال قبله لانه لو كان منه لكان حقه ان يقال ويجوز بان امر السهل في البصر كما قال كما يجوز السهل في الباب فيبقى (فانهم) فلفظهم يقال سبعة حتى انتهت وقرأ الحسن وعدوا وقرأ انه بالفتح على حذف الواو التي هي صلة الاعيان وانه بالسكر على الاستفاضة لا من آنت • كزرا الخذول اهي الواحد ثلاث مرات في ثلاث عبارات حرص على القبول ثم لم يقبل منه حيث أخطأ وقعه وقاله حين لم يبق له اختيار قط وكانت المرنة الواحدة كانه في حال الاختيار وعند بقاء التكليف (الآن) انؤمن الساعة في وقت الاضطرار حين أدركنا الفرق وأبست من نفسك قبل قال ذلك حين أبلغه الفرق يعني حين أوثقت أن يفرق وقبل قاله بعد أن فرقت في نفسه والذي يحكى أنه حين قال أنت أخذ جبريل من حال البصر فدمه في فيه فلغضب قلبه على الكافر فوقت قد علم أن ايمانه لا يتبعه واما ما يرضم الله من قولهم خشية أن تدركه رجعا فقهن زيادات الساهن لله ولا تكنه ووجه جهاتان احدهما أن الايمان يصم القلب كما بين الاخرس حال البصر لا يتبعه والاخرى أن من كره ايمان الكافر وحب بقاءه على الكفر فهو كافر لا لا الرضا بالكفر كافر (من المفسدين) من الضالين المضلين عن الايمان كقولهم الذين كفروا وصعدوا عن سبيل الله زدناهم عذابا فوق العذاب بما كانوا يكفرون وروى أن جبريل عليه السلام أتاه بقتي ما يقول الامير في عبد رجل نشأ في ماله ونعمته فكفر فدمته ودفن معه وادعى لسيادة دونه فكذب فرعون فيه يقول العباس الواليد بن معمر العبد الخراج على سيده الكافر زعمه أن يفرق في البصر فلما أبلغه الفرق ما ربه جبريل خطه ففرغه (نصيح) بالثبديد والتفتيح يندك عما وقع فيه كقولهم من كفر الجبر وقيل نطق بغير من الارض وقرئ نطق بالهاء نطق شاحبة مما يلي البصر وذلك أنه بلر حصد الفرق بجانب البصر قال كعب بن عامر الساحل كأنه نور (بيدك) في موضع الحال أي في الحال التي لا روح فيها وانما أتت بدينك كما لا سواك بالبريق منه شيء ولم يتغير أو غير ما نالت الايمان من غير لباس أو بدرك قال عمرو بن معدكرب اعادلتك شي بدني ربي • وكل من خلاص سلس الشداد

وكانت درع من ذهب يعرفها وقرأ أبو بصير في قوله الله ما يدلك وهو على وجهين اما أن يكون مثل قولهم هوى باجرامه يعني يندك كله واذا باجرامه أدرك بدركه كأنه كان مظاهرا بينها (لمن خلقت آية) لمن وراثة من الناس علامة وهم بنو اسرائيل وكان في أنفسهم أن فرعون أعظم شأن من أن يفرق وروى أنهم قالوا ما مات فرعون ولا يموت أبدا وقيل أشبههم موسى جهلا كما أنه لم يصدقوه فألقى الله على الساحل حتى عاينوه وكان منظره كأن على جرس بن اسرائيل حتى قيل لمن خلقت وقيل لمن خلقت لمن يأتي بعدك من القرون • ومعنى كونه آية أن تظهر للناس عبوديته ومهاتته وأن ما كان بدعه من الروية باطل محال وأنه مع ما كان فيه من عظم الشأن وكبريائه المثل آل أسره الى ما تزود له سبحانه ربه عز وجل كما التقى بغيره أولئك من عبدة تعبيرا بها الامم بعدك فلا يجترؤا على محو ما اجترأ عليه اذ همه وابعثك وهو مالك على الله وقرئ لمن خلقت بالالف أي لتكون خلقت آية كذا تركاياته ويجوز أن يراد لتكون من خلقت على الساحل وحده لكونه يمشي بين المفرقين لا يثبت على الناس امره وثلاثه قولوا لا تعالكم الظلمة أن مثله لا يفرق ولا يموت آية من آيات الله التي لا يقدر عليها غيره وليعلموا أن ذلك تعدد منه لا ماطة التسببه في امره (مجرأ مدق) منزلا صلح مرضيا وهو مصر وزعمه لثبات عليه واتحاد الكلمة وعلموا أن الاختلاف فيه فترق عنه وقيل هو العلم بجمده على الله عليه وسلم واختلاف بنو اسرائيل وهم أهل الكتاب اختلافهم في صفته ونعمته وأنه هو أليس بعد ما يابهم العلم والبيان أنه هو لم يرتبوا فيه كما قال الله تعالى الذين آمنوا هم الكتاب يعرفونه كما يعرفون اناسهم • (فان قلت) كيف حال رسول الله صلى الله عليه وسلم (فان كنت في شك مما أنزلنا اليك) مع قوله في الكفر تراهم لي في شك منه مريب (قلت) فرق عظم بن قومه وانهم في شك منه مريب بايات التكاليف على سيدنا كدروا والتصديق وبين قوله فان كنت في شك عني الفرض والتفيل كأنه قيل فان وقع لك شك مشلا وخيل لك الشيطان شيلا لانه تقديرا (فاستل الذين يقرؤن الكتاب) واللعنى أن الله عز وجل قد ذكر بنو اسرائيل وهم قرءوا الكتاب

قوله حال البصر هو المان الأسود والتراب الذي كان في القاموس

ويجوز بان اسرائيل البصر فانه بهم من عيون وجوده بشيا وعدوا حتى اذا أدركه الفرق قال أنت ما لاله الا الذي أنتهيب بنو اسرائيل وانما من المسلمين الآن وقد عصمت قبل وكنت من المفسدين قالهم نصيبك من ذلك لتكون لمن خلقت آيات كذا من الناس عن آياتها فانزلت وسعدت نورانا بنو اسرائيل والعباد فالاختلاف حتى باهم العسلان ذلك يشي بينهم يوم الحساب فيما كانوا فيه مختلفون فان كنت في شك مما أنزلنا اليك فاستل الذين يقرؤن الكتاب من خالك

8-расм. «Ал-Каишоф» асари 353-бет. Юнус сураси 92-оятининг тафсири

ҚАДИМГИ МИСР ФИРЪАВНИ АМЕНХОТЕП IV (ЭХНАТОН) ДАВРИДА МОНОТЕИЗМ (ЯККАХУДОЛИК)НИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Олдинги мавзуда келтириб ўтганимиздек, агар фаразимиз тўғри бўлса Тутмос II давридан орадан деярли 100-150 йил ўтиб, ҳақиқатан Қуръони карим оятларига кўра, асрлар ўтиб Тутмос II ҳаётини ўрناق билиб, тахтга фиръавн Аменхотеп IV яъни Эхнатон чиқади.

Аменхотеп IV (Эхнатон) – эраимиздан олдинги 1375-1336 йилларда яшаган Қадимги Миср фиръавнларнинг XVIII сулоласи вакили эди, 1353-1335 йилларгача Мисрни бошқарган ҳукмдор. Отаси, фиръавн Аменхотеп III ва онаси, қиролича Тия томонидан Аменхотеп IV номи берилган бўлажак фиръавн болалигидан отасига нисбатан адовати кучли бўлади.


Ўша пайтда Мисрда олий худо Амон-Ра бошчилигидаги турли хил худоларни улуғлайдиган руҳонийлар жуда катта аҳамият касб этган. Руҳонийлик Мисрнинг диний ҳаётида, айниқса, кейинги даврда катта рол ўйнаган. Диний маросимларни асосан қуйидаги – бадавлат ва асл зотли зодагонлар, шаҳар раиси ва давлат раҳбари сифатида – фиръавн, агар фиръавн бўлмаган тақдирда руҳонийлар фиръавн номидан диний ибодатларни ўтказишган. Нуфузли ўринни фақат асосий ибодатхоналар руҳонийлари эгаллаган – Мемфисдаги Птах худоси ибодатхонаси, Гелиополисда эса Ра худоси ибодатхонаси руҳонийлари эгаллаган. Улар ўша пайтда қироллик хазинаси ҳисобига катта мулкка эга бўлишган. Отаси Аменхотеп III вафотидан кейин мустақил ҳукмдор бўлган Аменхотеп IV бошда Амон худосига ҳурмат кўрсатган ва унга эътиқод қилган, манбалар ва қадимги иероглифларда унинг Амон-Рага ибодат қилиши тасвирланган. Бироқ тез орада фиръавн

Аменхотеп IV диний ислоҳотларни амалга ошира бошлайди. Қадимги Мисрда янги фиръавннинг монотеизм (яккахудолик)ни жорий қилиши сабаблари аниқ маълум эмас, лекин бир нечта фаразларни илгари суриш мумкин. Ўша пайтда Миср халқлари жуда кўп худодарга сиғинишган, ҳар бир шаҳар ўз худосига сиғиниши мумкин эди. Катта руҳонийлар одамлар ва кўплаб худодар ўрта-сида воситачи бўлиб хизмат қилишган.

Ҳукмронлигининг бешинчи йилида Аменхотеп IV олдинги исмини ўзгартиради ва ўзига Эхнатон яъни «Амон ундан мамнун» деган номни қўяди. Тарихий манба ва иероглифларда ҳам айнан шу номларда у тилга олинади. Аменхотеп IV (Эхнатон) (9-расм) – тарихда ёрқин ва ихтилоfli шахслардан бири ҳисобланиб, ўз даврида дин реформатори (қадимдан келаётган анъанавий бутпарастлик ва кўпхудоликка қарши чиққан), иқтидорли шоир («Атонга Мадҳия» си билан ўз қобилиятини кўрсат), буюк бошқарувчи (ўша даврда барча стандартларга жавоб берадиган, аҳолиси 50 минг кишилик Ахетатон шаҳрини қурдирган), идеал сиёсатчи (қонли урушлар, келишмовчиликлар даврида ҳам одамлар ва халқни мувозанатда ушлаб турган), ижтимоий гуманист (давлат сиёсати даражасида одамларни қурбонлик қилиш одатлари каби ваҳшийликка барҳам берган) бўлган. Айнан шу жиҳатлари билан бошқа Миср фиръавнларидан ажралиб турганлиги учун тадқотчи олимларнинг унга бўлган қизиқиши ва иштиёқи кучли.

Ўзининг давлат бошқаруви даврида кўплаб сиёсий ва диний ўзгаришлар қилган, ижтимоий-диний соҳалар бўйича қарорлар чиқарган ва киритганлиги учун ушбу тарихий ҳодисаларга «Амарн даври» дейилади.

Ҳукмронлигининг тўртинчи йилининг охирига келиб, Аменхотеп IV (Эхнатон) Атонни ҳукмрон фиръавн-худо деб эълон қилди, унинг исми энди бир-бирига қўшилган



9-расм. Аменхотеп IV (Эхнатон) хайкали

иккита картуш шаклида ёзила бошлайди. Мисрнинг маркази Нил дарёсининг ўнг қирғоғида янги пойтахт қурилиши бошланади. Янги пойтахтга Ахетатон яъни «Атон уфқи» номи берилади. Олтинчи йили, Аменхотеп IV (Эхнатон) Амоннинг руҳонийларидан ажралиб, сарой билан янги пойтахт – Ахетатонга кўчиб ўтади. Бу қадам жамиятда тезкор ўзгаришларга ва янги Худога сиғинишни мустаҳкамлашга имкон берди. Янги шаҳарни фаол тартибга солиш бошланди: деворларни бўяш, ибодатхоналарни қуриш, фиръавннинг ўзи учун ҳам, унинг аёли – Нефертити учун мақбаралар, табобат марказлари, бозорлар, қуллар майдони ва ҳ.к. Жумладан, мансабдор лавозимларга тайинлашда ҳам ўзгаришлар бўлиб ўтди, аксарият лавозимларни камбағал қатлам аҳолиси бўлсада иқтидорли одамлар эгаллаган. Баъзи, манбаларга кўра бу ўзгаришлар Фива шаҳрида бўлган пайтларда бўлиб

ўтган дейишади. Ҳукмронликнинг тўққизинчи-ўн иккинчи йилларидан бошлаб, ислоҳот энг жиддий тусга киради, фаолият соҳаларининг кўпини ўзгартиришга қарор қилинади. Фиръавн энди қонун бўйича одатдагидек тасвирланмаган. Ёзиш пайтида улар қўчқор бошининг белгисини ишлатишни тўхтатдилар, чунки бу ҳайвон Амоннинг белгиси эди. Атондан бошқа барча худоларнинг исмлари йўқ қилинди: улар ёдгорликлар ва иероглифлардан ўчирилди ёки олиб ташланди. Аменхотеп IV (Эхнатон) Амон исмларини ўтмишдаги барча ёдгорликларда ўчириб ташлашга буюради, шунда у ўз халқининг хотирасидан абадий ўчиб кетиши мумкин деб ўйлайди. У ўз отаси ва бобосинининг ҳам исмларини қабрларда ва бошқа ёдгорликларда ўзгартиради ёки йўқ қилади.

Митанни қироли Тушаратт Аменхотеп IV (Эхнатон) унинг мактублари ва хатларига отаси Аменхотеп III каби дўстона совғалар, айниқса олтин сингари нарсалар юбормаганидан норози бўлиб, Фиръавннинг онаси Тияга ўғлининг сиёсатига қарши чиқишини сўрайди. Бу даврда олтин ва қимматбаҳо нарсалар пойтахтни безаш учун ишлатилаётган эди. Аменхотеп IV (Эхнатон) ички ишларни ва янги социал тузумни мувофиқлаштириш билан шуғулланганлиги сабабли ташқи сиёсат билан иши бўлмаган. Оқибатда қўшни давлатлар билан дўстона алоқалари сустлашади. Ҳукмронлигининг ўн иккинчи йилида шаҳар фуқаролари ўлпон юборишни бошлаганидан ва Аменхотеп IV (Эхнатон) ўз кучига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, ислоҳотлар ўзининг авж нуқтасига етади. Бундан буён «худо» ёки «худолар» сўзларини ишлатиш имконсиз ҳолга келади. Агар илгари қуёшга сажда қилинганда, қуёш «худо» деб аталган бўлса, энди улар «ҳукмдор, яратган эгам» сўзлар билан улуғлайдилар.

Ахетатон шаҳрида аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи оддингидек давом этди, ўзгарган жиҳати – диний ва

сиёсий қарашлар эди. Инсониятнинг кейинги ривожланишида анъанавий бўлган ижтимоий институтлар тизими яратди ва ишлаб чиқди. Табиийки, цивилизация ривожланиб борган сари ижтимоий институтлар тизими мураккаблашди ва такомиллашди, бироқ Қадимги Мисрликлар томонидан қўйилган – шахсни ижтимоийлаштиришнинг асосий институтлари сақланиб қолди, чунки улар ўз аҳамиятини ва асослилигини тасдиқлади. Қадимги Мисрнинг асосий ижтимоий институтлари: оила, ном, шаҳар, ибодатхона ва давлат эди. Мисрликларда оилани муқаддас деб билиш ғояси, дунёвий ижтимоий институт сифатида яратилгандан сўнг дарҳол туғилмаган. Мисрликлар бошқа халқларга қараганда оила бутун инсоният ҳаётининг асоси эканлигини тушунишган ва чуқур диндор одамлар сифатида, улар оиланинг илоҳий иноят нури билан ёритилишини ва унинг ғоялари остида оила қуришни зарур деб билишган. Оиладаги асосий шахс, шубҳасиз, ота бўлган. Аёли ва болалари уни оила бошлиғи (хўжайин сифатида) ҳурмат қилишган. У оиланинг боқувчиси ва ҳимоячиси бўлган. Оила аъзолари, отаси ва эрининг севгиси ва ҳурматыни қозонишга. Мисрлик эркакларнинг қабр тошларида марҳумнинг оиласи томонидан меҳр ва муҳаббатдан баҳраманд бўлгани ҳақида ёзувлар борлиги бежиз эмас. Аммо отанинг ўзи нафақат оилани моддий жиҳатдан таъминлаши, унинг боқувчиси ва ҳимоячиси бўлиши, балки оила аъзоларига меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлиши, уларга адолатли бўлиши керак эди. Аёлнинг оиладаги мавқеи унинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини белгилаб берган. Албатта, ўша пайтда аёллар ва эркаклар ўртасида тенглик, бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди, лекин мисрликлар ҳаммага бу тенгсизлик шароитида аёлга хотин ва она сифатида қандай ҳурмат кўрсатиш кераклигини кўрсатганлар.

Қадимги Мисрда хотиннинг ижтимоий мақомига оид

баъзи муҳим қоидаларга эътибор қаратайлик. Унинг асосий вазифаси – «хўжайини учун унумдор майдон» бўлиш, яъни болаларни ва биринчи навбатда ўғилларни туғиш, чунки унинг ўғли, агар отаси ўлган тақдирда, отасига ғамхўрлик қилиши керак эди (биламиники, Қадимги Мисрликлар марҳумларга, худди тириклар каби катта аҳамият билан қарашган ва бу кўп сарф-харажатларни ва вақтни талаб қилган).

Ибодатхоналар солиқлардан озод қилинган ва ўз ҳудудида катта бойлик тўплаган. Шу сабабли, гарчи, ибодатхоналарнинг ижтимоий томони ҳал қилувчи бўлмасда, ибодатхоналарнинг мамлакатдаги ижтимоий ҳаётга таъсири, шубҳасиз, муҳим эди. Улар асосий вазифаларни ҳал қилишган, жумладан, аҳолининг худога яқинлигини таъминлаш ва ердаги ҳаёт шароитида самовий ақидани англатиш, даъват қилиш билан шуғулланганлар. Улар миллатнинг маънавий, ахлоқий, ижтимоий ва сиёсий бирлигига айланди.

Мисрда ижтимоий тизимнинг юқори қисмида шоҳ (фиръавн) – илоҳий ирода, ҳақиқат ва адолат тимсоли бўлган. Аменхотеп IV (Эхнатон) давлатда ижтимоий адолатнинг кафили, кучлилар олдида заифларнинг ҳимоячиси эди. Бизгача етиб келган «Гапирувчи қишлоқ аҳолиси» номли ҳикояда, зодагон Рэнси одамлари томонидан оддий деҳқон Ху-н-иниунинг мол-мулки зўрлик билан тортиб олинганида, Фиръавн қандай ҳимоя қилгани ва мусодара қилинганларни қайтариб беришни буюргани айтилган. Илоҳий тамойилларга асосланган Мисрнинг ижтимоий тизими муҳим муваффақиятсизликларга йўл қўймаган, аксинча, Миср жамиятини бирлаштирган, унда барқарорлик ва ижтимоий оптимизмни сақлаб қолган. Уч минг йилдан кўпроқ вақт давомида мавжуд бўлган ушбу катта цивилизация ҳаётлигининг асосий шартларидан бири шундай социал тузумларга таянган.

Шуни ҳам белгилаб ўтиш керакки, айнан Аменхотеп IV (Эхнатон) даврида Қадимги Мисрликлар Ахетатонга кўчиб ўтишганидан сўнг инсоният тарихида биринчи бўлиб мўл-қўллик, тартиб ва адолат тамойилларига асосланган ижтимоий фалсафани ишлаб чиқишган бўлишлари мумкин деган назариялар ҳам бор. Улар биринчи бўлиб одамларга қўйиладиган талаблар тизимини (одоб-ахлоқ кодексининг бир тури) ишлаб чиқиб, унга риоя қилиш Мисрликлар учун мажбурий қилиб қўйилган. Ўша даврда Мисрликлар биринчи бўлиб ижтимоий институтлар тизимини яратадилар ва уларнинг самарали ишлашини ташкил қиладилар. Бу функциялар асосида худоларга яқинликни таъминлашга ва улардан бири сифатида фиравнни ҳурмат қилишга асосланган эди.

Ушбу даврда Қадимги Мисрликлар жамиятида – оила, ижтимоий институтлар тизимида алоҳида рол ўйнаган, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, оила ҳам жамиятнинг бошланғич нуқтаси, ҳам диндор шахс шаклландиган кичик ибодатхона эканлиги каби ғояларни илгари суришган. Ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилган ҳаётнинг фалсафий ва диний-ижтимоий асослари жиддий илмий изланишларни талаб қилганлиги боис, айнан шу давр бўйича тадқиқотлар ҳозирги кунгача давом этмоқда. Юз йилдан кўпроқ вақт давомида турли мамлакатлар олимлари Қадимги Мисрда давлатчилик пайдо бўлган даврга бўлган қизиқишлари давом этмоқда. Уларнинг қизиқишини айнан шу уйғониш давридаги одамлар онгида туб бурилишлар содир бўлганлиги ва бутун Қадимги Миср тарихига таъсир кўрсатган энг муҳим жараёнлар содир бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тарихи нуқтаи назаридан, бу давр алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки айнан ўша пайтда давлат аппаратининг асосий тузилмалари шакллана ва кенгая бошлайди, бу эса ўз навбатида бошқа қадимги

цивилизация давлатлари олдида етакчилик қилишини таъминлаган.

Диншунослик муаммоларини ўрганадиган социологлар учун, умуман социология учун, Қадимги Миср алоҳида эътиборга олиниши керак, чунки унда ижтимоий институтларнинг фаолияти ва ривожланишининг ноёб тажрибаси мавжуд. Аслида, Қадимги Миср инсоният тарихидаги биринчи ижтимоий давлат бўлиб чиқди, унинг ижтимоий барқарорлиги ва мустақамлиги замонавий ижтимоий давлатларга хос бўлган ташқи қонун кучига эмас, балки либерал демократик эътиқодга асосланган эди. Социализм субъектининг давлат тузуми шундай бўлиши кераклигига, Худо уни одамлар учун қандай яратганига – ички фаровонлик, тўлақонлилик, адолат ва ҳақиқатни сақлаш учун таянч бўлишлигига айнан шу давр катта мисол бўла олади. Агар либерал-ижтимоий давлат мафқураси давлат қонунининг диктатураси ва таниқли либерал тамойилларга асосланган бўлса, унда Миср давлатчилиги мафқураси илоҳий қонуннинг дахлсизлиги, юқори даражадаги ижтимоий жамиятнинг яхши ривожлангани ва ижтимоийликдан келиб чиққан бўлади. Агар замонавий ижтимоий давлат ўзининг асосий вазифасини тўлақонли (биринчи навбатда моддий) ер юзидаги эҳтиёжларни мувофиқлаштириш ва таъминлашда кўрса, Миср давлати ўз фуқаролари учун ер юзидаги ҳаёт учун шундай шароит яратиб беришни асосий вазифаси деб билган.

Аменхотеп IV (Эхнатон)нинг ягона худо ҳақидаги таълимоти Қадимги Миср маданияти ичида монотеизм ғояси ривожланишининг энг юқори чўққиси эди, шундан сўнг унинг йўқ бўлиб кетиш жараёни бошланди. Аменхотеп IV (Эхнатон) 17 ёки 18 йиллик ҳукмронлигидан кейин тахтни қирол Сменхкарага топшириб вафот этади. Икки йил ўтгач, фиръавн Тутанх-атон тахтга ўти-

ради, у кейинчалик ўзидан олдинги отасининг диний эътиқодидан воз кечиб, яна Амон-Рага сиғинишни бошлайди ва ўзининг номини Тутанх-амон деб ўзгартиради. Аменхотеп IV (Эхнатон)нинг ўлим сабаблари номаълум. Эҳтимол, у заҳарланган бўлиши мумкин деган қарашлар бор, чунки иероглифлардан бирида унинг ҳаётига суиқасд қилиниши тасвирланган. У ўзи қурдирган янги пойтахт Ахетатондан бир неча километр шарқдаги қояларга ўйилган қабрига дафн қилинган. Кейинчалик, Аменхотеп IV (Эхнатон) KV55 қабридаги мумияси Шоҳлар водийсининг некрополига кўчирилади. Ўша даврда, Мисрликлар Аменхотеп IV (Эхнатон) ва Ахетатон шаҳри билан боғлиқ кўплаб ёдгорликларни йўқ қилишган, бу эса мумияларни аниқлашни қийинлаштирган. Эдвард Айертоннинг 1907 йилдаги генетик ва генеалогик текшируви шуни кўрсатдики, KV55-даги одам Тутанхамоннинг отаси яъни Аменхотеп IV (Эхнатон) бўлиб чиқди. Аменхотеп IV (Эхнатон) вафотидан сўнг, янги пойтахти Ахетатон аҳоли томонидан ташлаб кетила бошланди ва шаҳар шу билан қулаб, саҳро ичидаги ташландиқ обидаларга айланиб қолди.

Қадимги Мисрда монотеизм асосчиси бўлган фиръавннинг ушбу яккахудоликка асосланган таълимоти «Атонизм» деб номланди ва бу таълимот бўйича ва унга асос солган фиръавннинг ҳаёти, унинг номи, барча қадимий ҳужжатлардан, обидалардан ва иероглифлардан ўчирилиб яна олдингидек кўпхудоликка асосланган Қадимги Миср цивилизацияси тикланди.

Унинг тузган яккахудоликка асосланган таълимоти ва давлат тузуми қисман бўлсада Ислом дини аҳкомларига мувофиқ келмоқда. Аммо, бунга нима сабаб бўлгани кўплаб олимлар томонидан ўрганилаётган долзарб мавзудир. Бу мавзу ҳозиргача мисршунос олимлар орасида ихтилофли тадқиқот масалаларидан бири ҳисобланади.

Аменхотеп IV (Эхнатон) ва унинг таълимотлари ҳақи-

да илмий изланишларнинг барчасини сарҳисоб қилиб, хулосага келсак, у монотеизмнинг шаклланишида «Қадимги Миср версияси»ни яратишга муваффақ бўлган даҳо бўлган. Баъзи олимлар (К. Траунэскер, Д. Рэдфорд) Аменхотеп IV (Эхнатон) ва унинг фаолияти натижаларини салбий қабул қилишади (уни рухий касал деб ҳисоблаб Қадимги Миср цивилизацияси маданиятининг ўлимига олиб келишига сабаб яратган деб ҳисоблашади), бошқалар эса (А. Вэйгель, Ж. Брестед, Б. Тўраев), аксинча, улар уни даҳо одам деб билишиб, дунёдаги биринчи идеалист, ўша замоннинг илк монотеизм асосчиларидан бири деб қабул қилишган. Замонавий олимларнинг фикрича, Аменхотеп IV (Эхнатон) таълимоти унинг вафотидан кейин Мисрнинг маданий салоҳияти қуриб қолишига ва мамлакат энди ўзининг олдинги ҳолига қайтолмаслик даражасида ўзгаришларга сабаб бўлган деб таъкидлашади.

Аммо, Атон ҳақидаги таълимотдан олдин нима бўлган? Бунинг келиб чиқишига нима сабаб бўлгани, ўз отабоболарининг дини ва эътиқодидан воз кечишга, монотеизм яъни яккахудоликни давлат сиёсати даражасида ўрнатишга Аменхотеп IV (Эхнатон) да нима сабаблар бўлгани ҳозирги кунгача ўрганилмоқда. Ушбу масала ихтилофли ҳисобланиб, унинг сабабларини ўрганиш ва тадқиқ этиш, агар натижа олинган тақдирда, илм-фан оламида кутилаётган энг катта натижалардан бири бўлиши мумкин. Бу ҳақда ҳозирда аниқ маълумотлар йўқ, аммо воқеаларнинг ривожланиш мантиғини, шахсларнинг тарихдаги ролини ва бўлиб ўтган воқеаларнинг изоҳини тушунишга имкон берадиган билвосита далиллар мавжуд.

Шунга таянган ҳолда, Аменхотеп IV (Эхнатон) ўз бобоси (Тутмос II)нинг ўлими ва юртида бўлиб ўтган Мусо пайғамбар билан боғлиқ воқеалардан хабардор бўлиб, Аллоҳ таолонинг бирлиги ва ягоналигига эътиқод қилиб шундай диний реформалар ўтказган бўлса ажабмас. Та-

бийиқи, Қадимги Миср тарихида бўлиб ўтган ҳар бир воқеа ва ҳодиса, ибодатхона коҳинлари ва руҳонийлари томонидан иероглифларда, меъморий ёдгорликларда, ўзларининг ҳужжатларида қайд этиб борилган ва асрлар ошса ҳам сақланиб келинган. Шунинг учун, муборак Қуръони каримда бу фиръавнга ҳам нисбат берилган бўлиши мумкинлиги эҳтимоли бор.

Агар Мусо пайғамбар давридаги фиръавни Рамзес II деб олсак, унинг тарихи ва ўлими, ҳеч бир фиръавнга ибрат бўлмаганини кўрамиз, чунки, Рамзес II дан олдин келган Аменхотеп IV (Эхнатон) – барча фиръавнлар орасидаги ягона, монотеизм (якка худога сиғиниш) таълимоти йўлидан юрган ҳукмдор эди. Кўплаб қадимий манбалар кўриб чиқилганда, Рамзес II ўз боболаридан бўлган Аменхотеп IV (Эхнатон) нинг ҳаёти ва номини йўқ қилишга ҳаракат қилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Нафақат у, балки барча Миср аҳолиси Аменхотеп IV (Эхнатон) вафот этгандан сўнг унинг номини тарих саҳифаларидан ўчириш ва йўқ қилишга ҳаракат қилишган. Чунки, Аменхотеп IV (Эхнатон) улар каби ҳар хил худолардан паноҳ сўраб, ўзини худо деб эълон қилмади, балки фақат ягона худога сиғинишни ўзига ва халқига лозим деб топди.

ҚАДИМГИ МИСР ФИРЪАВНЛАРИ ХРОНОЛОГИЯСИ

Қадимги Миср фиръавнлари хронологияси муаммоларидан бири, бу – аниқ йил ва сананинг номаълумлигидир. Йил ва тақвимни ёзиш ишлари билан асосан, коҳинлар ва руҳонийлар шуғулланишган. Энг мураккаби шунда эдики, янги фиръавн чиқиши билан сана янги йил билан бошланган, 1-йил деб қайд этилган.

Д-р.	Фиръави номи	Хукмронлик ёки яшаган даври	Сулола
1	Нармер	Номаълум	I сулола фиръавилари
2	Мин (Менес)	3000-2980 (э.ав 3032-3000) й.й.	
3	Тети I (Атотис I)	э.ав 2980 й.й.	
4	Джер	э.ав 2980-2960 й.й. (э.ав 2999-2952) й.й.	
5	Джет (Уаджи)	э.ав 2860-2830 й.й. (э.ав 2952-2939) й.й.	
6	Мернейт	Номаълум	
7	Ден (Удиму)	э.ав 2830-2810 й.й. (э.ав 2939-2892) й.й.	
8	Аджиб	э.ав 2810-2890 й.й. (э.ав 2892-2886) й.й.	
9	Семерхет	э.ав 2890-2870 й.й. (э.ав 2886-2878) й.й.	
10	Каа	э.ав 2870-2850 й.й. (э.ав 2878-2853) й.й.	
11	Хотесемеуи	э.ав 2840 й. атрофида	II сулола фиръавилари
12	Ранеб	э.ав 2830 й. атрофида	
13	Нинечер	э.ав 2810-2777 й.й.	
14	Венег	э.ав 2790 й. атрофида	
15	Сенед	э.ав 2790-2766 й.й.	
16	Нубнефер	э.ав 2760 й. атрофида	
17	Парансин	э.ав 2760 й. атрофида	
18	Неферкара	э.ав 2749 й. атрофида	
19	Неферкасокар	э.ав 2745 й. атрофида	
20	Хасехемуи	э.ав 2740-2722 й.й.	
21	Санахт	э.ав 2707-2690 й.й.	III сулола фиръавилари
22	Джосер	э.ав 2690-2670 й.й.	
23	Сехемхет	э.ав 2670-2663 й.й.	
24	Хаба	э.ав 2663-2657 й.й.	
25	Хуни	э.ав 2657-2639 й.й.	
26	Снофру	э.ав 2613-2589 й.й.	IV сулола фиръавилари
27	Хуфу (Хеопс)	э.ав 2589-2566 й.й.	
28	Джедефр	э.ав 2566-2558 й.й.	
29	Хафр (Хефрен)	э.ав 2558-2532 й.й.	
30	Микерин (Менкаура)	э.ав 2532-2503 й.й.	
31	Шепсескаф	э.ав 2503-2498 й.й.	V сулола фиръавилари
32	Усеркаф	э.ав 2494-2487 й.й.	
33	Сахур	э.ав 2487-2475 й.й.	
34	Нефериркар Какаи	э.ав 2475-2465 й.й.	
35	Шепсескар	э.ав 2465-2460 й.й.	
36	Неферефр	э.ав 2460-2458 й.й.	
37	Неусерр	э.ав 2458-2422 й.й.	
38	Менкаухор	э.ав 2422-2414 й.й.	
39	Джедкар Исеси	э.ав 2414-2375 й.й.	
40	Унис	э.ав 2375-2345 й.й.	
41	Тети	э.ав 2345-2337 й.й.	
42	Усеркара	э.ав 2337-2335 й.й.	
43	Пепи I	э.ав 2335-2285 й.й.	

44		Меренер I	э.ав 2285-2279 й.й.	VI сулола фиръавнлари		
45		Пени II	э.ав 2278-2184 й.й.			
46		Меренер II	э.ав 2184-2150 й.й.			
47		Қиролича фиръавн Нитокрис	э.ав 2152-2150 й.й.			
		VII сулола вакиллари қўп ҳукм сурмаган, тарихчи Манефоннинг манбаларига кўра 5 ёки 17 фиръавн, атиги 75 кун бошқарган дейилади.				
48	Илк ўттиш даври	Нечерикара	Турли хил манбаларда ҳар хил йиллар кўрсатилган, уларнинг аксарияти ноаниқ	VIII сулола фиръавнлари		
49		Менкара				
50		Неферкара III				
51		Неферкара IV				
52		Джедкара II Шемаи				
53		Неферкара V				
54		Меренхор				
55		Неферкамин I				
56		Никара				
57		Неферкара VI Теферу				
58		Неферкаҳор				
59		Неферкара VII				
60		Неферкамин II			э.ав 2182-2181 й.й.	
61		Какаура Иби I			э.ав 2181-2176 й.й.	
62		Неферкаухор			э.ав 2122-2118 й.й.	
63		Неферирикара II			э.ав 2119-2118 й.й.	
64		Хети I			Турли хил манбаларда ҳар хил йиллар кўрсатилган, уларнинг аксарияти ноаниқ	IX сулола фиръавнлари
65		Неферкара VII				
66		Хети II				
67	Сененех					
68	Хети III					
69	Хети IV					
70	Шед					
71	Хети V					
72	Мери					
73	Хети VI					
74	Хети VII	X сулола фиръавнлари				
75	Иниотеф		Номаълум			
76	Ментухотеп I		э.ав 2119 й.й.			
77	Иниотеф I		э.ав 2103 й.й.			
78	Иниотеф II		э.ав 2103-2054 й.й.			
79	Иниотеф III		э.ав 2054-2046 й.й.			
80	Ментухотеп II		э.ав 2046-1995 й.й.			
81	Ментухотеп III		э.ав 1995-1983 й.й.			
82	Ментухотеп IV		э.ав 1983-1976 й.й.			
83	Иниотеф Какара	XII сулола фиръавнлари				
84	Джибхентра		э.ав 1978-1974 й.й.			
85	Аменемхет I		э.ав 1976-1947 й.й.			
86	Сенусерт I		э.ав 1956-1911 й.й.			
87	Аменемхет II		э.ав 1914-1879 й.й.			
88	Сенусерт II		э.ав 1882-1872 й.й.			
89	Сенусерт III		э.ав 1872-1853 й.й.			
90	Аменемхет III		э.ав 1853-1806 й.й.			
91	Аменемхет IV		э.ав 1807-1792 й.й.			

92	Қиролича фиръавн Нефруссебек	э.ав 1798-1794 й.й.	
93	Схотепибра	Номаълум	
94	Угаф	э.ав 1766-1764 й.й.	
95	Аменемхет Сенебеф	э.ав 1800-1796 й.й.	
96	Сехемра Хуитаун	э.ав 1775-1772 й.й.	
97	Аменемхет V	э.ав 1796-1793 й.й.	
98	Амени Кемау	Номаълум	
99	Иуфни	э.ав 1788 й.й.	
100	Аменемхет VI	э.ав 1788-1785 й.й.	
101	Небнун	э.ав 1785-1783 й.й.	
102	Хорнеджеф хориотеф	э.ав 1791-1788 й.й.	
103	Суаджкара	э.ав 1781 й.й.	
104	Сенеджемибра	э.ав 1780 й.й.	
105	Себекхотеп I	э.ав 1780-1777 й.й.	
106	Ренсенеб	э.ав 1777 й.й.	
107	Хор I	э.ав 1777-1775 й.й.	
108	Аменемхет VII	э.ав 1769-1766 й.й.	
109	Себекхотеп II	Номаълум	
110	Хенджер	э.ав 1764-1759 й.й.	
111	Имирамеша	э.ав 1759 й.й.	
112	Иниотеф IV	Номаълум	
113	Иби II	Номаълум	
114	Акениу	Номаълум	
115	Себекхотеп III	э.ав 1749-1742 й.й.	
116	Неферхотеп I	э.ав 1742-1731 й.й.	
117	Сахатхор	1733 й.й.	
118	Себекхотеп IV	э.ав 1732-1720 й.й.	XIII сулола фиръавлари
119	Себекхотеп V	э.ав 1717-1712 й.й.	
120	Иаиб	э.ав 1712-1701 й.й.	
121	Мернофера Аиб	э.ав 1701-1677 й.й.	
122	Себекхотеп VI	э.ав 1720-1717 й.й.	
123	Ини I	э.ав 1677-1675 й.й.	
124	Санхенра	э.ав 1675-1672 й.й.	
125	Инед	э.ав 1672-1669 й.й.	
126	Неферхотеп II	Номаълум	
127	Хор II	э.ав 1669-1664 й.й.	
128	Себекхотеп VII	э.ав 1664-1662 й.й.	
129	Дудимос I	номаълум	
130	Дудимос II		
131	Иби III		
132	Хор III		
133	Секара		
134	Сенебмиу		
135	Сехенра	э.ав 1805-1780 й.й.	
136	Мерихеперра	номаълум	
137	Мерикара		
138	Сенусерт IV		
139	Неферхотеп III	э.ав 1629-1628 й.й.	
140	Ментухотеп V	Номаълум	
141	Неркара	э.ав 1796 й.й.	
142	Себекхотеп VIII	э.ав 1645-1629 й.й.	

143	Ини II		
144	Ментухотеп VI	номаълум	
145	Себекхотеп IX		
146	Нехеси	э.ав 1705 й.й.	
147	Небефаура	э.ав 1704 й.й.	
148	Мериджефара	э.ав 1699 й.й.	XIV сулола фиръавнлари
149	Небжефара	э.ав 1694 й.й.	
150	Убенра	э.ав 1690 й.й.	
151	Салитис		
152	Шеши	Номаълум	
153	Якубхер		
154	Хиан		XV сулола фиръавнлари
155	Апопи I (Апофис)	э.ав 1585-1545 й.й.	
156	Апопи II	номаълум	
157	Хамуди	э.ав 1555-1544 й.й.	
158	Жехути		
159	Себекхотеп VIII		XVI сулола фиръавнлари
160	Неферхотеп III		
161	Ментухотеп VI		
162	Небереау I	номаълум	
163	Небереау II		
164	Семенра		
165	Бебианх		
166	Сехемра		
167	Рахотеп	э.ав 1650 й.й.	
168	Собекемсаф I		XVII сулола фиръавнлари
169	Иниотеф VI		
170	Иниотеф VII	Номаълум	
171	Иниотеф VIII		
172	Собекемсаф II		
173	Таа I Снахтенра	э.ав 1558 й.й.	
174	Таа II Снахтенра	э.ав 1558-1554 й.й.	
175	Камос	э.ав 1569-1564 й.й.	
176	Яхмос I	э.ав 1550-1525 й.й.	XVIII сулола фиръавнлари
177	Аменхотеп I	э.ав 1525-1504 й.й.	
178	Тутмос I	э.ав 1504-1492 й.й.	
179	Тутмос II	э.ав 1492-1479 й.й.	
180	Қиролича фиръавн Хатшепсут	э.ав 1479-1458 й.й.	
181	Тутмос III	э.ав 1479-1425 й.й.	
182	Аменхотеп II	э.ав 1428-1397 й.й.	
183	Тутмос IV	э.ав 1397-1388 й.й.	
184	Аменхотеп III	э.ав 1388-1351 й.й.	
185	Аменхотеп IV (Эхнатон)	э.ав 1351-1334 й.й.	
186	Сменхкара	э.ав 1337-1333 й.й.	XIX сулола фиръавнлари
187	Тутанхамон	э.ав 1333-1323 й.й.	
188	Эйе	э.ав 1323-1319 й.й.	
189	Хоремхеп	э.ав 1319-1292 й.й.	
190	Рамзес I	э.ав 1292-1291 й.й.	
191	Сети I	э.ав 1290-1279 й.й.	
192	Рамзес II	э.ав 1279-1212 й.й.	
193	Мернептах	э.ав 1212-1202 й.й.	

194	Аменмес	э.ав 1200-1187 й.й.	XVIII сулола фиръавнлари
195	Сети II	э.ав 1202-1196 й.й.	
196	Саптах	э.ав 1195-1189 й.й.	
197	Қиролича фиръавн Таусерт	э.ав 1188-1186 й.й.	XX сулола фиръавнлари
198	Сетнахт	э.ав 1186-1184 й.й.	
199	Рамзес III	э.ав 1184-1153 й.й.	
200	Рамзес IV	э.ав 1153-1147 й.й.	
201	Рамзес V	э.ав 1147-1143 й.й.	
202	Рамзес VI	э.ав 1143-1136 й.й.	
203	Рамзес VII	э.ав 1136-1129 й.й.	
204	Рамзес VIII	э.ав 1129-1126 й.й.	
205	Рамзес IX	э.ав 1126-1108 й.й.	
206	Рамзес X	э.ав 1108-1099 й.й.	
207	Рамзес XI	э.ав 1099-1069 й.й.	
208	Херихор	э.ав 1086-1080 й.й.	XXI сулола Фиръавнлари
209	Несубанебджед	э.ав 1077-1051 й.й.	
210	Аменемнису	э.ав 1051-1047 й.й.	
211	Пеусеннес I	э.ав 1047-1001 й.й.	
212	Аменемопе	э.ав 1001-992 й.й.	
213	Осоркон	э.ав 992-986 й.й.	
214	Сиамон	э.ав 986-967 й.й.	
215	Пеусеннес II	э.ав 967-943 й.й.	
216	Шешонк I	э.ав 943-922 й.й.	
217	Осоркон I	э.ав 922-887 й.й.	
218	Шешонк II	э.ав 887-885 й.й.	XXII сулола фиръавнлари
218	Такелот I	э.ав 885-872 й.й.	
219	Осоркон III	э.ав 872-837 й.й.	
220	Такелот II	э.ав 840-815 й.й.	
221	Шешонк III	э.ав 837-798 й.й.	
222	Шешонк IV	э.ав 798-785 й.й.	
223	Пами	э.ав 785-778 й.й.	
224	Шешонк V	э.ав 778-740 й.й.	
225	Петубастис II	э.ав 743-733 й.й.	
226	Осоркон IV	э.ав 733-715 й.й.	
227	Петубастис I	э.ав 818-793 й.й.	XXIII сулола фиръавнлари
228	Иупут I	э.ав 804-783 й.й.	
229	Шешонк VI	э.ав 783-777 й.й.	
230	Осоркон V	э.ав 777-749 й.й.	
231	Такелот III	э.ав 754-734 й.й.	
232	Рудамон	э.ав 734-731 й.й.	
233	Иупут II	э.ав 731-720 й.й.	
234	Шешонк VII	э.ав 720-715 й.й.	
235	Тефнахт I	э.ав 731-723 й.й.	
236	Боксорис	э.ав 723-717 й.й.	
237	Алара	э.ав 785-760 й.й.	XXIV сулола фиръавнлари
238	Кашта	э.ав 760-752 й.й.	
239	Пианхи	э.ав 752-717 й.й.	
240	Шабакка	э.ав 717-703 й.й.	
241	Шабатакка	э.ав 703-690 й.й.	
242	Тахарка	э.ав 690-664 й.й.	
243	Тануатамон	э.ав 664-656 й.й.	
			XXV сулола фиръавнлари

Осоркон V дан кейин Қадимги Мисрда яна 243 та фиръавндан иборат 8 та сулола ҳукмронлик қилди. Охирги фиръани Птолемей XV Қайсар (эрамиздан аввалги 44-30 й.) даврида Миср – Рим империяси тасарруфига ўтди ва асрий тарихларга эга Миср империяси кулади.

ҚАДИМГИ МИСР ФИРЪАВНЛАРИНИНГ САКРАЛИЗАЦИЯСИ (ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ)

Қуръони Каримнинг Қасас сураси 38-оятига разм солайлик, унда: «**Фиръавн шундай деди: «Эй амалдорлар! Сизларни, мендан бошқа (сиғинадиган) илоҳингиз борлигини билмайман. Эй Ҳомон, менга бир баланд қаср бино қил, шояд сабабларга етсам. Осмонларнинг сабабларига етсам, сўнгра Мусонинг Илоҳига боқсам. Албатта, мен уни ёлғончи деб гумон қилмоқдаман»** дейилади.

Тарих ва дин саҳифаларида, инсон қилиши мумкин бўлган энг оғир гуноҳлардан бири – бу ўзини худо деб эълон қилишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, фиръавннинг, ўзини илоҳ сифатида удуғлаши – социология фани назариясида “сакрализация” яъни “илоҳийлаштириш” дейилади. Ушбу оятни илмий исбот ва далиллари билан ҳам таҳлил қилишимиз мумкин.

Фиръавнларнинг эътиқоди Қадимги Миср жамиятининг ривожланишида катта аҳамият касб этган. Ушбу эътиқод коҳинлар ва руҳонийларнинг кўрсатма ва таълимотлари билан мустаҳкамланиб борган. Унга (таълимотга) кўра, фиръавн – Худонинг ер юзидаги кўриниши ёки инсон кўринишидаги худо сифатида қаралган. Яъни, Қадимги Миср ҳукмдори (фиръавн) икки ҳил табиат эгаси бўлган, унда ҳам инсоний, ҳам илоҳий ҳилқат бор дея эътиқод қилинган. Ҳаттоки уларнинг туғилиши ҳам илоҳийлаштирилиб, ота-худо билан ер юзидаги аёлнинг

ишқий муносбатлари туфайли дунёга келган деб ишонишган. Шунинг учун, фиръавн ҳаётлик даврида «Гор» худоси кўринишида, дунёдан ўтгандан сўнг, ер ости ҳукмдори сифатида гавдалантирилган.

Қадимги Миср тарихи беш даврга бўлинади: олдинги, қадимги, ўрта, янги ва кейинги даврлар. Уларнинг барчаси эрамиздан олдинги 3-1 минг йилликларда ҳукм суришган. Барча даврлар давомида мавжуд бўлган 30 та фиръавнлар сулоласининг ҳамма фиръавн вакилларини Осирис худосининг ер юзидаги кўринишлари деб ҳисоблашган. Уларнинг энг биринчиси эса Мина бўлган. У ўз даврида Қуйи ва Юқори Мисрни бирлаштириб турган. Ушбу цивилизациянинг дини ва маданиятининг асосий кўриниши эътиқоддан иборат бўлган. Шунинг учун жамият социологиясида кескин сакрализация ривожланиб кетган.

Барча фиръавнлар мамлакатнинг асосий тимсоли сифатида халқ ва жамият томонидан илоҳийлаштирилган. Айнан шунинг учун ҳам фиръавнлар таълимоти давлатда юқори поғонада турган. У Қадимги Мисрда, Нил дарёсининг ўзанини ўзгартириш учун диний маросим ва расм-русумларни қила оладиган сеҳрли шахс сифатида ҳам қаралган. Уларга ғайритабиий деб туюлган ушбу ҳолатни тушунтириш аслида оддий ва осон. Яъни, Қадимги Миср коҳинлари ва руҳонийлари қачон ва қайси пайтда Нил дарёси ўзанининг кўтарилиши ва тўлишини билишган. Кейин уни фиръавнга етказишган. Куни аниқлангандан сўнг, фиръавн томонидан катта маросим ўтказилиб, халқнинг олдида фармонни (ичида Нил дарёсининг тўлиши кераклигини буюрган) Нил дарёсига ташлаган, кейинчалик табиийки дарё қуйилиб, тўлиб оқа бошлаган, яъни бу оддий табиат ҳодисаси бўлган ҳолос.

Айнан ушбу ҳолатни кўз ўнгида кўрган ҳар бир мисрлик шу йилда ҳосилнинг яхши бўлиши, деҳқонлар ишига барака келиши, оиласида тўкин-сочинлик бўлишини

ва ҳаттоки, оиласида янги фарзанд дунёга келишини ҳам фиръавндан деб билганлар. Оддий одамлар ва халққа фиръавннинг исмини ёки номини айтиш қатъиян таъқиқланган. Шунинг учун улардан бошқа бир эҳтиромли сўзлар билан юзланиш талаб қилинган. Фиръавнни кўриш ва кўришиш эса ўта камёб ҳолатларда учраб турган ва агар, кимдир фиръавнни кўриб қолса – ўзини бахтлилар қаторида деб эътиқод қила бошлаган. Қадимги манбаларда бундай учрашувлар ҳақида баъзи ёзувлар учрайди, унга кўра, фиръавн билан кўришаётган одам, қорни билан ерга ётиб, унинг оёғи босилган ерни ўпиши керак бўлган. Бундай ҳолатда кўпчилик одамлар хушидан кетиши ва баъзилари ҳатто ҳаяжондан жони узилгани ҳам келтирилади. Кўриб турганингиздек, у ерда илоҳийлаштириш даражаси шу даража мураккаб ва баланд бўлган.

Тарихдан маълумки, жамият ёки цивилизация ривожланишининг асосий манбаи сифатида ҳукмдор ёки қиролнинг чексиз ҳокимияти муҳим рол ўйнаган. Зотан ҳукмдор минглаб ёки миллионлаб одамлар устида ҳукм юргизган. Айнан шундай ҳолат Қадимги Мисрда ҳам мавжуд бўлган. Унда фиръавн сакрализацияси катта ўрин тутган. Бу жараён, ўзида, фиръавнга илоҳий сифат ва тавсиф беришдан иборат бўлган. Мен баларда, кучли ва мустақкам давлат барпо этилиши ушбу ҳокимият ва фиръавннинг сакрализацияси орқали вужудга келган дейилади. Ушбу бошқарув такрорланмаслик ва юксаклик каби илоҳий тамойилларга эга бўлган. Қадимги шарқона жамиятни, айнан Қадимги Миср мисолида олсак, шундай илоҳийлаштирилган одам атрофида асосан социализация вужудга кела бошлаган. Шунинг билан халқ ўзининг кейинги тақдири, амаллари, гуноҳлари ва кейинги ҳаёти каби ғояларни илгари сура бошлаган. Айнан шунинг марказида фиръавн бўлган, у ҳаётни ва борлиқ низомини мувофиқлаштириб турган деб қаралган. Фиръавн ҳоки-

миятининг сакрализацияси, халқнинг айнан бир кишига итоат этишида ўз ифодасини топган. Ушбу ғояга биноан, оддий одамлар давлат раҳбарининг илоҳий куч-қудратга эга бўлиб, чексиз имкониятларга эгаллигига ишонганлар.

Ушбу «инсоний илоҳийлик» таълимоти коноепцияси, асосан, фиръавнга осмондан илоҳий куч-қудрат ато этилиб, унинг бошқа бир инсон ёки халққа ҳеч бир эҳтиёж йўқлиги, туғдирмаслиги белгиланган. Бундан ташқари, қадимги юнон диний таълимотлари ҳам шу орада мавжуд бўлган. Унга кўра, фиръавн, нафақат олий худонинг ўғли, балки, ундан ташқари барча асосий 9 та худонинг ҳам ўғли ҳисобланган. Яъни, ҳукмдорда барча 9 та худонинг сифатлари мавжуд бўлган деб қаралган. Бундан ташқари, у (фиръавн) тирик бўлгани учун барча 9 та худонинг олий кўриниши сифатида гавдалантирилган. Ва у, нафақат икки олам орасидаги воситачи, балки, илоҳларнинг ер юзидаги давомчиси бўлган. Бундай диний қарашлар ва эътиқодий ғоялар, асосан, «Рамзеснинг васияти» деб номланган китобда кўрсатилган.

Илоҳий ҳукмдор каби қарашлар, энг кўп, Қадимги Миср цивилизацияси социологиясида ривожланган. Бундан ташқари, ушбу таълимот илк давлатчилик шаклланишининг илдизи сифатида ҳам илгари суриб келинган. Қуллар ва қуйи табақа вакиллари асосан ўзининг жамоасининг ёки шаҳарининг худосига эътиқод қилишган, фиръавн эътиқоди эса, улар учун фақат расмий-назарий жиҳатдан мавжуд бўлган. Бундан ташқари, фиръавнлар ҳар доим ҳам халқ олдида илоҳий бўлмаган кўринишларда чиққанлиги ҳақида баъзи қадимий манбаларни ҳам учратиш мумкин. Шунга қарамасдан ушбу таълимот, инсон жамиятида ривожланиши мумкин бўлган энг социаллашган диний турмуш тарзи бўлиб кўтарилган. Фиръавн Қадимги Мисрнинг ҳукмдори, қироли, эгаси ва йўлбошчиси бўлган. Унинг қўлида абсолют бошқарув ва

ҳокимият, ер ресурслари, материал ва маънавий эгаллик ҳуқуқлари бўлган. Фиръавн ҳокимиятининг бундай сакрализацияси теократия дейилади. Ушбу сўз, юнон тилидан олинган бўлиб, «диний бошқарув» деган маънони англатади. Мамлакатда мавжуд бўлган ҳамма нарса заррагача, унинг ҳукмдориға тегишли бўлган. Балки шунинг учун, фиръавн сўзининг таржимаси “фиръавннинг уйи” бўлиб, “давлат” маъносини англатган.

Давлатдаги коҳинлар ва руҳонийлар таълимоти, асосан, қуллар ва халқдан ўз ҳукмдориға сўзсиз итоатни талаб қилишдан иборат бўлган. Итоатсизлик эса, уларнинг ҳаётида катта жазоларға ва оғир азобларға олиб келган.

Фиръавннинг сакрализацияси ҳақида ёдгорликлар ҳам мавжуд, улардан бири – Нармер плитаси ҳисобланади. У баландилиги 64 см бўлган, икки ён тарафиға расмлар ва иероглифлар ёзилган ёдгорлик бўлиб, Юқори Миср ҳукмдори Нармернинг Қуйи Миср ҳукмдорини ўлдириб, икки Миср давлатини бирлаштиргани акс эттирилган. Расмнинг марказида душманининг бошини гурзи билан фиръавн тасвирланган. Орқасида эса, мағлуб бўлган қўшиннинг олдиға юраётган Нармер акс этган. Тасвирда фиръавн шахсининг сакрализацияси яққол намоён бўлади. Чунки, у ерда ҳукмдор, бошқа расмдаги шахсларға нисбатан катта қилиб чизилган. Рассом ва меъморлар томонидан суратларда фиръавн аксини катта қилиб кўрсатиш одати бутун минг йиллик тарихлар давомида сақланиб келган.

Фиръавнларнинг сакрализацияси меъморлар ва ҳайкалтарошлар томонидан ясалган ҳайкалларда ҳам кўзға кўринади. Бунда ҳайкалтарошлар фиръавн шаклини хотиржамлик ҳолатда ва кучли, виқорли ва салобатли қилиб кўрсатишға ҳаракат қилишган. Мисол сифатида, фиръавн Хефрен ҳайкалини ҳам кўриб чиқишимиз мумкин (10-11. расмлар).



10-расм. Хефрен ҳайкали



11-расм. Хефрен ҳайкали

Тасвирда, фиръавннинг ўз тахти устида ўтиргани ва унинг устида “Тор” худоси ўз қанотларини ёзиб тургани акс этган. Ушбу ҳайкал, ўз ўрнида эътиқодий ғоя асосида, марҳум фиръавннинг ўлимдан кейин ҳам катта руҳий қувватга эга жонлиги ғоясини ҳам намоён қилган.

Қадимги Миср фиръавнлари сакрализацияси нафақат манбалар, иероглиф ва тасвирларда, балки, комплекс ибодатхона қурилишларида ҳам акс этган. Уларнинг барчаси фиръавнни илоҳийлаштириш ва буюклаштириш ғоялари асосида барпо этилган. Шуларнинг мисоли сифатида эрамиздан олдинги 16 асда Дайр Ал-Баҳрида қурилган қиролича, Қадимги Миср тарихидаги илк аёл фиръавн Хатшепсут мақбарасини ҳам олсак бўлади. Унинг мақбарасидаги расмларда, фиръавннинг туғилиши, тахтга чиқиши ва Пунт шаҳрига қилган буюк юришлари акс эттирилган.

Эрамиздан аввалги йилларда пайдо бўлиб ҳозирги кунгача етиб келган барча тарихий меъморий ва тасвирий ёдгорликларда асосан иккита нарса – ўлим ва ҳаёт кўрсатилади. Қадимги Миср диний таълимотида, узвий равишда, ўлимдан кейин албатта қайта тирилиш бўлиши келтирилган. Фиръавн эса буюк илоҳий шахс бўлиб, ҳаётлик даврида ўз иши ва ҳукмронлигини амалга ошириб, вафотидан сўнг ўзи каби худодар орасига қайтиб, улар орасида бўлади деб қаралган. «Абадий уй» деб келтириладиган, фиръавнларнинг мақбарасини ҳам сакрализациянинг бир кўриниши сифатида олсак бўлади. Теократия ва ўлимдан кейинги ҳаёт тушунчаси ҳатто ушбу ёдгорликларда ҳам ўз ўрнини топган. Буюк ҳукмдорлар, кўплаб қуларни йиғиб, улардан қурилиш ишларида фойдиланилган. Уларнинг аксарияти тонналаб тошларни кўтариш, юргизиш, болталаш каби ишларга, плиталарни олиб келиш ва техник ишларни амалга оширишга жалб қилинган. Дунё тарихининг ҳеч бир саҳифасида бундай ҳашаматли ёдгорликлар қурдириш учун, моли, давлати,

бойлиги ва қулларга тазийқ билан амалга оширган жойлари келмайди. Чунки, Қадимги Миср таълимотида қабр, мақбара ва ўлимдан кейинги ҳаёт тушунчалари катта ўрин тутган. Халқ, шунинг билан, фиръавн худолар орасига киришига эришиши мумкинлигига ишонган. Пирамидаларнинг ўзи кўп қаватли ўринлардан иборат бўлган, деярли бутун бир халқ сиғиши мумкин бўлган хотира ёдгорлиги бўлиб хизмат қилган. Пирамида ўлимдан кейин марҳумни кузатишнинг охириги босқичи бўлиб, мумиёлаш, диний маросим билан Нил дарёсида кемадан олиб келингандан сўнг кузатув маросимлари бўлиб ўтган. Қадимги Миср фиръавнлари сакрализациясини яна нималар орқали кўришимиз мумкин? Албатта, уларнинг буюклигини акс эттирувчи – сифатларида. Шулардан бири сифатида, фиръавнларнинг “пшент” номли бош кийими бўлган. У асосан иккита тождан – қизил (Қуйи Миср) ва оқ (Юқори Миср) рангли бўлган. Ушбу бош кийим иккала ҳудудга мутлақ эгаликни ифодалаган ва бир-бирининг устидан кийилган.

Халқ учун кундалик бош кийим – оддий матодан, фиръавнда эса, чизиқли мато, лента, қисқич ва илон рамзидан иборат бўлган. Бундай бош кийим «клафт» деб номланган ва баъзида унинг устидан ҳам тож кийиб юрилган. Булардан ташқари, фиръавнларга хос яна бир сифатлар – уларни асолари ёки таёқлари эди. У халққа ва жамиятга ўтмишни, улар оддинлари чорва ва қўй-подаларини боқиб кун кечирганликларини эсларига солиб турган. Учи қайрилган ҳолда бўлган туғ яъни «хека» эса - Миср давлатининг мутлақ эгасининг рамзи бўлган. Фиръавндан ташқари ушбу туғни Миср ҳокимиятининг олий вакиллари ҳам олиб юришган. Бундан ташқари, «нехех» номли трос ҳам бўлган. Шунингдек, қироллик сифатларига оид бўлган соқолни ҳам келтириб ўтишимиз бўйин занжири мумкин. Оз миқдордаги олтинни эритиб, фиръавн соқолига қистириб қўйишган.



12-расм. Қадимги Миср
артефактлари



13-расм. Фиръавн
Тутанхамон тахти




14-расм. Фиръавн Тутанхамон саркофаги

Фиръавн асосан тахт устида ўтирган. У куб шаклида бўлиб, орқаси юпқа суюнадиган плитадан иборат бўлган. Иккала томонида, иккала Миср халқини бирлаштирганликнинг рамзи сифатида занжир ва папирус тасвирланган. Ибодатхоналар эса бир хил кўринишда қурилган. Олдинлари бунақа шакллардаги ибодатхоналар бўлмаган. Қуёш ибодатхоналари бўлган ҳолос. Улар ҳар хил номланган, Ра (қуёшнинг) чегараси, Ра (қуёшнинг) ҳуш кўргани ва ҳ.к. Ибодатхоналарнинг ичидаги хоналар худди ўрта ва янги давр пайтидаги мисрликларнинг уйидаги хоналарга ўхшаш бўлган ва худонинг уйи сифатида кўрилган. Ибодатхонанинг тузилиши ва кўринишини ўзгартиришга йўл қўйилмаган. Қадимги қўлёмаларда, ушбу ибодатхона ва кўплаб иншоотлар чизмаларини ишлаган одам сифатида буюк Имхотеп келтирилади, вақт ўтиши билан унинг номи ҳам илохийлаштирилади. Қадимги Мисрнинг энг машҳур ибодатхоналаридан, Карнақдаги Ипетсут ибодатхонаси кўп тилга олинади. Чунки, Қадимги Миср тарихига оид кўплаб маълумотлар унинг деворига чизилган ва иероглифлар ёзилган. Янги даврда бўлиб ўтган тарихий воқеа-ҳодисалар, хронологиялар, худоларга мадҳиялар ва қасидалар ёзилган. Бундан ташқари, Тутмос III нинг тахтга чиқиши, Рамзес II нинг Хетлар билан Кадешдаги катта жанги ва Қадимги Миср фиръавнларининг номлари келтирилади. (15-расм)

Ибодатхонада ҳизмат қилган коҳин ва руҳонийлар миср жамиятидаги олий тоифа вакилларига мансуб бўлганлар. Хусусан, Рамзес III даврида, қиролликнинг 10% ва аҳолининг 6% ерларига эгалик қилишган. Қадимги Миср жамияти оддий ва диний тоифа вакилларига бўлинмаган, балки, коҳин ва руҳонийлар қироллик хизматчилари бўлишган. Уларга жуда катта миқдорда пул, улуш, олтин тўлаб борилган, вақт ўтиши билан эса коҳинлик ва руҳонийлик лавозими отадан-болага ўтади-

ган касб бўлиб борди. Коҳинлик ва руҳонийлик тизими алоҳида тизим сифатида шаклланган. Ҳар бир худонинг ўз «клир»и (жамияти) бўлган ва ҳар бир клирга фиръавн томонидан раҳбар коҳин ёки руҳоний тайинлаган. Клир тамсил қилаётган худонинг эътиқодчилари сони қанча кўп бўлса уларнинг жамиятда ўрни ва аҳамияти шунча кучли бўлган. Шунинг учун ҳам, Амон-Ра худосига бўлган эътиқод кучлилиги сабаб, клир ҳам ўзига яраша бой ва ривожланган бўлган. Клирга раҳбар қилиб тайинланган коҳин ёки руҳонийнинг ҳам ўзига яраша илоҳий сифатлари бўлган ва халқ томонидан янада илоҳийлаштирилган. Шунингдек уларнинг ўзига ҳам кичик руҳонийлар ҳизмат қилишган. Клирга раҳбарлик қиладиган коҳин ёки руҳонийлар тўғридан-тўғри «хем-нечер» яъни «худонинг қуллари» деган номга сазовор бўлишган. Ундан кейин «Херихеб», яъни муқаддас китоб ва манбалар ўқувчилар табақаси келган. Коҳинлар ва руҳонийларнинг энг паст табақа вакили, асосан «уабу» бўлиб ибодатхонанинг хўжалик ишлари билан шуғулланган. Баъзида клир раҳбари бўлган коҳин ёки руҳоний ўзининг қўл остидаги кичик клирларни ҳам ўзига қўшиб олишига ҳаққи бўлган. Шу-



15-расм. Карнак ибодатхонасида
ёзилган фиръавнлар рўйхати

нингдек, ибодатхонада яна бир катта ва маъсулиятли лавозимлардан бири, «Черперанх» яъни ёзувчилар бўлган. Коҳинлар ва руҳонийлар ҳамиша оқ кийимда юриши керак бўлган, уларнинг ипак кийим кийиши таъқиқланган, оёқларига оқ рангдаги сандал кийишлари лозим бўлган. Улар ҳар доим тоза, ювинган ҳолда ва ҳар доим танасининг туклари ва сочи олинган ҳолда одамларга кўриниши талаб қилинган.

Қуръони Каримнинг Шуаро сурасида: “(Фиръавн) деди: “Қасамки, сен мендан ўзгани илоҳ қилиб оладиган бўлсанг, албатта, мен сени зиндонбанд кимсалардан қилиб қўюрман!” деб келтирилади.

Кўриб турганингиздек, ўзини худо даражасига кўтарганлиги муборак Қуръони каримнинг биттагина оятида кўрсатиб берилган. Биз эса уни илмий жиҳатдан исботлаб беришга ҳаракат қилдик, ҳолос. Бу ерда, Қуръони каримнинг – Аллоҳ томонидан юборилган асл мўъжиза китоб эканлиги яна бир бор исботланмоқда.

МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ ДАВРИДА – ГЕРМЕТИЗМ (СЕҲРГАРЛИК)

Муборак Қуръони Каримнинг Аъроф сураси 104-122 оятларида шундай келтирилади: «Мусо: «Эй Фиръавн, албатта, мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман. Менга Аллоҳ ҳақида ҳақдан бошқани айтмаслик лозимдир. Батаҳқиқ, мен сизларга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжат келтирдим. Мен ила Бани Исроилни қўйиб юбор», деди. У: «Агар оят-мўъжиза келтирган бўлсанг, ростгўйлардан бўлсанг, келтир уни», деди. Асосини ташлаган эди... баногоҳ у аниқ аждар бўлди. Ва қўлини чиқарган эди... баногоҳ у назар солувчиларга оппоқ бўлиб кўринди. Фиръавн қавмидан бўлган зодагонларга: «Албатта, бу билимдон сеҳргардир! Сизларни ерингиздан чиқаришни хоҳлайди.

Бас, нимага амр қиласизлар?» дедилар. Улар: «Уни ва акасини қўйиб тургин-да, шаҳарларга тўпловчиларни юбор. Ҳамма билимдон сеҳргарларни сенга олиб келсинлар», дедилар. Сеҳргарлар Фиръавнга келиб: «Агар биз ғолиб бўлсак, албатта, мукофот олсак керак?» дедилар. У: «Ҳа. Ва, албатта, менинг яқин кишиларимдан бўлурсизлар», деди. Улар: «Эй Мусо, ёки сен ташла, ёки биз ташловчи бўлайлик», дедилар. У: «Сизлар ташланглар», деди. Улар ташлаганларида, одамларнинг кўзини сеҳрладилар, кўрқитдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар. **Биз Мусога: «Асонгни ташлагин», деб ваҳий юбордик. Бирдан у улар уйдираётган нарсани юта бошлади.**

Бас, ҳақ қарор топди ва уларнинг қилаётганлари ботил бўлди. Ўша ерда енгилдилар ва беобрў бўлдилар. Ва сеҳргарлар саждага ташланиб:

«Одамларнинг Роббига.

Мусо ва Ҳоруннинг Роббига иймон келтирдик», дедилар».

Қуръони каримдаги оятлар, ўша даврда Қадимги Миср ҳудудида сеҳргарларнинг ва сеҳргарликнинг катта шуҳрат топганини ҳам далолат қилмоқда. Бу эса ўз навбатида, мамлакатда мистицизм, герметизм ва эзотеризмнинг ривожланганлигини англатмоқда. Бу ҳодисани илмий назария асосида ўрганадиган бўлсак, кўплаб маълумотларни таҳлил қилишга тўғри келади.

Бунга ўхшаган яширин ва ғайритабиий сеҳргарлик илмлари асосан икки тармоққа бўлинади: индоарий руҳдаги анъаналарга асосланган шарқий тармоқ, кейинчалик Бобил, Ассирия, Халдеи ва Миср ҳудудларида ривожланиб кетганлиги сабабли ғарбий ҳудудларга ҳам кириб боради. Ғарбга етиб бормасидан олдин миллий руҳдаги анъана ва қобилият деб қаралган бўлса, ундан кейин кўпчилик томонидан социаллашиб, жамият томонидан ижобий қабул қилингандан сўнг «окультизм» ёки «герметизм» номини олади. Ушбу герметизмнинг келиб

чиқиши Қадимги Мисрдан бўлганлиги олимлар томонидан аниқланган ва унинг асосчиси Тот Гермес (Гермес Трисмегист) деб қаралади. Герметизмнинг ўта яширин ва ноёблиги кейинчалик кўплаб диний жамоа ва оқимлар (массонлар, иллюминатлар) томонидан ўзлаштириб олинади. Эзотерик ва герметик муаммоларни тадқиқ қилувчи олим Е.Варшавский, Герметизм туфайли миср политеизми, яхудий ва насроний монотеизми ҳамда юнон идеализми ғояларидан келиб чиққан деб таъкидлайди. Фаннинг асосчиси келадиган Тот Искандар Зулқарнайн ва Птолемейлар даврида юнонлаштирилиб (грамматикализация бўлиб) Гермесга ўрзаради.

Тот-Гермес аслида илохийлаштирилган афсонавий шахс бўлган. Оккульт файласуф Шюре, ўзининг «Катта адептлар» китобининг бир бобини айнан герметик фанлар ва амалларга бағишлаб ёзиб, унда Гермеснинг номи «сулолавий» исмлардан деб таъкидлаб, Ҳиндлардаги Ману илоҳи каби руҳоний, таълимотчи ва худо даражасига кўтарилган. Қадимги Миср эътиқодига кўра, Тот, Меркурий сайёраси билан узвий боғлиқ бўлиб, ойнинг ёруғ тарафида мавжуд бўлган ҳаёт эликсирига эга бўлган илоҳ сифатида танилган. Тот-Гермеснинг энг катта асари, «Яшил битиклар» китобидир. Унда руҳий ва илоҳий фанларнинг асосий қонун-қоидалари жамланган, шулар жумласидан Ал-Кимё фанлари ҳақида ҳам маълумотлар ўрин олган. «Яшил Битиклар» китобида ёзилган барча маълумотлар герметик фалсафанинг келиб чиқиш сабаби бўлди ва илк бор алкимёгарлар, тамплиерлар кейинчалик уйғониш даврида кўплаб сирли ташкилот ва жамоаларга ёйила бошлади. Россия Теософия жамияти аъзоси Дмитрий Странден «Теософия хабарлари» мақолалар тўпламида герметизмнинг эзотерик ва гностик насронийлик билан уйғунлигини таъкидлайди.

Кўплаб мисршунос олимлар Тот (Гермес) ни ҳикмат ва фалсафа фанларининг даҳоси деб билиб, унинг номи

ила руҳонийлар томонидан диний, тиббий ва сеҳргарлик мазмунларидаги илмий китоблар ёзилган. Қадимги руҳоний Георг Синцелланинг илмий рисолаларида қадимги миср тарихчиси ва қоҳини Манефон асарларидан иқтибослар келтиради. Синцелланинг сўзларига кўра, Манефон ўз асарларига манба сифатида қадимги ёдгорликлардан фойдаланган. У ёдгорликлардаги ёзувлар эса Тот Гермес томонидаг яратилан, унинг яна бир номи Агатодаймон дейилади. Тўфондан сўнг (Атлантиданинг сув босиши ва қулаши назарда тутилган бўлиши мумкин) бу ёзувлар Тот Гермеснинг ўғли Гермес Трисмегист томонидан бошқа тилга ўгирилиб қайта яратилган. Лекин у ёзувлар иероглифларда сақланиб қолган ва Тот Трисмегистнинг ўғли Тот томонидан асраб келинган, кейинчалик эса у ёзувлар билан боғлиқ барча кўрсатма ва китоблар миср қоҳинлари, руҳонийлари қўлида сақлана бошлайди. Шу асос билан Қадимги Мисрда диний ва эзотерик (сеҳргарлик, қоҳинлик) ривожланиб кетади.

Илк даврда Тот Гермес томонидан ёдгорликларда ёзилган барча битиклар, фалсафа ва ҳикмат илмларини атланталардан қолганини тахмин эттиради. Кейинги даврдаги Гермес Тримегист ҳаётида у билан боғлиқ содир бўлган воқеалар, қисса ва афсоналарга оид маълумотлар қадимги миср манускриптларида сақланиб қолган. Ундан кейин эса Гермес Трисмегистнинг ўғли Тот ҳақида Қадимги Миср руҳонийлари томонидан демотик ёзувларда афсона ва эртаклар ёзилган, кейинчалик улар қадимги юнон тилига таржима қилинган.

Шунинг билан Тот номи илоҳий билим ва таърифат манбаига айланди, Қадимги Миср руҳонийлари томонидан илоҳийлаштирилди, худо деб танилди ва атланта деб ҳам таърифланди.

Қадимги Мисрдан барча дунё миллатлари эътиқодига таъсир қилган оккульти (сеҳргалик ва ғайб) махфий илмлари бўйича кўрсатма ва китоблар тарқалган.

Миср – пирамида ва сфинкслар юрти, хикмат ва мистик ғоялар вужудга келган цивилизация бўлган. Қадимдан ушбу илм устоздан шогирдларга ўргатилиб ёйилган «Кибалион» илмлари бўлган. У ўзида максим ва аксиом атамалари, даъватлар, дуолар, бошқалар тушуниши қийин бўлган маълумотлардан иборат бўлган. Унинг туб моҳияти эса руҳий қараш ва назариядан иборат бўлиб, моддий оламга таъсир кўрсатиш ғоялари бўлган, бунини – сеҳргарлик деса ҳам тўғри бўлади. Герметизмда Тот ғоясига асосланган 7 та қоида бор:

1. Ментализм, яъни борлиқ, онг ва тасаввур образларидан иборат.

2. Тўғри келишлик, яъни пастдаги тепада ҳам, тепадаги пастда ҳам борлиги.

3. Вибрация, яъни ҳеч нарса турғун эмас, балки ҳаракатланувчандир, вибрация тарқатади, тўлқинланади.

4. Барча нарса иккиламчи, ўз қутбларига эга. Улар ўзининг манфий ва мусбат кўриниша эга бўлиб, бўлинмас бўлсада, даражасига қараб ажралиш хусусиятига эга. Барча ҳақиқат – аслида ярим тўғри ва ярим ёлғон бўлган ҳақиқатдан иборат. Барча парадоксларни бирлаштириш мумкиндир.

5. Барча нарса оқади, тўкилади, қуйилади, ўзининг йўли ва қуйилиш жойига эга. Улар кўтарилади ва тушади - маятник ҳаракати ҳар бир жисм ва махлуқда мавжуддир. Ҳаракатлар ўнгга ҳам, чапга ҳам бўлиши мумкин. Ҳаракатлар ҳаминиша ўзгармасдир.

6. Ҳар бир сабабда – оқибат бор, ҳар бир оқибатда эса – сабаблар. Ҳаракат – тўғри талқин қилиниши мумкин бўлмаган қонун, мураккаб воқеъликдир. Барча оламдаги нарсалар бир бутун қонунлар асосида туради.

7. Барчанинг жинси бор, барча ўзида аёллик ва эркаклик ғояларини олиб юради. Жинс – туйғуларда ўзгарувчан ҳақиқатдир.

Герметизм илмлари барча тирик жонзотларнинг юк-

сак билим, қонунлари ва ғайритабиий кучларини очиб беради. Герметизм кейинчалик эзотерика фанининг бир қисмига айлантирилган. У ўз ичида фалсафанинг энг олий ғояларини ифода қилади. Герметизм нафақат психологик ҳолат, балки, ташқи оламга таъсир ўтказиш амалиётларини ҳам ўз ичига олади. Қачонки инсон юқори илм ва кучга эга бўлганда, герметизм мақсадларига мувофиқ бўлади. Агар кимдир микрокосмос билимларига эга бўлса, у макрокосмос ғояларини ҳам енгил қабул қилиши мумкин.

Асрлар олдин нозил бўлган Қуръони каримнинг юқоридаги оятларидан кўриниб турибдики, Қадимги Мисрда сеҳргарлик жуда кенг ёйилган. Демак, ўша пайтлар улар герметик ва эзотерик билимлардан воқиф бўлиб, сеҳргарлик қилганлари ҳам илмий нуқтаи-назардан ҳақиқатдир.

МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ ДАВРИДА СЕГРЕГАЦИЯ ВА ГЕНДЕРЦИД ҲОЛАТЛАРИ

Қуръони Каримнинг Қасас сураси 4 оятида “**Дарҳақиқат, Фиръавн (Миср) ерида туғёнга тушиб, унинг аҳолисини бўлак-бўлак қилди. У улардан бир тоифани хорлаб, ўғилларини сўяр, аёлларини тирик қолдирар эди**” дейилади. Бу ҳолат Мусо алайҳиссалом туғилиш даврларида содир бўлган воқеани баён қилади. Имом Розий айтади: “Ўғил болаларни сўйдириб, қизларни тирик қолдиришда Бани Исроилга бир неча томондан зарар етказиш кўзланган эди:

– ўғил болаларни ўлдириш наслнинг узилишига сабаб бўлади.

– эркакларнинг ҳалок бўлиши ҳаётий шароитнинг бузилиши ёки оғирлашишига олиб келади;

– эркакларни қаттиқ қийноқ азоби остида ўлдириш энг оғир зулмлардан биридир;

– аёлларнинг ўз яқинларисиз, ҳимоячисиз қолишла-

ри уларнинг душман қўлида ўйинчоқ бўлишларига олиб келарди. Бундан ҳам ортиқ хорлик бўлиши мумкинми?!”

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда “Аниқки, Биз Мусони Ўз оят-мўъжизаларимиз ва очиқ ҳужжат билан Фиръавн, Ҳомон ва Қорунга юборганимизда, улар: “(Бу Мусо) ёлғончи сеҳргардир”, дедилар. Энди қачонки уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ билан келганида, улар: “У билан бирга бўлган мўминларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдирингиз!”, дедилар. (Лекин) кофирларнинг макр-ҳийлалари, албатта, залолатдадир. Фиръавн деди: “Мени қўйинглар, Мусони ўлдирай. (Қани) у Парвардигорига дуо-илтижо қилсинчи. Дарҳақиқат, мен (Мусо) сизларнинг динингизни ўзгартириб юборишидан ёки ер юзида бузғунчилик авж олдиришидан қўрқмоқдаман”. Мусо айтди: “Албатта, мен Парвардигорим ва Парвардигорингиздан ҳисоб-китоб кунига имон келтирмайдиган барча мутакаббирдан паноҳ сўраганман”(Ғофир, 23–27) деб келтиради.

Ўша ердаги “У билан бирга бўлган мўминларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдирингиз!” деб айтганлар Фиръавн қавмининг ашроф кишилари бўлишган. Уларнинг Мусо (алайҳиссалом) ва мўминларни кўришга кўзлари йўқ, жинлари суймас, аксинча, уларга қарши ҳар хил макр-ҳийлалар қилишарди. Улар Фиръавнга зулм қилиш ва адоват ўтказишни зийнатлаб кўрсатишган.

Хусусан, Имом Розий ўзининг “Тафсиру Фаҳр Розий” китобининг 7-жилди 302 бетида айтадики: “Бу қирғин Мусо (алайҳиссалом) туғилган вақтда амалга оширилган қирғин эмасди. Аввалги ўлдиришга Фиръавнга мунажжимлар томонидан Бани Исроилдан бир бола чиқиб, уни ўлдириши ҳақида маълумот берилгани сабаб бўлган. Бу сафарги ўлдиришга сабаб шу эдики, Мусо (алайҳиссалом)

уларга мўъжиза ва ҳақ калималар билан келиб, уларни Аллоҳ таолога имон келтиришга даъват қилади. Сўнгра Фиръавн Мусо (алайҳиссалом) динига кираётганлар сони кўпаймаслиги ва кейинчалик улар кучайиб кетмасликлари учун имон келтирганларнинг чақалоқларини ўлдиришга буюрган. Ўз-ўзидан маълумки, бирон-бир жамонинг жисмоний ва руҳий тарафдан кучайишига аёллар эмас, балки айнан эркаклар сабабчи бўладилар. Фиръавннинг ўғил болаларни ўлдиришга қарор қилганининг сабаби ҳам шу эди аслида”.

Бундан ташқари Қуръони Каримда Аъроф сурасида яна бир бор, **“Фиръавн қавмидан бўлган одамлар: “(Эй Фиръавн), Мусо ва қавмининг Ерда бузғунчилик қилиб юришига ҳамда сени ва худоларингни тарк этишига қўйиб берасанми?!” дейишганида, у деди: “Уларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдирамиз. Албатта, биз уларнинг устидан ғолибдирмиз”** дейилди.

Кўриб турганингиздек, Қуръони Каримда Фиръавннинг ушбу разолати (аёлларни тирик қолдириб, эркакларини ёки чақлоқларини қириш) 2-3 марта келмоқда. Энди эса ушбу ҳолатни илмий қолипга солишимиз мумкин. Мавжуд маълумотни илмий нуқтаи назардан таҳлил қиламиз.

Энг аввало, назарга тушадигани бу – Бани Исроил қавмининг мисрликлар томонидан тазйиқ остида тутилиши ва Фиръавн томонидан уларнинг жамиятдаги ўрнини бўлаклаб, четлаштирилиши ҳисобланади. Шунинг билан ушбу ҳодиса социологиянинг бир муаммоси сифатида кўришга ўтилади. Фиръавннинг Бани Исроил қавми ва мисрликларни бўлиб ташлаши ва уларни қийнаб меҳнат қилишларига мажбурлаш, бу социологик объект сифатида олинади. Мазкур ҳолатга фан назариясида сегрегация десак ҳам тўғри бўлади.

Сегрегация – (лотин тилидан олинган бўлиб “олиниш”, “бўлиниш” ёки “ажралиш” деган маънони англади) фаол турмуш тарзида, маълум бир шахслар ёки маълум бир жамият ёки маълум бир жамоани мажбурий ирқий ва этник бўлиш, ажратишга айтилади. Сегрегация асосан 3 хил бўлади, институцион сегрегация – маълум бир ташкилот ёки муассасани четлаш ва ҳудудий сегрегация - муайян бир ҳудудда яшайдиган одам ёки халқни четлаш (мазкур ҳудудий сегрегациядан жабрланганлар, фақат бир ерда яшашга рухсат берилади, улар учун ҳудудий эркинлик бўлмайди).

Бани Исроилликлар ҳам ҳудудий сегрегация ҳолатида бўлган. Улар учун алоҳида халқдан ажратилган жойда, яъни куллар учун мўлжалланган жойда яшашган. Улар мисрликлар каби имкониятлардан фойдалана олишмаган, фуқаролик, инсоний, этник ва диний ҳуқуқлардан маҳрум қилинган ҳолатда кун кечиришган.

Ушбу ҳолатни апартеид ва дискриминация десак ҳам нотўғри бўлмайди. Сегрегациянинг давлат сиёсати даражасида амалга оширилишига – апартеид дейилади. Муайян бир шахсни ёки жамиятни маълум бир ҳуқуқларидан ажратиш ва ҳуқуқий эркинликни чеклаш эса – дискриминация дейилади. Бани Исроил қавми асосан этник дискриминацияга учраган. Улар ўзлари эмин-эркин ибодат қила олишмаган, ўзларининг яҳудий ва асли Канъонли бўлганлиги учун мисрликлар уларни четлатишар ва Фиръавн томонидан оғир меҳнатга жалб этиларди. Бу ерда биз умумий бир Бани Исроилнинг жамиятдаги ўрнини кўриб олдик, Қуръони Каримда – Мусо алайҳиссаломнинг қиссасида уларнинг ижтимоий ҳаёти ва қандай азобланишганини кўриб, уларнинг ҳақиқатан сегрегацияга учраганини англаш мумкин.

Қуйидаги оятларга эътибор беринг **“У улардан бир тоифани хорлаб, ўғилларини сўяр, аёлларини тирик**

қолдирар эдилар”, “У билан бирга бўлган мўминларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдирингиз!”, “Уларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдирамиз. Албатта, биз уларнинг устидан ғолибдирмиз”.

Бу оятлар, Қуръони Каримда алоҳида-алоҳида ёзилган. Илк келтириб ўтилган оятларда, Фиръавн олдин эркак жинсидаги чақалоқларни, орадан йиллар ўтиб Мусо алайҳиссалом даврида барча эркакларни ўлдирганлиги келтириляпти. Бк эса, фан назариясида гендер геноцид дейилади. Геноцид, асли қайсидир бир жамият ёки халқни қийнаш дейилса, гендер геноцид эса маълум бир жамиятнинг муайян бир жинс вакилларни қиришни назарда тутаяди. Бунга яна гендерцид ёки андоцид десак ҳам янглишмаймиз. Гендерцид – гендер геноциднинг яхлит номи ҳисобланади. Андроцид эса, муайян бир жамиятнинг эркак жинсли вакилларини ўлдириш ёки қиришдир. Бу ўз ўрнида, жамиятда содир бўлиши мумкин бўлган энг оғир ҳолат ва фожеалардан биридир.

Санаб ўтилган барча социологик ҳолатлар, жамият таназулига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳисобланади. Уларни жамиятга нисбатан қўллаш эса ўта оғир разиллик ва зolimликдан дарак беради. Аллоҳ таоло бизга нозил қилган Қуръони Каримда Бани Исроил қавмига қилинган шу ҳолатлар келтирилмоқда. Энг асосий жиҳати шундаки, Қуръони Карим 1400 йиллар аввал нозил қилинган бўлса, унда баён этилган Бани Исроил қавмининг ушбу оғир яшаш тарзи эрамиздан аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Айтиб ўтганимиздек, Қуръони Карим 610 - 632 йилларда нозил бўлган бўлса, биз сўз юритган сегрегация, геноцид ва андроцид ҳолатлари, олимлар томонидан кўпи билан 19 асрлардан сўнг фанга киритилиб (сегрегация асли нима экани 1900 йилларда фанга киритилган, ирқий чекловларга қаши курашиш

учун қўлланилган, геноцид сўзи эса 1944 йилда киритилган, сўнг эса андроцид сўзи ҳам фанга кириб келган) атама сифатида қўллана бошлайди ва кўплаб тарихда содир бўлган шу каби ҳолатларни таҳлил қилишга ўтишади. Лекин, хабарлари ҳам йўқки, мен аниқладим деган ушбу атама ва унинг нима маъно англатиши, улардан минг йиллар олдин нозил қилинган Аллоҳ таолонинг муборак китобида мавжуд эди.

МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ ДАВРИДА МИСРГА ЁГИЛГАН ОФАТЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Эндиликда эса Қуръони Карим ва Тавротдаги ушбу оятларни таҳлил қиламиз:

«Фиръавн қавмини зора эслатма олсалар, деб (қаҳатчилик) йилларига ва меваларнинг тақчиллигига дучор этдик».¹

Ушбу иккала муборак китобларнинг оятларидан ўша пайтилар Қадимги Мисрда очарчилик, қурғоқчилик ва кўплаб табиат ҳодисалари бўлганлиги кўриниб турибди.

Эрамиздан аввалги 12 асрда, Қадимги Яқин Шарқ ва Ўртаер денгизи яқин цивилизацияларида содир бўлган Бронза давридан Темир даврига ўтишнинг оғир фожеаси – Бронза даври фалокати ёки Бронзали коллапс даври дейилади. Ушбу бутун дуёга таъсир қилган табиий офатлар ва фалокатлар ўз давридаги кўплаб цивилизация ва давлатларнинг таназзулига олиб келган. Жумладан, Левант, кичик Осиё ва Юнонистон шулар сирасидандир. Бронзали коллапс даврининг бошланиши билан, тарихдан маълум «қора асрлар» даври кириб келади. Қадимги цивилизацияларнинг маданияти, санъати, миллийлиги ва ижтимоий яшаш тарзи йўқ бўлиб кетади. Бу ҳолат

¹ Аъроф сураси 130 оят

ҳали ҳанузгача олимлар томонидан ўрганилиб келин-моқда. Энг асосийси, бундай оммавий ҳолатнинг аниқ сабаби ҳалигача аниқланмаган. Аммо, кўплаб фаразлар ва гипотезалар бор.

Бундан ташқари, эрамиздан аввалги 1206–1150 йилларда денгиз ҳудудларидан номаълум халқларнинг давлатларга хужуми ҳам ушбу оммавий фалокатларнинг сабаби бўлган дейишади. Оддийгина, савдо-сотик йўлларининг хужумга учраши билан мамлакатлардаги иқтисодий аҳвол кескин оғирлашиб кетади.

Жумладан Қадимги Миср ҳам энг ката жабрни кўради. Хусусан, Рамзес II даврида бошланган табиий офатлар ҳодисаси билан Рамзес VI даврида Миср тўлиқ қулайди. Олимлар томонидан ушбу бўлиб ўтган оғир давр атрофлича тадқиқ қилинган ва бунга асосий сабаб сифатида, оммавий қурғоқчилик, очарчилик, ер ости силкинишлари ва оғир эпидемия деган ҳулосага келишган. Уларнинг сўзларига кўра, табиий офатлар сабаби билан бошланган оғир давр, иқтисодий ўсишнинг кескинлашишига, халқларнинг бир-бирига нисбатан қўзғолонларига ва йўқолиб кетишларига, энг асосийси цивилизациялар йўқ бўлиб, янги идеологияларнинг вужудга келишига имкон яратган.¹

Америкалик тарихчи Рис Карпентер ўзининг «Discontinuity in Greek Civilization» китобида Микен цивилизациясининг қулашига қурғоқчилик сабаб бўлган деган фаразини илгари сурган, аммо, уни исботлай олмаган. 1982 йилда Йель университети профессори Харви Вайс ҳам ушбу оғир даврнинг сабаби сифатида, узоқ муддат давом этган қурғоқчиликни таъкидлайди.

2010 йилда олимлар томонидан олиб борилган археологик қазилма ишлари эрамиздан аввалги 1200 йилдан

¹ Kaniewski, David. Environmental Roots of the Late Bronze Age Crisis. 2013. Vol – 8. PMID 23967146 PMC 3743901

850 йилларгача яъни 300 йил давомида Ўрта ер денгизи бўйидаги ҳудудларда қурғоқчилик бўлганини кўрсатди. (Расм) Қурғоқчиликнинг бошланиши билан ҳудудларда деҳқончилик ва чорвачилик ҳам йўқ бўла бошлайди. Экинзорлар қуришни бошлайди, чорва молларига қирон келади, уларнинг баъзилари заҳарланган ўт ўланларни еб заҳарланишади, аксариятига юқумли касалликлар тарқалиб кетади.

Хусусан, Қадимги Миср манбаларига кўра ушбу ҳодиса, э.ав. 1207–1177 йиллар оралиғида содир бўлганлиги ҳам келтирилади. Бу билан Сурия ва Фаластин ҳудудлари қўлдан бой берилади, Троя қулайди ва Микен цивилизациясига барҳам берилади. Энг оғир инқироз даври 1150 йиллар атрофида содир бўлган. Яъни маданий ҳаёт ва ўсиш умуман тўхтаб қолади. Айтиб ўтганимиздек, қурғоқчилик 300 йил деб тахмин қилиняпти, бу эса ўзида энг қора даврларни ичига олади, бу билан очарчилик бошланган. Очарчилик бошланишидан сўнг, унинг энг оғир оқибатларидан бўлган каннибализм ҳам кузатилган. Ўша даврнинг маданий ҳаёти учун каннибализм ғоялари нисбатан ёт бўлсада, очарчилик одамларни ва халқларни шунга мажбур қилган.

Эндиликда эса бу даврда Қадимги Миср қай аҳволда бўлганини кўриб чиқамиз. Эрамиздан аввалги 1279–1213 йилларда тахтда Рамзес II бўлган. Унинг тахтга келиши билан мамлакат ҳар томонлама юксалишга эришган ва ривожланишда давом этган. Хусусан, Пер-Рамзес номли янги пойтахт барпо қилинган, савдо йўллари кенгайтирилган, янги ҳудудлар босиб олинган ва мамлакат иқтисодиёти яхши ривожланган. Унинг вафотидан сўнг, мисрликлар томонидан унинг «Буюк Рамзес» деб улуғланиши ҳам, халқнинг гуллаб яшнаганидан далолат беради.

Шунингдек, 20 минг аскар отлиқ билан Кадеш жангидаги ғалабаси ушбу бронза даврининг охирги урушла-

ридан дейилади. Бундан ташқари, ўша даврда очарчиликнинг нисбати ўлароқ, Рамзес II ҳукмронлигида Хетт маликаси унга озиқ-овқат ва ёрдам сўраб ёзган мактуби ҳам бир далилдир. Мактубга кўра, малика, мамлакатда очарчилик бўлаётганини билдириб ёзган. Ўзининг шон-шарафи билан танилган ушбу фиръавн кўп йиллик давлат бошқарувидан сўнг, кексайган ёшда сурункали касалликлардан оламдан ўтади. Унинг вафотидан сўнг тахтга унинг 60 ёшга кирган фарзандлари ичида тирик қолган 13-ўғли Мернептаҳ чиқади.

Кўриб турганингиздек, кўплаб далиллар ўша даврда бўлиб ўтган ҳодисаларга гувоҳлик беради. Бу эса ўз даврида, мавжуд муаммо ва бу ҳолатларнинг сабабини ўрганиш эҳтиёжини келтирмоқда.



15-расм. Бронзали коллапс даврида энг оғир зарар кўрган ва йўқотилган цивилизациялар

ДИНОФЛАГЕЛЛЯТ БАКТЕРИЯСИ САБАБ НИЛ ДАРЁСИНИНГ ҚОНГА АЙЛАНИШИ

Қуръони Каримда марҳамат қилинади “Дарҳақиқат, Биз Фиръавн одамларини панд-насиҳат олишлари учун (қаҳатчилик) йиллари билан ва мева-чеваларнинг ҳосилини камайтириш билан ушладик. Шундан кейин ҳам қачон уларга яхшилик келса, улар: “Бунга ўзимиз ҳақдормиз”, дейишди. Агар уларга бирон ёмонлик етиб қолса, Мусо ва у билан бирга бўлган кишилардан бадгумон бўлдилар. Огоҳ бўлсинларки, албатта, уларнинг кўргуликлари фақат Аллоҳнинг ҳузуридандир. Лекин уларнинг кўплари (буни) билмайдилар. Улар (Мусога): “Сен бизларни сеҳрлаш учун қандай оят-мўъжиза келтирсанг ҳам биз сенга ҳаргиз имон келтиргувчи эмасмиз”, дедилар. Бас, Биз уларнинг устларига тўфон, чигиртка, бит, бақа ва қонни очиқ оят-мўъжизалар қилиб юбордик. (Лекин) улар кибру ҳаво қилдилар ва жинойтчи-осий қавм бўлдилар. Қачонки уларнинг устига бу азоб тушгач, улар: “Эй Мусо, Парвардигорингга, сенга берган ваъдаси ҳаққи ҳурмати, дуо қил! Қасамки, агар сен бизлардан шу азобни кўтарсанг, албатта, сенга имон келтирурмиз ва Бани Исроилни сен билан бирга жўнатурмиз”, дедилар. Энди Биз улардан бу азобимизни ўзлари етиб боргувчи бўлган муддатгача кўтарганимизда эса, баногоҳ бузиб турибдилар. Бас, Биз улардан интиқом олдик – оятларимизни ёлғон деганлари ва ундан ғофил бўлиб олганликлари сабабли Биз уларни денгизга ғарқ қилдик. Ўзимиз барокатли қилган ернинг Машриқ ва Мағрибларига бу бечора қавмни ворис қилиб қўйдик. (Эй Мухаммад), сабр-тоқат қилганлари

сабабли Бани Исроилга Парвардигорингизнинг гўзал сўзлари тўла-тўқис бўлди. Фиръавн ва қавми ясаб-қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб қўтарган қасрларни эса вайрон қилдик” (Аъроф, 130 –137).

Тавротда ҳам ушбу ҳодиса зикр қилинган «Эртага эрталаб фиръавннинг олдига бор. У Нил дарёсига чиқади. Уни қарши олиш учун Нил дарёсининг соҳилида тур, илонга айланган ўша таёғинг ҳам қўлингда бўлсин».¹ Яҳова Мусога «Бундан кейин Яҳова Мусога шундай деди: «Ҳорунга: «Сувлар қонга айланиши учун таёғингни олиб, Мисрнинг бутун сувлари – дарёлари, анҳорлари, ботқоқлари ва барча сув омборлари томонга узат», – деб айт. Шунда бутун Миср юртидаги сувлар, ҳатто ёғочдан ҳамда тошдан ясалган идишлардаги сувлар ҳам қонга айланади».²

Ушбу оятларда келган асосий илмий таҳлил қилинадиган жиҳати, табиийки, дарёнинг қонга айланиш ҳодисаси ҳисобланади. Аллоҳ таоло уни Фиръавннинг устига жазо сифатида яна бир қанча табиий офатлар билан биргаликда ёғирган.


Дарёнинг қизғиш бўлиши (қонга айланиши) денгиз ёки дарёдаги динофлагеллятларнинг кескин кўпайиши натижасида содир бўладиган табиат ҳодисаси. Сув ўсимликларидан бўлган фитопланктонлар, баъзида сув юзасига ёпишиб қалин чизиқли кўринишга кириши мумкин. Динофлагеллятлар шулар жумласидан ҳисобланади. Уларда фотосинтетик пигментлар мавжуд бўлиб, кўпайиш даврида яшил рангдан, жигарранг ва қизил рангларгача ўзгариши мумкин.

Олимлар томонидан ўрганилганда унинг динофлагеллят бактерияси ёки сув ўсимлигидан шундай бўлганлиги аниқланган.

¹ Шмот 7:15

² Шмот 7:19

Динофлагеллятлар ер юзида 200 млн йилдирки мавжуд. Уларда 100 дан ортиқ генлар мавжуд бўлиб, қачонки улар кўпайганда янада ёшариб, умр кўриш даражаси ортиб кетади.



16-расм. “Karenia selliformis” динофлагеллятининг рангли микрорасми ва растворли электрон микрорасми

Қачонки дарё ёки денгизда динофлагеллят сабабли қизғишлик содир бўлса, энг катта зарарни сув ҳайвонлари кўради. Энг аввало сувдаги умуртқасиз ҳайвонлар нобуд бўла бошлайди, захарланишдан нобуд бўлган умуртқасиз билан озиқланадиган балиқлар ҳам ўлишни бошлайди ва дарё ёки денгиз бўйлаб уларнинг оммавий нобуд бўлиши кузатилади. Бу жудаям нокулай, ва оғир ҳолат. Чунки, дарё яна тоза бўлгунча ўзидан ўлик ва нобуд бўлган ҳайвонларни чиқариб ташлайди, улар сув юзида оқиб юриши ҳам мумкин. Бу ерда нобуд бўладиган нафақат балиқлар, балки ўша балиқлар билан озиқланадиган қушлар ҳамдир. Дарё ёки денгизнинг қизариш ҳодисаси нафақат ҳайвонларга, балки, инсонларга ҳам зарар етказиши мумкин. Чунки, динофлагеллят кўпайганида сув ўтла-

ри ўзидан токсин захарли моддаларини тарқатади. Бу эса одамнинг, нафас олиш тизимига дарҳол таъсир кўрсатади ва энг биринчилардан астма ёки аллергияси бўлган одам касалланиб қолади. Бундан ташқари, агар одамлар дарё ёки денгиз ҳайвонларини, хусусан, балиқ тановвул қилса ҳам касалланиши мумкин, аммо, энди у бу ерда нафас олиш тизимини эмас, балки овқат ҳазм қилиш системасини қуритади ва оғир оқибатларга олиб келади.



17-расм. Дарёнинг қизғишланиш ҳодисаси

Кўп йиллар давомида ушбу табиат ҳодисаси олимлар томонидан ўрганилмоқда ва тадқиқ қилинмоқда. Эколог ва сув планини ўрганувчи мутахассислар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Аммо, уларнинг ҳеч қайсиси бу табиат ҳодисасининг аниқ нима сабабидан содир бўлишини аниқлашмади. Аниқлашса ҳам, бу шунчаки бир гипотеза сифатида қолмоқда.

Шулар аниқки, қачонки дарё ёки денгиз ҳавзаларида ушбу динофлагеллят моддаси кескин ошиб кетса, унинг ранги ўзгаради. Маълумотларга кўра, шу пайт бир литр сувда бир неча мингдан миллионгача динофлагеллят бўлиши мумкин. Албатта, унинг қизғиш рангга кириши

кўпайиши, учун сувдан бошқа моддалар ҳам зарурдир. Улар турли хил рангга кириши учун асосан фосфат ва нитрат моддаси ҳам реакцияга киришади, шунингдек темир иони ҳам бунда қатнашиши мумкин. Шунинг учун ушбу табиат ҳодисаси кўпинча фосфат ва нитрат моддаси кўп учраб турадиган сув ҳавзаларида содир бўлади.

Биз бундан олдин унинг ҳайвонот оламига етказадиган зарарини кўриб чиқдик. Аммо, бу шунинг билан тугамайди. Агар улар ўзидан заҳарли токсин тарқатмаса ҳам, уларнинг кўплиги ортиб кетса, бир бирини ўзига тортади ва зичлашади. Натижада улар сув юзида туришида, қуёш нури ва қуввати денгизга тушишдан тўхтайдди, чунки, улар ёруғлик ва нурни қайтариш хусусиятига эгадир. Сув остидаги қуёшдан қувват оладиган ўсимликлар ҳам аста секинлик билан нобуд бўла бошлайдди.



18-расм. Дарё балиқларининг нобуд бўлиши

Бундан ташқари денгизда яшовчи чиғаноқларда ҳам токсин моддалари йиғилиб қолиши мумкин. Уларнинг танасида йиғилиб қолган токсинлар инсон ҳаёти учун ҳам ҳавлидир. Тарихда кўплаб бундай ҳолатлар бўлган, заҳарли динофлагеллят билан озиқланган чиғаноқлар инсонларни оғир дардларга дучор қилган. Жумладан, илк бор бундай ҳолат 1793-йилда Британия Колумбияси соҳилларида содир бўлган. Қизғиш тус олган денгиз кўплаб балиқ ва чиғаноқ ва шу каби сув ҳайвонларини соҳилга чиқариб ташлаган. Одамлар уларни териб озиқланиши билан юздан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмган.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, *Karenia* оиласига кирувчи динофлагеллятлар бошқа турдаги токсинларни ҳам ишлаб чиқариши мумкин. Масалан, *Karenia Selliformis* ўзида гимнодимин – нейротоксинини ишлаб чиқариши мумкин, бу ўзига ҳос токсин умуртқасизлар ва балиқларга таъсир қилади, уларни нобуд қилади, аммо, инсонларга эса мутлақо зарар бермайди. У билан заҳарланган ҳайвонларни тановул қилган тақдирда ҳам, одам организмига таъсир қилмайди. Бундан ташқари сув ўтлари орасида *Dinophysis* ва *Prorocentrum* турлари ўзида динофизитоксин ишлаб чиқаради, бу эса тўлиқ захар ҳисобланиб, инсон организмига тушган тақдирда овқат – ҳазм қилиш системаси фаолиятини ишдан чиқариши мумкин.

МУСО (АЛАЙҲИССАЛОМ) ДАВРИДА ВАБО

Тавротда: «Ва яна Худо Мусо ва Ҳорунга деди: тандир (ёки олов) дан бир ҳовуч кул олинг, сўнг Мусо уни фиръавннинг олдида осмонга улоқтирсин. У бутун Миср бўйлаб майда чанг бўлиб учиб юради, бутун мамлакат бўйлаб одамлар ва чорва молларида йирингли хўппозлар пайдо бўлади. Улар тандир (ёки олов) даги кулни олиб, фиръавн ҳузурига чиқишди. Мусо кулни ҳавога ташлади (учирди), одамлар

ва чорва молларида йирингли яралар пайдо бўлди. Сехргарлар Мусонинг олдига чиқа олмадилар, чунки уларнинг бошларида, танасида ва бутун мисрликларда шу касаллик пайдо бўлган эди»,¹ деб келтирилади.

Агар Тавротдаги ушбу оятнинг илмий далиллари изига тушадиган бўлсақ, кўплаб маълумотларга эга бўлиш мумкин. Чунки, Қадимги Мисрда вабо ёки ўлат эпидемияси содир бўлганлиги илмий исботланган, аммо қачон ва қандай содир бўлганлиги ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, тадқиқотни эпидемиологик йўсинда кўриб чиқсак ҳам тўғри бўлади.

Эраמידан олдинги XIV асрда, тахминан 1350 йиллар атрофида Қадимги Мисрда вабо касаллиги тарқалган. Вабо илк бор Суриянинг шимолида тарқала бошлайди ва кўп ўтмай Канъон яъни Фаластин ҳудудларига ўтиб Мегиддо шаҳрига қирон келтиради. Шу жумладан, шарқ ва ғарб томонга ҳам ёйилиб кетади. Маълумотларга кўра, ушбу касаллик туряремия ёки қуён вабоси бўлиб, инфекция касалликлар сирасига киради ва касалланиш даврида одам терисида яра-йиринглар, юқори ҳарорат ва охирида пневмониядан ўлим ҳолати бўлиши билан тавсифланади.

Тарихдан кучли ва йирик империя бўлиб келган Миср иложи борича касалликдан ҳимояланишга ва уни барта раф этишга ҳаракат қилади, хусусан, чегараларини бошқа ҳудудлар аҳолиси учун ёпади. Шуларнинг далили сифатида, ўша пайтдаги Миср тасарруфидаги бир ном (шаҳар) раҳбарининг мактуби топилган, унда: «Мен одамларнинг Симири шаҳрига келишларини таъқиқлайман, Симири шаҳрида ўта оғир даражадаги вабо касаллиги тарқалган», дейилади. Миср ва унинг қўшни мамлакатлари орасидаги савдо алоқалари ҳам деярли 15-20 йилларга тўхтаб қолган. Эпидемия шимолдан бошлангани сабабли, мисрликлар, касалликни «Канъон касаллиги» ёки «Осиё касаллиги»

¹ Шмот 9:8-11

деб талқин қилишган. Вабо хеттлар мамлакатини ҳам қириб ташлайди, унинг деярли иккита шоҳи ҳам оддинма кейин, беморликдан вафот этишади. Аммо, оҳири эпидемия Мисрга ҳам етади ва тиклаб бўлмас даражада кўп зарарлар келтиради. Немис мисршунос олими Ян Эсман айтишича Қадимги Мисрликлар ушбу касалликни ўхшаши йўқ сифатида қабул қилишганлигини таъкидлайди, чунки, касаллик қолдирадиган асоратлари ва яралари тузалмас бўлган. Бундай оғир эпидемия Мисрнинг ҳам сиёсий ҳам, диний тузумига таъсир ўтказган, бу орқали ордан вақтлар ўтиб турли хил афсоналар тўқилиб келган.

Ундай афсоналардан бири билан ҳам танишишимиз мумкин.

Олим Ян Эсманнинг «Моше-мисрлик» китобида ёзилишича, мисрликларда Исроил ўғиллари ёки яхудийларнинг Мисрни тарк этиши бошқача талқин қилинади. Таврот ва Қуръони Каримдан оддин келтириб ўтилган ва эътиқодга доир бўлмаган, IV асрда яшаб ўтган тарихчи Гекатей Абдир асарларида Исроил ўғилларининг Мисрдан чиқиб кетиш маълумотлари учрайди. Унинг ушбу маълумотлари ҳодисанинг илмий далиллардан бири бўлиб хизмат қилади ва кўп жиҳатлари билан Қуръони Карим ва Тавротдаги ҳодисаларга уйғунлиги тахмин қилинади. Хусусан, шулардан бири, асарда Исроил ўғилларининг Мисрдан чиқиб кетиш тарихи вабо ёки ўлат касаллигидан бошлангани таъкидланади.

Гекатейнинг ёзишича, Мисрликлар юқумли оғир касалликдан оғришган ва улар бунда, мамлакатга келган бошқа миллат ва дин вакиллари айланишган. Шунинг учун улар четдан келган элатларни Мисрдан чиқариб юборишни афзал кўришган. Шунинг билан кўплаб элатлар Мисрдан қувғин қилинган, баъзилар Юнонистонга кўчса, баъзилари Исроил ҳудудларига кўчишади. Исроилга кўчган элатнинг бошида Моше ёки Мусо исми шахс бўлганлиги айтилади. Исроил ҳудудига етиб борганлари-

дан сўнг, у ердаги қишлоқлар эгалланиб ягона давлатга асос солинган деб қаралади.

Лекин, Исроил ўғилларининг Мисрдан чиқиб кетишига сабаб сифатида касалликни кўрадиган фақат Гекатей эмас. Эраמידан аввалги III асрларда яшаб ўтган руҳоний Манефон ҳам шулар жумласидан ҳисобланади. Унинг кўплаб ёзганлари ихтилофли ҳисобланиб, ўз даврида, олим Иосиф Флавий томонидан кўриб чиқилган.

Манефоннинг ёзишича, Аменхотеп IV (Эхнатон) даврида бир пайғамбар бошчилигида мамлакатда оғир касалликка учраганларни қувғин қилишган. Аменхотеп IV (Эхнатон) беморларни Мисрнинг шарқий ҳудудларидаги тоғларга қувғин қилади.

Бемор бўлганлар фиръавннинг ишидан дарғазаб бўлиб, унга қарши кўзғолон бошлашади, ва ўзларига бошлиқ сифатида Гелиополь руҳонийси Осарсифни танлашади. Осарсиф уларга, Мисрдаги муқаддас деб саналган хайвонларни ўлдириш ва ибодатхоналарни ёқиш ҳукмлари берилган муқаддас китобни ўргатади. Ундан кейин Осарсиф ўзига Моше ёки Мусо номини кўяди дейилади.

Ушбу фараз кўплаб олимлар томонидан рад этилган, аммо, касаллик ҳақида ёзиб ўтилганлар илмий асослангани учун кўп эътиборга олинади. Олим Эсманнинг ёзишича, муборак Қуръони Карим ва Тавротда келган Миср халқига ёғилган офатнинг бири ушбу юқумли касаллик бўлган дейилади. Миср тарихида берилган маълумотлар ва муборак асарларда келтирилган маълумотлар бир-бирига параллел бўлсада, илмий далилларнинг камлиги уларни бир-бирига боғлашга имкон бермайди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Гекатей ва Манефон туляремия эпидемиясидан орадан минг йиллар ўтиб бошқа бир сиёсий тузум даврида яшаб ўтганлар. Эсманнинг фикрича, орадан кўп асрлар ўтсада улар ўз тарихига оид маълумотларни оз бўлсада билишган, деб таъкидлайди. Чунки, айнан туляремия эпидемияси даврида диний

уйғониш содир бўлган. Аменхотеп IV (Эхнатон) мамлакатда якка худолик (монотеизм) тузумини ўрнатади ва бутларга сиғинишга таъқиқ қуяди. Аменхотеп IV (Эхнатон) нинг диний революцияси барчага маълум, аммо, у даврда тарқалган эпидемия ҳали ханузгача ихтилофли бўлиб келмоқда.

Аменхотеп IV (Эхнатон) Мисрнинг пойтахтини ўзгартириб, Мемфисдан – ўзи қурдирган Ахетатон шахрига кўчиб ўтади. Мисршунос олим Ханс Гедикенинг таъкидлашича бу ҳолат диний реформалар билан эмас, балки мамлакат учун эпидемиядан четлашиб, карантин зонасини барпо этиш учун кўчиб ўтилган дейилади.

Тарихдан ҳозирги кунгача оғир касалликлар ва бундай эпидемиялар худо томонидан юборилган офат сифатида қаралади. Баъзи мисршуносларнинг фикрича мисрликлар Аменхотеп IV (Эхнатон) давридаги эпидемия унинг ўрнатган яккахудолик тузумига худоларнинг қаҳри деган қарашларини келтиришади. Бошқа олимлар олим Эсманнинг фикрини танқид қилиб, бўлиб ўтган ҳодиса минг йилликлар давомида аниқлигича сақланиб қолишининг иложи йўқ деган фикрга келишан.

Манефоннинг ёзганларини эса узил-кесил ёзилиб, айнан Исроил ўғилларинг Мисрдан чиқиб кетиш ҳодисасига мослиги сабабли, бирлаштириб ёзган дейилади.

Бундан ташқари, энг қадимги вабо касаллиги штаммининг ДНК си текширилганда, унинг таҳминан эраמידан аввалги 5-4 минг йилликларда тарқалганини кўрсатди.

Cell журналида Копенгаген университетидан Эске Виллерслевнинг илмий мақоласи келтирилади, унда олим: «Бил илк бор *Yersinia pestis* хужайрасини аниқлаб, унинг пайдо бўлиши нисбатан узоқ даврларга бориб тақалишини ва таҳминизданда ортиқ кўплаб жамиятларни йўқ бўлишига сабаб бўлиб, ўрта асрларда «қора вабо» нинг ҳам тарқалишига асос бўлган деб ҳисоблайди» дейди.

Инсоният кўплаб вабо ёки ўлатга ўхшаш юқумли эпидемияларни бошидан ўтказган. Илк бор VI аср Византия ва Ўртаер денгизи атрофида қайд этилган ва 100 млн аҳолини ҳаётдан олиб кетган Юстиниан ўлати шулар жумласидандир. Яна шунга ўхшаш ҳолат – XIV асрдаги «қора вабо» Европа аҳолисининг деярли 3/1 ни йўқ қилган.

2011 йилда олимлар томонидан тадқиқот давомида ана шу ўрта асрлардаги Юстиниан вабоси ва ўлатнинг генетик тузилишини қайта тиклашди. Натижада ушбу вабо олдин кўп мингйилликлар олдин йўқолиб кетган вабонинг бир штамми (*Yersinia pestis*) эканлиги аниқланган.

Виллерслев, унинг ҳамкасблари ва россиялик биолог олимлар, ўрта асрлардаги Европа ва Ўртаер денгизи атрофидаги одамларнинг тишидан ДНК сини ўрганиб чиқиб, аслида тарихда содир бўлган ушбу оммавий эпидемияларнинг хронологияси цивилизациядан олдинги йилларга, яъни Қадимги Миср цивилизацияси илк сулола даврига бориб тақалишини таъкидлашмоқда. Энг хайратланарлиси шуки, тадқиқот қилинган ўша одамларнинг 7 тасида, одам геномидан ташқари *Yersinia pestis* хужайраси ҳам аниқланган. Агар уларнинг (тадқиқот қилинган одамларнинг) энг аввалги қолдиқларини эрамиздан аввалги 5783 йиллар деб оладиган бўлсак, демак ушбу вабо касаллиги инсониятни 7 минг йилликлар давомида кириб келаётгани аниқ бўлади.

Ушбу вабо геномлари ўрганилганда Виллерслев ва ундан бошқа биолог олимлар 6 та одам қолдиғида аниқланган инфекцияда ўрта асрлардаги «қора вабо» га ўхшаш жихатлари топилмаган ва баъзиларида тарқалиш хусусиятига эга *pl* ва *ymt* генлари ҳам умуман аниқланмаган.


Ymt нинг бўлмаслиги, инфекциянинг бит ва яна бошқа куртлардан тарқалмаганлигидан далолат беради. *Pl* гени эса асосан, *Yersinia pestis* нинг теридан-терига ўтиб тарқалишига жавоб беради, демак, ушбу генларнинг инфекцияда бўлмаслиги Қадимги Мисрда тарқалган ўлатнинг ҳаво орқали тарқалганини кўрсатади.



19-расм. Қадимги Мисрда тарқалган қора вабо билан оғриганларнинг танасидаги клиник белгилар

Тадқиқ қилинган еттинчи одам Арманистондан бўлиб, эрамиздан аввалги 951 йилда ушбу инфекция, яъни вабонинг бошқача штаммидан вафот этган. Демак, агар тадқиқотларга таянадиган бўлсак, вабонинг ушбу штаммлари эрамиздан аввалги 2–1 минг йилликларда пайдо бўлганлиги ўртага чиқади.

Ўтмишдаги бу олимларнинг фикри ва далиллари тўлиқ илмий асосланмаган, аммо ўша даврда ҳақиқатан юқумли касаллик бўлганига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Гавротдаги келтирилган, Мисрға ёғилган балоларнинг бири



20-расм. Гастон Масперо томонидан чизилган фиръавн Тутмос II нинг мўмиёси


касаллик бўлиши мумкин, аммо бу Қуръони карим оятларида келтирилмаган. Илмий гипотеза ва фаразлар кўп, лекин айнан ўша даврда касаллик тарқалганлиги ҳақида доир ҳеч бир асосли маълумот йўқ. Ҳозирги кунда Таврот ва Қуръони Каримда номи зикр қилинган Мусо пайғамбарнинг айнан бир шахс эканлиги кўплаб диншунос ва исломшунос олимлар томонидан кўриб чиқилиб, исботланганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли.

Қуйидаги расмларда, ўша пайтда тарқалганлиги тахмин қилинаётган касалликнинг инсон танасидаги асоратлари келтирилади, ушбу инсон танасидаги яра ва доғлар – Тутмос II мўмиёсида Гастон Масперо томонидан аниқланган яралар билан тўғри келмоқда.



ТЎРТИНЧИ БОБ

**РИСОЛАНИНГ
БАРЧА ҚИСМЛАРИГА
ИЛОВАЛАР**



ҚУРЪОНИ КАРИМДА МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ НОМИ ЗИКР ҚИЛИНГАН ОЯТЛАР

Аъроф сурасининг 103-дан 162-оятигача:

103. Сўнгра улардан кейин Мусони мўъжизалар билан Фиръавн ва унинг зодагонларига (элчи қилиб) юбордик. Уларга зулм қилдилар. Бузғунчиларнинг оқибатиқандай бўлганини кўринг!

104. Мусо айтди: «Эй, Фиръавн! Мен оламлар Раббидан (юборилган) элчидирман.

105. Аллоҳ номидан фақатгина ҳақ (гап)ни гапиришга ҳақлидирман. Сизларга Раббингиздан ҳужжат келтирдим. (Эй, Фиръавн!) Исроил авлодини мен билан бирга (муқаддас юртлари – Шомга) жўнатгин!

106. (Фиръавн): «Агар ростгўйлардан бўлиб мўъжиза келтирган бўлсанг, уни келтир (кўрсат)!» – деди.

107. Бас, (Мусо) асосини ташлаган эди, бехос у аниқ (чин) аждаҳога айланди.

108. Қўлини (қўйнидан) чиқарган эди, бирдан у қараб турганларга оппоқ (нурли) кўринди.

109. Фиръавн қавмининг зодагонлари: «Бу жуда билимдон сеҳргар», – дедилар.

110. (Фиръавн): «Сизларни ўз ерларингиздан чиқармоқчи, нима буюрасизлар?» – деди.

111. Айтдилар: «Уни ва акаси (Ҳорун)ни қўятур, Мадоин (шаҳри)га йиғиб келувчиларни юбор!

112. (Улар) сенга барча билимдон сеҳргарларни олиб келсинлар!»

113. Фиръавн ҳузурига сеҳргарлар келиб: «Агар биз голиб бўлсак, бизга мукофот борми?» – дедилар.

114. «Албатта! – деди (у): – Сизлар (менга) яқинлардан бўлдурсизлар».

115. Айтдилар: «Эй, Мусо! (қўлингдаги асони биринчи сен) ташлайсанми ёки биз (қўлимиздагиларни) ташлагувчи бўлайликми?»

116. (Мусо): «Ташланглар!» – деди. Бас, ташлаган эдилар, одамларнинг кўзларини сеҳрлаб қўйдилар ва уларни чўчи-тиб юбордилар – улкан сеҳр келтирдилар.

117. Мусога: «Асоингни ташла!» – деб вахий қилдик. Бирдан у (аждохога айланган асо) уларнинг сохта (илон)ларини комига торта бошлади (ютабошлади).

118. Бас, ҳақиқат воқе бўлди, уларнинг қилган ишлари эса ботил (барбод) бўлди.

119. Шундай қилиб, (сеҳргарлар) енгилдилар ва забун ҳолатда қайтиб кетдилар.

120. Сеҳргарлар сажда қилган ҳолда (ерга) ташландилар.

121. (Сўнг) айтдилар: «(Биз) оламларнинг Раббига,

122. (Яъни) Мусо ва Ҳоруннинг Раббига имон келтирдик».

123. Фиръавн деди: «Мен сизларга рухсат беришимдан олдин имон келтирдингизми?! Албатта, бу (ишингиз) шаҳардан унинг аҳолисини чиқариб юбориш учун қилган макрингиздир. Биласизлар ҳали!

124. Қасамки, (бир) қўлларингиз ва (бир) оёқларингизни тескаричасига кесдириб ташлайман, сўнгра ҳаммаларингизни (дорга) осиб юбораман!» Изоҳ: Яъни ўнг қўл билан чапоёқ ёки чап қўл билан ўнг оёқ. Шу тарзда кесилганда одам роса тўнтоқ бўлиб қолишини билган.

125. (Улар) дедилар: «Биз (ўлсак), албатта, Раббимиз (хузури)га қайтувчимиз.

126. Сен фақатгина Раббимиз оятлари келганда, уларга имон келтирганимиз учунгина биздан ўч олмоқчисан. Эй, Раббимиз! Устимизга сабр (ёмғирини) ёғдир ва бизни муслмонлик ҳолимизда вафот этдир!»

127. Фиръавн қавмининг зодагонлари айтдилар: «(Эй, Фиръавн), Мусо ва (унинг) қавмини Ер (юзи)да бузғунчилик қилишига ҳамда сени ва илоҳларингни (тан олмай) тарк этишига қўйиб берасанми?» (Фиръавн) деди: «Уларнинг ўғилларини (қатли ом қилиб) қириб ташлаб, хотинларини тирик қолдирамиз ва биз улар устидан ғолибдирмиз!»

128. Мусо (ўз) қавмига деди: «Аллоҳдан мадад сўрангиз

ва сабрли бўлингиз! Ер Аллоҳникидир! Уни (Ўзи) хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат (яхшиликлари) эса тақводорларга (тегишли)дир».

129. (Улар Мусога) дедилар: «(Сен) бизга келмасингдан олдин ҳам, келганингдан кейин ҳам озорландик». (Мусо) деди: «Раббингиз душманингизни ҳалок этиб, сизларни (Мисрдек) ерга ўринбосар қилажак ва қандай иш қилишингизни кўражак». Изоҳ: Келмасингдан олдин, яъни, туғилмасингдан олдин. Чунки ўша йили туғилган барча ўғил чақалоқлар Фиръавн амри билан қатл этилган эди.

130. Фиръавн қавмини зора эслатма олсалар, деб (қаҳатчилик) йилларига ва меваларнинг тақчиллигига дучор этдик.

131. Бас, уларга яхшилик келганда: «Бу бизга хос», – дейдилар. Агар уларга бирор нохушлик етса, Мусо ва у билан бирга (имон келтирган) кишилардан шумланадилар. Огоҳ бўлингки, уларнинг (яхши-ёмон) амал(лар)и Аллоҳнинг ҳузуридадир. Лекин, (буни) аксариятлари билмайдилар.

132. (Улар Мусога) айтдилар: «Бизни сеҳрлаш учун ҳар қандай мўъжиза келтирсанг ҳам, биз сенга имон келтирувчи эмасмиз».

133. Шундан кейин улар устига тўфон, чигиртка, бит, бақалар ва қон (балолари)ни аниқ мўъжизалар сифатида юбордик. (Шундан) сўнг (ҳам улар) кибор қилдилар ва (ўзлари олдиндан) жинойтчилар қавми эдилар.

134. Улар устига азоб тушганда дедилар: «Эй, Мусо! Раббинга сендаги берган аҳди (ҳаққи) билан биз учун дуо қил! Қасамки, агар бизлардан (шу) азобни кўтарсанг, албатта, сенга имон келтирамиз ва сен билан бирга Исроил авлодини (ўз юртларига) жўнатамиз!»

135. Улардан ўзлари етиб бораётган (маълум) муддатгача азобни кўтарганимизда эса, ногоҳ улар (яна аҳдни) бузаштилар.

136. Бас, (Биз) улардан «ўч» олдик – оятларимизни ёлғонга чиқарганлари ва улардан ғафлатда бўлганлари сабабли уларни денгизга ғарқ қилдик.

137. (Биз) баракотли қилиб қўйган Ернинг мағриб ва машриқларига заифлаштирилаётган қавм (Мусо қавми)ни меросхўр қилиб қўйдик. Сабр қилганлари сабабли Исроил авлодига Раббингизнинг чиройли сўзлари (берган ваъдаси) ўз адосини топди. Фиръавн ва (унинг) қавми қурган (бино)лари ҳамда кўтарган (қасрубурж)ларини вайрон қилдик. Изоҳ: Чиройли сўз ёки берилган ваъда Аъроф сурасининг 129-ояти ёки Нур сурасининг 55-оятида Аллоҳнинг душманни ҳалок этиб уларни ерга ўринбосар қилиш тўғрисида айтган сўзи.

138. Исроил авлодини денгиздан ўтказганимизда, ўз санамларига сиғинаётган бир қавм устидан чиқиб қолдилар-да, айтдилар: «Эй, Мусо! Уларнинг илоҳлари каби бизга ҳам илоҳ ясаб бер!» (Мусо): «Сизлар жоҳил қавм экансизлар.

139. Зеро, уларнинг (сиғиниб) турган нарсалари барбод бўлувчи ва қилаётган ишлари ботил (беҳуда иш)дир».

140. (Мусо яна) деди: «Сизлар учун оламлар узра сизларни афзал қилиб қўйган Аллоҳдан ўзга илоҳ қидирайинми?!»

141. Ўғилларингизни ўлдириб, аёлларингизни қолдириш билан сизларни қаттиқ қийноққа солган Фиръавн аҳли (лашқари)дан халос этганимизни эслангиз! Сизларнинг бу (воқеа)ларингизда улкан синов бордир.

142. Мусо билан ўттиз кеча ваъдалашдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Шундай қилиб, Раббининг қирқ кеча дея белгилаган вақти камолига етди. Мусо (кета туриб) ўз биродари Ҳорунга: «Қавмимда (сен қолиб) менинг ўринбосарим бўлгин, (хатоларини) ислоҳ эт ва бузғунчилар йўлига эргашмагин!» – деди.

143. Мусо Биз белгилаган вақтда (Тур тоғига) келгач, у билан Рабби бевосита гаплашди. Мусо: «Раббим! (Ўзингни) менга кўрсатгин, Сенга бир назар қилай!» – деди. (Аллоҳ): «Мени кўра олмайсан*. Лекин (ана у) тоққа (бир) боқ! Агар Мен унга бир жилва қилганимда (тоқат қилиб) ўз ўрнида тура олса, сен ҳам мени кўрасан», – деди. Рабби тоққа тажаллий (кичик бир кўриниш) қилган эди, уни майдалаб ташлади. Мусо (ҳам таъсирланиб) беҳуш ҳолда йиқилди. Ҳушига

келгач, деди: «Сенга тасбеҳ айтурман, Сенга тавба қилдим ва мен мўминларнинг биринчиси (пешвоси)дурман». Изоҳ: Бу сўзлашув инсонларнинг ўзаро суҳбатларига таққосланмайди, балки Аллоҳнинг зоти ва сифатларига хос равишда гаплашилган. Изоҳ(а): Яъни бу дунёдаги фоний кўзларинг билан Мени кўраолмайсан, балки жаннатда боқий кўзларинг билан кўрурсан.

144. «Эй, Мусо! Мен сени одамлар узра рисоаларим (Таврот битиклари) ва гаплашганим билан мумтоз (танланган, хос) этдим. Бас, сенга берганимни (қабул этиб) ол ва шукур қилувчилардан бўлгин!» – деди (Аллоҳ).

145. Унинг учун лавҳларда (Таврот саҳифаларида) насихат ва ҳар нарсанинг тафсилоти сифатида ҳар нарсадан битиб қўйдик. Бас, (Эй, Мусо!) Уларни қувват (жиддийлик) билан олгин ва қавминга уларнинг яхши (битилган аҳком)ларини тутиш (татбиқ этиш)ларига буюргин! Сизларга фосиқлар диёри (қандай ҳалокатга юз тутгани)ни кўрсатажакман.

146. Ер (юзи)да ноҳақлик билан кибрланиб юрувчилар (онги)ни оятларимиз (идроки)дан четлатиб қўяжакмиз. (Улар) ҳар қандай мўъжизани кўрсалар ҳам унга имон келтирмайдилар. Агар тўғри йўлни кўрсалар, уни (ўзларига) йўл қилиб олмайдилар. Мабодо нотўғри йўлни кўриб қолсалар, уни (ўзларига) йўл қилиб оладилар. Бу(нинг сабаби) оятларимизни ёлғонга чиқаришлари ва улардан ғофил бўлганларидир.

147. Оятларимизни ва охират мулоқотини ёлғонга чиқарганларнинг (қилган савобли) амаллари барбод бўлур. Фақат қилмишларига (ярашагина) жазоланурлар.

148. Мусо қавми ундан (Тур тоғига кетгандан) сўнг ўзларининг безакларидан бир маърайдиган бузоқ жасадини (маъбуда қилиб) олдилар. Унинг улар билан гаплашмаслигини, уларни бирор йўлга бошламаслигини кўрмаганмидилар?! Уни (илоҳ сифатида) тутдилар. (Улар олдиндан) золим эдилар.

149. Қўлларидан («тарвузлари») тушиб (пушаймон бў-

либ), ўзларининг адашганликларини кўрганларида, айтдилар: «Қасамки, агар Раббимиз бизга раҳм қилмаса ва (гуноҳимизни) кечирмаса, албатта, зиён кўрувчилардан бўлишимиз аниқдир».

150. Мусо ўз қавми сари (Тур тоғидан) қайтар экан, (қавмининг қилмишларидан) ғазабланган ва таассуфланган ҳолда: «Менга ортимдан қандай ҳам ёмон ўринбосар бўлдингиз-а?! Раббингиз амри (келмай туриб) шошқалоқлик қилдингизми?» - деб (қўлларидаги) лавҳларни ташлаб, акасининг боши (сочи)дан тутиб ўзига тортди. (Акаси Ҳорун) деди: «Эй, онамнинг ўғли! Бу қавм мени заиф билиб, ўлдиришларига сал қолди. Энди, сен (ҳам) мени душманларга кулги қилмагин ва мени золимлар (сафи)га қўшмагин!»

151. (Мусо) деди: «Эй, Раббим! Мени ва биродаримни мағфират қилиб, бизни раҳматингга киритгайсан. Сен раҳмдиларнинг раҳмлироғидирсан!»

152. Албатта, бузоқни илоҳ қилиб олганларга Парвардигорлари (тарафи)дан ғазаб ва дунё ҳаётида хорлик етгусидир. (Ёлғон ва бўҳтон) тўқувчиларни шу тарзда жазолагаймиз.

153. Гуноҳларни қилиб, сўнгра улардан кейин тавба қилган ва имон келтирган кишилар учун, шулардан кейин (ҳам) Раббингиз кечиримли ва раҳмлидир.

154. Мусонинг ғазаби сўнғач, лавҳларни (ердан) олди. Ундаги битикда Парвардигорларидан кўрқадиганлар учун ҳидоят ва раҳмат бор эди.

Изоҳ: Бу оят тафсирида қарама-қарши фикрлар баён этилган. Масалан, бир муфассир Мусо Лавҳларни ташлаб юборганида, улар синиб кетган еди, дэсалар, бошқаси улар синмаган эди, дейдилар. Яна бошқа бир муфассир лавҳлар синган эди, лекин Мусо уларни йиғиб туриб, янги нусха кўчириб олган эдилар, деб таъкидлайдилар.

155. Мусо белгилаган вақтимиз (ва жойимизга келиш) учун қавмидан етмиш кишини танлади. Уларни қаттиқ зилзила туган пайтда (Мусо) деди: «Эй, Раббим! Хоҳласанг уларни ҳам, мени ҳам олдинроқ ҳалок қилган бўлур эдинг. Ичимиздаги нодонларнинг қилмишлари учун бизларни

ҳалок қиласанми?! Бу фақат бир синовингдирки, у орқали хоҳлаган кишингни адаштирасан ва хоҳлаган кишингни ҳидоят қиласан. Ўзинг эгамизсан. Бас, бизларни мағфират эт (кечир) ва бизларга раҳм қил. Сен кечирувчиларнинг (энг) яхшисидирсан.

156. Бизларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликни ёзгин. Биз Сенга қайтдик». (Аллоҳ) деди: «Азобимни хоҳлаган кишимга етказурман. (Аммо) раҳматим ҳамма нарсадан кенгдир. Уни тақвода бўлувчилар, закот берувчилар ва оятларимизга имон келтирувчиларга ёзажакман. Изох: Яъни бу дунёда бизга тоатибодат қилишни муваффақ айла. Охиратда эса, бизларни жаннатга дохил эт.

157. Улар омиё (саводсиз) элчи - исми ўзларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган пайғамбарга ергашадилар. У (пайғамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади ҳамда уларнинг юқларини ва устиларидаги кишан (қийинчилик)ларини олиб ташлайди. Бас, унга имон келтирган, уни улуғлаган, унга ёрдам берган ва у билан бирга нозил қилинган нур (Қуръон)га эргашганлар, айнан ўшалар толеи ёр кишилардир».

158. Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Эй, одамлар! Мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллоҳнинг расули (элчиси)дирман. У (Аллоҳ) осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Ўз қўлида бўлган зотдирки, ундан ўзга (ҳеч бир) илоҳ йўқ. (У) тирилтиради ва ўлдиради. Бас, Аллоҳга ва Унинг расули - Аллоҳга ва Унинг калималари (илоҳий китоблари)га ишонадиган уммий пайғамбарга (Муҳаммадга) имон келтирингиз ва унга эргашингиз, токи ҳидоят топгайсизлар!»

159. Мусо қавми ичида шундай уммат (гуруҳ) ҳам борки, (улар одамларни) ҳақ (сўз) билан ҳидоятга бошлайдилар ва у (ҳақ) билан (ҳукмларда) одиллик қиладилар.

160. Уларни ўн икки уруғ-уммат қилиб бўлиб ташладик* ва Мусодан қавми сув талаб қилганда, унга: «Асойинг билан тошни ургин!» - деб ваҳий қилган эдик, (ургач) ундан (тошдан) ўн икки чашма отилиб чиқди. Ҳар бир (уруғга тегишли)

одамлар ўз сув ичадиган жойини билиб олдилар. Улар узра булутларни соябон қилдик ва устиларидан ширинлик ва беданалар ёғдириб: «Сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларидан енглар» (дедик). Улар (итоатсизликлари билан) Бизга зулм қилмадилар, балки ўзларига зулм қиладиган бўлдилар. Изоҳ: Яъни Яъқуб (а.с.) нинг ўн икки ўғлидан ўн икки қабила пайдо бўлган. Оятнинг давоми Бақара сурасида ҳам такрор келган.

161. Уларга: «Шу шаҳар (Байтул-Мақдис)да истиқомат қилингиз ва ундаги хоҳлаган жойингиздан озиқланингиз ҳамда «кечир» деб, сажда қилган ҳолингизда дарвозадан киригиз, шунда сизларнинг хато (гуноҳ)ларингизни кечирамиз. Эзгу амал қилувчиларга (савобимизни) зиёда қилурмиз», - дейилганини (есланг).

162. Бас, улардан золим бўлганлари уларга айтилган сўзни бошқа сўзга алмаштирдилар. Натижада зулм қилганлари сабабли уларга осмондан азоб юбордик.

Маръям сурасида:

51. Бу китобда Мусо (қиссаси)ни ҳам ёд эт. Албатта, у танлаб олинган еди. Ҳамда, елчи ва пайғамбар еди.

52. Унга Тур тоғининг ўнг тарафидан нидо қилдик, (Биз билан) гаплашадиган ҳолда уни муқарраб – яқин даражага келтирдик.

53. Унга Ўз тарафимиздан яхшилик қилиб, акаси Ҳорунни ҳам пайғамбар қилиб бердик.

Тоҳа сураси:

9. (Эй Муҳаммад!) Сенга Мусонинг хабари келди, шундай эмасми?

10. Бир куни у (Тур тоғининг ён бағриларидан ўтаётиб) олов кўриб қолиб, оиласига қараб: “Туриб туринглар, мен оловни пайқаб қолдим. Балки, у оловдан чўғ олиб келаман ёки олов ёнида бирорта йўл кўрсатувчи топарман”, деди.

11. У ерга борганида (унга шундай) нидо қилинди: “Эй Мусо!

12. Албатта, сени яратган Эганг Мен Ўзимман. Оёқ кийимларингни еч. Чунки, сен муқаддас Туво водийдасан.

Исро сурасида:

2. Биз Мусога китоб берганмиз ва Мен билан ўзлари орасига ҳеч қандай вакил қўймасин деб, китобни Исроил авлоди учун қўлланма-рахбар қилиб берганмиз.

101. Шубҳасизки, Мусога тўққизта аниқ-равшан оят (мўжиза) берганмиз. Исроил авлодидан сўра: Уларга Мусо (элчи бўлиб) келганида, Фиръавн унга: “Эй Мусо! Сени аниқ сеҳрланган деб ўйлаяпман”, деди Фиръавн.

102. Мусо шундай деди: “Билиб турибсанки, бу оят-мўжизаларни ҳақни кўрсатиб берадиган қилиб нозил қилган зот осмонлар ва ерни яратган Эгасидан бошқаси эмаслигини билиб турибсан. Мен эса, сени (бу кетишда) ҳалок қилинасан деб ўйлаяпман.”

103. Фиръавн уларни у ердан (зулм орқали) ваҳимага солиб чиқариб юбормоқчи бўлди. Биз эса, уни ва у билан бирга ҳаракат қилганларни барчани чўктириб юбордик.

104. Ундан кейин Исроил авлодига шундай дедик: “Энди бу ерга сизлар жойлашинглар. Охират ваъдаси келганида, сизларни барчангизни тўплаб келтирамиз.”

Юнус сураси:

75. Улардан кейин Мусо билан Ҳорунни Фиръавн ва унинг хонадонига – оят-мўжизаларимиз билан юбордик. Лекин, улар мутакаббирлик қилишди ва жинойтчи қавмга айланишди.

76. Уларга Биз тарафимиздан ҳақ келганида: “Бу аниқ очиқча сеҳр”, дейишди.

77. Мусо эса: “Сизларга ҳақ келганида “Бу сеҳр” деяпсизларми? Сеҳргарлар нажот топмайди”, деди.

78. Улар: “Сен бизни ота-боболаримизнинг йўлидан чиқариш ҳамда иккинги бу юртнинг катталари бўлиш учун келдингизми? Биз сиз иккалангизга ҳам ишонмаймиз”, дедилар.

79. Фиръавн: “Билимдон сеҳргарларнинг барчасини ёнимга келтиринглар”, деди.

80. Сеҳргарлар келганида Мусо (уларга): “Ташлайдиганингизни ташланг”, деди.

81. Сеҳргарлар ташлашганида Мусо шундай деди: “Сизлар келтирган нарса сеҳрдир. Аллоҳ уни йўққа чиқаради. Чунки, Аллоҳ бузғунчиларнинг ишини ўнгламайди,

82. Жинойтчилар ёқтирмаса-да, (Аллоҳ) Ўз сўзлари билан ҳақиқатни ўртага чиқаради.

83. Фиръавн ва унинг зодагон-амалдорларидан кўрқиб, Мусога унинг ўз қавмидан бир қанча ёшларидан бошқа ҳеч ким ишонмади. Чунки, Фиръавн ўша ерда зулмкор эди ва ҳаддан ошувчилардан эди.

84. Мусо айтдики: “Эй қавмим, агар Аллоҳга ишонган бўлсангиз, агар мусулмон бўлсангиз, фақат Унга суяниб-таянинглар.”

85. Улар шундай деди: “Ёлғиз яратган Эгамизга суяниб-таяндик. Эй яратган Эгамиз! Бизни бу золим қавмга алдатиб қўйма.

86. Раҳматинг (ёрдаминг) билан бизни бу кофир қавмдан қутқар.”

87. Мусо ва унинг укасига: “Қавмингиз учун Мисрда уйлар тайёрланг ва уйларингизни қибла (намозгоҳ) қилиб, (у ерда) намозни пухта адо этинг ва мўминларга хушхабар бер”- деб ваҳий қилдик.

88. Мусо айтдики: “Эй яратган Эгамиз! Сен Фиръавн ва унинг зодагон-амалдорларига дунёда зеб-зийнат ва мол-давлат берибсан. Улар (уни) Сенинг йўлингдан қайтаришга ва то аламли азобни кўрмагунча ишонмасликка сабаб қилиб олишди. Эй яратган Эгамиз! Уларнинг мол-давлатларини йўқ қил ва қалбларини қаттиқ қил.”

89. “Дуонгиз қабул қилинди. Тўғри йўлда юринг ва билимсизларнинг йўлига эргашманг”, деди Аллоҳ.

90. Исроил авлодини денгиздан ўтказдик. Фиръавн ва аскарлари (уларга) зулм ва тажовуз қилиш учун уларнинг ортига тушди. Фиръавнга ғарқ бўлиш етиб келганида:

“Ишондимки, Исроил авлоди ишонган илоҳдан бошқа қуллик қилинишга ҳақли ҳеч қандай зот йўқ экан. Мен мусулмонларданман”, - деди.

91. “Эндими?! Бундан олдин исён қилган эдинг ва бузғунчилардан бўлгансан.

92. Сендан кейингиларга оят-ибрат бўлиши учун бугун сени бадаинингни сақлаб қоламиз”- (дейилди). Ҳақиқатда, инсонларнинг кўпчилиги оятларимизга эътиборсиздир.

93. Қасамки, Исроил авлодини хурматли жойга жойлаштирганмиз ва уларни покиза нарсалардан ризқлантирганмиз. Уларга (Қуръондаги) бу маълумот келмагунча ихтилоф қилмадилар. Ихтилоф қилган нарсалари ҳақида улар орасида яратган Эганг қиёмат куни ҳукм қилади.

Ҳуд сураси:

96. Шубҳасизки, Мусони (ҳам) оятларимиз ва очиқ-ойдин ҳужжат билан элчи қилиб юборганмиз.

97. (Мусони) Фиръавн ва унинг етакчи-амалдорларига юборганмиз. Фиръавннинг амри тўғри бўлмагани ҳолда, улар Фиръавннинг амрига бўйсунган.

98. Фиръавн қиёмат куни (ўзига эргашган) қавмини олдига тушиб, уларни сув бор жойга бошлаб бораётгандек жаҳаннам ўтига бошлаб боради. У бошлаб борган жой қандай ҳам ёмон!

99. Уларга дунёда лаънат ергаштирилади, охиратда ҳам шундай. Уларга берилган “совға” қандай ҳам ёмон!

110. Шубҳасизки, Мусога китоб берганмиз, унда (ҳам) ихтилоф қилинди. Агар яратган Эгангнинг аввалги сўзи бўлмаганида, улар орасида албатта ҳукм ижро етилар эди. Улар у китобдан қаттиқ шубҳададирлар.

Анъом сураси:

83. Халқига қарши Иброҳимга берган далилимиз мана шу. Муносиб билганларимизни даража-даража юксалтирамиз. Шубҳасизки, яратган Эганг тўғри қарор берувчидир, ҳар нарсани билувчидир.

84. Иброҳимга (хизматини тақдирлаб) Исҳоқ ва Яъқубни бердик. Барчасини тўғри йўлга қабул қилдик. Ундан аввал Нухни ҳам тўғри йўлга қабул қилганмиз. Унинг зурриётидан Довудни, Сулаймонни, Айюбни, Юсуфни, Мусони ва Ҳорунни ҳам тўғри йўлга қабул қилганмиз. Муҳсинларни шундай мукофотлаймиз.

87. Уларнинг ота-боболаридан, зурриётларидан ва ака-укаларидан ҳам... Уларни танлаб олдик ва уларни ҳам тўғри йўлга қабул қилдик.

88. Мана шу Аллоҳнинг йўли. У қуллари орасидан керакли ишни қилганларни йўлига қабул қилади. Агар (пайғамбарлар) ширк қўшсалар эди, қилган барча (яхши) ишлари ҳабата бўлиб кетарди.

89. Мана шулар – Биз уларга китоб, ҳикмат ва пайғамбарлик берган кишилардир. Агар бу (инсон)лар уларни (уларга берилган китоб, ҳикмат ва пайғамбарликни) тан олмаса, улар устидан кофирлик қилмайдиган кишиларни вакил қилиб қўямиз.

90. Ана шулар – Аллоҳ тўғри йўлга солган кишилардир, сен ҳам уларнинг йўлига эргаш. Айт: “(Таблиғ эвазига) сизлардан ҳақ сўрамайман. У (Қуръон) фақат халқларга эслатма (насихат)дир!”.

91. (Баъзи яҳудийлар): Аллоҳни муносиб равишда қадрламадилар. Чунки, улар: “Аллоҳ башар (зоти)га ҳеч нарса нозил қилмаган”, деди. (Уларга): “Ундай бўлса, Мусо уни нур ва инсонларга қўлланма сифатида келтирган, ҳозирда сизлар уни парча-парча қоғозлар ҳолига олиб келиб, бир қисмини кўрсатаётган ва кўп қисмини яшираётган ва (у орқали) сизлар ҳам ота-боболарингиз ҳам билмаган нарсалар сизларга билдирилган китобни ким нозил қилган?!”, де ва ўзинг: “Аллоҳ (нозил қилган)”, - деб айт. Кейин уларни ўз ҳолига қўй – шунгиган нарсаларида ўйнайверсин.

154. Яратган Эгасига йўлиқишига ишониб қолар деб, муҳсинлик қил(ади)ганларга неъматимни тамомлаб беришим, ҳар нарсани батафсил очиқлаб беришим, ҳамда қўл-

ланма-раҳбар ва раҳмат бўлиши учун Мусога ҳам (Таврот) китобни берганмиз.

Каҳф сураси:

60. Бир куни Мусо ёш дўстига “Икки денгиз бирлашган жойга етмагунимча, ёки йилларимни олса ҳам юравераман”, деди.

61. Икковлон икки денгиз бирлашган жойга етиб борганида, балиқларини унутдилар. Балиқ денгизни тешиб йўл олди.

62. У ердан ўтиб кетишганидан кейин Мусо ёш дўстига: “Тушлигимизни келтир, бу сафаримизда жуда чарчоққа дуч келдик”, деди.

63. Ёш дўсти эса: “Буни қаранг! Харсангга суяниб қолганимизда, балиқни унутиб қўйибман. Уни эсимдан чиқариб қўйишимга сабаб бўлган ва менга унуттириб қўйган нарса шайтондан бошқаси эмас. Балиқ ажойиб бир шаклда денгизга йўл олиб кетибди”, деди.

64. Мусо: “Мана биз истаган нарса”, деди ва дарҳол келган йўлларида изига қайтишди.

65. Сўнгра, қулларимиз орасидан Биз унга Ўз хузуримиздан яхшилик берган ва Ўз тарафимиздан илм берган бир қуллимизни учратди.

66. Мусо унга: “Сенга ўргатилган илмдан менга ҳам тўғри йўлни ўргатишинг учун сенга эргашсам майлими?”- деди.

67. У шундай деди: “(Агар менга эргашсанг, қилган ишларимга) мен билан бирга сабр-бардош қилишга тоқатинг етмайди.

68. “У ҳақида тўлиқ хабаринг бўлмаган нарсага қандай чидайсан?”

69. Мусо айтдики: “Агар Аллоҳ насиб қилса, мени сабр-бардошли эканимни кўрасан. Сенга ҳеч бир ишда қарши чиқмайман.”

70. Шунда илмли бандамиз: “Агар менга эргашсанг, снега у ҳақидаги маълумот айтиб бермагунимча, мендан ҳеч нарса ҳақида сўрама”, деди.

71. Шундай қилиб, то бир кемага чиққунча юриб боришди. Илмли бандамиз кемани тешиб қўйди. Шунда Мусо: “Кемани унинг йўловчиларини чўктириб юбориш учун тешдингми? Шубҳасиз, сен жуда ножўя иш қилдинг”, деди.

72. “Менга эргашишга чидай олмайсан демаганмидим?”, деди илмли бандамиз.

73. Унутиб қўйганим учун мени жазолама, ишимни қийинлаштирма”, деди Мусо.

74. Кейин иккаласи ҳам юриб кетиб, бир болакайни учратишганида, илмли бандамиз уни ўлдирди. (Шунда) Мусо: “Сен бегуноҳ бир жонни ноҳақ ўлдирдинг-а? Шубҳасиз, сен ёмон иш қилдинг”, деди.

75. “Менга эргашишга чидай олмайсан демаганмидим?”, деди илмли бандамиз

76. Мусо айтдики: “Бундан кейин сендан бирор нарса ҳақида сўрасам, майли мени ўзингга йўлдош қилмай қўявер. Ҳақиқатда, меңдан қабул қилинадиган узрни поёнига етказдинг.”

77. Кейин икковлари юриб бориб, бир юртнинг аҳолисига етиб келишганида, улардан егулик сўрашди. Улар эса, у иккаласини меҳмон қилишдан бош тортди. Шунда иккаласи ўша ерда йиқилай деб турган бир деволни кўришди, уни илмли бандамиз тиккалаб қўйди. Шунда Мусо: “Агар келишганингда, қилган ишинг учун ҳақ олган бўлардинг”, деди.

78. Илмли бандамиз шундай деди: “Бу сен билан мени айрилишимиз бўлади. Энди мен сенга сен сабр қилгани тоқатинг етмаган нарсаларнинг асл моҳиятини айтиб берман:

79. Кемага келсак, у денгизда ишлайдиган камбағалларнинг кемаси эди. Уларнинг ортида ҳар бир (айбсиз) кемани тортиб оладиган подшоҳ бор эди. Шунинг учун кемани айбли ҳолатга келтириб қўймоқчи бўлдим.

80. Болакайга келсак, унинг ота-онаси мўмин инсонлар эди. У болакай келажакда ота-онасини йўлдан озишга ва кофирликка мажбурлаб қўйишига йўл қўя олмадик.

81. Шунинг учун, яратган Эганг уларга ундан кўра покиза ва раҳм-шафқатда яхшироқ болага алмаштириб беришни хоҳлади.

82. Энди деворга келсак, у шаҳардаги иккита етим болага тегишли эди. Унинг остида уларга оид хазина бор. уларнинг отаси яхши инсон эди. Раббинг уларни вояга етиб, ўзларига тегишли хазинани чиқариб олишини хоҳлади. Бу Раббингнинг яхшилигидир. Мен буларнинг ўзимдан ўзим қилганим йўқ. Сабр-бардош қилишга чидамаган ишларнинг асл моҳияти мана шу.

Иброҳим сураси:

5. Шубҳасизки, “Қавмингни зулматлардан нурга олиб чиқ ва уларга Аллоҳнинг кунларини эслат”- деб, Мусони оятларимиз билан бирга юборганмиз. Албатта, сабр-бардош қилувчилар ва шуқр қилиб ўз бурчини адо этувчилар учун бунда оят-намуналар бор.

6. Бир куни Мусо қавмига шундай деди: “Аллоҳни сизга берган неъматини ёдда тутинглар. Ўшанда У сизларни Фиръавн хонадонидан қутқариб қолган. Улар сизларга ёмон азоб берар, ўғилларингизни ўлдириб, аёл-қизларингизни тирик қолдирар эди. Ана ўша (қутқариш)да яратган Эгангиз тарафидан (берилган) улуг неъмат бор.

7. Ўшанда яратган Эгангиз: “Агар шуқр қилиб ўз бурчингизни бажарсангиз, албатта сизларга (неъматимни) зиёда қиламан. Агар онкўрлик қилсангиз, албатта, азобим қилинган жиноятга боғлиқдир”, деб эълон қилган эди.

8. Мусо яна шундай деган: “Агар сиз ва ер юзидагиларнинг барчаси онкўрлик қилган тақдирда ҳам, Аллоҳни ҳеч кимга эҳтиёжи йўқдир, мақтовга сазовордир.

Бақара сураси:

47. Эй Исроил авлодлари! Сизларга берган неъматларимни ва сизларни замондошларингиздан афзал қилганимни ёдда тутинглар.

48. Ҳеч бир шахс бошқаси учун ҳеч нарса қилолмайдиган, ҳеч кимдан шафоат қабул қилинмайдиган, ҳеч кимдан товон олинмайдиган ва бировга ёрдам берилмайдиган кундан сақланинглар.

49. Сизларга ёмон азоб беришга уриниб – ўғилларингизни ўлдиргизиб, аёл-қизларингизни тирик қолдираётганида сизларни Фиръавн хонадонидан қутқариб қолганмиз. Ана ўша (қутқариш)да яратган Эгангиз тарафидан берилган улут неъмат (бўлган).

50. Ўшанда денгиз билан сизларни орангизни айириб сизларни қутқариб қолганмиз, Фиръавн хонадонини эса кўз ўнгингизда чўктириб юборганмиз.

51. Мусо билан қирқ кеча ваъдалашганимизда, кейин Мусонинг ортидан-ла ҳақсизлик қилган ҳолда бузоғни (илоҳ қилиб) олгансиз.

52. Сўнгра, бурчингизни бажаришингиз учун, ундан кейин сизларни афв этдик.

53. Тўғри йўлга келишингиз учун ўшанда Мусога китоб – фурқон берганмиз.

54. Ўшанда Мусо ўз халқига: “Эй Халқим! Бузоқни (илоҳ) қилиб олиб ўзингизга ҳақсизлик қилдингиз. Энди руҳингизни яратувчиси бўлган зотга тавба қилиб, нафсингизни ўлдиринглар. Руҳингизни яратувчи зотга кўра сиз учун мана шу яхши”, – деди. Шу тариқа, Аллоҳ сизларга тавба имкони берган. У тавбаларни қабул қилади, эзгулик ва неъмат улашади.

55. Бир кун сизлар: “Эй Мусо! Аллоҳни очиқча кўрмагунимизча сенга ишонмаймиз”, – дегансиз. Шунда сизларни яшин урган, сизлар тикилиб қолавергансиз.

56. Сўнгра, бурчингизни адо этишингиз учун, беҳушлигингиздан кейин сизларни яна тургизганмиз.

57. Будутларни тепангизга соя қилиб қўйганмиз, ҳолва ва бедана бериб: “Сизларга эриштирган нарсаларимиздан покизаларини енглар”, – деганмиз. Улар Бизга ёмонлик қилмаган, ўзига-ўзи ёмонлик қилишган.

58. Бир куни сизларга: “Мана шу шаҳарга кириб, хоҳлаган жойингиздан бемалол еб-ичинглар. Амримизга бўйсунган ҳолда дарвозадан кириб: “Гуноҳкорлигимизни олиб ташла” денгларки, хатоларингизни кечирайлик”, – деганмиз. Биз муҳсинларга (имконият ва савобни) кўпайтириб берамиз.

59. Ҳақсизлик қилган-золимлар ўзларига айтилган сўзни ўрнига бошқа нарса деди. Итоатсизлиги учун, ҳақсизлик қилган-золимларга осмондан бало-офат юборганмиз.

60. Мусо ўз халқини сув билан таъминламоқчи бўлганида, унга: “Ҳассангни шу тошга ур!”- деганмиз. Кейин ундан ўн иккита булоқ чиққан ва ҳар бир қабила ўзи сув ичадиган жойини ўрганиб олган. Уларга: “Аллоҳ эриштирган нарсалардан еб-ичинглар, аммо бузғунчилик қилиб атроф-муҳитни булғаманглар” (деганмиз).

61. Бир куни сизлар: “Эй Мусо! Бир хил егуликка чидай олмаяпмиз беролмаяпмиз, яратган Эганга дуо қил, бизга ерда етишадиган сабзавотдан – бодиринг, саримсоқ, мош-ловия, пиёз ундуриб берсин!” – дегансиз. У эса: “Афзал бўлган нарсани ундан пастроқ савиядаги нарсага алмаштирасизларми? Бирон бир шаҳарга тушинглар, у ерда сизлар хоҳлаган нарсалар бор!”, – деган. (Шаҳарга кирмагани учун) Уларни бошларига хор-у зорлик ва чорасизлик тамғаси босилган, улар Аллоҳнинг норозилиги туфайли хор бўлган. Аллоҳнинг оятларини тан олмагани ва ноҳақлик қилиб пайғамбарларни (пайғамбарлигини) ўлдиришгани учун шундай бўлишган. Буйруққа қарши чиқиб, ҳаддан ошишгани учун шундай бўлишган.

62. (Қуръонга) ишонганлар билан яҳудий бўлганлар, насронийлар ва собиинларнинг қайси бири Аллоҳга ва охиратга ишониб, яхши ишларни амалга оширса, уларга яратган Эгаси ҳузурида ҳақ ва эваз бор. Уларга қўрқув бўлмайди, ғамгин ҳам бўлмайдилар.

63. Тепангизга Тур (тоғи)ни юксалтирганимизда: “Сиз-

ларга берганимиз (Таврот)ни маҳкам ушланглар, гуноҳлардан сақланиб қолиш учун унинг ичидагиларни ёдда тутинглар” – деб, сизлардан қатъий сўз олганмиз.

64. Ундан кейин (берган сўзингиздан ва тавротдан) юз ўтирдинглар. Аллоҳнинг сизга нисбатан олийжаноблиги ва яхшилиги бўлмаганида, аниқ хонавайрон бўлар эдингиз.

65. Орангиздаги шанба кунги таъқиқини бузганларни аниқ билгансиз – уларга: “Маймунлардек хор бўлинглар!” – деганмиз.

66. Биз уни ўша даврдагилар ва кейингиларга жазонинг намунаси, ҳамда гуноҳлардан сақланувчиларга насиҳат қилдик.

67. Мусо ўз қавмига: “Аллоҳ сизларга битта бузоқ сўйишни буюрди”, деганида, “Бизни масхара қиляпсанми?” – дедилар. Мусо: “Жоҳиллардан бўлиб қолишдан Аллоҳга сиғинаман”, – деди.

68. Улар: “Яратган Эгангга биз учун дуо қил – уни қандайлигини бизга очиклаб берсин”, – дедилар. “У айтдики: “У қари ҳам эмас, ёш ҳам эмас, у иккисининг орасидаги бузоқ бўлсин экан. Қани энди сизларга буюрилган нарсани адо этинглар”, – деди (Мусо).

69. Улар (яна): “Яратган Эгангга биз учун дуо қил – бизга унинг рангини очиклаб берсин”, дедилар. Мусо дедик: “У айтдики: “У сап-сарик ва қараганларни кўзларини завқлантирадиган бузоқ бўлсин экан”.

70. Улар (яна): “Яратган Эгангга биз учун дуо қил – бузоқ қанақа экан? Бизга яхшилаб очиклаб берсин. Чунки, у (тарифланган бузоқ) бизга таниш туйиляпти, Аллоҳ насиб қилса тўғриси топамиз”.

71. Мусо: “У айтдики: У бузоқ омоч илиниб ер ҳайдаман ва экин суғормаган, эркин қўйиб юборилган, ола-чипори ҳам бўлмаган бузоқ бўлсин экан”,- деганида, улар: “Ана энди ҳақиқий маълумотини келтирдинг”, – дедилар. Натижада бузоқни сўйдилар-у, бироқ, уни сўйиш осон кечмади.

92. Қасамки, Мусо сизларга очиқ-ойдин оят-мўъжизалар олиб келган. Сизлар эса, ундан кейин золимлик (мушриклик) қилиб бузоқни (илоҳ қилиб) олгансиз.

108. Ёки илгари Мусодан сўралган нарсани сизларга юборилган элчидан ҳам сўрамоқчимисизлар? Кимки имон-ишонччи ишонмасликка алмаштирса, у тўғри йўлдан аниқ адашади.

136. Ёки илгари Мусодан сўралган нарсани сизларга юборилган элчидан ҳам сўрамоқчимисизлар? Кимки имон-ишонччи ишонмасликка алмаштирса, у тўғри йўлдан аниқ адашади.

246. Мусодан кейин (яшаган) Исроил авлодининг етакчиларини кўрмадингми? Улар ўзларининг пайғамбарига: “Бизга бир бош қўмондон тайинлаб бер, Аллоҳ йўлида жанг қиламиз!”, – деган. У: “Уриш фарз қилинса-ю, уришмасаларинг-чи?” – деган. Улар: “Биз ватанимиздан ҳайдаб чиқарилган ва бола-чақаларимиздан ажратиб юборилган бўлсак, нима учун Аллоҳ йўлида уришмаймиз-а?” – дедилар. Уларга жанг фарз қилинганида эса, озгинасидан бошқа ҳаммаси (жангдан) бош тортган. Аллоҳ золимларни билиб туради.

248. Пайғамбари уларга шундай деди: “Сизларга сандиқни келиши – Толутнинг бош қўмондонлигининг нишонасидир. Унинг ичида яратган Эгангиз тарафидан сизларни хотиржам қиладиган нарса, ҳамда Мусо ва Ҳоруннинг оиласидан хотиралар бўлади ва уни фаришталар ташийди. Агар ишонсангиз, бунда сизлар учун оят-намуна бор.”

253. Булар элчилардир – улардан айримларини айримларидан афзал қилдик. Аллоҳ уларнинг айримларига гапирди, айримларини даражаларини афзал қилди. Марям ўғли Исога равшан далиллар бердик ва унга Рухул-Қудус (Жаброил) билан қўмак берди. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, кейингилар ўша равшан далиллар келганидан кейин бир-бирини ўлдирмас эди. Лекин, (танлаш ихтиёрини инсонларнинг ўзига топширди ва) улар ихтилоф қилишди. Натижада,

улардан кимлардир ишонди, кимлардир тан олмади – кофир бўлди. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, бир-бирини ўлдирмас эди. Лекин, Аллоҳ Ўзи ихтиёр қилган ишни қилади.

Оли Имрон сураси:

84. Айт: “Биз Аллоҳга, бизга юборилган китобга; Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ҳамда унинг (пайғамбар) набираларига юборилган китобларга; Мусо, Исо ва яна бошқа набийларга Робби тарафидан берилган китобларга ҳам ишондик. (Имон жиҳатидан) Уларни ҳеч бирини бошқасидан ажратмаймиз. Биз Унга таслим бўлувчилармиз.”

Нисо сурасида:

153. Аҳли Китоблар (Имон келтирган китобини яхши биладиганлар) ўзларига осмондан китоб тушириб берилишини сўрашмоқда. Улар Мусодан ундан-да катта талабда бўлишган – “Бизга Аллоҳни очиқчасига кўрсат” – дейишган. Ҳақсизликлари сабабли уларни чақмоқ урган. Кейин ўзларига аниқ-равшан далиллар келса-да, улар ўша бузоқни илоҳ қилиб олдилар. Шунда ҳам ўша ишини афв этдик ва Мусога аниқ ҳужжат (салтанат) бердик.

154. Улардан сўз олиш учун уларни тепасига Тур тоғини ҳам келтирганмиз. Уларга: “Шу эшиқдан бўйин эгиб киринглар!”, деганмиз. Ҳамда: “Шанба кунги тақиқни бузманглар!” – ҳам деганмиз. Улардан (булар ҳақида) қатъий сўз олганмиз.

163. Биз Нуҳга ва ундан кейин келган пайғамбарларга қандай ваҳий қилган бўлсак, сенга ҳам шундай ваҳий қилдик. Иброҳимга, Исмоилга, Исҳоққа, Яъқубга, набираларига, Исога, Айюбга, Юнусга, Ҳорунга ва Сулаймонга ҳам ваҳий қилганмиз, Довудга ҳам забур (китоб) берганмиз.

164. Аввал Биз сенга қиссаларини айтиб берган элчиларга ҳам, айтиб бермаган элчиларга ҳам ваҳий қилганмиз. Аллоҳ Мусо билан ҳам бевосита гаплашган.

Моида сурасида:

20. Ўз вақтида Мусо ўз қавмига шундай деган эди: “Эй халқим! Аллоҳни сизларга берган неъматини доим ёдда тутинглар; Аллоҳ ўз вақтида ораларингизда анбиёлар пайдо қилган, сизларни ҳукмдорлар қилган ва оламлардан ҳеч кимга бермаганини сизларга берган эди.

21. Эй халқим! Аллоҳ сизларга буюрган бу муқаддас заминга киринглар. Орқага қайтиб кетманглар, акс ҳолда, бор бутингиздан айрилиб қоласизлар”.

22. Улар: “Эй Мусо! У ерда жуда ҳам золим бир қабила бор. Улар у ердан чиқиб кетмагунча биз у ерга ҳаргиз кирмаймиз. Улар у ердан чиқиб кетсагина биз у ерга кирамиз.”

23. Аллоҳдан қўрқадиганлар орасидан Аллоҳ уларга неъмат берган икки киши шундай деди: “Уларга шаҳарнинг дарвозасидан ҳужум қилинганлар, шундагина ғолиб бўласиз. Агар Аллоҳга ишониб суянсангиз, Уни Ўзига таянинглар”.

24. Ерга умуман кирмаймиз. Сен ва Роббинг иккалангиз бориб уришинглар. Биз шу ерда ўтириб турамиз”, дедилар.

25. Мусо: “Эй Раббим! Мен фақат ўзим ва укамга эга бўла оламан экан, холос. Биз билан бу фосиқ қавмни орасини айириб қўяқол” деди.

26. Шунда Аллоҳ: “бу муқаддас замин буларга энди аниқ қирқ йил ҳаром қилинди. энди улар бу муддат ичида заминда сарсон-саргардон бўлиб юришади. Сен бу фосиқ қавм учун қайғурма” деди.



ҲОТИМА

Ушбу илмий рисола, ўзида иккала диннинг ақийдавий маълумотларини жамлаган бўлсада, бу ғайридинга даъват эмас, балки уларни ҳам маълумот ўрнида озгина билиш мақсадларини кўзда тутди.

Кунларнинг бирида, Мусо алайҳиссалом тўғрисида илмий мақолага кўзим тушди. Унда Мусо алайҳиссалом қиссаси, тарихи ва ҳаёти ҳақида сўз бориб, охирида баъзи олимларнинг унга доир айтганлари, хулосалари келтирилган эди. Қарасам охирида, Мусо алайҳиссаломни мусулмонлар томонидан илоҳийлаштирилган деган умумий хулосага кўзим тушди. Бу мени жунбушга келтирди ва тану баданимни титратди. Бир мусулмон киши учун, Мусо алайҳиссалом унчалик эътибор касб этмасада, унинг баёни Аллоҳ таолонинг муборак каломида келтирилиши катта бир мўжиза. Мўжиза дейишимга сабаб, унда, деярли минг йиллар олдин содир бўлган Бани Исроил қавмининг Мисрдан чиқиб кетиш тарихининг ёзилганлигидир. Дахрий (атеист) олимлар томонидан Мусо алайҳиссаломнинг афсоналаштирилган деган гап, худдики, Қуръони Карим ва унда баён этилганлар уйдурма дегандек туюлди. Шунда билдимки, дунёда диний эътиқодга эмас, илмий далил ва исботларга ишонадиган олимлар кўп экан. Улар ҳам кўп, ҳам динсиз бўлиши билан бирга, ўзининг атрофига ҳам кўплаб ҳамфикрларни йиғиши аниқдир. Шунинг учун, мен, Мусо алайҳиссаломни нафақат муборак динимизда баён этилган пайғамбар, балки, ҳақиқа-

тан яшаб ўтган инсонлигини исботлаш изига тушдим. Илмий далиллар, тадқиқотларни ўрганиб чиқдим, даврини аниқлашга киришдим. Билсам, Мусо алайҳиссалом тўғрисида илмий тадқиқотлар умуман оз экан. Шунинг учун, тадқиқотга чуқур ёндашдим. Ўша пайтда содир бўлган ҳар бир ҳодисани илмий қолипга солиб, таҳлил қилиб чиқдим ва ҳар тадқиқотимнинг натижасини ёзиб бордим. Қадимги Миср тарихи, цивилизацияси, дини, жамияти, турмуш тарзи ва ёзувлари ўрганилди. Яҳудийликдаги ва Тавротда келтирилган Мусо қиссасини қиёсий таҳлил қилинди. Охирида эса, ана шундай, динимизга тош отиб ундаги келтирилган қисса ва баёнларга доғ туширадиган, уларни уйдурма деб айтгувчи олимлар ва уларнинг таърафдорларига илмий раддия бердим.

Уларга раддия беришим учун, менда етарли илмий асос ва исботлар бор эди.

Энг асосийси, бундай ҳолат бир марта бўлган бўлса, яна бўлиши эҳтимоли бор. Шунинг учун ҳозирда исломшунос, диншунос, олиму уламолар тинмасдан илмий фаолиятлари билан шуғулланиб мавжуд муаммоларга қаратишлари ўринли ҳисобланади. Динимизга ёғилаётган тошлар ва асоссиз сўзлар, ундан ташқари вужудга келаётган ҳар хил оқимлар, мафкуравий ва маънавий таҳдидлар, мусулмон сифатида ҳар биримизни ташвишга солиши керак. Уларга қарши туриш учун эса, барчамиз дин илмларини, фикҳ, ақоид, тавҳид, калом, ҳадис илмлари, унга алоқадор бўлган тарих, социология ва психология каби илмларни ўрганиб, ибодат ва ҳидоятда бардавом турмоғимиз лозимдир.

Тадқиқотлар яна давом этади, рисоланинг кейинги 2 томида Мусо алайҳиссаломнинг Тур тоғида Тавротнинг қабул қилиши, Аллоҳ таолонинг жамолини кўришлиги-

ни сўраши, унинг замондошлари бўлган Юъша ибн Нун ва солиҳ банда (Ҳизр) ларнинг ҳаёти келтирилади, Бани Исроилнинг то ўзларига ваъда қилинган жойга бориб етишларигача бўлган воқеаларнинг илмий кўриниши яъни тадқиқотлари ўрин олади.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло барча илм талабидаги бандаларини, илм ва ирфон нури ила мусаффо айлаб, иймонини мустаҳкам айлаб, барчамизни ўзининг муборак жамолини кўришлик баҳтига муяссар этсин!

Унинг ҳабиби ва Расули, йўлбошчимиз ва ҳаммадан азизимиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга денгиз томчилари ададича саловат ва саломлар ёғдириб турсин, Омин...

Бобурбек Эгамберганов

05.01.2022 йил

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муҳаммад Сайид Тантовий “Пайғамбарлар тарихи” (1,2,3 ва 4 жилдлар) 2019, ISBN 9789943269323.
2. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси.
3. Муқаддас Китоб.
4. Дамин Жумакулнинг “Мусо алайҳиссаломнинг муҳта-рама оналари” мақоласи.
5. Е.Н.Райкина. курс и. “Эхнатоннинг диний - сиёсий фа-олияти”.
6. Ю.Я.Перепёлкин. История Древнего Египта. СПб.
7. А.Н.Швечиков. Философско – религиозный смысл со-циальных институтов древнего Египта.
8. В.В.Солкин. – Древний Египет, энциклопедия. – М., 2005.
9. Пиотровский М.Б. Муса. Ислам: энциклопедический словарь. 5-02-016941-2.
10. Ализаде А.А. Муса. Исламский энциклопедический словарь. 2007. 978-5-98443-025-8.
11. Kaniewski, David. Environmental Roots of the Late Bronze Age Crisis. 2013. Vol – 8. PMID 23967146 PMC 3743901.
12. Эдершейм А., Ветхий Завет Библии История, перво-начально опубликовано 1876 1887, ISBN 156563165X, стр. 134.
13. The Bible Unearthed by Neil Asher Silberman and Israel Finkelstein (Simon and Schuster, New York, 2001).
14. Библейская энциклопедия архимандрита Никифо-ра. 1891-1892.
15. Иосиф Флавий. О древности еврейского народа. Книга первая.
16. Манефон. История Египта.
17. The Bible Unearthed by Neil Asher Silberman and Israel Finkelstein (Simon and Schuster, New York, 2001).

18. Эрих Церен. Библейские холмы. пер. с нем. Н. Шафровой 5-275-00797-3.
19. Gae Callendar, The Eye of Horus: A History of Ancient Egypt, Longman Cheshire. 1993.
20. Drews, The End of the Bronze Age: changes in warfare and the catastrophe 1200 BC. 1993.
21. Федяев. А.П. – «Эхнатон и культура Древнего Египта» статья.
22. Von Beckerath J. Handbuch der ägyptischen Königsnamen. – München: Deutscher Kunstverlag.
23. Христианство. Энциклопедический словарь. 1-3 т./ 1993-1995 г.
24. Комэй Дж. Кто есть кто в Ветхом Завете. М. 1998 г.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Илм – исломни мустаҳкамловчидир	8

I БОБ. ИСЛОМ ДИНИДА – МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ

Муҳаммад Сайид Тантовий талқинида Мусо ва Ҳорун алайҳимуссалом қиссаси.....	14
Мусо (алайҳиссалом) билан Фиръавн ўртасидаги мунозара ва қизғин тортишувлар.....	62
Мусо (алайҳиссалом) билан сеҳргарлар ўртасидаги қизғин кураш ва тортишувлар	90
Фиръавн ва аъёнларининг Бани Исроил қавмига нисбатан жабр-зулмларининг кучайиши.....	110
Фиръавн ва қавмининг турли мусибат ва кулфатларга дучор бўлиши	121
Бани Исроил қавмининг Мисрдан чиқиб кетиши ва Фиръавннинг сувга ғарқ бўлиши	137
Шуайб алайҳиссалом қиссаси	153
Мусо алайҳиссаломнинг онаси – Якубайт.....	175
Мусо алайҳиссаломнинг онаси – Осиё бинт Мазохим.....	185

II БОБ. ЯҲУДИЙЛИК ДИНИДА – МУСО ПАЙҒАМБАР

Яҳудийлик динида Мусо алайҳиссалом шахси ва унга оид манбаларни ўқишга кўрсатмалар.....	190
Мусо пайғамбар шажараси	194
Мусо пайғамбар ҳаёти ва қиссаси	194
Илк ваҳийнинг келиши.....	198
Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом) – Фиръавн олдида.....	201
Мисрга ёғилган балолар	205
Мусонинг отаси – Амрам.....	214
Мусонинг онаси – Иохаведа	215
Мусонинг онаси – Бифъя	216
Мадян қавми	218
Мусонинг қайинотаси – Итро.....	218
Мусонинг аёли – Ципора.....	219
Мусонинг акаси – Аарон ёки Ҳорун.....	219

Расулудлоҳнинг Мусо алайҳиссаломдан улуғлиги.....	221
Ислоом – ўзидан олдинги динларнинг хотимаси ва мукаммалидир	222

III БОБ. МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ ҲАЁТИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Фан ва Мусо (алайҳиссалом) билан боғлиқ тадқиқотлар...	226
Фан назариясида Мусо (алайҳиссалом) шахси	231
А.Эдерштеймнинг таҳмини.....	236
Мернептаҳ ёдгорлигида Бани Исроил қавми	236
Мусо (алайҳиссалом) шахсининг келиб чиқиши ва методологияси	241
Мусо (алайҳиссалом)нинг шахс психологияси ва социаллашуви.....	250
Мусо (алайҳиссалом) ҳаёти ва фаолиятининг илмий далиллари.....	255
Маҳмуд аз-Замаҳшарий ва унинг “Ал-Кашшоф” асарида “Юнус” сураси 92-оятининг тафсири	270
Қадимги Миср фиръавни Аменхотеп IV (Эхнатон) даврида монотеизм (яккахудолик)нинг вужудга келиши	277
Қадимги Миср фиръавнлари хронологияси.....	287
Қадимги Миср фиръавнларининг сакрализацияси (Илоҳийлаштирилиши).....	293
Мусо алайҳиссалом даврида – герметизм (сеҳргарлик)	304
Мусо алайҳиссалом даврида сегрегация ва гендерцид ҳолатлари.....	309
Мусо алайҳиссалом даврида Мисрга ёғилган офатларнинг экологик таҳлили	314
Динофлагеллят бактерияси сабаб Нил дарёсининг қонга айланиши	318
Мусо (алайҳиссалом) даврида вабо	323

IV БОБ. РИСОЛАНИНГ БАРЧА ҚИСМЛАРИГА ИЛОВАЛАР

Қуръони Каримда Мусо алайҳиссалом номи зикр қилинган оятлар.....	332
ХОТИМА	353
Фойдаланилган адабиётлар	356

Диний-маърифий нашр

Бобурбек Эгамбергaнов

**ҚАДИМГИ МИСР
ВА
МУСО АЛАЙЎИССАЛОМ**

(Қиёсий диншунослик фанларига асосланган)

*Диний ва илмий манбалар асосидаги
оммабон рисола*

Дизайнер

Файзулло Собиров

Саҳифаловчи

Муҳаррам Зойитова

Нашриёт лицензияси АИ № 303 21.06.2017.

«Zilol buloq» нашриёти. Тошкент ш., Қамарнисо к., 3-уй.

Босишга 27. 06. 2022 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. Гарнитура “Palatino Linotype”. Офсет босма.
22,5 нашр т., 25,75 босма т. Адади 150 нусха. Буюртма № 380.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«SAYDANA-PRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.

Тошкент ш., Қамарнисо к., 3. e-mail: Saydana-print@mail.ru

Тел.: +99899 862-08-43; +99891 162-08-43.